

# ШЕРЛАРНИНГ УЙҒОНИШИ



Уйғон ва ўз дунёнгни ўзгартирип

ЛИЗА  
БИВЕР

Азизлар,

Худо Ўз қызларини мақсад, интилиш ва жасоратни қўлга киритишга чорлаган. Кўпчилигимиз ҳаддан зиёд вақтимизни панада мудраб ўтказдик. Бугун Худо бизни уйғонишга, туришга ва бу дунёни ўзгартиришга чорламоқда. Ҳар биримиз, бизни ўраб турган дунёга ижодий ва стратегик тарзда таъсир этиш учун яратилганмиз.

«Шерларнинг уйғониши» – бу сиз манашу вақт учун яратилганингиз ҳақидаги Раббий томонидан руҳлантирилган сўздир. Худо бу мактуб орқали айтганларининг бари, мени мустаҳкамлади ва ҳаётимнинг ҳар битта соҳасини бошқатдан кўриб чиқишига унади. Мен дунё бўйлаб, кучга тўлишаётган ва бу ваҳий орқали, Худо уларнинг юрагига гапираётган нарсаларни тушунган ҳолда хизматга кирган сон-саноқсиз опа-сингиллар ҳақида эшитганман.

Бу китоб орқали сиз ва бошқа раҳбарларга белгиланган, менинг муҳаббатим ва ғамхўрлигимни қабул қилинг. Онлайн тарзида тақдим этилган бу ва бошқа манбаларни, барча ўзингиз билган кишилар билан бемалол бўлишинг. «Шерларнинг уйғониши» зулматни тарқатиб юбориш, умидсизларни қутқариш ва Худонинг Шоҳлигини биргаликда шу ерда намойиш қилишни ўргатишига ишонаман.

Қадрли опа-сингиллар, бу мактуб мендаги севгини, раҳбарлик ролимни, хизматимни ва бағишловларимни абадийга ўзгартириб юборди. Сиз ҳам ушбу саҳифаларда Худонинг юрагидаги нарсаларни топиб, ўзгаришингиз учун ибодат қилиб қоламан. Бу мактуб сизга ва сиз руҳан ғамхўрлик қилаётган одамларга, қай тарзда таъсир этгани ҳақида эшитишига бажонидил тайёрман.

Самимият билан,



Лиза Бивер  
LisaBevere@ymail.com



# **ШЕРЛАРНИНГ УЙҒОНИШИ**



“Шерларнинг уйғониши” китоби, ҳар битта аёлга Худо томонидан жойланган ҳайратли куч ва гўзалликни кўриш имконини беради. Бу китоб сизнинг юрагингизда шерни уйғотади ва кундалик ташвишлардан устун бўлиб, Худога иштиёқ билан хизмат қилишга ундейди.

Оммабоп ёзувчи ва Муқаддас Китоб ўқитувчиси,  
— Жойс Майер

Лиза Бивер шунчаки баландпарвоз ҳақиқатларни эълон қилиб қолмай, шунингдек, ўзи ҳам шернинг ҳаёти билан яшайдиган инсон. У бағишлиган масихий, садоқатли хотин, жасур она, дадил нотик ва ажойиб ёзувчи. “Шерларнинг уйғониши” Худонинг Шоҳлигини ерда ўрнатиш ишидаги, сиз учун Худо томонидан белгиланган ролни бажаришга рухлантиради. Бу китоб барча ўқиган китобларимизнинг ичida энг рухлантирадиган китоб.

*LIFE Today* дастурининг бошловчилари,  
— Жеймс ва Бэтти Робисон

“Шерларнинг уйғониши” сизга Худо томонидан жойланган улуғворлик уруғларини уйғотишга ундейди. Лизанинг бошқаларни рухлантириш қарори, ўзингизда қадр-киммат, даъват ва ҳайратли инъомларни очишга ёрдам беради. Бу очилган ҳақиқатларни, сизни ўраб турган дунё билан бўлиша олишингиз мумкин.

Техас, Хьюстон,  
*Lakewood* жамоатининг чўпонларидан бири,  
— Виктория Остин

“Шерларнинг уйғониши”да Лиза Бивер қаршимизда, уйғоқ масихий аёллар ўзининг таъсир доирасидаги барча соҳаларга – шахсий ҳаёт, жамоат ва дунёга қандай хисса кўша олишининг ақл бовар қилмас манзарасини чизмоқда. Бу китоб ўқувчини, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиб, ўз ҳаётидаги Худонинг даъватини англаб етишга рухлантиради.

Флорида, Жексонвилль,  
*Celebration* жамоатининг бош чўпони,  
— Столов Уимс

Лиза Бивер барча аёлларни уйғонишга ва Худо уларга бераётган кучни қабул қилишга чорлаяпти. Ҳозир ҳаётингизнинг қайси даврида бўлишингиздан қатъий назар, “Шерларнинг уйғониши” ичинингиздаги куч, жасорат ва Худо томонидан белгиланган йўлни кўра олишга имкон яратади.

*Fellowship* жамотининг чўпони ва “Сен! Сенинг қадрингнинг тубига саёҳат” китобининг муаллифи,  
— Эд Янг

“Шерларнинг уйғониши” асаби заифлар учун эмас. Бу мактуб аёлларни, енгларини шимаришга, қўлларини булғашга, бу дунёning оғригини ўзига олишга, яраланган, тушкун ёки синганларга Исо Масихнинг шифоловчи хузурини олиб келишга чорловдир. Агар сиз ўзингизда йўқ бўлган нарсалар ортидан қувишдан чарчаган ва ҳәтингизни, ўзингизда бори билан бўлишишга бағишлишга тайёр бўлсангиз, бу китоб сиз учун.

*Watoto Child Care Ministries*нинг асосчиси,  
— МЭРИЛИН СКИННЕР

Лизанинг шер ҳақидаги очиқлиги бир вақтнинг ўзида ҳам муҳим, ҳам долзарбdir. Бутун дунё бўйлаб Худонинг ажойиб, дадил аёлларининг авлоди кўтарилаётганини кўряпмиз. Қолаверса, Муқаддас Рухнинг инояти билан кучда ва аминликда тикланган ва жамоатнинг муқаддасгоҳида шифоланган шерлар тўдасини кўряпмиз. Ҳокимиятсевар эмас, балки меҳрибон ва ғамхўр, ўз қадрини биладиган ва шунга кўра яшайдиган аёлларни кўряпмиз. Кўрқиб, яшириниб яшайдиган жонзот эмас, балки юрагида янги қўшиқка эга, Масихдаги ҳар томонлама озодлик қўшиғига эга аёлларни кўряпмиз. Уйғонаётган шер мана шундай жасур ғалабакор ҳисобланади.

Бу ҳаяжонга соладиган китоб, бугунги муаммоларнинг ечими бўлишга чанқоқ бўлган, ҳар битта аёл учун белгиланган. Умид қиласманки, Лиза сизнинг дикқатингизни Яхудо қабиласининг Улуғвор Шери – чинакам Аслан – Исо Масихга қаратган чоғда, ичингиздаги ўқиришни топасиз.

С3 жамоатининг бош чўпони,  
— КРИС ПРИНГЛ

“Шерларнинг уйғониши” Лизага Худо томонидан руҳий қонунларни ёритиш қобилияти берилганини намойиш этади. У бунга асосланиб, аёллар жасур ва ажойиб шерлар сифатида кўтарилаётган дунёни тасвирлаган, чунки улар шундай қилиб яратилган.

*The A21 Campaign*нинг асосчиси,  
*Equip & Empower Ministries*нинг раҳбари,  
— КРИСТИН КЕЙН

“Шерларнинг уйғониши”да Лиза Бивер бизнинг дикқатимизни аёлларнинг туғма жасорати, химоя туйғусига қаратмоқда ва уларнинг ўз даъвати ҳамда яқинларининг даъвати учун жангдаги кучини намойиш этмоқда. Лиза сизни тушкунликнинг қурбонига айланиб қолмаслик, балки кучни қабул қилиш, ботирликни ривожлантириш ва бу дунёга таъсир кўрсатиш учун Худонинг иноядаги кучда харакатланишга ўргатади деб умид қиласман.

Виржиния, Норфолк,  
*Calvary Revival* жамоатиниг бош чўпони,  
— ЕПИСКОП КОРТНИ МАКБЕТ

# ШЕРЛАРНИНГ УЙГОНИШИ

Уйғон ва ўз дунёнгни ўзгартиր

ЛИЗА  
БИВЕР

Lioness Arising by Lisa Bevere in Uzbek

© 2020 Messenger International

[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)

Originally published in English as Lioness Arising

Additional resources in Uzbek by John & Lisa Bevere

are available for free download at: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)

To contact the author: [LisaBevere@ymail.com](mailto:LisaBevere@ymail.com)

«Шерларнинг уйғониши» Лиза Бивер, Ўзбек тилида,

© 2020 Messenger International

[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)

Биринчи марта инглиз тилида «Lioness Arising» номи остида нашр этилган.

Лиза Бивернинг Ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини қуидаги сайтда

бепул юклаб олиш мумкин: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)

Муаллифнинг алоқа учун электрон манзили: [LisaBevere@ymail.com](mailto:LisaBevere@ymail.com)

## **Багиилов**

*Ичида қандаидир ёввойи,  
жасур ва ажойиб нарса уйгонаётганини ҳис этаётган  
барча шер опа-сингилларимга багииланади.*



*Сиз ажойибсиз!  
Сиз манашу вақт учун түгилгансиз.  
Үз кучингиздан, саволларингиздан ёки билимингиздан құрқманғ.  
Уйгонинг, туринг ва нима учун яратылған бүлсангиз, шу нарсани  
ұзингизда намоён этиши учун таваккал қилинг.*



## **Мундарижка**

1.	Шерни уйғот .....	11
2.	Үрганилмаган күч.....	27
3.	Уйғоқ ва хавфли.....	45
4.	Күркүв ва ҳайрат .....	65
5.	Хизмат учун күч .....	85
6.	Бизнинг мақсадимиз битта .....	97
7.	Қарши олиш ва мулозамат.....	119
8.	Шерлар режа бүйича фикарлайды ва ҳаракат қиласы.....	135
9.	Шерлар ёруғликда яшайдилар, қоронгуликтада эса овга чиқадилар .....	157
10.	Арслон билан сайр қилиш .....	191
11.	Пичирлашдан ўкиришга ўтиш .....	207



## Шерни уйғот

Табиат бизни озод килиш йўлида рух билан  
келишув тузган.

Ральф Уолдо Эмерсон.



**1** 994-йил, хаётимнинг ўша давридаги одатий кечаларидан бири эди. Уйимни тартибга келтириш йўлидаги барча уринишларим бефойда бўлгач, ўзим истагандан анча кечроқ жойимга ётдим. Ўшанда учта фарзандга эга эканим, яна ҳомиладорлигим учун кечалари тезда қаттиқ уйқуга кетар эдим. Мен кўзимни юмишним билан ухлаб қолар, эрталаб эса соатнинг жиринглаши, болаларнинг шовқини ёки хонамга кириб келган күёшнинг ёрқин нуридан уйғонар эдим. Бироқ ўша кеча қаттиқ уйқуга кетган бўлсам ҳам, ҳали тонг отмасдан бутун борлигим жумбушга келган ҳолда уйғониб кетдим.

Ушбу саҳар пайти мен аниқ ва гайриоддий туш кўрдим. Умуман олганда туш деб, аслида менга қиёфа ва соя бўлиб кўринган, аммо одатдагидан бошқача тарздаги очиқликни назарда тутяпман. Мен тез-тез туш кўраман, лекин бунчалик равшан ва аниқ тарзда ҳеч туш кўрмаганман. Тушимдаги дунёда худди ҳаммаси ўнгимда содир бўлаётгандек эди. Қаршимда бошқа дунёга тегишли манзара пайдо бўлди. Мен бошқа дунёда юрганимни хис этдим. Мен Осмон Шоҳлигининг ёрқин, лекин кўзни қамаштирумайдиган бир жойида турар эдим.

Ёруғлик ҳар томондан қўйилиб келар ва ҳамма жой нурли эди. Туман ёки соя йўқ эди, фақат Худонинг нури чараклар эди. Бу ёрқин ранглар билан тўйинган нур шукадар тусланар эдикى, мен буни таърифлашга ожизман. Нимранглар қават-қават бўлиб, кўп киррага эга эди. Нимагадир мен (бизницидан фарқ қиладиган) бинафша ва ҳаво рангни кўпроқ эслаб қолдим. Қаерга қарамай, бўёқларнинг охири ва чети йўқ эди, шундай бўлса-да, улар юқорида оқ-сариқ рангли ҳашаматли тошда ўтирган, олтин рангли шерга ишора қиласкан.

У шубҳасиз ўз зотининг безаги – улугвор, қудратли ва муҳташам эди. Шер қимирламас эди, аммо у тирик эканига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. У нафақат тирик эди, у ерда мен кўрган тирик ҳайвонлардан ҳам тирикроқ эди. Унинг боши кўтарилган, лекин зўрикмаган ҳолда, олд оёқларини олдинга чўзиб турарди. Юнги ва кўзлари олтиндек товланар эди. Мен унинг тўқ малла рангли силлик териси остидаги тарапт мушакларининг ҳар битта тизмасини кўра олардим. Ушбу ҳашамат билан қимирламай турган шер, бизнинг дунёмиздаги шерлардан анча бақувват, ажойиб ва кучлироқ эди. Мен илохий тимсолга қараётганим ҳакидаги фикрдан шайдо бўлар эдим.

Ҳайратомуз баландликнинг олд қисмида Сонлар XXIII деб ўйиб ёзилган эди.

Шернинг олдида ўзимни кичик, аҳамиятсиздек ҳис этдим, у ердаги ҳузуримни эса – ғалати ва ўринсиз сездим. Мен бамисоли ўз танамдан ажратиб олингандек эдим, ҳатто ҳомиладорлигим ҳакида умуман унутиб юборган эдим. Мен кўриш, тушуниш, диққат билан кузатиш ва шу йўл билан менга мавҳум бўлган нарсанни ўрганиш учун ўша ерда эканимни билар эдим. Мен бу кўрганларимнинг мазмунини англаб олишим зарур эди. Шер билан бирга ёлғиз турганимга қарамай, мен ҳеч нарсадан хавотирни ҳам, кўрқувни ҳам сезмасдим. Мен факат кўрганларимдан ҳайратда, руҳим бундан жўш урган ҳолда, содир бўлаётган нарсаларга дахлдор бўлиб қолгандек эди. Мен имкон қадар атрофимдаги барча нарсанни ўзимга сингдирадим. Шу пайт ортимда қаердандир янграган овозни эшилдим: “Манашу ўғлинг туғилиши билан ичингдаги шер уйғонади”.

Тилла рангли ёғду ичиди, ҳашамат ва маҳлиёлиқда ҳаммаси тугади. Ундан кейин эрталаб бўлиб, уйқумдан тўлиқ уйғонганим эсимда.

Менинг ҳисларим қўрқувдан эмас, балки бошдан кечирган ҳаяжондан жунбушга келган эди. Мен ҳозиргина ниманинг гувоҳи бўлдим? Бир мунча вақт ўтгач, биз яшаётган дунё ҳақиқий, абадий ва мукаммал самовий дунёнинг қисман ваҳийига ёки соясига эга бўлган вақт билан чекланган эканини тушуниб етдим.

## ШЕР КАБИ КЎТАРИЛ

Тонготарда уйқумдан уйғониб, юрагим тез уриб ва бутун вужудим титраб, Худо мен кундалик ташвишлар ичидаги осонгина қўлдан бой берип қўйишим мумкин бўлган нарсани, шер ҳақидаги бу очиқликни кўрсатганини сездим. Бироқ У бор дикқатимни тортди. Мен қалбимнинг ҳар бир заррасига қулоқ солардим. Менинг хонам ўзимга нурсиз ва бўм-бўш, ҳозиргина гувоҳи бўлганларимнинг яққол чаппаси бўлиб кўринарди. У дунёдаги баланд овоз билан таққослаганда, эрталабки овозлар бўғиқ бўлиб туюларди. Мен қотиб турар, кимирлашдан ва бу ваҳийнинг сўнгти лахзаларини йўқотиб қўйишдан кўрқардим. Кўзларимни юмдим. Ҳа, шунда ҳаммасини қайтадан кўрдим: шер, баландлик, ёзув, рангли манзара ва овоз.

Бир қанча вақт ўтиб, юрагим ҳовуридан тушишни бошлади, мен енгил тортдим ва кўзларимни очдим. У ерда ёзилган ёзувга қизиқиб, каравотимдан турмай, Муқаддас Китобга чўзилдим. Бу Муқаддас Китобдан аниқ бир боб ёки оят билан боғлиқми ёки йўқлигига қизиқдим. Агар шундай бўлса, Сонлар китоби 23-бобда нима дейилган? Таржимоннинг сарлавҳаларини ўқиб ва бу Балаамга бағишлиланган матн эканини кўриб, юрагим қинидан чиқиб кетди. Бу одам Худонинг пайғамбари, лекин манфаатпараст инсон бўлган. Мен 19-оятгача деярли хеч нарсани ҳис этмаган ҳолда матнни ўқишида давом этдим:

“Худо одам эмаски, алдаса ва инсон ўғли эмаски, ўзгарса. У гапириб, айтганини қилмайдими? Ёки сўзлаб, уни амалга оширмайдими? Мана, мен дуо килиш буйругини олдим. Зеро у дуо қилди ва мен буни ўзгартира олмайман. Ёқубда кулфат назарга тушмаяпти ва Истроилда баҳтсизлик кўринмаяпти. Раббий Унинг Худоси у билан бирга ва шоҳона карнай овози уларнинг орасидадир. Худо уларни Мисрдан олиб чиқди. Яккашохнинг кучи унладир. Ёқубга

карши жодугарлик йўқдир ва Истроилга қарши хеч қандай афсун йўқдир. Ўз вақтида Ёқуб ва Истроил ҳақида шундай дейишади: “Мана, Худо нимани амалга оширди!” (Сонлар 23:19-23)

Бу сўзлар Худонинг садоқати ҳақида жуда кўп нарсаларни гапиради. Унинг ваъдалари барқарор ва мустаҳкам, Унинг марҳаматлари ўзгармас. Худонинг садоқати туфайли Истроил жодугарлик ҳамда лаънатнинг ифлос ва бузук оқибатларидан ҳимояга ва озод келажакка эга эди. Буларнинг бари мен аввалдан билган ҳақиқатларни эслатарди, бироқ кейинги оят мени ларзага солди.

“Мана, бу халқ улкан шер каби ўрнидан турари ва арслон каби кўтарилади. Ўлжасини еб тутгатмагунича ётмайди ва ўлдирилгандарнинг қонини ичиб тўймайди”.

(Сонлар 23:24, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Мен бу юпқа варақда ёзилган шафқатсиз сўзларни титраб ўқидим: “...шер каби ўрнидан турари ва арслон каби кўтарилади...”. Бамисоли кўз ўнгимга қўйидагича манзара келди: шер ва арслон ўтда ётган жойидан турмоқдалар. Улар кўтарилганларида, бу осойишта сурат ҳаяжонга соладиган тарзда жонланди. Шерлар ўз ҳолатини ўзгартирганини барча жонзот ҳис этди ва шунинг учун диққат билан уларни кузатишни бошлади. Тилла рангли шерлар энди уйқуда эмасдилар: улар керишиб, ҳавога нафас чиқарап ва ўз майдонини кўздан кечирарди, улар жойидан қўзғалишга шайланиб турардилар. Эҳтимол, улар оч ёки улар ўрнатган чегарани бузган душманнинг хузуридан тинчи бузилган эди. Демак, бу ерда хўжайин кимлигини кўрсатиб кўйиш вақти келди.

Шерлар турганидан бүён, то ҳаракатланишни тўхтатмагунларича, саросима босилмас эди. Борди-ю шерлар безовталиқда бўлсалар, қолган жонзотлар то шер ўз ўлжасини тутиб олиб, қорнини тўйғизмагунича, тинчлана олмайдилар.

Улар ўрнидан турганида мен ҳам ўз руҳимда уларнинг кучини ҳис этдим. Ким ҳам уйқудан турган шер ва арслонлар ҳаракатланаётганини ҳамда ўрнидан турганини кўриб, танг ва ишғол ҳолга тушмайди? Бу манзарага узоқ қараб бўлмасди. Бу мен учун нимани англатар эди? Бу тилла рангли ёввойи қудратнинг менга қандай алоқаси бор?

Бу күриниш мени ўзига ҳам тортар, ҳам ўзидан итаарди. Менга шерларнинг мушукчаларга ўхшаб, қүёшда тобланишини томоша қилиш ёқар эди, бироқ уларнинг ов қилиш ва ўлдириш тасвиirlари кўркитар, ҳатто нафрат уйғотар эди. Мен *National Geographic* ёки *Wild Kingdom* кўрсатувларини томоша қилганимда, катта мушуклар антилопа ёки зебраларни еган пайтларида кўзларимни юмиб олардим.

Бу фикрлар онгимдан ўтганида, кечаги тушдаги сўзлар ёдимга тушди: “Манашу ўғлинг туғилиши билан ичингдаги шер уйғонади”. Бу нимани англатиши мумкин? Мен кучли, кўрқмас шер билан қаравотимда ўтирган ҳомиладор, катта аёлнинг ўргасидаги алоқани кўрмас эдим. Мени шер деб аташ кулгули эди. Мен сояли маҳсулотлар ер эдим ва умуман гўшт емайдиганларнинг туридан эдим. Мен йиртқич ҳайвон эмасдим. Менинг онгим сиғдира олмайдиган ҳамма нарса тўғридан-тўғри мени даҳшатга соларди, кўпинча мен одамлар билан учрашиш пайти ўзимни қатъиятсиз сезардим. Мен айниқса, кучли ва ўзига ишонадиган аёллардан ҳайиқар эдим.

Ҳомидорлик мен ҳеч нарса билан шуғулланмаслигим учун бир баҳона эди. Тўртинчи ўғлимга ҳомиладор бўлишдан бир неча ой олдин, бир қайнок ибодат вақтида, мен барча эътирозларимни бир четга сурис, Худога шундай деган эдим: “Мен розиман! Ўзимни Сенга бағишлайман. Ҳаётимда Сенинг ироданг бажо бўлсин! Мен Сенинг айтганларингни бажараман. Агар истасанг, аёлларга ҳам хизмат қиласман”. Аслида ўша пайтда аёлларга қандай мактуб айтиш ҳақида умуман тушунчага эга эмасдим.

Ҳомиладор бўлгач, барча ваъдаларим йўққа чиқди деб ўйлаган эдим. Худо берган вазифага рози бўлганим, Худо Иброҳим ўғли Исҳоқни қурбонликка келтиришга тайёрлигини синаганидек, менинг ҳам тайёрлигимни кўриш учун уюштирган синов бўлган деган фикр га келдим. Эҳтимол, ўз тайёрлигим учун кўшимча очко оларман, лекин ҳеч қачон ўз ваъдамни амалга оширишга имкон бўлмайди.

Аммо ўша тушдан сўнг, берган ваъдам ўз кучида қолганини тушуниб етдим.

Ўғлим ҳақидаги сўз нимани билдиради?

Чунки ҳомиладорлик вақтим мен қиз кутяпмиз деб ўйлаган эдим.

Мени кўрганларнинг ҳаммаси, сен қиз туғасан деб айтар эди. Ҳеч ким ўғил туғилишини ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Ёлғиз мен сирли равишда яна битта ўғлим бўлишига умид қилар эдим.

Мен ўз кулоқларимга ишонмай, бошимни чайқадим. Борди-ю, тушимда кўрганларимдан бирортаси ҳақиқат ва мен қандайдир шерга айланишим кўзда тутилган бўлса, унда яна бирор киши, албатта, ушбу яқинлашиб келаётган ўзгаришларни сезган бўларди. Бу тушга чиндан ҳам яна бир жиддий тасдиқ керак эди.

## ТАСДИҚНИ ИЗЛАБ

Бир неча ҳафтадан сўнг, шахримизга мен жуда ҳурмат қиласиган бир хушхабарчи аёл келди. Бу мен учун имконият эди! У мени ва яна бир ҳомиладор дугонамни бирга тушлик қилиш учун чақирди. Менинг дугонам муваффақиятли тадбиркор аёл эди. Унинг имонга келиши кескин тарзда кечди ва ўз худуди – Осиёни хушхабар воизликлари билан оёққа кўтарди. Эҳтимол, шер ҳақидаги туш у учундир?.. Мен тушлик пайтида гап орасида бу ҳақда айтишни ва унинг муносабатини кузатишни ўйлаб қўйдим.

Биз ажойиб серкүёш кунда Флоридадаги *Winter Park*да тушликка бордик. Уччаламиз шаҳарни бироз айланганимиздан сўнг, ниҳоят ўзимни ўтиришга мажбурладим ва харид пайти бизнинг дўстона сухбатимизда қандай килиб, шер ҳақида гап очиш ҳақида ўйлашни бошладим. Кейинроқ, биз тамадди килаётганимизда менда имконият туғилди.

Дугонам қизча кутаётганини айтди, хушхабарчи аёл эса менда ҳам қиз бола туғилиши мумкинлигидан хурсандлигини таъкидлади.

– Бу бола ҳам ўғил туғилсачи? – деб сўрадим мен.

У мен умуман бундай бўлиши мумкинлигини айтганимдан ажабланди ва менинг ўзи учта ўғлим борлиги, Жонга эса жонқуяр қизалоқ кераклигини айтди. Айнан ўша пайти шер ва ўғил бўлиши ҳақидаги тушимни айтишга қарор қилдим.

Мен буни айтишимдан маъно борлигига аминмас эдим. Умуман олганда, бунинг маъноси йўқ эди. Устига-устак бунга ҳали ўзимнинг ҳам ишончим комил эмасди. Бу ваҳий эканини билардим, аммо ичимдаги саросима туфайли ўзимни шернинг тимсоли билан қиёслай олмасдим. Мен уни сўзлаб беришда давом этар, бошимдан ке-чиргандаримни тасвирлашга уринардим, лекин ўзим ҳали охиригача

англамаган нарсани қайдай қилиб бошқага тушунтириб бера олишим мүмкин? Менинг бир-бирига қовушмаётган нутким уларнинг эсан-кираган юзларидан маълум эди. Улар мени тушунмаётганини англаб, ҳикоямни шу заҳоти тугатдим.

Оқибатда нокулай жимлик пайдо бўлди, бунинг орасида хушхабарчи аёл менга шубҳа билан қараб, сўради:

– Қачон кўзинг ёриши керак?

– Ўнинчи октябрда,— битта бўлса ҳам маъноли гап айта олганимдан ўзимни енгил ҳис этиб, саросима билан жавоб бердим.

Орқага суюниб, у бошини чайқади ва қатъийлик билан деди:

– Йўқ, йўқ, сен унгача шерга айланишинг имкониз.

“Мен ҳам шундай деб ўйлайман!”- деб ҳайқиргим келди-ю, бироқ ўзимни нокулай ҳис этганим учун, шунчаки бошимни тебратиб қўйдим. Бир тарафдан, ўзимни енгил ҳис этдим, бошка тарафдан – бироз аччиқландим, эсанкирадим ва ҳатто, ўзимни таҳкирланган сездим.

У мен бу вақтгача шерга айлана олмаслигимни айтганида, нимани назарда тутди? Ўшанда баҳор пайти эди ва октябргача беш ойдан кўпроқ вақт бор эди! Охир-оқибат, шер тусиға айланиш учун қанча вақт кетади ўзи? Ичимдаги бола ҳақиқатдан ҳам ўғиллигини билиш учун вақт керак эди.

Мендаги саросимани сезиб, у аёл менга тушунтириди:

– Сенда ҳали Худо ўзгартириши керак бўлган нарсалар жуда кўп... Буларнинг барчасини октябргача амалга ошириш имкониз.

Мана энди тушунарли. Бу аёлнинг дангаллиги ёқмаган бўлишига қарамай, мен унинг фикри билан рози бўлдим. Мен жим бўлиб, ўз фикрларим билан қолганимда, суҳбатимиз аста-секин ўзининг одатий тусиға кирди. У мендаги фақат очиқ кўриниб турган нарсаларни сезганини айтиб ўтди, холос. Мен жуда кўп соҳаларда шубҳа-гумон ва журъатсизлик билан қийналиб юрадим. Ҳатто, хўжайним Жон ҳам, доим менга: “Лиза, сенга ўз дунё қарашинг билан яшаш жуда қийин бўлса керак, ахир, сенда хавотир ва кўркувлар шу даражада кўпки” – дер эди. У ҳақ эди. Бу кундан-кунга оғирлашиб бораётган эди. Мен узоқ вақт давомида тузатиш керак бўлган лойиха бўлишдан чарчаган эдим.

## ЭНДИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ БАҲОНАГА ЎРИН ЙҮҚ

Мен кўп йиллар давомида баҳоналар топардим. Мен ракни енгган аёл, ўтмиши яхши бўлмаган уй бекаси, мактаб ёшдаги болаларини базур ушлаб туришга уринаётган она эдим. Худода мен учун бундан ҳам каттароқ режа бўлиши мумкинми? Наҳотки менда қандайдир куч ва ҳатто, жасурлик уйғониши мумкин бўлса? Балки довюрак бўлиш менга ярашар? Бир пайтлар мен келажақдаги касбим овсар қотилдан тортиб, учувчи бўлишгача орзу килар эдим.

Ха, чўпоннинг рафиқаси ва ёқимли масиҳий бўлиш тимсолига мос келишга уриниб, олдинги йўқотган дадиллигимни оз бўлса-да қайтаришни истардим. Мен куч ва чиройга эга бўлиш учун бироз жисмоний машқлар қилишга тайёр эдим. Мени заиф ва зорланадиган киши сифатида қабул қилишлари жонимга теккан эди. Мен ўтмишимнинг оғриқларида яшашдан чарчаган эдим. Мен ўзгаришларга тайёр эдим. Менинг хўжайним қайноқ ва кучли масиҳий экани ёқарди, аммо мен унинг орқасида яшириниб юришдан безор бўлган эдим. Доим иккинчи даражали нарсалар ҳакида ўйлашдан чарчаган эдим. Рол ўйнаш бадимга теккан эди. Эҳтимол, шер ҳакидаги вахий, айнан менга зарур бўлган нарсадир!

Ёқимли ва эҳтиёткор бўлишнинг ўрнига, мен бироз довюрак ва айниқса мақсадга йўналган бўлишга тайёр эдим.

Ўша куни, машинамнинг рулини ҳар доимгидан қаттикроқ ушлаган ҳолда уйга ҳайдаб кетдим. Ўзимнинг, нисбатан хавфсиз “хондамда” шер бўлиш қандайлигини синаб кўрмоқчи бўлдим. Охирги чиққан масиҳийча қўшиққа рақсга тушган бўлиб, машинамнинг ёнги ойнасини бироз туширдим. Советгични ёқмай, шамолда “ёлим”-ни ҳилпиратишни истадим. Ҳозир буларнинг бари ўсмирларча йўл тутиш бўлиб туюлади (боз устига, шерларнинг ёли йўқ). Кўзойнагимнинг мушук шаклидаги линзаси орқали ортни кўрсатадиган ён ойнадан сарикқа бўялган соchlарим кўринди... Тўхта, наҳотки ушбу зулфларимда тилло рангли ёввойи шерни кўраётган бўлсам?

Октябргача кутиб ўтираманми? Ҳеч ҳам! Ҳали ўзимга кўрсатиб қўяман! Мен – Шерман!

Ушбу ҳодисаларнинг тўплами, тушлик пайтидаги бошқаларга еткашиб беролмаган нутқим, дугонамнинг дангал айтган сўzlари ва бошка

күплаб бир-бiri билан боғлиқ бўлмаган нарсалар, қандайдир тарзда қизиқарли ҳодисаларнинг бошланиши бўлди. Ҳаммаси, худди кимдир менга вазифа берди-ю, мен буни қабул қилгандек бўлиб кўринарди.

Ўғлим Арден Кристофернинг (унинг исми “оловли, қатъиятли, мойланган” деган маънони англатади) туғилиши билан, ичимда нимадир ўзгарди. Яна битта фарзанднинг дунёга келиши катта юкни билдиришига қарамай, мен Худонинг қизи бўлиб яшашга диққатимни қаратган эдим. Ўзингиз билганингиздек, кўпчилик оналар сингари, менинг ҳам Худо билан муносабатларим кўнгилдагидек эмасди. Мен кундалик ташвишларга шўнғиб кетиш ёқасида яшар эдим. Мен бажаришим лозим бўлган нарсаларга тўлиқ боғлиқ бўлиб қолган эдим. Улар мен учун ўта мухимдек туюлар ва улар кундан-кунга кўпайиб борарди, натижада, аслида мен кимлигимни унутиб қуярдим. Менинг шубҳалар тўлдирарди. Менинг ҳаётим тор, фақат ўзимга қаратилган, бошқалардан алоҳида, бечора, хавфсиз ва самарасиз эди. Ўз исмим, турмуш ўртоғим ва фарзандларим кимлиги ёдимда-ю, бироқ хотин ва она сифатида елкамга олган жавобгарлигим, рўзгор ишлари, мен Худонинг қизи эканимни унутишга мажбурларди.

Мен буни англаб етганимда, Худо менга сокин овоз билан сен кучлисан деб айтишни ва мени бошқа ном билан аташни бошлади. Барча учун менинг исмим масъулиятимга боғлиқ эди. Мен фарзандларим учун она, хўжайним учун хотин, жамоатдагилар учун чўпоннинг хотини эдим, бироқ Кудратли Худоим учун мен шунчаки Унинг қизи эдим. Унга тегишли бўлишга ва бунинг натижаларига диққат қаратганимда, кунларимни ҳаёт кучи тўлдиришни бошлади ва қалбимга тинчлик кириб келди. Менинг юрагим кенгайди.

Арден туғилгандан сўнг, мен бошқаларга ёрдам бериш учун ўз заифликларим, қўрқув, омадсизлик, қулай доирамнинг соясидан чиқиши бошладим. Арден эмизикли пайти мен: “Мен ўз ҳаётимнинг назоратчиси эмасман ва бу менга ёқади!” номли ўзимнинг биринчи китобимни ёздим. Бу китобнинг ёзилиши менинг қаршимда янги дунёни очди. Тўсатдан мен юртимиздаги барча миллат аёлларига мурожаат этдим, улар чиндан ҳам ҳақиқатга оч эдилар. Улардаги алам, чанқоқлик ва соғлом муносабатга нисбатан қондирилмаган эҳтиёжга жавобан китоблар ёзишда давом этдим.

Вақт келиб, биз серқуёш, жазирама ва нам Флоридадан, серқуёш, совук ва қуруқ Колорадога кўчиб ўтдик. Колорадога кўчишимиз оиласизга кўпроқ уйда бирга вақт ўтказишга ва дастурхон атрофида йиғилиб ўтиришга имкон яратди. Боз устига, биз ҳаёт тарзимиздаги кўп нарсаларни ўзгартиришга мажбур эдик. Кейинги ўн йил давомида мени бир неча марта (сезиларли даражада кўп эмас) шерюрак деб атаганларини эшитганимда, мен бунга шунчаки кулиб қўяр эдим. Энди кўрқоқ, уялчанг уй мушуккаси эмаслигимдан мамнун бўлардим. Менга шахсиятимдаги ўзгаришлар тугагандек ва шер билан боғлиқ ҳикоя якун топганга ўхшаб кўринарди.

Бироқ мен адашган эдим.

### **ЛИЗА, БУ СЕНГА ТЕГИШЛИ ЭМАС!**

2007-йилнинг куз фаслида шер яна менинг ҳаётимга келди. Мен ажойиб Янги Зеландиядаги аёллар анжуманига воизлик қилиш учун чақирилган кўпчилик меҳмонлардан бири эдим. Ушбу тадбирга шуқадар кўп одам келдики, уни ташкиллаштирган жамоат, қатнашишни истаганларнинг ҳаммасини сифдириш учун иккита анжуман ўтказишга мажбур бўлди.

Анжуманларнинг бири жамоат биносида, иккинчиси *Auckland arenada* бўлиб ўтди. Биз биринчи анжуманни тутатиб, иккинчисини ўтказиш учун *Auckland arenaga* бордик. Йигин бошланди. Нотиқлар билимли, меҳрибон ва Сўзнинг содиқ хизматчилари эди. Аммо мен тушлик вақтида, мен номаълум сабабга кўра асабийлашишни бошладим. Етарлича тайёргарлик кўрмаганим учун эмас – ахир, мен шунчаки биринчи анжуманда айтганларимни қайтаришим керак эди, холос. Шундай бўлса ҳам, воизлиқдан олдин ибодат қилишим зарур эди, негаки қандайдир қаршиликни сезаётган эдим. Менинг бу холатим у жойга ўзлари қарор қилиб келган меҳмонлар, бошқа воизлар ва анжуманни ташкиллаштирган жамоатга алоқадор эмасди. Биз ҳаммамиз битта юракка эга эдик, биз у ерга сажда қилиш, воизлик айтиш ва аёлларга далда бериш учун тайёрланиб келган эдик. Бироқ атроф-муҳитда яна қандайдир бошқа нарса ҳам бор эди. Эҳтимол, Худо менинг эъ-

тиборимни тортишни истагандир. Мен ёлғиз қолишим ва ўз ҳолатим устида мулоҳаза юритишм зуур эди, шу боис, мен меҳмонхонадаги ойналари Окленд күлтигига қараган рақамимга қайтдим.

Мен хонада юриб, қўлимни сувлар томонга чўзиб, Худонинг бошқаруви ва уқуви билан ибодат қилдим, шунингдек, iPodимда янграётган: “Биз доим ғалабада ҳайқирамиз!” деган қўшикка жўр бўлиб кўйладим. Юрагимни тайёрлаш учун Худо ҳаётимда амалга оширган барча эзгуликлар учун миннатдорчилик билдиришга ўтдим. Мен кечагина “Аёлларча гамхўрликнинг кучи” номли янги китобимнинг битикларини тайёрлаб тугатгандим, шунинг учун кўлёзма ва тахририят ишлари ниҳоясига етгани учун Худога миннатдорчилик билдиридим. Китоб ёзиш мен учун тўлғоқ азобига ўхшайди, мана, нима учун менинг ибодатларим тахминан шундай эшитиларди: “Худоим, раҳмат Сенга! Бу тугади! Мен яқин орада яна қўлимга қалам олишини истамайман!”

Кутилмаганда Худо менинг рухимга шундай деганини эшитдим: “Сенинг бундай муносабатингдан афсусдаман... негаки Мен сенинг яна ёзишни бошлашингни истайман”.

Нима? Мен Худога керакманми?

Раббий давом этди: “Мен сенга тўғридан-тўғри самодан режса бераман. Сен уни Менинг сўзимдан топасан. Сен режсани тўлиқлигига тушуна олмайсан, шу боис, Мен уни сенга аста-секинлик билан очиб бораман. Менинг қизларим бирга йигилганда, суратни бутунличига қўра олишингиз учун, Менинг айтганларимни ёзиб олишинг ва эслаб қолишинг зарур. Агарда сен бунинг учун ўз ҳиссангни қўшмасанг, сурат тугалланмайди”.

Тўсатдан қаршимда яна шер пайдо бўлди. Унинг қудрати ва акл бовар қилмас гўзаллигига маҳлиё бўлиб турганимда, Худонинг қуидаги сўзларини эшитдим: “Мен сенга ўғлинг туғилиши билан сен шерни уйғотасан деган эдим. Мен бу шер сенсан демаган эдим”.

Кутилмаганда менинг дунё қарашим нақадар чекланган, аҳмоқона ва инсоний эканини англадим. Овоз гапиришда давом этди: “Исо – Яҳудо қабиласининг Шери ва Унинг келини бўлмиш шерни уйғотишнинг вақти келди. Шерларнинг сифати ва ҳаёт тарзини ўрган”.

Шундан сўнг мен биринчи коидани эшитдим:

Шерлар биргаликда ов қиладилар.

Мен лол қолган эдим. Мен эшитган нарса Муқаддас Китоб таълимотига мосмиди? Буларнинг бари нимани англатади? Масихий аёллар яқиндагина уларнинг гўзаллигига куч борлиги ва боласини эмизиши қимматли деган фикрга ўрганишни бошлишди, энди Худо уларни шерлар деб аташни буюряпти. Булар бир-бирига зид фикрлар эмасми?

Эҳтимол, Худо Ўз қизларининг ичида қандайдир жасур ва ёввойи нарсани уйғотмоқчидир?” – деб ўйладим мен.

Қаршимда яна Сонлар китоби 23-боб пайдо бўлди ва мен бу матн масихий аёлларни туришга чорлаётганини кўрдим. Мен ўша жойнинг ўзида шерларнинг ҳаётини ва улар ҳамда Худонинг қизларининг орасидаги ёнма-ёнликни ўрганишга қарор қилдим. Бошида Худо менга берган ваҳийни айтмасдан, факат аёллар ва шерларнинг ўртасидаги тўғридан-тўғри ўхшашликлар ҳакида гапиришни хаёл қилиб қўйган эдим. Аммо вақт ўтиб, бу ваҳий фақатгина менини бўлиб қолмаслиги кераклигини тушуниб етдим. Менга шер, қандайдир имтиёзли киши бўлганим учун кўрсатилгани йўқ. Шунингдек, мен пайғамбар бўлганим учун ҳам бу ваҳийни кўрганим йўқ. Бу нарса менга кўрсатилганининг сабаби: бир куни мен буни ҳаммага эълон қилишимни Худо билган.

Мен ҳар сафар “Сен шерни уйғотасан” – деганимда, бу ибора аёлларга қандай таъсир этишини кўрганман. Баъзida бунга сокин, аммо худди ичида булоқ очилгандек, кўз ёшлари билан муносабат билдиран. Баъзida улар гўзал ва жасур бўлиш табиий ҳолат экани ҳакидаги ваҳийни ҳозиргина тушуниб, уни қабул қилгандек, нафаси бир зумга тўхтаб қоларди. Уларнинг бу ваҳийга нисбатан муносабати ақл бовар қилмас даражада ижобий бўлганига ишонаман, негаки Худонинг ҳар битта қизида қўзичоқ билан бирга шер ҳам яширинган. Бу шер уйғонининг вақти келди.

Бу шер ҳакида ўйлаганимда, юзим табассумдан эриб кетади. Мен елкаларимни тўғирлайман ва қаддимни ростлайман. Бошқа барча ҳайвонлардан кўра, шер мени аёл эканимни англашга кўпроқ имкон яратади, ахир, унинг кучига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шунингдек, эркак кишига ҳам ўз мардлигидан фаҳрланишга изн берадиган шердан бошқа жонзот бўлмаса керак деб ўйлайман. Шер – барча ҳайвонларнинг шохи, шу боис, унда малика ким эканлиги ҳакида савол туғилмайди.

## КУЗАТ... ВА ЎРГАН

Худо бизнинг идрокимизни янгилаш мақсадида, бизнинг эъти-боримизни коинотнинг оддийлигига, биринчи марта қаратаётганийүқ. Жумладан, Исо бизга гулларга қараши ва улардан ўрганишни маслаҳат берган, чунки Худо бизни улардан кўра яхшироқ кийинтиради ва бизга ғамхўрлик қиласи (Матто 6:28; Луко 12:27 га қаранг). Қолаверса, Самолар Худонинг шарафини эълон қиласи ва Унинг ҳақлигини намоён этади (Санолар 18:2; 49:6).

“Самолар Унинг ҳақлигини эълон қилмоқда, барча халқлар Унинг шухратини кўрмоқдалар” (Санолар 96:6).

Сайёрамизнинг ёввойи, қўрқмас гўзаллиги, бизни яратган Худога бироз қарашиб имконини яратадиган ойнадан бошқа ҳеч нарса эмас. Биз бу ойнани очишимиз ва Худонинг сўнмас, чексиз гўзаллиги, бизда самовий ҳаяжон уйготишига йўл қўйишимиз зарур. Биз У яратган мўъжизавий коинотга очиқ юз билан қараганимизда, бу бизда Худога нисбатан чанқоқликни юзага келтиради. Бизнинг руҳимиз, биз кўрган нарсалардан таъсиранади. Мавжудот шундай деб эълон қиласи: “Янада каттароқ нарса бор! Сен кўраётган нарсадан кўпроғи бор. Эшитаётгандарингдан кўпроғи бор. Шунчаки инсоний фонийликдан кўра кўпроқ нарса бор. Муқаддасгоҳда савлат билан ўтирган мангу Худо бор”.

Исо Масих ернинг яратилишидан аввал сўйилишга белгиланган кўзи сифатида келди, шунингдек Вахий Китоби бизга Уни Шер деб тасвирламоқда:

“Қариялардан бири менга: “Йиғлама, мана, Яхудо қабиласининг Шери, Довуднинг Илдизи ғолиб келди. У бу китобни очиб, унинг етти муҳрини ечишга қодир”, – деди” (Вахий 5:5).

У бир вақтнинг ўзида бизнинг Қўзимиз ва Шеримиздир. Қизик, янада ўзаро қарама-қарши бўлган бошқа бирикма бўлиши мумкинми? Вахийда “Яхудо қабиласининг Шери еттита муҳрни ечишга қодир” дейилган. Ушбу китобнинг муаллифи Юҳанно бор самони, ерни ва ҳатто, ер остини излаб чиқиб еттита муҳрни ечишга ва келажакни аста-секин очишини бошлайдиган лойиқ шахсни топа олмай,

фарёд қилди. Сүнг Юханнонинг ёнида турган қария уни ўз нигохи билан юпатди, чунки бизнинг Қўзимизда Шер ҳам намоён бўлар эди. Ёлғиз У еттита мухрни ечишга лойикдир.

Йиртиш ва тилка-пора қилиш – бу аслида аёвсиз машғулот. Мен шу заҳоти маъбаддаги куч билан йиртилиб иккига бўлинган пардани эслайман (Марк 15:38 га қаранг), у яна тепадан паствача бўлинган.

Худо доим бизга халақит берадиган ёки бизни Ундан ажратадиган нарсаларни қисмларга йиртиб ташлаши менга ёқади. Илоҳий сирли Вахий Китобида, самовий китобнинг муҳрини ечиш бутун ерни ҳаракатга келтиргани айтилган.

Худо Ўзининг бир қисмини бизга ҳамда ҳар биримизга очишига ва намоён қилишга шайлигини ҳозир ҳам ҳис этаман. Ундай бўлмаганди эди, нега У охирги замон ҳақидаги бундай ҳайбатли ҳикояни ёзди, агарда бу ҳар биримизга тегишли вахийни ўзида мужассамлаган бўлса? Мен биз умидсизлик ва қўз ёш тўкишга эмас, балки ўз нигоҳимизни кўтариб, ҳамма нарсани ҳаққоний тарзда кўришимиз учун чақирилганимиз деб ишонаман.

Самодаги ваҳий ва доноликнинг садоси биз яшаётган ерга келиб туради.

Бизнинг Самовий Отамиз Ўзи яратган мавжудотга бизнинг юрагимизни очиш вазифасини юклагани нақадар ажойиб. Ҳар битта ўсимлик, ҳайвон ва манзаранинг ҳар бир зарраси худди: “Кўтарил ва қандай бўлиш учун яратилган бўлсанг, шундай бўл”, – деб айтаётганга ўхшайди. Аюб китобига кўра, табиатга бизни ўқитиши қобилияти жойланган.

“Бизни ернинг ҳайвонларидан кўра кўпроқ ўқитадиган ва бизни само қушларидан кўра кўпроқ доно қиласидиган менинг Яратувчи Худойим қаерда?” – демаяпти” (Аюб 35:11).

Худо севгисининг улуғворлиги ва Раббий Ўз донолигини бизга улашиш учун нималарга тайёрлигини сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Бироқ бу бизни ҳайрон қолдирмасилиги лозим. Ахир Яратувчи шундай деб айтган:

**Табиат бизни озод қилиш йўлида руҳ билан келишув тузган.**

— Ральф Уолдо Эмерсон.

## Шерни уйғот

“Чунки ўрмандаги ҳамма жониворлар, минглаб тоғлардаги ҳайвонлар ҳам Меникидир.

Тоғлардаги барча қүшларни биламан ва далалардаги барча ҳайвонлар ҳам Менинг қаршымдадир.

Агар Мен оч қолганимда эди, сенга айтмас эдим, чунки дунё ва уни тұлдириб турған ҳамма нарса Меникидир” (Санолар 49:10-12)

Биз ўзимизни ердаги барча мавжудотдан устун қўямыз, аммо Худо уларнинг ҳаммасининг исмини билади. Наҳотки сиз, Худони У яратған коинот умуман қизиктirmайди деб ўйласангиз? Қолаверса, У бор коинотни Ўзи учун яратған. Агарда биз табиатга қулоқ тутсак, у бизга Ўзининг яратувчиси ҳақида кўп нарсаларни айтиши мумкин. Ҳикматлар китоби бизни кўйидагича огохлантиrmоқда: “Эй, дангаса, чумолининг олдига бор, унинг ҳатти-ҳаракатларини кузат ва доно бўл” (Ҳикматлар 6:6).

Мен ишонаманки, Худо ҳозир ҳам бизни шундай йўл тутишга ундаяпти. У бизни шерга қарашга ва ундан ўрганишга чорлаяпти. У шундай деб ундаяпти: “Қизларим, шерга қаранглар. Уни дикқат билан кузатинглар. Сизлар Мен танлаган довюрак аёллар бўлиб кўтарилишмингиз учун, унга сиздаги тийиб бўлмайдиган табиатни, бокий гўзалликни ва құдратли кучни уйғотишига изн беринглар”.

Аёлларда қай тарзда шернинг кучи ва жасорати намоён бўлиши мумкин? Аёл киши қандай қилиб шерга ўхшаб қўзғалиши мумкин? Ҳар биримиз бунга ўзимизча маҳсус тарзда муносабат билдиришимиз мумкин, бироқ шернинг сифатларига мана шундай тарзда кўз югуртириш сизга ваҳий бериши мумкин. Кейинги бобларда Африка қуёши остида хотиржам ухлаётган шерни уйғонишга ундейдиган сабабларни кўриб чиқамиз:

У куч йиғиши учун туради.

У бошқаларни қаршилаш ва бошқаларга ғамхўрлик қилиш учун туради.

У ов қилиш учун туради.

У бошқа шерларни қўллаб-қувватлаш учун туради.

У ёшларни ҳимоя қилиш учун туради.

У тўдага хавф солаётган душманга зарба бериш учун туради.

У ўз шоҳи билан сайр қилиш учун туради.

## Шерларнинг уйғониши

Мен қодир Худонинг ҳар битта қизи ўз хаётида ўзгаришларни амалга ошиши, жасорат билан тўлиши ва кучга кириши мумкинлигининг тимсоли сифатида, шерни ўрганишни бошладим. Сизнинг ичингизда ҳам шер яширинганми? Ушбу китобни ўқиб тугатиш вақтигача, сизда ушбу саволга жавоб туғилиши ва шу билан бирга қандайдир кучли, ажойиб ва ёввойи нарса уйғониши учун ибодат қилиб қоламан.

## Ўрганилмаган куч

Борди-ю бутун дунёдаги аёллар инсониятнинг эзгулиги учун бирлашсалар эди, бу шундай куч бўлар эдикӣ, бундай кучни дунё ҳали кўрмаган бўларди.

Мэтью Арнольд, XIX асрда яшаган Англиялик шоир ва файласуф

**Б**из айнан мана шу вақт учун уйғонганмиз дейиш мумкинми? Мен бу тўпланаётган куч даракчиларини кўриш имтиёзига эга бўлганман. Бошқа яримшарнинг узоқ мамлакатида, Оврўпада ва ҳатто, ўзимнинг она юртим Америкада ҳам шубҳасиз, кенг миқиёсга ўсиб борадиган ҳаракатнинг биринчи хосилларини кўрганман. Бу ҳаракат илк қадамларидан бошлаб, Худонинг қизи сифатида етук аёл бўлиб, тезлик билан улғайиб бормоқда. Юқоридаги шоирнинг сўzlари тушунишни ва мукаммалликни талаб этадиган яна қандайдир нарсани қалбингизнинг тубида уйғотдими? Мен бу сўзларни биринчи маротаба ўқиганимда, шуқадар лол қолган эдимки, менинг нафасим чинакамига тўхтаб қолганди.

Менинг жисмоний таъсирланишим, бизнинг сон-саноқсиз амалга ошмаган имкониятларимизга нисбатан бўлган муносабат эди. Ушбу китобнинг номидан билиб олганингиздек, мен сизда қандайдир ёввойи, доно ва ҳайратли нарсани уйғотмоқчиман. Сизни қай тарзда аёллар бошқаларнинг эзгулиги учун бирлашиши ҳақидаги ғоя ҳақида мулоҳаза юритишга чорлаб қоламан. Агар зарурат бўлса, бу

фикрни такрор үқинг, чунки унга жойланган умид, шубҳасиз бир кўз югуртириб ўтишдан кўра, кўпроғига арзийди; бу хақиқат сизнинг тўлиқ эътиборингизга сазовор.

Ўзингиздан сўрашга журъат этиб кўринг, Мэтью Арнольднинг сўзлари шунчаки назария, сиёсий нутқ ёки умид берадиган тахминдан кўра каттароқ нарса бўлиши мумкинми? Унинг доно фикрлари башорат, тавсия ёки ҳатто, пайғамбарчилик бўлиши мумкинми?

У ўша пайтларда келажакка тикилиб қараган ва бизни бирлашишга унданб, хозирги даврнинг қизларини кўрган дея оламизми? Айнан бугунги кунда бунга шуқадар катта эҳтиёж бўлишини у англаганми? У келажакдаги сизни ва мени ҳам кўра олдимикин?

Аминманки, ушбу саволларнинг ҳаққоний жавоблари ҳар битта аёл юрагининг тубида жойлашган ва улар сўзларда эмас, балки улар танлайдиган ҳаётда яхшироқ акс этган. Аёлларнинг ушбу жавобидаги бизнинг иштирок этиш қобилиятимиз, манашу мавсумни қандай яшаб ўтишимиз орқали намоён бўлади. Бизнинг кейинги қароримиз, ўз қизларимиз ва ўғилларимизнинг тарбиясида кўринади, токи улар ҳам бизга ўхшаб, тўғри қарор қабул қилишсин.

Бизнинг замонимизда ҳам, ўз маданияти, диний қарашлари ва тафаккури, уларга қарши йўналтирилган кўплаб зиддиятлар ва чекловлардан устун бўладиган аёллар кўтариладими? Океанинг у томонидаги опа-сингилларимиз четдан келадиган мададсиз ҳам олга боришга дадил бўла оладиларми? Биз гарб мамлакатларида яшайдиганлар самарасиз ва чалғитадиган нарсаларни бир четга қўйиб, аҳамиятга эга ва муҳим нарсаларга ўз дикқатимизни жамлаймизми?

Бизнинг ҳиссамиз зарур эмас ва бу ундов Худодан эмас деб таъкидлайдиган қарши овоз ва айбларни ўзимиздан сиқиб чиқарамизми? Ўз давримизнинг воқеалар тартибидаги маънони тушунамизми ва қаторда ўз ўрнимизни эгаллаш учун таълимотимиздаги фарқ ва фикрларни бир четга суриб қўя оламизми? Кўлларимиз ва юракларимизни бирлаштирганимизда, ёшимиздаги фарқ тўсиқ бўлмайдими?

**“Катталарга хос” муаммоларининг эртанги ечиими, аҳамиятли даражада, бугун болаларимиз қайтарзда ўсаётганига боғлиқ.**

— МАРГАРЕТ МИД

Имонда қўшила оламизми? Ушбу бирлашган имон, ҳақиқатдан ҳам биз ишонган нарсани акс эттирадими?

Бу яқдиллик мажбурий бўладими ёки ҳаётий заруриятми? Бу бирлашган имон, бизни бир вақтнинг ўзида ҳам ёрқин ва енгиб бўлмас, ҳам шиддатли ва аҳамиятли нарсанинг тақсимловчилари сифатида кўрсатиб, ишларимизда намоён бўладими?

Умумий хизматимиз, биз журъат этаётган умидимизни очикifo-далайдими ва бу биз сидқидилдан ишонадиган нарсаларнинг тирик исботи бўла оладими? Бу имон олиш учун эмас, балки бериш учун кўлларини бегараз чўза оладими? Бу айнан мана шундай бўлиши учун ибодат қилиб қоламан, чунки айнан шу тарзда бизнинг шахсий чегараларимиз кенгаяди ва биз бошқаларнинг ҳаётига таъсир эта оламиз.

Ҳа, ҳозир мен сўраётган ва умид килаётган нарсалар, бироз кенгайишни талаб этади, лекин бусиз турган жойимиздан олдинга силжимаймиз. Фақат ҳозир турган жойимизга диққат қаратишимиш етарли эмас. Борди-ю биз бутун дунё бўйлаб ёйилмоқчи бўлсак, ҳар тарафга қарашимиз зарур.

XIX асрга назар ташласак, ўша пайтларда аёлларда гапириш ҳуқуки қарийб бўлмаган. Ҳозир атрофимизга боқсак, бизнинг овозимиз муҳимлигини тушунамиз. Олдинга қараб, ўз сўзларимиз ва ҳаётимизни шундай қуришимиз керакки, токи бу келажак учун мерос бўлиб қолсин деган фикр келади.

Ўз уфқларимизни кенгайтириш ва ҳаётнинг кўплаб соҳаларига таъсир этишни бошлаш вақти келди. Мушаклар зўриқиши ва босимни сезгандагина машқлар самарали бўлади. Машқлар эгилувчанликни ҳосил қиласи ва шикастланишдан огоҳлантиради.

Сизни шер билан таништирганимда ҳаётингизни бироз машқ қилдиришга эришаман деб умид қилиб қоламан. Бу ўзингиз ҳақидаги тасаввурингизни, аёллик назокатингизни, гўзаллигингиzinи, кучингизни, оиласидаги, дунёдаги ва Худодаги даъватингизни кенгайтиришини истайман. Эркаклар, дўстлар ва оила аъзоларингиз билан мулоқотингиз ва қай тарзда муносабат қуришингиз эътиroz билдиришига имкон беринг. Ҳатто шер ҳам сакрашдан олдин машқ қилиш кераклигини билади.

Ҳаммамизнинг шахсий ҳаётимиздаги қийинчиликлар ва бу дунёдаги эхтиёжларимиз бир хил даражада. Ушбу улкан соҳани қўлга киритишимиз учун, ҳам у, ҳам бу соҳани бир вақтнинг ўзида эплай олишимиз учун вахий керак.

## КУЧДА ЭРКИН ВА ҲОКИМИЯТДА ХОТИРЖАМ

Давом эттиришдан аввал, туш қўрганимдан сўнг онгимга келган савол устида фикр юритмоқчиман. Мен шундай деб ўйладим: “*Муқаддас Китобдаги юқорида келтирилган оятдаги Худонинг одамларидағи таърифланган эркин шер, нега бундай вайрон қилувчи шафқатсизликда иштирок этди?*” Кейинроқ туш ва бу вахий ундалан (ва бугунги кунгача ундан келаётган) барча фикрлар устида кўп ўйладим. Мана, қандай хулосаларга келдим.

Худо шерни, мен унга сустлик ва қўркув билан қарашим учун кўрсатгани йўқ. Унинг тимсоли мендаги чекланган ва қўркув билан тўлган борлиғимни фош қилди ва бунинг нотўғрилигини исботлади. Худо менинг кўзларимни очиш учун шердан қурол сифатида фойдаланди, токи мен суратни янада кўламдор кўра олай ва менинг йўлларим кенгайсин.

Мен сафарларим давомида кўплаб ажойиб ҳайкалларни кўрганман. Копенгаген, Рим, Лондон ва Парижда бу давлатларнинг мустақиллиги йўлидаги ёруғ ғалабалар шарафига ўрнатилган, ҳайратли қаҳрамонликларни ардоқлайдиган ёдгорликлар бор. Мен уларнинг нафис ва ўчмас гўзаллигидан ҳайратланиб, бу санъат асарларини суратга олганман.

Аммо тушимдаги шер ҳайкал эмас эди – у вахий эди.

Вахий ўзида фош қилиш ва руҳий ларзага солиши сифатларига эга. Мен шернинг қаршисида ҳомиладор холда, ухлаш кийимида, бутун борлиғим билан қалтираб турганимда, шубҳасиз, у мени фош қилди ва ларзага солди. Шер бир марта қимирламаган бўлса ҳам, у мендан кўра анча тирикроқ эди. Унинг чиройи ва кучи нурида, мен жуда кўп нарсаларни йўқотганимни тушуниб ётдим.

Қўркув мендан кучимни, ҳаётимни ва гўзаллигимни ўғирлаган экан. Мен ҳақиқий ўзимни йўқотибман, бунинг оқибатида Худо мен учун ўйлаб қўйган кўп нарсалар амалга ошмай қолиб кетибди.

## Үрганилмаган күч

Исроилликлар ўзларини чигиртка, Канъандада яшайдиганларни эса баҳайбатлар каби кўргани ёдимга тушади, бироқ Сонлар китоби 23-бобда Канъандаги халқлар исроилликларга уйқудан туроётган шер ва арслонлар сифатида қараганини биламиз.

Биз ўзимизни шер-опамиз билан таққослаганимизда, тасаввуримиздаги ва воқелик ўртасидаги мана шундай кескин фарқ ҳаракатланишини бошлайди. Биз қачондир бу шерга ўхшаш бўла оламизми? Биз ҳам бирор кун кучимизда эркин ва ҳокимиятимизда хотиржам аёллар бўла оламизми? Ўз гўзаллигимизни олиб юриш бизга қулай бўладими?

Биз ўзимиз учун бир вақтнинг ўзида құдратли ва хотиржам шернинг тимсолини қабул қилишимиз зарур.

Вақт келганида – шер ўрнидан туради. Шу боис, сиз аслида кимлигингизни англаш вақти келди. Устингизни қоқиб, ўрнингиздан туриш ва қимирлаб, уйғониш вақти бўлди.

“Кучида эркин ва ҳокимиятида хотиржам” ибораси Худодаги аёлни жуда аниқ ва таъсирли ифодалайди. Назокатли аёллар, мен сизларга ўз кучингизда эркин ва ҳокимиятингизда хотиржам бўлишга рухсат бераман.

Аксарият ҳолларда “кучида эркин ва ҳокимиятида хотиржам” тушунчаларининг бирлашуви вақт ўтиши билан келади.

Бу соҳада ҳам, у соҳада ҳам куч борлигини кўрганингизда, улар бир бутун бўлганини кўрасиз. Шунингдек, биз ҳақлиқда хотиржамликка эришганимиздек, кучда таскин топиш тушунчаси ҳам мавжуд. Хавотирланишни тўхтатганимизда ором топамиз.

“...Жойингизда колиб, тинч ўтирганингизда, қутқарилар эдингиз.

Сизнинг кучингиз тинчлиқда ва умидворликдадир...”

(Ишаъё 30:15, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Мана, сизга жавоб! Бундан яхшироқ изоҳни тасаввур этиш қийин. Тинчлан, Худога умид қил – ва кучга эришасан. Биз ҳамма нарсани ўз кучимиз билан амалга оширишга уринишни бас қилганимизда, бизнинг чинакам қувватимиз юзага чиқади. Худо сиздан кучни тийиб турмайди; уни сизга беради.

Мен бизнинг шер-дугонамиздан фарқли ўлароқ, шахсий кучидан ҳадиксираб яшайдиган кўп аёлларни кўрганман. Улар ўзларига бе-

ихтиёр равишда қандайдир ғоя, савол ёки иштиёқ келганида, бундан күркىб кетадилар. Кучдан қўрқмаслик керак; уни қабул қилиш лозим. Адашманг, камтарлик заифлик билан тенг эмас. Куч ўзини тия оладиган куч ёки назорат қила олинадиган ҳокимиятдир.

Мусо камтар ва ҳокисор деб аталган, аммо шунга қарамай, у буюк раҳбар ва ўз халқининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган. Ундан намуна олиш мумкин. Бу унинг ҳар битта сўзини тасдиқлаган Зот билан учрашгани учун шундай бўлиши мумкиндир деб ўйлаб қолдим.

Яхшилик ва ёвузлик ҳақида чекланган хабардорлигимиз бизнинг инсоний ҳимоясизлигимизни тўлиб тоширади ва илохий жавобни кучсизлантиради. Худосиз яхши ишлар қилиб, биз ўзимизни чеклаймиз. Инсониятнинг бугунги кундаги муаммоси ақл бовар қилмас даражада улкан, шу боис чекланмаган жавобларга зарурат бор.

Мусога ўхшаб, бизга ҳам титраб турган еримизни тинчлантириш учун Худонинг эзгулиги ҳақида вахий керак.

Шундай экан, дурдонам, эзгулик ҳақидаги бу вахийнинг бир қисми бўла олишингизга ишонишга ва шу сабабга кўра бошқа опа-сингиллар билан бирлашишга ҳамда биз орқали Худонинг эзгулиги акс этадиган режани амалга оширишга журъат эта оласизми?

## ЭЗГУЛИК ҚИЛУВЧИ ВА ҚОБИЛИЯТЛИ

Мен атайин “эзгулик” сўзига “ёқимли” ва “хавфсиз” сўзларини кўшмайман. Аслида эзгулик куч билан боғлиқ. Боз устига мен эзгулик қилиш, куч деб таърифлагангани эшитганман.

“Эзгулик қилувчи хотинни ким топа олади? Унинг баҳоси марваридлардан ҳам қимматдир. Эрининг юраги унга ишонади ва у даромадсиз қолмайди” (Ҳикматлар 31:10-11).

Турмушга чиқмаган қизлар, бу оят сизни четлаб ўтади деб ўйламанг, Исо Масих сизнинг Күёвингиз эканини унутманг. Гап бу мавзу кимга тегишли эканида эмас: бу аслида ҳаммамизга тегишли.

Гап бошқа нарсада: бу вазифани бизга топшириш мумкинми? Биз атрофимиздаги одамларнинг ҳаётини бойитамизми? Биз бир вактнинг ўзида ҳам ишга лаёқатли ва эзгулик қилувчи бўла оламизми?

Ёки У бизни икки гурухга бўлинган ҳолда кўрадими: биримиз эзгулик қилувчи, бошқаларимизни эса ишга лаёқатли сифатида? Фақат биттасига эга бўлиш етарли эмас. Биз ишга лаёқатли бўлган эзгу аёллардан ташкил топган олийҳиммат жамиятга муҳтожмиз. Хуллас, биз қандай ишга лаёқатли бўлишимиз зарур? Жавоб кўриниб турибди: биздан талаб этилаётган ҳамма нарсани қилишга қобилиятли қизлар бўлишимиз керак.

Охирги ўн йил давомида аёлларга, улар нималарга қобилиятли эканини англашга кўмаклашадиган ажойиб аёлларни кўп учратдим. Инсониятнинг муҳтожликлари янада кўпроқ кучайиб бораётгани туфайли, аёллар атайин маҳсус қобилиятларни ўзида ривожлантирмоқда ва ўз таълимидағи изланишларни манашу муҳтожликларнинг жавобига қаратмоқда.

Улар ўзларининг, балки чекланган тушунчаси билан жорий масалаларда гапиришга ақллари етмоқда. Улар ким бўлиш учун яратилган бўлса, шундай киши бўлиш учун, ўзларида зарур бўлган сифатларни ривожлантирмоқда. Бу аёллар лаёқатли ва истеъододлидир: кўрс, бироқ эҳтиромли; дўст бўлишдан қочмайди, аммо ўзига-ўзи етарли; замонавий, лекин келажакка интиладиган; раҳмдил, лекин журъатли; самимий, лекин анойи эмас; кучли, лекин мулоийим; оддий, лекин мақсадни кўзлайдиган.

Борди-ю бизнинг режаларимиз ва лойиҳаларимиз дунёни ва бизни ўзгартирмаса, ерни янгиламаса, улар ўлиқ назария хисобланади. Уларга биз овоз, қўл ва оёқларимизни берганимиздагина, улар ҳаракатга келади.

Бизнинг дунёмизга кўплаб ҳаракатланадиган кучлар маълум. Асрлар давомида тўфон, бўрон ва сув тошқинлари каби табиат кучлари еримизни ларзага солиб келмоқда. Ернинг ридоси ёрилди ва қобиги зилзилалардан тебранди. Қуролли кучлар олийҳиммат мақсадлар йўлида ҳам, қабиҳ мақсадлар йўлида ҳам саф тортишди. Бирлашган қуролли кучлар жанг майдонларида учрашиб, ўзларидан кейин вайроналик изларини қолдирдилар.

**Қоғозга кенг кўламдаги лойиҳаларни чизиш етарли эмас. Мен ўз ғояларими ни ерга чизишим зарур.**

— Эмиль ПЕРЕЙР

Ўз ҳокимияти билан эзиш, қўрқитиш ёки барбод қилишга интилмайдиган куч ҳақида нима дейсиз? Бу ҳаракатланувчи кучнинг иштирокчилари режа асосида – бири кўринарли, бошқаси кўринмайдиган тарзда, лекин ҳаммаси муҳим бўлган ҳолда ҳаракатланишини тасаввур этиб кўринг. Агарда бу ҳаракатланувчи куч бир вақтнинг ўзида ҳам ўз ниятларида фидокор, ҳам интилишларида оддий бўлсанчи? Бу қандай кўринишда бўлади ва бу нима деб аталади?

Искандар Зулқарнай шундай деган:

Мени қўй раҳбарлик килаётган шерлар қўшини кўркитмайди.  
Мени шер раҳбарлиги остидаги қўйлар қўшини кўркитади.

Накадар ҳайратли манзара! Биз Шер бошчилигидаги қўйлар қўшинимиз. Биз чўчиган қўйларга ўхшаб жанг қилмаслигимиз зарур, негаки биз Шернинг ортидан бормоқдамиз. Биз шогирдчиликда камтар ва жангда аёвсизмиз. Шу тарзда мулойимлик ва куч ўзаро ҳаракат қиласди. Биз инсоният тарихи қандай ривожланганини ўрганиб чиқсан, қуидаги тасвири кўрамиз: ҳокимият тепасига келиш, кучни ахлоқсизланиши, ҳокимиятни йўқотиш ва ичкаридан бузилиш.

Бошқача йўл бўлиши мумкинми? Ҳали шаклланмаган ва намоён бўлмаган бошқа ҳаракатчан куч бўлиши ҳам мумкинми?

Мен хозир китобнинг ҳарфларини каттароқ ҳарфлар билан теряпман, китоб босиб чиқилганда ҳарфлар бошқача ўлчамда бўлади, чунки менга кундан-кунга яқиндан майда нарсани кўриш қийинлашиб боряпти. Бироқ узокдан бирорта каттароқ нарсани кўриш қобилияти ақл бовар қиласди даражада яхшиланмоқда.

Узокдан иккита қарама-қарши манзарани кўраман: буюк қайгува улуғвор галаба. Мен ҳар томонда чуқур, зим-зиё хуфтонликни кўряпман, шунингдек, шарафли руҳий уйғонишини ҳам кўряпман. Мен дунёдаги даҳшатли гуноҳлар ва ҳар қандай адолатсизликлар, Худонинг ўчмас нурида ва Унинг шаксиз адолати билан учрашганида, юзага чиқишини ва мағлуб бўлишини кўряпман. Мен Унинг қизлари шер сингари, отилишга шайланиб, қаддини ростлаётганини кўряпман. Буларнинг барини мен бизнинг келажагимизда кўряпман. Юқорида айтилганлари сиз учун кутилмаган ҳолат эмаслигига аминман. Мен

ҳам сизга ўхшаб, буларни кўряпман, лекин буни газеталарда ўқиганим учун эмас. Мен уларни рухий кўзларим борлиги учун кўряпман.

Мен буларни нафақат кўряпман... эшигайпман ҳам. Мен яқиндан ҳам, узоқдан ҳам келаётган йиғи овозини эшигтанман. Мен зулмат истеҳкомларида бир пайтлар қамаб қўйилган одамларнинг умидсиз иқрорларини кўп эшигтанман. Уларнинг овозини пасайтириш, сўнг багттарроғи, уларнинг болаларининг йигисини ўчиришга уринаётган нафасни буғадиган босимга қарши ҳар куни кураш кетмоқда. Бу умидсизликка тушган оналар, фарзандларининг келажаги яхшироқ бўлишидан бошқа нарсани истамайдилар. Бир ёш она унинг саккиз ёшли қизини, ўзимиз билан олиб кетишимизни сўраб ёлворган эди, негаки у харидорларига жинсий хизмат кўрсатгунича, қизча каравотнинг тагида яшириниб ўтиришга мажбур эди. Life Outreach, Жеймс ва Бэтти Робисонларнинг хизматидан миннатдорман, улар бу болани қутқаришди, онаси эса қўрқув ва ночорликка тўла ҳолда фоҳишахонада қолиб кетди.

## ШАМОЛНИНГ СЎЗЛАРИ

Мен кўпинча эшигтанларимдан лол қоламан.

Нима учун? Чунки кўпинча эшигмаганинг ва кўрмаганинг яхшироқ. Аксарият кишилар хавотирга соладиган овоз ёки манзарадан тезда дикқатини бошқа нарсага ўтириши бежиз эмас. Сайёхлик билан бирга жинсий қуллик тараққий этаётганинг сабаби ҳам айнан мана шунда. Тайландда чет элликлар, улар кўриб турган нарсалар, шунчаки қизиқарли вақт ўтказиш хисобланади дегандек ўзларини тутишади. Мен бир америкалик тадбиркор билан гаплашганимда, у ўзининг бузуқликлари, Тайланд иқтисодиётини мустаҳкамляяпти деб, ўйлашини айтди.

“Кимнинг эшитишга қулоғи бўлса, эшитсин!” (Матто 11:15).

Исо Масих, Инсон Ўғли Самога кўтарилиб, Худонинг Ўғли сифатида ҳуқуқий жойини эгаллаганда, юқоридаги мактуб ўзгармади. Ваҳий Китобида У яна эшитиш учун етарли даражада мард бўлиш зарурлиги ва бу одамлардаги энг катта танқислик эканини айтган.

“Рух жамоатларга нима деяётганини қулоғи бор эшитсин...”  
(Вахий 2:7).

Биз Унинг саволига жавоб беришимиш зарур: бизнинг қулоқларимиз очиқми? Азизларим, биз нафақат эшитиш, қолаверса эшитганларимизга итоат этиш жараёнидамиш. Мен ичимда уйғонаётган бир пайтда, сиздан ҳам шу нарсаны сўрамоқчиман: “Сиз бу овозни эшитяпсизми?”

Афсуски, биз ўзининг мухташам ётогида у ёқдан, бу ёққа ағдарилиб, қимирлаб, уни уйғотмокчи бўлган ҳар қандай овозни эшит- масликка уриниб, ёстиғига кўмилиб олаётган, уйқудаги келинга ўхшаймиз деб қўрқаман. Биз туриб, тўлиқ ўйғонишимиз учун, замонамиздаги вахима қанчалик даражада баланд бўлиши керак!?

Яраланган дунёнинг қулоқни тешиб ўтадиган қичқириғига қўшимча сифатида, бизга мурожаат этаётган бошқа овоз ҳам бор. Бироқ бу қичқириқ эмас. Бу овозни шовқин орасида эшитиш учун бироз ҳаракат қилиш лозим. Бу Муқаддас Рухнинг хотиржам ва секин овозидир. Биз бу овозга эътибор берган сари, у баландроқ бўлиб бораверади.

Менга “Шамолнинг Сўзлари” деган ибора ёқади. Худо шамолларга Ўз Сўзини берган. Муқаддас Рух шамолга, ҳаво оқимига таққосланган, у ҳаёт ва кучга эга бўлган сўзларни шивирлади. Биз шамолни кўра олмаймиз, лекин унинг намоён бўлишини кўрамиз. Шамолда сизнинг ҳаётингизга нимадир олиб келадиган ёки ундан ниманидир учириб юборадиган куч бор. Унинг қудрати кемаларни ҳаракатлантиради ёки уларни осонликча қирғоққа чиқариб ташлайди. Шамолнинг кучи денгизларни силкитади ва тоғларни қўпоради. Рўпарадан эсадиган шамоллар бор, улар ҳаракатни секинлаштиради, ҳамроҳ шамоллар бор, улар олдинга юришга кўмаклашади. Шамол баъзида тез, баъзида эса майин тарзда доим бутун ер бўйлаб айланиб юради. У бир жойдан бошқа жойга Худонинг шивирлашини олиб боради.

Кўпинча атрофимиздаги соxта шовқинларнинг суқулиши, Шамолнинг – Рухнинг Сўзларини дикқат билан эшитиш қобилиятимизни заифлаштиради.

Бизнинг эшитиш қобилиятимизга тўсиқ бўладиган бошқа нарса ҳам бор. Бу сиз эшитиб юрган нарсаларга ўрганиб қолганингиздир. Биз бирор нарсани қайта ва қайта эшитганимизда, бу овозни ўчириб қўйишимиз ва унга эътибор беришни тўхтатишимиш мумкин.

Бирор киши бизга айтаётган гапларини, биз биламиз деб хисобласак, уни эътиборсизлик билан эшитамиз. Бир неча йил аввал Муқаддас Китобни ўқиганимда, ўзимда буни сезиб қолдим. Ёзувнинг айрим таржималарини шуқадар яхши билиб олган эдимки, уларни ўқиганимда, давомида нима дейилганини олдиндан билардим. Эҳтимол, сиз билан ҳам шундай нарса содир бўлгандир. Бу мени Худонинг Сўзига нисбатан болаларча қизиқиш билан ўқишини йўқотишга олиб келди. Ўзимнинг бепарволигимга қарши туриш учун Ёзувнинг ўзгача ифодаланган тури бўлмиш, *The Message*ни чукур ўрганишни бошладим.

Нега? Мен яна ҳайратланишни истар эдим. Шу боис мен *The Message*дан матнлар келтираман, токи сиз ҳам мана шундай таажжубни бошдан кечиринг. Мен Ёзувни унинг бошқача тарзда ёзилган турига алмаштирмайман – шунчаки уни замонавий тилда ўқийман ва унга қўшимча ахборотларни қўшаман. Сиз ҳам Муқаддас Китобни ўзингиз кўпроқ ёқтирган таржимада ўқишидан уялманг.

Бундай қилганимнинг боиси, мен ҳам сизга ўхшаб, чиндан ҳам эшишишни истайман. Бизнинг қулоқларимиз очик бўлганида, бунга ўзимизнинг овозимизни қўшишдан бўлак, бошқа иложимиз қолмайди.

“Оғзингни гунг учун ва барча етимларнинг хукуки учун оч. Оғзингни одил хукм учун ва бечоралар-у қашшоқларнинг хукуки учун оч” (Ҳикматлар 31:8-9).

Ушбу оятларда Сулаймоннинг онаси Бетшаба ўз ўғли бўлмиш, шоҳга, адолатсизлик юқидан эзилганлар учун ўзининг улугвор овозини кўтаришни сўраяпти. Бу эзгулик қилувчи аёллар ҳақидаги оятларда ҳам битилган (Ҳикматлар 31:10-31 га қаранг). Биз ҳам Сулаймоннинг онасига ўхшаб, ўз жамиятимиздаги эркакларни, овози ўчириб қўйилганларни ҳимояси учун сўзлашга ундеймизми? Биз Худойимизнинг қаршисида шоҳ ва олийруҳонийларга айландик. Шунинг учун бошқалар жим ўтиришда давом этсалар ҳам, биз ўз оғзимизни очишимиз зарур.

Буви сифатида: менинг ўғил-қизларим мерос қилиб оладиган нарсалар, ҳақиқатдан ҳам муҳим нарсалар эканига амин бўлишни истайман. Жаҳон доирасидаги изланишлар бир овоздан, жинсларнинг тенглиги қашшоқлик ва ҳатто, қўпорувчилик ҳаракатларини олди-

ни олишдаги кўлдан бой берилган бўғин эканини тақрор ва тақрор таъкидламоқда. 2001-йил Умумжаҳон банки: “Хуқуқ, манба ва овоз беришда тенглик орқали эркак ва аёлларнинг муносабатларини ривожлантириш” номли муҳим мавзуда изланишлар олиб борди. Унда жинсларнинг тенглиги дунёдаги муҳтожликлар билан курашишда муҳимлиги таъкидланди. “Қизларнинг таълим олишига маблағ сарфлаш, ривожланаётган дунёда самарадорлиги энг юқори бўлган инвестиция бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас,— деб ёзган, ўша вақтдаги Умумжаҳон банкининг бош иқтисодчisi Лоренс Саммерс.— Гап улар ўзларига бу учун маблағ сарфлашга рухсат бериш, бермаслигида эмас, гап улар, яна қанча қизларни ўқитмасликка йўл қўйишида”. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ривожлантириш Дастури доирасида изланишлар ўtkазди ва куйидагича хulosага келди: “Аёлларнинг хуқуқларини ва имкониятларини кенгайтириш иқтисодиётнинг даражасини кўтарилишига олиб келади”.

Замонавий қўпорувчилик ҳаракати, хавфсизлик ташкилотлари ишчиларини, жинслар орасида кузатувлар ўтказишга ундаи. Мана, улар нимани аниқладилар.

Мусулмонлар яшайдиган худудлардаги гурухлар кўплигининг сабаби,— дейди улар,— Куръон билан эмас, ўша давлатларда аёлларнинг иқтисодиёт ва жамиятдаги соғлом иштирокининг етишмасилиги билан боғлиқ... Аёлларнинг хуқуқларини кенгайтириш, бир қатор ҳарбийларнинг фикри бўйича, қўпорувчиларни ўз таъсиридан маҳрум қилиши мумкин.

Бу жорий, чукур ва кенг изланишларга кўп куч сарфланган. Одамларнинг тадқиқотлари, бизнинг диққатимизни Худо бошида айтган сўзларга қаратишидан доим ҳайратда қоламан. Жаҳон миқёсидаги муаммолар пайдо бўлишидан анча аввал, жаҳон миқёсидаги ечим аллақачон бор эди: аёл.

“Кейин Раббий Худо: “Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, унга муносиб ёрдамчи яратаман”,— деди (Ибтидо 2:18).

Эркак кишига ёлғиз бўлиш яхши эмас эди. Ҳозир ҳам, ўша пайдагидек, ҳаётни мувозанатлаштиришдаги аёл кишининг иштироки

эркакларга, аёлларга, болаларга ва биз яшаётган жамиятга эзгулик олиб келади ва уни кўпайтиради.

Берк ҳаёт “ёмон” нарсаларни ўзига тортади. Одамлар бир-бири билан муносабатлар учун яратилган. Шунга қарамай, фақат эркаклардан ташкил топган иттифоқ амалга ошадиган фожеа учун замин яратмоқда. Ибтидо Китоби ва замонавий тадқиқотлардан биз шундай хулосага келишимиз мумкин, яъни ҳокимиятни эркаклар белгилайдиган маданиятлар кўп соҳаларда носоғлом ҳисобланади.

Сиз тобе бўлиш учун яратилганингиз йўқ, сиз ҳамворисиз. Аёл – бу Худо берган жавоб. Аёллар овозининг қўшилиши болаларнинг таълим олиш имкониятини оширади, иқтисодни рагбатлантиради ва қўпорувчилик хавфини ҳам камайтиради.

Аёлларнинг жавоби нимани билдиради?

Мен ўзимдаги аёллик хислатини аниқлаб, уни баҳолаганимда, мен иккинчи даражали ғоя бўлмаганимни тушуниб етдим. Мен қиз, хотин ва она сифатида муаммоларнинг ечимиман. Агарда мен жавоб бўлсам, атрофимдаги опа-сингиллар ҳам жавоб ҳисобланади. Биз Худонинг кўзларида иккинчи даражали фуқаролар эмасмиз. Азизам, сизда инсониятнинг муаммоларига тирик ва нафас берадиган жавоб бўлиш кучи бор.

Мен хизмат сафарларида бу оддий ҳақиқатни ёш ва кекса аёлларга эълон қилганимда, уларда таърифлаб бериш мушкул бўлган таъсир уйғонади. Аёллар менинг мактубимни нафакат юрагида титрок билан тинглайдилар, қолаверса буни овоз чиқариб айтадилар ва бунга ишонадилар.

“Мен жавобман”.

Улар учун бу вақт ҳам ваҳий, ҳам машқ қилиш пайти бўлади. Уларнинг кўзлари ўзига бошқа томондан қараб, ўз аёллик нафосатини кўришни ва Худо уларга доим қарагандек..., ўзларига тўлдирувчидек қарашни бошлайдилар.

Аммо бу тушунча – фақат бошланиши.

Биз аёллар, иқтисодга биргаликда таъсир кўрсата олишдан кўпроқ нарсаларга қодирмиз. Биздаги қарор қабул қилиш қобилияти билан бирга янги саволлар туғилишни бошлайди. Биз хуқукларда янги низомларни ёзамиз, бу низомларда аёллар инсониятнинг дўсти

хисобланади. Биз дунёни режалаштириш учун биргаликда йигиламиз, бу дунёда аёллар ва болалар кимларнингдир мақсадлари учун фойдаланилмайди, балки улар кувонч билан қабул қилинади.

Мана, самовий қызлар ҳақида мен билган нарсалар:  
У гўзал, заковатли ва истеъодли.  
Унинг ҳаёти хилват эмас, балки бирлашган.  
Худо уни севади, шайтон эса ундан нафратланади.  
У ҳамма жойда сирли ва кўринарли равишда ситамга чидамоқда.  
Бироқ шундай савол бор: борди-ю у рағбат ва мақсадга эга бўлганда, жамиятдаги ўрни қандай бўлар эди?

## ҚАНДАЙДИР ШИДДАТЛИ НАРСАНИ УЙҒОТ

Менда ҳам, ҳамкорим Life Outreach сингари, одамларнинг юрагига кириб боришига кодир ишончли воқеалар тарихини етарли даражада тўплаш учун, Осиёнинг Жанубий-Шарқида ва Ҳиндистонда бўлиш имтиёзи бўлди. Мен Камбоджа, Тайланд ва Мумбайга саёҳатим давомида, қашшоқлик азобини ва жинсий қулликнинг қабиҳ ишларининг гувоҳи бўлдим. Шунингдек, одамлар саҳиийлик билан қўл чўзганида ва ташкилотлар биз билан ҳамкорлик қилишни бошлаганида, тикланишга имкон ва умид борлигини ҳам кўрдим.

Бутун дунё бўйлаб ҳамкорлик ва ҳаракат қилишга ўта кучли эҳтиёж бор. Мен Украинада бўлганимда, бир дугонам билан ресторонда нонушта қилаётганимизда, у ерга бир латофатли ёш аёл кириб келди. Украина гўзал аёлларга бойлиги учун, бу одатдан ташқари ҳолат эмасди, бироқ бу аёл олтмишларга кирган эркак билан бирга эди. У очиқ кийимда ва туфлисининг пошналари баланд эди, юзидан эса ёши ўн саккиздан ошмаганлиги кўриниб турарди. Уларни бизнинг қаршимиздаги столга ўтқизиши. Ёши катта эркак нонуштасини паққос тушургунича, унинг ёш жазмани ўзича ойнадан ташқарига қараб, қора кофе ичиб ўтирганини кузатдим. Бар таянчининг ортидаги ёш йигит қиз томонга қараб, нимадир деб пичирлаганини ва хиринглаганини кўрдим. Бир лаҳза ўтмасдан, яна ҳам ёши каттароқ бўлган эркак келиб, уларнинг ёнига келиб ўтирди. Мен йиғлаб юборишимга сал қолди. Қиз бола шуқадар ёлғиз ва ўзида йўқ кўри-

нар эди. Бу “чақи्रув бўйича келадиган қиммат қиз” эканлиги мълум эди. Бизга эса у ҳәётини хароб қилаётган иккита шаҳватпарамаст эркакнинг ўтрасида ўтирган ва шунга монанд кийинган, севгига чанқоқ қиз бўлиб кўринарди.

Мен аввал жинсий қулликда бўлган айрим опа-сингилларимиз билан шахсан сұхбатда бўлганман. Ҳа, улар энди бизнинг Масихдаги опа-сингилларимиз! Фоҳиша бўлишни уларнинг ўзлари танламаган, улар қурбон бўлган ва ҳаёт учун мардоナвор курашувчилардир.

Ҳиндистонда, бир узок булути кунда, Life Outreach хизматининг кичкина уйида йифилган ёш ва кекса аёллар айтиб берган, парчаланган юракларнинг ҳикояларини эшитиб ўтирдим. Уларнинг ҳаммаси ўз ҳәётини ўзгача сўзлади – айримлари кўз ёшлар билан, бошқалари эса хеч қандай ҳиссиётсиз.

Улар мен нега уларнинг ҳаётидаги воқеаларни эшитишни истаганим ҳақида ўйлаганига аминман. Мен уларга ачиндимми? Уларни ҳукм қилдимми? Мен уларни умуман тушуна олдимми? Улар учун бирорта бўлса ҳам жавоб топа оламанми?

Бу жасур аёлларнинг бири, онасидан кўнгли қолган ва орзуларга тўла кичкина қизча бўлганини эслади, у Непалнинг унчалик катта бўлмаган қишлоғидан эди (унинг исмини Сэма деб атайман). Бир куни Сэманинг амакиси, у онаси билан урушаётганини кўриб, уни бир четга чақирди. У қизни ўзи билан Мумбайга олиб кетишини таклиф қилди, ўша ерда унда таълим олиш ва орзуларини амалга ошириш учун кўпроқ имкон бўлишини айтди.

Бундай таклифдан воз кечиб бўлмас эди.

Тонг сахар Сэма амакиси билан ўзининг кичкина қишлоғидан “қочиб кетди”. У Непалдан Ҳиндистонга ўтиш учун узок ва хавфли йўл босиб ўтди. Мумбайга келганларида амакиси уни дам олиши учун бир меҳмонхонанинг эскириб кетган хонасида қолдирди. Қиз ухлаётганида амакиси уни сотиб юборди.

Сэма ўзини йўқотиб қўйган ҳолда бегоналарнинг қуршовида уйғониб кетди. Унинг амакисига тўланган пулларни тўлаш вақти келган эди.

Қизчани маҳаллий фоҳишаҳонага юборишида ва ўша ерда уни қоронғу хонага қамаб қўйишиди. Энди у ўзи билан нима бўлишини

умуман билмас эди. Сәма ҳатто, у ернинг тилида гапира олмас эди. Эшик очилиб, хизмат күрсатишлини кутиб турган харидор кирди. Қиз қаршилик күрсатишни бошлаганида, уни зўрлагунича тўртта хотин уни маҳкам ушлаб туришди.

Сәма ўшанда ўн уч ёшда эди.

Вақт ўтди. Сәма тилни ўрганиб олди, ўз қарзини ишлаб тўлади ва шу вақтгача у чаққон ишбилармон аёлга айланди. Унинг борадиган жойи ва бошқа иложи ҳам йўқлиги учун, фоҳишахонада мансаби ошиб бориб, идорачига айланди. У кичкина қизчаларни сотиб олар ва уларни пуллар эди, унинг буйруғи билан бу қизларни қамаб ўтиришарди. Сәма зулм ўтказадиган ташкилотни бошқарап ва ўсмир қизлар то рози бўлмагунларича, уларни калтаклашни буюрар эди.

Сәманинг айтиб берганларини тинглаб, буларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканига ишонгим келмасди. У энди фоҳишахонанинг хўжайини эмасди; у вазмин ўрта ёшли аёл эди. Кимдир унга Худонинг севгиси ҳақида бўлишган ва у масиҳий бўлган. Қочиб кетиш имкони туғилганида, Сәма ўша ерни қолдиришга жазм қилган. У бир пайтлар қизларни ўзига бўйсундиришга мажбурлаган бўлса, энди шунга ўхшаш қизларни кутқариш йўлида тинимсиз меҳнат қиляпти.

Мен Сәма билан сухбатлашиш чоғида, нега у фоҳишахонанинг идорачиси бўлишга қарор қилганини билишни истадим. Наҳотки у ўша ўн уч ёшли кўрқоқ қизча бўлиш қандайлигини унугтан бўлса? Мен ундан сўрадим: “Сәма, сен қандай қилиб, ёш қизларни ўғирлаб, уларни зўрлашига ва уришига қараб тура олардинг?”

У хўрсинди ва бошини тебратиб, деди: “Биз кун кўриш учун буларни қилишга мажбур эдик”.

Кўпчилик учун кун кўриш – уларнинг охирги илинжи ҳисобланади.

Менга худди вулқон отилган тоқقا чиққандек туюларди. Мен бу ифлос кўчалардан юриб, омонат ва тўқилиб турган кулбаларнинг ёнидан ўтар эканман, бу деворлар ортидагилар умидсизликда яшашлари сезилиб турарди. Ташки кўринишимни ўзгартириб, фоҳишахоналарга кўз ташладим. Мен ғарбда ҳаётда мақсадсиз, ачинарли тарзда фаолиятсиз яшайдиган аёлларни кўрганман. Мен кай тарзда манбалар қуруқ ҳавога, бефойдага сарфланганини кузатганман, чунки улар кимлигини унугтиб қўйишган. Бу муаммоларни ўз кўзларим

билин кўриб, жон-жаҳдим билан уларнинг ечимини ҳам кўришга умид қилиб қоламан.

Қўйида “Самонинг Ярми” номли китобдан руҳлантирадиган ва ундейдиган ҳаяжонли чорлов келтирилган:

Тарихий равнақ аёлларни эшак арава ва жинсий ўйинчоқ бўлишдан, етук шахсга айлантиради. Иқтисодиётда аёлларга хукуқ тақдим қилиш имтиёзи шуқадар кўламдорки, миллатни манашу йўналишда ҳаракат қилишга замин яратади. Жуда яқин келажакда жинсий қуллик, “оиланинг шаъни учун” ўлдириш ва газли қуроллардан фойдаланиш, худди оёқни бинт билан ўрагандек оддий ҳолат ҳисобланиб қолади. Гап шундаки, бу ўзгаришлар яна қанча вақт давом этади ва буларнинг бари тугагунча яна қанча қизлар фоҳишаҳоналар учун ўғирланади,— шунингдек, биз ҳам бу тарихий ҳаракатнинг бир қисмига айланамизми ёки фақат четдан туриб, кузатувчилар бўлиб қоламизми.

Бу савол ҳар биримизга тааллуқли.

Мен буни сизни бу ваҳийга багишлаш учун ёзаяпман. Сизнинг ичингиизда яширинган қандайдир шиддатли нарса уйғониши учун астойдил ибодат қиласман. Сиз шернинг кучи билан ўрнингиздан турасиз ва қаерга борманг, ўша ерга Худонинг мўъжизасини олиб келасиз деб умид қилиб қоламан. Мана шунда биз сиз билан бирга дунё ҳали кўрмаган ҳаракатчан кучга айланамиз. Менинг шер опа-сингилларим, ўқища давом этинг ва уйғонинг!



## Уйғоқ ва хавфли

“Нозикой” аёллар тарихда камдан-кам из колдирадилар.

ЛОРЕЛЬ ТЭТЧЕР УЛЬРИХ



**M**ен шерлар ҳақида күпроқ билишга уриниб, китоб ва мақолаларни ўкишни, DVD, илмий-оммабоп фильм ва ҳатто, You Tubeдан клиплар кўришни, уларнинг турли вазиятларда ва ҳаётининг турли даврларида ўзини қандай тутишини кузатишни бошладим. Бир марта Африканинг сафарасида бўлганимга қарамай, менинг шерлар ҳақидаги америкаликларга хос тасаввурим анчагина чекланган эди. Ҳатто, ҳозир ҳам ўзимни шерларни ўрганиш борасида мутахассис деб эмас, бор-йўғи завқли табиатшунос деб ҳисоблайман.

Бир илмий-оммабоп фильmdа, арслон ва иккита она шернинг Жанубий Африканинг янги ҳудудига кўчиб ўтиши ёритилган эди. Тўданинг раҳбари бўлмиш арслон, бу икки шернинг ёрдамида муваффақият билан янги ерда ўз салтанатини ўрнатди. Бу учови жанубий-африка кенгликларидаги улкан ҳудудда хукмронлик қила бошладилар.

Тўданинг бошқа жойга кўчишини ва унинг воқеалар тарихини пойлаш учун, бу арслоннинг бўйнига электрон бўйинбог тақишиди. Икки йилдан сўнг бўйинбогни ечиш вақти келди, негаки энди бу ҳайвонларнинг ортидан кузатишнинг ҳожати йўқ эди. Бунинг устига бўйинбог

арслоннинг ёли мавжланиб ўсишига халақит берар ва унинг ёли куюқ бўлиб ўсиши учун ечиш зарур эди (арслоннинг ёли катталигига қараб, ўз рақибининг “тоифасини” аниқлади. Шу билан бирга ўзининг ушбу ҳудуддаги устуворлигини исботлаш ва у билан жангга киришиш керакми, йўқлигини ҳал қиласи. Агарда рақибнинг ёли ўта дараражада катта бўлса, арслон ўз рақиби бўйининг атрофида оғзини жипслай олмайди).

Олимлар бўйнига бўйинбоғ таққан арслон энди олдингидек ёш, бўйсинувчан ва қўрқоқ эмас эди. Энди у ҳайвонларнинг қудратли шохи эди. Она шерларнинг ёрдами билан у осонгина янги ерда ўрнашиб олди, уларнинг хавфсизлигига тажовуз қилганлардан ўз подасини қўриқлади ва кўп марта ўзининг ҳимоячи эканини исботлади. Энди уни тутиш осон бўлмайди, чунки у ёввойи, жасур ва эркин ҳаётнинг қоидаларини ўзлаштириб олган эди. Бўйинбоғни ечиш учун, кузатувчилар уни ухлатиб қўйишга мажбур бўлдилар. Бунинг учун улар ҳайвоннинг турган жойини аниқлаб, унинг ҳаёти учун хавфсиз бўлган уйқу дорини найза билан унга отдилар. Биринчи ўқ уни фақат тинчини бузди холос; у бироз сесканди ва ўзининг тилло нигоҳи билан улар томонга қараб қўйди. Улар яна ўқ узишди. Арслон қалқиб кетди-да, секин ерга ётди. Кузатувчилар ишга тушишди; уларнинг машинаси ўсиб кетган буталар ва ўнкир-чўнкир йўллар бўйлаб, ерда ётган ҳайвон томон йўналишни бошлади. Нихоят улар ерда ётган салмоқли сариқ тананинг ёнига яқинлашишди.

Улар арслондан бўйинбоғни ечиш учун ўзларининг “жипи” дан чиқмоқчи бўлиб турган бир пайтда, ким пайдо бўлди деб ўйлайсиз. Арслонимизнинг биринчи шери ва у одамларнинг барча режасини чиппакка чиқарди. Ҳайвонларнинг атроф-муҳит билан бирлаша олиш қобилияти туфайли, то у ўзини қўрсатишга қарор қилмагунича, ўргатувчилар уни пайқамадилар. Улар шер ўша ердалигини билмаганлари, шер у ердаги одамларнинг хузурини сезмаганини билдирамайди. Арслон ийқитилганини кўриб, шер ўз туйнугидан чиқди ва одамларнинг қаршисида пайдо бўлди. У бу ўргатувчилар гуруҳига ўзининг довюраклигини билдириб қўйди. Шер қимиrlамай ётган арслон ва ҳамма нарсага тайёр одамларнинг ўртасида, у томондан бу томонга юриб, таҳдидли ўкирарди. Унинг кулоклари локатор сингари тикрайиб, юнги чўзилиб турарди – у бор вужуди билан норозилигини қўрсатарди.

## ҮЙФОҚ ВА ХАВФЛИ

Үйқу дори ўз кучини йўқотишигача, ўргатувчилар арслонга яқинлашиб, бўйинбогни ечиб олиши учун, саноқли дақиқалар қолган эди. Аммо шернинг борлиги буни амалга оширишнинг имкони йўқлигини билдиради. Одамларда факат бир хисса дори қолган эди. Арслонга яқинлашиш учун, шерни ухлатиш зарур эди! Мерган қуролни кўтарди ва эҳтиёткорлик билан шерни кўзлади. Дорили ўқ шернинг танасига тегди ва дарғазаб жонвор одамлар томон отилди, бироқ танаси билан ўқни ерга босган ҳолда, қулади. Ўрганувчилар қимирламай ётган арслонга яқинлашганларида, ҳавода безовталик ҳукм сурарди. Арслон ҳам, шер ҳам қимирлай олмас эдилар, аммо уларнинг хуши жойида эди ва унинг кўзлари одамларнинг ҳар битта ҳаракатини дикқат билан кузатар эди.

Ўргатувчилардан бири пичирлаб гапириб, арслоннинг орқасидан борди ва ўткир пичоқ билан бўйинбогни кесди, шунингдек ҳайвоннинг танасидан иккита үйқу дори солинган ўқни чиқариб олди. Сўнг улар арслондан тезгина узоқлашиб, шерни кўздан кечиришни бошлишди. Бу улкан мушукларнинг биттаси ёки иккиси ҳам ўзига келиб қолмагунларича, имкон қадар тезда у ердан кетиш зарур эди. Шер ёнбош ётган эди, унинг сут безлари шишиб турарди, бу унинг ҳомиладорлигини билдиради. Унинг танасининг орқа қисмини эҳтиёткорлик билан авайлаб кўтариб, ўқни тезда суфуриб олишди.

Бу вақтгача арслон ириллар ва туришга уринарди, бироқ ҳали оёқда туришга қодир эмасди. Ўргатувчилар орқасидаги шерларга бошқа қарамай, машиналарига шошилдилар. “Жип”нинг мотори ёнди ва улар енгиллашиб, нафас олишди. Даастурни олиб борувчи, шу дақиқагача овозидаги ҳукм сурган зўриқишини олиб, шундай деб изоҳлади: “Уйғоқ шерларнинг яқинида бўлиб қолишдан, даҳшатлиси бўлмаса керак!”

## УХЛАТИБ ҚЎЙИЛГАН МАСИҲИЙЛАР

“Хавфли” ва “уйғоқ” сўзлари менинг диққатимни тортди. Агарда биз ҳам шерларга ўхшаб, хавфли ва уйғоқ бўлсак, нима бўлади? Шунда ва фақат шундагина биз кўплаб одамларни қулликда ушлаб турган зулмат кучлари учун хавф сола оламиз.

Азизларим, душман биздан ақл бовар қилмас даражада қўрқишини англаб етишимиз учун ибодат қилиб қоламан. Шунинг учун

у бизни тўхтатиб туриш учун, қўлидан келган ҳамма нарсани қилади. Агарда биз уйғоқ ва тирик бўлсақ, у бизга яқин келолмаслигини, бизни қўлга туширолмаслигини ва кишанлай олмаслини билади. Бизга зарба бериш учун у бизни ухлатиши зарур, токи биз Худо даъват этган нарсаларни амалга оширишни бас қиласлилик. Лекин биз ёруғликда бу дунёнинг душманига қарши туришимиз учун, менинг тушимдаги шерга ўхшаб, уйғонишими, ўрнимиздан туришимиз, кимлигимизни элашимиз зарур.

## **КУНДАН-КУНГА ТИНЧЛАНИБ БОРИШ**

Худони унутиб, вақтнинг ҳисобини йўқотиб ва йўл-йўлакай ухлаб қолиш даражасида кундалик ташвишлар ва вазифилар билан, шуқадар қўмилиб ва ҳолдан тойиб кетмайсизлар деб умид қиласман. Тун яқинда тугайди, ҳа демай тонг отади. Уйғонинглар ва Худо қилаётган ишларга тайёр бўлинглар! Худо биз имонга келган пайтдан бошланган нажот лойиҳасининг якуний ишларини амалга ошироқда. Биз бир дақиқани ҳам йўқотишга ҳаққимиз йўқ, қўзимизга кўринган ҳар нарсага чалғиб ва жанжаллашиб, кимматли қунларни бефойда нарсаларга ҳамда уйқудаги ва паришонхотир холатимизда шахсий хирсларимизни бажаришга ўйламай сарфлай олмаймиз. ЁтоФингиздан туриңг ва кийининг! Юмушсиз санғиб юрманглар ва охирги дақиқагача, вақтни бехудага йўқотманглар! Масихга бурканинглар, ҳозирланинглар ва тайёр бўлинглар (Римликлар 13:11-14 га қаранг)!

Ушбу огоҳлантиришнинг қуйидаги қисмларига эътибор беринг: кундалик ташвишлар ва вазифилар билан шуқадар қўмилиб ва ҳолдан тойиб кетманглар. Улар сизнинг вақтингизни ўғирлаши, натижада сизни уйкуга солиши мумкин. Ёзувдаги бу матн бизни ўрнимиздан туришга, уйғоқ бўлишга ва Худо амалга ошираётган нарсалар учун тайёр бўлишга чорламоқда. Худо қилаётган ишлар учун тайёр ва уйғоқ бўлсангиз, сиз нима қилишингиз зарурлигини билиб оласиз! Вақтни бехудага сарфлаб юрган пайтларимиз тугади. Ҳозирланиш ва жанга-вон ҳолатда туриш вақти келди. Соат аллақачон жиринглади!

Мен охирги марта дугонам билан гаплашиш давомида, яхшилаб силкитилишга ўзимда эҳтиёж борлигини яна бир бора англадим. Дугонам у ва унинг хўжайни бир машхур раввин билан тушлик қилганини айтиб берди. У американадаги ибронийларнинг аянчли аҳволидан ғамгин эканини айтиб, юрагини уларга тўкиб-солди. Бу раввин давлатимизнинг барча синагогаларида ва анжуманларда таълим беради ва Америкада яшайдиган яхудийларни, американалик масиҳийлар бирлашиб, ўз кучи ва таъсирини тушуниши учун ибодат қилишга чақиради. Бизнинг давлатимизда яхудийлар камчиликни ташкил этади, шунинг учун улар ўзларини ҳимоя қила олмайдилар – масиҳийлар эса яхудийларга ва масиҳийларга қарши кўтарилаётган муносабатдан, уларни ҳимоя қилиши ва қўллаб-кувватлаши мумкин.

Кўпчилигимиз умидсиз, ҳаракатсизмиз ёки – ундан ҳам ёмони, жаҳонда нималар содир бўлаётганини умуман тушунмаймиз. Эҳтимол, бунинг сабаби узок вақт давомида ўзимизни тинчлантирадиган, атиги бир-неча кишини, ҳалок бўлаётгандарни кутқариш учун руҳлантирадиган, ҳақиқатдан йироқдаги Хушхабарни эшитганимиздир? Балки ҳаракатнинг ва руҳий машқларнинг етишмаслиги, бизни уйқуга ва нимжон ҳолатга олиб келгандир? Эҳтимол, диний сиёsat ёки гуноҳга сабрли бўлиш бизнинг ҳаракатларимизни тўхтатиб, атрофдаги нарсаларга бўлган муносабатимиз ва ҳиссиётимиз ўтмаслашиб қолгандир? Биз ўрнимиздан туриб, “хавфли ва уйғоқ бўлишимиз” учун Худо бизни хушимизни келтиришга уринаётгандир? Борди-ю бу шундай бўлса, демак бундай ҳолат биринчи марта бўлмаяпти.

Исройлнинг болалари керагидан анча ортиқ вақт давомида чўлда кезиб юришган. Улар қўйларнинг катта подасига ўхшаб, мақсадсиз айланиб юрганлар. Баъзида улар йўлидан оғиб, норозилик билдиришни бошлашган. Баъзида кундузи булутнинг ортидан итоат қилиб боришган ва тунда оловли устуннинг тагида гурухларга бўлиниб ётишган. Улар чўпони Мусога гоҳида қулоқ солар эдилар, гоҳида унга қаршилик кўрсатардилар. Лекин улар ваъда қилинган ер билан чегарадош Моаб адирларида гурухларга бўлинган пайт, уларни ҳамма кўришди. Атрофдаги барча ҳалқлар уларнинг келганини билиб олишди. Чўлда саргардон бўлиб юрган, жанг қилишга ўргатилмаган ҳалқ, ўша ердаги аҳолига қудратли кўшин бўлиб кўринди.

Энди бу ээзилган қуллар оломони эмас эди. Истроилликлар шохнинг авлодиданлиги ҳақида яна ваҳий олдилар (“Истроил” сўзи “Худонинг шахзодаси” деган маънони билдиради). Кўп йиллар чўлда кезиб юргандан кейин улар ўтроқ ҳаётда яшашга тайёрланишни бошладилар. Худонинг фарзандлари ҳозиргига ўхшаб, ўша пайтларда ҳам, маҳаллий шохлар, Балаам пайғамбар, уларни куршаб турган душман халқлар учун аниқ-тиниқ кўриниб турган нарсаларни тушунмас эдилар. Улар энди мусоғир эмас, балки Худонинг саждакорлари ва жангчилари эди.

Афсуски, улар аслида кимлигини, уларни ўраб турган душман халқларга қандай муносабатда бўлишни билмагани учун Худонинг фарзандлари ўзларининг мақсади ва вазифасини қўлдан бой бердилар. Улар олдинги ўзини тута билиш сифатини йўқотдилар ва шум хатога йўл қўйдилар. Ваъда қилинган ерга киришдан аввал, улар ахмоқлик қилиб, бир нечта бетавфиқ иттифоқ тузишли. Уларнинг хатоси бугун биз учун огоҳлантириш ҳисобланади: агарда уйғонганимизда кимлигимизни унутсак, бизни катта хатар пойлаб туради.

Қисқача айтганда, халқ чўлда йўлдан озиб кетди. Истроилликлар уларнинг шиййонига Балаам пайғамбар юборган моаблик аёллар билан зино қилишни бошлади (Чикиш 25:1-2; 31:16; Ваҳий 2:14). Аёллар ибронийларни ўзларининг маъжусийча сигиниш маросими бўлмиш, шаҳвоний айш-ишратига таклиф қилишли. Натижалар ёмон тус олди: Худонинг одамлари қанчадир вақтга гумроҳликка йўлиқдилар. Буларнинг бари тугашидан аввал қаҳатчилик келди, жонкуяр рухоний кўтарилди, кучли душман бўлмиш – мадианликлар пайдо бўлди. Худо Мусога халқни санаб чиқишини буюрди, шундан сўнг, халқ янгидан ташкил топди.

Шундай бўлса-да Истроилнинг душманлари уни ишғол қила олмадилар. Истроилликлар итоатли бўлганида, ғалаба қозонар эдилар. Аммо улар Худонинг амрларидан четга чиққанида, шу заҳоти уларнинг бошига кулфат ёғиларди. Улар тавба қилишли – ва Худо уларга ўз қаҳрини тўкишни бас қилди, бироқ шу вақтгача Худонинг қаҳридан йигирма тўрт минг киши ҳалок бўлишга улгурган эди.

Бу воқеадан қандай дарс олиш мумкин? Борди-ю душманимиз бизни осоишишта, фаолиятсиз ва кўнадиган ҳолда – уйку ҳолатида ушлаб ўтира олмаса, унда бизни булғанишга, жирканч ва ахлоқсиз сигинишда иштирок этиш учун васвасага солади. Уйқудаги масиҳийларнинг кўриниши қандай бўлади? Уларнинг имони қуйидаги нарсаларга ишонади:

- “Дунё пастликка куламоқда... Умид қиламанки, Худо бизни буларнинг баридан қутқариш учун, тез орада Самога олиб кетади”.
- “Нега мен ва менинг турмуш ўртогим билимга эга бўлиш учун бошқа эр-хотинларнинг жинсий алоқаси олинган видеоларни кўрмаслигимиз керак?”
- “Мен қўрқаман! Шунинг учун яхшиси мен қўзларимни юмаман (эснайди), энди қўзларим юмуқ тарзда бироз ухлаб оламан”.
- “Худо мен оддий одам эканимни ва менда турмуш ўртогим қондирмаётган жинсий эҳтиёжларим борлигини билади. Мен бундай қилмаслигим кераклигини биламан ва охир оқибат, Худо мени кечиради...”
- “Мен бу раҳбар учун овоз бермаганман. Шу боис, мен у учун ибодат қилмайман”.
- “Жинсий қуллик ва одам савдоси – бу катта фожиа. Бироқ бу бошқа давлатлардаги муаммо, шундай эмасми?”

Гаити ва Чилидаги одамлар ер қимирлашидан ҳалок бўлгани нақадар ачинарли. Лекин ўша одамларга ёрдам бериш учун машҳур юлдузлар хайрия қилгани ажойиб, тўғрими?

Баъзида мен кимлигимизни унугиб қўйганимизни ўйлаб, даҳшатдан йифлагим келади. Биз ўзимизга эмас, Худога тегишлимиз. Биз муқаддас кишилармиз, У учун ва Унинг мақсадлари учун ажратиб олинганмиз. Биз қийинчиликлар билан олишиб яшайдиган, етим бўлиб қолган қочқолар, гуноҳга енгиладиган, Худо борлигига умуман амин бўлмаган кичик тарқоқ гуруҳча эмасмиз. Биз Масих Танасида бирмиз ва Унинг танаси сифатида тантана, ғалаба, мўъжиза ва алломатлар учун яратилганмиз. Опа-сингилларимизнинг ҳаммаси ҳам бу ҳақда билмаслиги, ачинарли!

## **СИЗ – МУАММО ЭМАССИЗ, УНИНГ ЕЧИМИСИЗ**

Мен 2005-йили “Аёл сифатида кураш” деб номланган китобимда бу ҳаракатчан куч ҳақида ёзган эдим. Ундаги фикр шундаки, “Сиз муаммо эмас, балки муаммонинг ечими бўлган, Худонинг қизисиз”. “Шерларнинг уйғониши” китобини ёзишни тугата туриб, “Самонинг ярми” номли долзарб ва мароқли китоб устида мулоҳаза юритдим. Унинг муаллифи ҳам “Аёл киши муаммо эмас, балки муаммонинг

ечими” деб айтган. Ушбу китобни матбуотчиларнинг Пулитцер мукофоти совриндорлари бўлмиш, эр-хотин Николас Д. Кристофор ва Шерил Вуданнлар ёзган. Унинг мақсади – катта муаммо ҳисобланадиган, аёллар ва эркакларнинг тенг хукуклилик мавзусига, аёл кишининг таълим ва иқтисодиёт соҳасидаги аҳамиятига жамиятнинг диққатини қаратиш ва уйғотишидир. Худога шукурки, бу китоб актёрлар, артистлар ва оммавий ахборот воситаси орасида жўшқин муносабат уйғотди.

Мен бу мавзууни қайта қўтариپман, негаки жамоат жинсларнинг тенг хукукли эмаслиги каби масалаларни ечиш бўйича олдинда эмаслигидан дилим хира. Бу биз, жамиятдаги бошқалар бор жасоратини йиғиб, зўрайган тўфонга бардош беришга жон-жаҳди билан курашаётган бир пайтда, кеманинг пастки қисмида хотиржам ухлаб ётган Эски Аҳддаги Йонаҳ пайғамбарга ўхшаймиз. Биз жамиятимизнинг осойишталигига хавф солаётган чираб бўлмас адолатсизликка нисбатан Худодан жавоб излайдиган одамлар сифатида доим биринчи бўлиб олдинга чиқишимиз зарур. Аммо Йонаҳ пайғамбардан фарқли ўлароқ, бизнинг бошимизга, ёлғиз кемани океан тўлқинларига отадиган тўфон атиги бир марта ҳам тушмаган. Табиат оғатлари ерга ёғилганида, молиявий касодлар жаҳон иқтисодиёти барқарорлигига путр етказганида бутун дунё ларзага келади. Адолатсизлик бутун дунёни тебратади ва иккилантиради. Хавотир ва хавф кучайганда дунё шундай савол билан масихийларга мурожаат қиласи: “Нега бундай бўлди?” Қамал қилинган, яраланган ва ташлаб кетилганлар биздан қуйидагича сўрайди: “Сизлар кеч бўлмасидан, Худога илтижо қилиб, У вазиятга аралашишини сўраб ибодатда бўлишнинг ўрнига, қандай қилиб, ухлаб ётибсизлар?” Бироқ жамоатдаги аксарият кишилар вазиятларга уларни ухлатиб қўйишига йўл қўяди ёки беҳуда тортишувлар билан шугулланиб ўтирадилар.

Йонаҳ пайғамбар вақтида, Худо уни итоатсизликдан қайтариш ва нотўғри йўлдан кетаётган Нинивеяҳ халқи ҳакида эслатиш учун тўфон юборди. Худо ҳеч қачон одамларни фалокатда қолдирмайди, бироқ Йонаҳ пайғамбарда бу қадимий шаҳарга келаётган вайронагарчиликни олдини олиш учун ҳеч қандай истак йўқ эди. У кеманинг пастки қисмига яшириниб олди ва Худо унга бор деган ердан қарама-қарши томонга сузиб кетди. Пайғамбар уйқуга кетганида, Худо шуқадар кучли тўфонни юбордики, қочоқ сузиб кетаётган кема парча-парча бўлишига оз қолди. Нега у қочиб кетди? У нолойик деб ҳисоблаган ки-

шиларни күтқаришни истамади. Унинг ўзи ва шаҳар қутқарилгандан сўнг, Йонаҳ билан Худонинг сухбатига эътибор беринг:

Йонаҳ ғазаб отига минган эди. Ўзини бутунлай йўқотиб, Худога кичқири: “Худо! Шундай бўлишини билардим. Мен ҳали уйдалигимда, ҳаммаси айнан шу тарзда амалга ошишини билардим! Мана, нима учун мен Фарсисга қочиб кетдим! Сен – эзгулик ва шафқатнинг Ўзи эканингни билардим, Сени газаблантириш осон эмас, Сен севгига бойсан, Сен ҳеч тебранмай, Ўз режангни ўзгартирасан ва жазонинг ўрнига кечирим қуссан!”

(Йонаҳ 4:1-2, Message таржимаси)

Йонаҳ Худо шаҳарни ҳукм қилишини ва жазолашини истаган эди, Раббий эса Ўз инояти ва шафқатини тўкишни истарди. Кўп аҳолилик шаҳар қирғин бўлиш хавфи остида экани Йонаҳни қизиқтирмас эди, бироқ у соясида қуёшдан сақланаётган дараҳт қуриб қолганидан ўлгудек бўлиб, кўнгли хирадашди.

“Худо эса Йонаҳга: – Бир ўсимлик учун сенинг шундай жаҳлинг чиқиши яхшими? – деди. У эса: – Ҳа, жуда жаҳлим чиқди, ҳатто ўлишга ҳам тайёрман,— деди. Шунда Раббий деди: – Мана, сен бир ўсимлик учун шунчалик ачиняпсан. Сен у учун меҳнат қилмагансан, уни ўстирмагансан; у бир кечада ўсади ва бир кечада йўқ бўлди. Мен ичиди ўнг қўлини чап қўлидан фарқлай олмайдиган юз йигирма мингдан ортиқ одам ва жуда кўп ҳайвон бор бўлган буюк шаҳар Ниневех учун ачинмайинми? Омин”. Йонаҳ 4:9-11

Ҳой! Биз ҳам Худога муҳим бўлган нарсаларни тушуниш қобилиятини, худди шу тарзда йўқотмаяпмизми? Эҳтимол биз Худога қимматли бўлган нарсалардан кўра, шахсий қулайлигимиз ва хавфсизлигимиз ҳақида кўпроқ қайғураётгандирмиз? Самодаги Қурдатли Худони, келиши мумкин бўлган қирғинлар бутунлай қувонтирмайди. У ноҳақ йўлдан кетаётган одамларни қутқаришга чанқоқ! Келинг, Худо қутқармоқчи бўлган одамларнинг ҳеч бирини умидидан маҳрум қилмаймиз. Худога ичингиздаги шерни уйғотишига имкон беришингиз учун ибодат қилиб қоламан, токи сиз масъулиятни қўлга олинг ва уларнинг ҳаётини барбод қилишга шайланиб турган ёвзлик учун одамларни ҳукм қилманг, уларни кутқаринг.

Худонинг чорловига бўйсуниш вақти келди. У бизга бутун дунёй бўйлаб Хушхабарни ёйишни топширган. У биз бир-биримизни севишимизни амр этган. У бизга бевалар, етимлар, мусофири ва қашшоқларни ишониб топширган. Ҳозир ҳам У Ўз қизларини – ёш ва қари аёлларни – жаҳон муаммоларининг ечими бўлишга ундумоқда. У ўзимиздаги фарқларни бир четга суриб қўйишини ва Худонинг ишини бажаришда биргаликда заҳмат чекишини таклиф этяпти.

Айримларимиз ҳалигача бир-бирига яхши муносабатда бўлиш устида меҳнат қилмоқдалар. Бошқалари эса қўлдан бой берган нарсалар устида йиги-сиги қилиш билан овора. Жуда кўп кишилар Масих Танасидаги бошқаларни айблаб, таълимотдаги аҳмоқона фарқлар учун урушмоқдалар.

Севиклиларим, бизнинг руҳий уйғонишига чорловимизнинг нархи Йонаҳга ўхшаб, денгизга ташланиш ёки Истроил халқига ўхшаб, чўлда саргардонлик бўлишини истамайман! Келинг, дунёда бўлаётган ёвузликка нисбатан қўзларимизни очамиз ва бу манзара бизни ларзага солишига ҳамда бизни уйғотишига имкон берамиз. Мен ўз руҳимда, ёнаётган ва дунёни ўзгаришига тайёр бўлган одамлар кўтарилаётганини кўряпман.

## СИЗНИНГ ШАХСИЙ МИСОЛИНГИЗ

Бу китобни ёзиш жараёнида, мухаррирларим, уйкудан тўлиқ уйғонган аёлларнинг гувоҳликларини келтиришга уннадилар, токи сиз уйғоқ аёллар нималарга эришишини кўра олинг. Аммо мен бунгача кўрган мисоллар билан чекланиб қолишини истамайман, чунки “уйғоқ ва хавфли” ҳикояси ҳали ёзилмоқда. Дунё алоҳида ва биргаликда ёвузлик кучларига хавф соладиган ҳамда ухламайдиган масихий аёллар ҳаракати нимани билдиришини ҳали кўриб қўйишига ишончим комил.

Худо мени икки марта масихий аёлларнинг ўртасида уйғониш жараёнини бошлашни топшириш учун мурожаат этган. Биз тўлиқ уйғонганимизда нималар бўлишини билмайман, аммо бу зулмат учун хавфли ва кун ёруғида шарафли бўлишини биламан. Бу ҳақда фикр юритишида давом этиб, масихий аёл ўзини жасур ва ёввойи шерга таққослай олиши, ҳали шаклланиш погонасида деган холосага келаман.

Шунингдек, мен одамларга нима қилишни айтишингиз, бу уларга ёқишини ҳам тушуниб етдим. Бироқ нимани қандай қилиш кераклиги ҳақидағи маслаҳатлар бизни Худонинг ҳали ўрганилмаган мұйыжизаларидан маҳрум қилиши мүмкін, шу боис менинг мактубларим “қандай” деган саволга жавоб беради. Мен сизнинг уйғонишингизни – ичингиздаги шерни уйғотишингизни ва ўзингиздаги ноёблик юзага чиқишига изн беришингизни истайман. Ичингиздаги шер түлік уйғонганида, у қандай бўлишини сиз ва Худо белгилай олиши мүмкін.

Мен яқинда ташкилотимиздаги ишчилардан, шер деганда уларнинг тасаввурига қандай тимсоллар ва сўзлар келишини айтишини сўрадим. Улар жавобан, “латофат” ва “назокат” сўзларини “шиддат” ва “жасурлик” сўзлари билан бир қаторда айтганларидан умуман ҳайрон қолмадим. Бу уйғонишининг натижаси мана шундай кўп киррали ва кенг кўламли бўлиши мүмкін.

Ёзувни ўрганиб чиқиб, Худо Ўз одамларига ёки пайғамбарларига кўпинча оқибатини аниқ тушунтиrmай – бирор жойга боришини, бирор нарса қилишни ва бирор нарса айтишни буюришини кўрдим. Жумладан, Элиша бева аёлга деди: “Шунда у: – Боргин, ташқаридан, ҳамма қўшниларингдан ўзингга бўш идишларни сўраб олгин, кам олмагин. Ичкарига кириб, ўзингнинг ва ўғилларингнинг ортидан эшикни беркит; сўнг бу барча идишларга мойдан қўйгин, тўлганларини четга қўй» (4-Шоҳ 4:3-4). Бу сўзлар унчалик равshan эмас. Бу бева қарзларини узолмагани учун, унинг ўғилларини олиб қўйишни дўқ қилаётган одам муаммосини қай тарзда ечиши мүмкін? Аммо бева аёл унга буюрилган ишни қилиб бўлганида, яна Худонинг одамининг олдига келди ва пайғамбар аёлга нима қилишни айтди: “Бориб, ёғни сотгин ва қарзингни тўлагин, қолганига эса ўзинг ўғилларинг билан бирга яшайсизлар,— деди” (4-Шоҳ 4:7).

Биз биринчи қадамни қўймай туриб, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қадамларни билишни истаганимиз боис, қанчадан-қанча таъминот мұйыжизаларини қўлдан бой беришимиз, лол қолдиради. Шунинг учун бу китобга “ўқиб, ибодат қилиб ва Худога сиз Унинг олдига олиб келган идишларни тўлдиришига имкон бериш” керак деб қаранг. Худо сизнинг онгингизда, сизни рухлантириш учун фойдаланмоқчи бўлган шернинг тимсолини (унинг сифатларини, шаклини, ички дунёсини) акс эттиришини сўранг.

Исони арслонга, ўзингизни эса шерга қиёслашдан қўрқманг! Бу Исо-нинг чўпон сифатидаги тимсолига ва Унинг бизга нисбатан Ўзининг қўйларидек муносабатда бўлишига оид эмас. Биз асл маънода Унинг қўйлари ҳисобланамизми ёки Худо биз қўйлардек, Унинг ортидан эргашишимиз ва Унга ишонишимизни истайдими? Бунга ўхшаш мисол тариқасида, Исо – бизнинг Күёвимиз, бизлар эса Унинг келини эканимизни олиш мумкин. У бизнинг Ўзи ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиришни исташидан ҳайронмисиз? Сиз бу китобга ўз шахсий тушунчангиз, кучингиз ва таъсирингиз билан фикр билдиришингизни хоҳлайман.

## УЙҒОТИШ МАЖБУРИЯТИ

Мен олийгоҳда ўқиганимда, бизнинг қизлар ётоқхонамизда ухлаш учун пешайвон бўларди. Билмадим нега уни “пешайвон” деб атарди, чунки у уйнинг ташқи томонида жойлашмаган эди ва унга кириш учун алоҳида эшикка ҳам эга эмас эди. Бу иккинчи қаватдаги икки қаватли каравотлар қўйилган узун ва қорунғу хона эди. Бир қанча каравотлар девор бўйлаб қўйилган, бошқалари эса – қорайтирилган ойналарга нисбатан перпендикуляр тарзда териб чиқилган эди.

Битта хонада кўпчилик яшагани учун, бизга уйғониш учун соатдан фойдаланиш рухсат берилмас эди. Бунинг ўрнига биз кетма-кет навбатчилик килар, яъни мен энг ёмон кўрган ва истамайдиган – бошқаларни уйғотиш мажбурияти бўларди. Опа-сингиллар ётишдан аввал, ўз исмлари билан бирга, қачон уйғониши зарурлиги ёзилган тахтачани маҳсус кутичиларга қўяр эди. Бу нарса навбатчини ҳар бир киши қаерда ухлашини билишга мажбурларди. Бошқаларни уйғотиш учун белгиланган навбатчи, алоҳида хонада жиринглайдиган соат билан ухлаши керак эди. Менинг навбатим келганида, биринчи кишини уйғотишдан аввал, ювиниб олишга улгуриш учун соатни ярим соат олдинга қўярдим. Навбатчи учун ҳаммадан биринчи бўлиб ювиниш, ягона имтиёз эди.

Туриш вақти келганида, мен хонани айланиб чиқардим ва кейинги икки-уч соат давомида ҳар 15-30 дақиқада қизларни уйғотардим. Кийинаман ва нонушта қиласман деб, мен доим қорунғу хонада йиқилиб юрардим. Мен қайта ва қайта эҳтиёткорлик билан пешайвонга кирад, эшикни ёпар ва ухлаётганларни уйғотиб юбормаслик учун,

қоронғуда үйғотишим керак бўлган кишини топиш учун каравотларни санар эдим. Зарур опани ёки опа-сингилларни топганимда, мулоиймлик билан, лекин қатъий үйғотишим керак эди.

Навбатчидаги катта масъулият бўларди, негаки ҳар битта опа-сингиллар уни вақтида үйғотиш-үйғотмаслиги навбатчига боғлиқ эди. Улар машғулотларга, тест ва имтиҳонларга шошилар – ва албатта, ҳеч ким йигити билан учрашувга хам кечикиб қолишни истамасди.

Бир марта мен навбатчилигимда ҳаммага панд бердим, чунки ўта даражада мулойим, журъатсизлик билан үйғотар, баъзида ўзимдан катта опа-сингилларни үйғотишдан қўрқардим. Улар менга жавобан минфирилар, мен эса улар үйғонди деб ўйлардим, аслида улар шунчаки тушида гапирган бўлиб чиқарди. Кейинроқ ўшалардан бири тушлик вақтида танбех берди ва менинг масъулиятсизлигим унга жуда қимматга тушганини бор важоҳати билан кўрсатди. Мен ҳам, сиз ҳам такрорлашни истамайдиган хатолар мавжуд. Шунинг учун мен ўзимга дарс олдимки, айримларни үйғотиш учун яхшилаб силташ, бошқаларга оҳиста тегиб ўтиш керак, учинчиларини эса шу заҳоти ўрнидан туриши учун қулогига исмими шивирлаш кифоя. Уларнинг айримлари менга раҳмат айтар, бошқалари эса үйқусираб, менга тўнғилларди, ҳатто мени қувиб юборарди.

Энг ёмони шундаки, опамиз туриб, сенга ҳатто: “Яхши, яхши, мен үйғондим”, дейди-ю, кетганингдан кейин яна қаттиқ ухлаб қолади. Мен яна бир дарс олдим, бундайлар билан каравотидан турмагуничча олдиди ўтириш керак экан.

Тўсатдан бошқа кишини үйғотиб юбориш хавфи ҳам бор эди. Мен бор кучим билан шовқин кўттармасликка ва эҳтиёткор бўлишга уринсан ҳам, баъзида юқорида ётган ёки ён каравотдаги опани үйғотиб юборар эдим. У туриб, қўлимдан ушлаб: “Хой, мен үйғониб кетдим! Менинг исмимни рўйхатингдан ўчир ва бошқа мени безовта қилма” – дейиши мени даҳшатга соларди.

Тан олишга уяламан, лекин ўзимни үйғотганларида, мен ҳам тўнғиллар эдим ва мени каравотдан турғизиш жуда қийин бўларди. Қарийб доим мени иккинчи марта үйғотиш керак эди. Ўзим навбатчи бўлиб кўрганим учун, тартиб-қоидаларни яхши билардим. Агар сени икки марта үйғотган бўлса-ю, сен каравотингдан турмасанг, учинчи марта үйғотишга келишмайди. Шу боис, бу охирги имконият экани-

ни билиб, иккинчи уринишга жиддийроқ қарайсан. Опа-сингиллар уйғониб, фаол тарзда кийинишни бошлаганларида, мен уларга бошқа масъул эмас эдим. Мен уларни ҳаракатта келтирдим, энди мен ўзимни тартибга олишим зарур эди.

Бизнинг сахий Худойимиз, менинг талабалар ётоқхонасидағи қоидаларга риоя қилмайди. У бизни охирги дамгача уйғотищдан мамнун бўлади, шундай бўлишига қарамай, бизни тезкорлик ва муҳимлик ҳисси тарқ этмаслиги зарур. Айрим аёллар атрофидаги бошқаларни уйғотиши чорловини қабул қилаётганини ҳис этяпман.

## ЖАСОРАТНИ УЙҒОТИНГ

Қизиги шундаки, менимча, ҳаётимнинг ҳозирги даврида ҳам, бошқаларни уйғотиши учун навбатчилиқда турибман, фақат энди курда жиддийроқ масалалар турибди. Баъзида қоронғу хонадаги каравотлар орасида юриб, опа-сингилларни уйғонишини кутиб, сабр билан, мулойим уйғотаётгандек бўламан, баъзида эса – агарда омадим келса, улар уйғониб, ўрнидан туриши учун шунчаки уларнинг исмини шивирлаб айтсам кифоя.

Бошқаларни уйқудан уйғотиши вазифасини бажараётган битта мен эмаслигимни биламан, ахир Худонинг ҳар битта қизини уйғотишининг турли хил йўллари, услублари ёки рағбат омиллари мавжуд. Жумладан, менга сизнинг қаршингизда хатарли қоидалар ва ҳайратли тимсолларни очиб бериш топширилган.

Енгиб бўлмас улуғворлик ва куч ҳақидаги бу ваҳий сизнинг ичингиздаги жасоратни уйғотиши учун ибодат қилиб қоламан, токи сиз тўлиқ уйғониб, нима қилишни билиб олинг.

Дилбар шер опа-сингиллар, дунё сизнинг уйғонишингизни кутмоқда, дунё сизнинг шунчаки уйқудан туришингизга эмас, сизга Худодан берилган жасоратни кўрсатишингизга муҳтож. Масиҳий учун ботирлик нимани англатади? Бу чинқириб бақириш ва фарёд қилишни, тирнашни ва тепишини билдирадими? Буларнинг ҳам ўз вақти бор. Борди-ю менинг фарзандларим ёки набираларимга кимдир пўписа қилаётган бўлса, бу мен мана шундай ёки бундан ҳам баттарроқ муносабатда бўлар эдим. Айтганча, Худо пайғамбар Ҳосеянинг

китобида она-айиқ ва шернинг ҳолатини мисол келтирган ва Хосеяни Ўзининг шахсий ҳолати билан таққослаган.

“Мен уларга болаларидан айрилган айиқ каби ташланаман ва уларнинг юраклари жойлашган кўксиларини ёриб ташлайман. Мен уларни ўша жойда шер каби еб битираман, ёввойи ҳайвонлар уларни тилка-пора қиласидилар” (Хосея 13:8).

Ух-ху! Бу оят шак-шубҳасиз ботирликнинг ашаддий, шафқатсиз томонини кўрсатмоқда, аммо бу қудратли сўзда шунчаки ваҳшийликни намоён қилишдан кўра каттароқ аҳамият жойланган. Ботирлик сўзини тўлдирадиган бошқа сўзлар, булар “ишидатли”, “кучли”, “қудратли”, “жўши урадиган”, “харакатчан”, “иштиёкли” ва “тажовузкор”. Менинг ичимда қайнаётган ҳисларни бошқа аникроқ сўзлар билан таърифлаб бера олмайман. Шубҳасиз, менинг ичимда қандайдир шиддатли нарса уйғонди, бу менга ўзи билан бор қудратини йикқан тўфон каби куч ва янада кўпроқ аниқлик олиб келди.

Бу куч сизнинг ҳаётингизга саросима олиб келмайди, балки дикқатни жамлашга ёрдам беради. Аниқ мўлжалга эга бўлиб, олдин эътибор ҳам бермаган нарсаларга нисбатан чанқокроқ бўлиб боряганимни тушундим.

Бу уйғонишнинг кўп дамлари мени ғафлатда қолдирди. Бир марта шундай дамларнинг бири 2007-йил, октябр ойининг охири ва ноябр ойининг бошида келди. Мен ҳаммомда (яна қаерда ҳам бўлсин!) журнал ўқиб ўтирган эдим. Саҳифани варақлаб, Тайланддаги даҳшатли жинсий қуллик ҳакида илк бор билиб олдим. Мақолани тутатгач, бир неча кисмларини қайтадан ўқидим ва ўқиганларим ҳакиқат эканига ишона олмай турдим. Наҳотки одамлар шу қадар бешафқат? Наҳотки бундай нарслар содир бўляпти-ю, мен эса бу ҳақда билмай юрибман? Мен тўғри, ҳаммомда (яна қаерда ҳам бўлсин!) йиғлашни бошладим, сўнг шундай деб ибодат қилдим: “Художон, агар бу муаммога нисбатан бирон нарса қила олсан ёки айта олсан, мен бунга тайёрман”. Бу ибодат билан мен уйғондим ва ҳаётимда нималардир содир бўлишни бошлади.

Бир неча ҳафта ўтиб, Life Outreach ташкилотидан қўнғироқ қилишди ва дейишиди: “Лиза, биз одам савдоси ва жинсий қуллик муаммосига жамиятнинг дикқатини жалб этиш ва моддий маблағ излаш учун Тайландга борадиган гурух тузяпмиз. Сенга ҳам манашу гурух

билин боришни таклиф этамиз”. Мен уч ой ўтгач, Life Outreach ташкilotининг одам савдосига қарши йўналтирилган илк лойиҳасининг бир кисми сифатида Тайландга бордим.

Мен ўша куни ибодат қилмаганимда нима бўларди? Мен шунчаки йиғлаб қўйиб, бошимни чайқаб, журнални варақлашда давом этганимда нима бўларди? Мен давом этиб, пардоз-андоз соҳасидаги энг охирги ютуқларни, модадаги янгиликларни, ориқлаш сирларини ўқиган бўлардим. Ибодат қилишнинг ўрнига, мен шунчаки журнални ўқишида давом этганимда эди, ўша куни ухлашга ётишдан аввал, самога овозимни кўтартмаган бўлардим. Бу муаммо ҳақида бошқа сафар эшитганимда эса, бор-йўғи шундай деб айтиб қўярдим: “Ҳа, бу ҳақда эшитганиман... Журналда ўқиган эдим... Бу нақадар ачинарли!”

Бироқ сиз уйғонсангиз, бунга эътиборсиз қола олмайсиз. Уйғониш ва хафа бўлиш – тушунчаларини алмаштирунг. Агар нимадир сизнинг кайфиятингизни тушурса, сиз бир қанча вақт буни хис қиласиз, лекин нимадандир хафа бўлиш ҳисси сизни журнални варақлашда давом этишдан тўхтатиб қолмайди. Сизнинг кўнглингиз бузилиши, аммо уйғонмаслигингиз мумкин. Сиз тўлиқ уйғониб, дунёда мавжуд бўлган муаммо ҳақида билиб, индамай, қўл қовуштириб ўтира олмайсиз. Мана нима учун қизлар ўғирланиб кетаётгани ва фоҳишаҳоналарга сотилаётгани ҳақида ўқиганимда, мен бу ҳақда ибодат қилишим, бу ваҳшийликка қарши нимадир қилиш учун Худо истаган ҳамма нарсага тайёрлигимни Худога айтишим зарур эди. Менинг ибодатим туғилган имконни қўлдан бой бермаслик учун замин яратди. Менга бошқа имкониятлар ҳам учраши мумкин эдими? Балким, лекин мен манашу имкониятни қўлдан чиқарган бўлардим.

## **ХУДО СИЗНИ ЧЕКЛАШ УЧУН ҚУТҚАРМАГАН**

Худо кейин бизни чеклаш учун Ўзининг бепоён эканини очмаган. Аксинча, У бизга Ўз юрагини жойлашни истайди. Менинг дугонам Кристина жуда соз қилиб айтган: “Худо сизни чеклаш учун куткармаган!”

Худо ўзини масиҳийдек тутадиган одамларни изламайди. У бизнинг масиҳий бўлишимизни истайди! “Масиҳий” сўзи “мойланган”

ёки “Масихга ўхшаш” бўлишни билдиради. Исо фақат “эзгу” бўлиш учун келмаган; У “эзгу ишлар қилган” ва мазлумларни озодликка чиқарган. У сизни нималар учун мойлаган?

“Раббийнинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асиrlарга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Раббийнинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди” (Луқо 4:18-19, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Агар Исо юкоридаги ишларни қилиши учун Раббийнинг Рухи Унда бўлса, биз ҳам Ўша Руҳдан туғилганмиз, унда биз ҳам шундай яшашимиз лозим: қашшоқларга хушхабар айтиш, эзилганларни озодликка чиқариш ва “Раббийнинг илтифот йилини эълон қилиш” учун! Аминманки, ҳар битта йил – ҳаракат қилиш учун Худо марҳаматлаган йил ҳисобланади ва У ҳали ҳам биз Унинг номидан ҳаракатланишимизни кутмоқда.

Бу топшириқ учун Худога, куни билан пишириқ тайёрлаш билан овора ва ўзини яхши тутишни ўрганиб ўтирадиган, “уйга ўргатилган” аёллардан ташкил топган гурӯҳ керак эмас. Пишириқ тайёрлашнинг ёмон жойи йўқ, аммо биз бундан бошқа ишни қилишни билмасак, Худо тарихни ўзgartириш учун биздан фойдалана олмайди.

Бу ибора кўпларингизда эътиroz билдириши мумкин. Мен биринчи марта бу иборани ўқиганимда, бу менинг ҳам эътиборимни тортган. Бу ўзимизни ёмон тутишга ундов эмас, балки кўпинча одатий бўлиб қолган нарсалардан норози бўлганимизда, ўзгаришлар келишини тушунишга чорлов.

Роза Паркс автобуснинг “ранглилар” учун белгиланган орқа ўриндикларига бориб ўтирганида, ўзининг “жанубий” маданияти ва автобус ширкати кўзида яхши хулқ бўлиб кўринмаган. Битта аёлнинг ўз эътиқодини маҳкам тутиши ва ўз жойидан кўзгалмаслиги бутун миллатни ирқчиликка бўлган дунё қарашини ўзgartирди. Фақат вақт ниятларни ва қарорларнинг нати-

**“Нозикой” аёллар тарихда камдан-кам из қолдирилар.**

— ЛОРЕЛЬ ТЭТЧЕР УЛЬРИХ

жаларини очиш кучига эга. Эҳтимол, Роза унга Худо томонидан бे-рилган инсоний лойикликни топташлари ва хўрлашларидан шунчаки чарчагандир.

Дебораҳ, Йаэл, Тамар, Эстер, Бетшаба, Абигал, Раҳоба ва ҳатто, Марямлар ҳакида нима деймиз? (Бу фақат Муқаддас Китобдан олинган мисоллар, бундай мисолларнинг сони мингта).

Дебораҳ зулмкор ҳукмронга қарши ҳалқни кўтарганда ва эркакларнинг ўрнига жанг қилганида, у нозикой бўлган дейиш мумкинми? Унинг вақтидаги раҳбарлар, уни бундай деб ҳисобламаганлар. Унга қарши бутун бошли қўшин оёққа турди, лекин барибир уни енга олмади. Худо томонидан танланган Барак шубҳаланиб ўтирганда, Дебораҳ Худонинг бошқарувига садоқат қўрсаатди ва қўлидан келганича ҳаракат қилди.

Йаэл ҳакида нима деб ўйлайсиз. У ўз душманини бошини болға ёрдамида мих билан қокиб ўлдириб, тўғри иш қилдими? Душман ухлаб ётган пайти, уни ҳокимият қўлига топширса бўлмасмиди? Балки шундай қилса бўларди, бироқ у бундай қилмади. Худо эса унинг қарорини маъкуллади ва ҳамма жойда унинг довюраклигини куйлаш учун унинг шарафига қўшиқ тўкишди.

Тамарни ҳам эсланг. Икки марта бева бўлиб қолиб, фоҳиша кийимини кийдида, бева қайнотаси, яъни бобокалонимиз Яхудо билан қовушди. Унинг иши одамни ҳар томонлама ҳижолатга солади. Худо уни бундай қилишга ундан дейишга бирор бир сабаб йўқ. Унинг ўзи шу йўлни танлади. Аммо бу тиришқоқ аёлнинг ўғли Масиҳнинг шажарасидан ўрин олди, ўзи эса ҳақ киши деб аталди.

Эстер эса шоҳнинг ҳузурига, фақат чақирилган пайтда кириш мумкин, деган қоидани бузди. Ахашверошнинг биринчи хотини Астин ўзининг итоатсизлиги туфайли шоҳнинг уйидан қувилган эди. Эстер бу ҳақда ҳаммадан яхши билар эди. Бу мард аёлнинг шоҳона одоб-аҳлоқни бузиш қарори, иброний ҳалқини қирғин бўлишдан сақлаб қолди.

Бетшаба эрига бўлган садоқатини бузди, аммо энг доно шоҳ Сулеймоннинг онаси бўлди. Раҳоба фоҳиша эди, у ўз шоҳини алдаб, душман айғоқчиларини ўз уйида яшириб ўтиrdи. Аммо унинг бу имон ҳаракати Йерихон деворининг қулаш вақти нафақат унинг ои-

## Уйғоқ ва хавфли

ласини сақлаб қолди, қолаверса унинг ўғли шоҳ Довуд ва Исо Масиҳнинг шажарасидан ўрин эгаллади. Абигал ўз эрини алдади. Бу билан у ўз уйини қутқариб қолди ва бўлажак шоҳ Довуднинг юрагини забт этди.

Марям “никоҳдан ташқарида туғилган” болани кўтариб юриши ва Худонинг ўғлини туғиши зарур эди. У шундай дейиши мумкин эди: “Тўйдан олдин ҳомиладор бўлиш – бу даҳшат-ку! Мен одамларнинг кўзида ахлоқсиз бўлиб кўринмаслигим учун, Худо мен турмушга чиқишимни кутиб тура олмайдими?”

Бу аёлларнинг қарорини фақат тарих оқлади. Уларнинг юраклари уйғонган ва ёниб турган эди.

Сиз хавфли ва уйғоқ ҳолда бўлганингизда, кандай муносабат билдирган бўлар эдингиз? Тарихда нимани яратасиз? Уйқудан уйғониб, ўз оиласи, жамияти ва дунёни ҳимоя қилиш учун кўтариладиган ботир шерга ўхшаш бўласизми? Сиз уйғондингизми? Сизнинг юрагингизда ҳозир нима ёниб турибди?



## Қўрқув ва ҳайрат

...мен ажойиб яратилганман. Сенинг ишларинг  
ажойибдир...

Санолар 138:14



**Ш**ерлар кучли ва олийжанобдирлар. Уларнинг ҳаракати мақсад томон йўналтирилган, мушаклари торайган бўлади, улар ўзларининг ва болаларининг ҳёти, улардаги қобилият ва кучнинг жамланмасига тўлиқ боғлиқлигини тушунадилар. Уларнинг ёли юрганида ялтирайди. Биздан фарқли ўларок, улар териси шалпайганми ёки думи ўта ўсиб кетганми, бундан хавотирга тушмайдилар. Улар ҳатто, бир-бирига ўхшашлигидан ҳам ўйланмайдилар. Улар ўзининг ташқи кўринишидан бутунлай мамнун.

Шерлар ажабланарли!

Улар эркинликда юрганини кузатиб, улар буни ўзлари тушунадилар деган хulosага келдим. Агарда шерлар ва одамлар гаплаша олганларида эди, биз ўзимизга бўлган муносабатимиз ва улар ўзларини қандай қабул қилишининг ўртасида катта фарқ борлигини кўрган бўлар эдик. Келинг, қандайдир лаҳзага шер билан сухбатлашаётганимизни тасаввур этиб кўрамиз.

– Шер, сен ҳайратлисан!

– Биламан. Нимага қодирлигимни кўрсатишмни истайсанми?

– Ҳа,— деймиз биз, қизиқиб.

– Менинг панжаларимга қара,— дейди у.— Диққат билан қара.

Биз шер чангалини юқорига күтариб, тирноқларини чиқарганини кўриб, ҳайратда қоламиз.

– Мен бу чанглар билан болаларимни ҳамда тўдамизни боқиши учун антилопани ерга йиқитишим мумкин. Энди эса қара! – У тирноқларини йигиб олади ва унинг панжалари яна баҳмалдек юмшоқ бўлиб қолади:— Ўз панжаларим билан болаларимни ўйнатаман ва уларга кучли бўлишни ўргатаман.

Биз маъқуллаб, бошимизни чайқаймиз ва лакдан ёрилиб кетган тирноқларимизга тикиламиз.

– Менинг тишларимга нима дейсан?! – давом этади шер.

Унинг ўткир тишларини кўриб, орқага тисариламиз.

– Мен тишларим ёрдамида ўзимни ҳимоя қила оламан, ўлдира-ман, ейман, шунингдек, шу тишларим билан боламни бир жойдан, иккинчи жойга олиб ўтаман ва унга ҳеч қандай заар етказмайман.

Бу ҳайратомуз қарама-қаршиликка жавобан бошимизни тебратамиз.

Шу пайт шер ўзининг ажойиблигига хulosса қилиб, мамнун хўр-синиб дейди:

– Мен ақл бовар қилмас даражада ҳайратли қилиб яратилганман!

Биз чиндан ҳам: у ҳам даҳшат ва ҳайрат туйғусини уйғотишини тан олишимиз мумкин.

Лекин бир дақиқа... худди шундай сиз ҳам.

...мен ажойиб яратилганман. Сенинг ишларинг ажойибдир...

(Санолар 138:14).

Буни шерлар ҳакида билиб олганларингиздан келиб чиқиб, баланд овоз билан айтишга ундан қоламан. Азизам, ишонинг, сиз ҳам атро-фингиздаги эркак ва аёллар сингари, Худонинг ажойиб мавжудотисиз. Жуда кўпларимиз биз онамизнинг қорнидан чиққанимизда ажойибли-гимизни йўқотиб кўймаганимизни умуман унтиб кўйганлар.

Қачон охирги марта бирорта аёл билан, бизнинг шер билан бўл-ган сухбатимизга бироз ўхшаб кетадиган сухбат кургансиз?

Ҳойнаҳой иккита аёл ўртасидаги сухбат қўйидагича юз беради:

– Кўринишинг ажойиб!

– Раҳмат, лекин умуман олганда, мен ҳали охирги ҳомиладорлигимдан сўнг йикқан ортиқча вазнимдан кутула олганим йўқ.

Ҳар битта, ҳеч бўлмаса бир марта бола тукқан (ёки бошқани тукқанини кўзатган) аёл, биз ажиб ва гўзал қилиб яратилганимизни англаши лозим. Биз негадир бу ҳақда унугиб кўйғанмиз, аммо шерлар буни унутмайдилар. У ўзининг чиройи ундаги куч орқали намоён бўлишини билади. Бу унинг ташки кўринишида эмас, танасининг имкониятларида мужассамлашган. Унинг жозибакорлиги равшан, ахир ҳеч ким унинг кучига шубҳаланмайди. У ўз танасининг ҳайратомуз имкониятларини билади ва бундан завқланади. Шернинг завқланиши Яратувчисига шараф олиб келади. Кучли ва ақлли шер ўз тўдасидаги ёш шерларни машқ қилдиради.

Биз куч ва ҳаракат гўзаллигининг муҳимлигини ёдда тутишимиз муҳим. Мен бу билан жисмоний келишган бўлиш ҳақида айтмаяпман. Мен жисмонан ва руҳан боҳабар ва зийрак бўлишни – дикқатимиз жамланган – ва бунинг натижаси сифатида Худо бизга бермоқчи бўлган ҳар қандай вазифага тайёр бўлиш ҳақида айтяпман. Агарда биз ҳақиқий шер бўлишни истасак, биз кучли бўлишимиз лозим. Яқиндагина мен бизга жойланган кучни паст баҳолаб қўйишимиз нақадар осон эканини англаб етдим.

## НОТЎҒРИ “ШИШИРИШ”

Менинг бир ҳафталик янгишишларим қандай бошланганини сўзлаб бераман. Мен Австралиядаги хизматдан сўнг ҳоргин ҳолатда эдим. Бешта хизмат тугади, якшанба куни кечки вақт, кун охирлаб бораётган эди. Анжуманни ташкиллаштирганлар, тиришқоқлик билан меҳнат қилган хизматчилар гурӯҳи билан вақт ўтказишга таклиф қилишди. Биз ҳаммамиз қувончдан ўзимизда йўқ шод эдик ва бир-биримиз билан ҳазиллашардик. Бизнинг бундай завқимиз бир неча омилларнинг қориши менинг ҳоргиннинг камлиги, овқатнинг мўллиги ва Худонинг эзгулиги.

Мана шундай ҳордиқ чиқараётганимизда, хизматчилардан бири ўзининг хулоса ваҳийлари билан бўлишди: “Биласизми, ҳамма мен қандайдир нарсаларни аниқ сезиб қолиш қобилиятим борлигини ай-

тишади. Бугун эрталаб якшанба хизматида сен кимга ўхшашингни усталик билан аниқладим”.

– Кимга? – деб сўрадим.

У ҳеч иккиланмай шарт этиб айтди:

– Сен қуиб қўйгандек Сара Коннорга ўхшайсан.

Мен эшитганимни ҳазм қилишга урингунимча узоқ жимлик чўқди.

– Шошма... унинг соchlари сариқ эмасми? – бу мени ишонтиргани учун унга жавобан эътиroz билдиридим.

– Ҳа, ҳа, лекин мен унинг сочини назарда тутмаяпман.– У бошини тебратди ва қўлини силтади.– Мен унинг юзи тузилишини, қоматини, унинг... қандай айтсам экан... шиширилган қоматини,— у ҳавода унинг юз тузилишини чизиб ва вахимали қоматини тасвирлаб тушунтируди.

У чиндан ҳам ҳозиргина “шиширилган қомат” ҳақида айтдими?

Гап ҳаётдаги инсон эмас, бор-йўғи фильмдаги қаҳрамон ҳақида борарди, лекин у менинг дикқатимни тортди. Қиёслов аҳамиятли дарражада кўпиртирилган бўлишига қарамай, энди менга Сара Коннорга ўхшаш истаги келди. Мен маъкуллаганимни билдириб, бошимни чайқадим, мени мушакли аёл ролидаги тасвирлабан бу ғояни ёки тимсолни ўзимдан ҳайдагим келмади. Мен бу ҳақда ўйлай бошладим ва Штатларга қайтганимдан сўнг, бу мушакли аёлни “Терминатор” фильмида кўришга қарор қилдим.

Бир куни медиа-дохий ўғлим Алекга вазифа бердим.

– Сара Коннорнинг кўриниши қандайлигини менга топиб бера оласанми? Мен уни кўришим керак. Одамлар, мени унга ўхшатяпти,— дедим мен.

У бунга шубҳаланди ва Сара Коннорнинг майкада, унчалик катта бўлмаган күёшга қарши кўзойнақда, кўлида милтиқ ушлаб турган расмини топиб берди. Жуда асосли! У шафқатсиз, мушакли ва спортчилардек кўринарди. Унинг оналиқ сифатлари бирдан кўзга ташланди деб айта олмайман (мен болалар тарбияси ва оналиқ мавзуларида воизлик қилиб юрганим сабабли, бу мен учун муҳим эди.) Шундай бўлса-да, оналиқ сифати ҳар хил вазиятларда турлича намоён бўлмайдими?

Кучли, мушакли ва ҳаётдаги юмушинг – ўғлингни робот-жосуслардан ҳимоя қилиш керак бўлган бир пайтда, курол ишлата оладиганлардан ҳам яхшироқ “она бўлиш” мумкинми?

Алек мен учун видеоклиплар тўпламини тузиб берди. 1980-йилга хос оммабоп монтаж мени тўлиқ ўзига жалб этди! Сара Коннор бу кадрларда мотоциклда ўтирас, битта қўлида ўқланадиган қуролни ушлаб турар ёки руҳий касалликлар шифохонасидағи хонадаги чаппа қилиб қўйилган каравотига тортинар эди. Бу пайт мен ўзимни у деб ҳисоблай бошладим!

Мен бу ақлни шоширадиган фикрларга ўша лаҳзанинг ўзида чек қўйишим мумкин эди, агар мен ўзимга қуидаги оддий саволни берганимда: “*Лиза, сен ҳаётингда ҳеч бўлмаса, бир марта тортинганмисан?*”

Бундай қилмадим! Бунинг ўрнига, тасаввурим киришиб кетишига йўл қўйдим. Сара Коннор тортинаётганини кўрганимда, худди менинг ҳам қўлларим шундай кучли эканини тасаввур қилдим ва бу менда худди Сарадек осонгида тортина олишимга имон уйғотди. Табиийки, мен ўз тасаввуримда, қариб худди Сарадек “шиширилган” эдим. Мен мактаб даврларида, жисмонан энг яхши бўлган пайтларим ҳам, жисмоний тарбия дарсидан имтиҳонда атиги бир марта тортина олганимни умуман унубиб юборибман (ўшандা мен пастда крокодиллар юрганини тассаввур қилганим учун, бироз осилиб тура олар эдим).

Мен қандайдир тарзда, иккита елкам ҳам шикастланганини унубиб қўйибман – бири музда учганимизда, иккинчиси шунақа аҳмоқона сабабга кўраки, бу ҳақда айтишга ҳам арзимайди.

Шунчаки ўйлаб қўринг, мен бирор марта тортингмаганман! Аммо буларнинг бари муҳим эмас эди! Ўша пайт мен Сарра қила олган нарсани мен ҳам уддасидан чиқаман деб ҳисобладим.

Энди мен нафақат унга ўхшаш бўлишни истар, балки ўзимни ундеқ тутишни бошладим. Нега супер-аёлнинг биринчи уриниши муваффақиятли бўлди? Унинг ҳаракат қилиш вақти келганида, у ўғлини қутқариш ва ҳимоя қилиш учун кучли ва тайёр эди. Қаранг-а! Менга ҳаётидаги қийин даврларни куч орттириш учун фойдаланадиган аёллар ёқади. Сара ва мен? Нимаси ёмон, ахир биз қариб опа-сингилмиз!

Бу хаёлларнинг бари келиб турган вақт, мен илгари ҳеч қачон қилмаган ишни қилдим: Gold's Gym фитнес-клубига кўнғироқ қилдим.

Менга ажойиб мураббий ҳақида айтганлари ва мен унинг исмини сўраганим ёдимда. Фитнес-клубнинг котибаси бизни у билан улади.

Мен ўзимни қувончдан йўқотиб, Робертдан, бугуннинг ўзида мен учун бўш вақти бор-йўқлигини сўрадим. Мен аллақачон бир нечта шахсий машғулот ва машқларни кўз олдимга келтирдим. Учта ёки тўртта машғулотдан сўнг – биз Сара билан опа-сингил эгзаклар бўламиз. Ҳа, эгзаклар... соchlаримиз ҳар хил ранги бўлади, чунки мен ўзим учун сочимни сариққа бўямайман деб қарор қилган эдим, аммо бизнинг мушаклари бўртиб турадиган қўлларимиз бир-бирилизни ойнадек акс эттириши учун, меҳнат қилишга шай эдим.

Роберт менинг қобилиятларимни баҳолаш учун бир неча соатдан сўнг мен билан учрашишга рози бўлди.

Баҳолаш сўзи мени хушимга келтириши керак эди, бироқ бу нарса содир бўлмади. Мен гўшакни қўйдим ва Алексдан мен учун шўх ва шодон қўшиқларнинг тўпламини тузиб беришини илтимос қилдим. У буни тайёрлагандан сўнг, мен дедим: “Мен спортзалга кетяпман. Ким мен билан?”

Ўғилларимдан иккитаси лол қолган ҳолда, менинг таклифимга рози бўлишди ва биз спротзалга бордик. Яқиндагина қўшиқлар билан тўлдирилган iPodим билан ўзимни юқорида ҳис этардим. Эҳтимол, кейинги сафар, мураббий мендаги Сара Коннорни яхшироқ таний олиши учун майка кийиб оларман!

Мана шундай кўтариинки кайфиятда спротзалга белгиланган вақтдан сал эртароқ келдим ва узоқдан ўзимнинг бўлажак мураббийимни кўрдим. У ўзининг янги шогирди билан танишганида мамнун бўлади. Шубҳасиз, шундок ҳам мақсадга яқин турган кишини шуғуллантираётганини билиб, баҳтиёриликдан боши еттинчи осмонга етади.

Нима бўлган тақдирда ҳам мен буни шундай тасаввур этган эдим!

Роберт бошқа шогирдини шуғуллантираётган эди, у менга узоқдан югуриш йўлагига чиқиб, танамни қиздириб туришимни айтди. Югуриш йўлаги бурчақда турган эди, мен мураббийимнинг шогирди тахминан менинг ёшимдаги аёл эканини кўрдим. Мен шу вақтгача ўзимда тасаввур этган нарсаларни... бу аёlda кўрдим!

У нафақат мушакли эди, қолаверса қорайган ҳам эди. У ўзининг ҳарбий тасвиридаги майка ва трикосида Сарага ўхшайдиган навбатдаги аёл бўлиб кўринарди. Манашу пайт ичимда биринчи марта унчалик яхши бўлмаган ҳис қимир этди. Мен спротзалнинг кундузги

ёргулигига баҳоловчи нигоҳ билан ўз қўлларимга қарадим ва улар шалвираган, рангиз ва ҳатто, бироз кўкарғани кўрдим.

Бир сония! Мен қўрқувга берилишни истамайман!

Менинг ҳам иш вақтим унчалик тифиз бўлмагандан эди, мен ҳам қорайган бўлардим. Мен бу талабга жавобан югуриш йўлагининг тақсимини бир неча даражага кўтардим. Менинг мушакли тана шаклим энди туш эмас эди ва ҳа демай у юзага чиқади. Бир нечта машғулот, бир неча дақиқа қуёшда тобланиш – ва мен манашу аёлнинг ўзгинаси бўлиб қоламан! Бундай олиб қарасак, Сара шифохонага қамаб қўйилган вақтида шуғулланмагандир?

Мен нигоҳимни бошқа жойга олиб, Йордимни қўшдим ва астойдил равишда юришни бошладим.

Тез орада мураббий келди ва мени руҳлантирадиган тарзда жилмайиб, деди: “Яна ўн беш дақиқа давом эттиринг, кейин учрашиб, олдимиздаги мақсадни муҳокама қилиб оламиз. Мен эса ҳозирча бошқа шогирд билан ишлайман”.

Ўн беш дақиқа? У жиддий айтяптими? Мен қаердадир, етти дақиқа керагидан ҳам ортиқ эканини ўқиганим эсимда. Аммо мен биринчи кундан мураббийнинг кўнглини қолдиришни ёки уни тузатишни истамасдим, шу боис, кулиб қўйдим ва машғулотни давом эттирдим.

Ўн беш дақиқадан сўнг мен югуриш йўлагидан базўр тушиб, тарозини топиш учун аёллар кийинадиган хонага бордим. (Мен вазнимни ўлчашни унутибман, бу ахборот эса мураббийга керак бўлиб қолиши мумкин.) Тарозига бориш, ўша ҳақиқий мушакли аёлнинг олдидан ўтишни билдирарди. Мен унинг олдидан нафасим ҳарсиллаб ўтиб кетаётганимда, у мендан сўраб қолди:

– Хой, сиз ҳам Роберт билан машқ қиласизми?

Мен бошимни иргадим ва шишамдан бегамлик билан бир қултум сув ичдим.

– Унинг машғулотларида ўлиб қолай дейман! – у зинадан чиқишига ўхшайдиган тренажерда базўр нафас олиб, юришда давом этарди.– Мен оғир машғулотларга ўрганиб қолдим, лекин Робертнинг даражаси бошқаларникига ўхшамайди.

Мен тўхтадим.

– Сиз кучли ва мушакдор бўлишга эришибсизку...

У гапиришга ҳоли йўқдек, фақат бошини тебратиб қўйди.

Роберт мени залнинг бошқа бурчагидан чақирди ва унинг оғисига киришимни қўрсатиб, қўлинин силтади. Мен у ерга кирганимда, спортзалга келганимдаги дадиллик камайган эди.

– Мен шунчаки вазнимни ўлчамоқчи эдим – деб минғирладим мен.

Бироқ уни менинг вазним умуман қизиктирмас эди. Роберт менинг қанчалик кучли эканимни билишни хоҳларди.

– Сен ўзинг билан сочиқ олдингми? – деди у.

– Йўқ,— машғулотлар пайтида камдан-кам терлайман деб жавоб бердим.

Хозир ўша сухбатимизни эслаб, чинакам машғулотларда камдан-кам бўламан деб жавоб берсам, тўғрироқ бўларди деб ўйлайман.

## ОЗФИН-ТЎЛА

Мен ўша барча хўрлик жараёнини аниқ эслолмайман, лекин ўша воқеаларни ёдга олишга уриниб кўраман. Мураббий мени спортзалнинг тўғри ўртасига олиб борди, мени баҳолаш қандайдир алоҳида жойда бўлиб ўтади деб янгишган эканман. Биз холироқ жойни топганимизда, Роберт менга “ўнта” бажаришни айтди.

Мен гап ўнта жим ҳакида кетяпти деб ўйладим, аммо уни айнан қай тарзда қилиш кераклигига амин эмасдим.

– Сиз ўриндикқа суюниб бажарадиган, қизлар учун жимни назарда тутяпсиз, тўғрими?

– Йўқ, оддий жим – ўзининг планшети ва қалами билан таҳдидли ўқталиб, совукконлик билан деди.

Мен ўнта суст, лиқилдоқ ва қийшиқ жимларни қиласман деб, ерга чўзилиб қолдим.

Шундан сўнг, бирдан “Лиза, баракалла!” ёки бироз дам ол дейишнинг ўрнига, у қўшимча қилди:

– Энди йигирма беш марта чапак билан сакраймиз.

Мен ҳаяжонланиб қолдим. Чапак билан сакраш унчалик ҳам қийин машқ эмас, лекин уларни қандай бажариш ёдимда йўқ эди.

– Мен бошимдан юқорида қачон чапак чалишим керак? – деб сўрадим.

Роберт эса жавоб бермади.

Мен ўзим билганимча, чапак билан сакрадим. Беўхшов сакра-ётуб, аста-секин спортзалдаги ҳамманинг назари менга қаратилганини сезиб қолдим. Ҳатто менинг ўғилларим мен томонга қараб, бошини чайқар ва куларди.

– Энди полга ва яна ўнта,— деди Роберт.

Нафасим бўғзимга тиқилиб ва яна вақтни чўзиш учун ундан сўрадим:

– Сиз жимни назарда тутяпсизми ёки сакрашними, ёки бошқа нарсани назарда тутяпсизми?

– Жим,— ҳеч қандай ҳиссиётсиз деди у.

Мен ерга ётдим, бу сафар янада оғирроқ бўлди. Қўлларим қалти-рарди. Мен танамни бор кучим билан тепага кўтариб, кейин пастга тушуришим ачинарли ҳолат эди.

Роберт гап қўшди:

– Яна йигирма беш марта чапак билан сакраш.

Бу сафар ҳаммаси тўғри бўлиши учун, қайта сўрадим:

– Чапакни бошимни тепасида чалайми?

Кутилмаганда менинг овозим зўриқиб чиқди.

– Бу муҳим эмас... Бошладик! – буюрди у.

Аммо бу мен учун муҳим эди! Ва бу менинг ўғилларим учун ҳам муҳим эди, улар онаси бутун спортзалдагиларнинг кўз ўнгида ўзи-нинг чапак чалиб сакраши билан шарманда бўлаётганда, уялганидан ер ёрилиб, ернинг тагига кириб кетай деб турардилар.

Аммо буларнинг бари менинг уқубатларимнинг бошланиши эди, холос. У мени яна бир одам гавжум жойга юбориб, ўтирган ҳолда оёқларимни кўтаришни айтди. Бу сафар эса буни қандай қилишни билар эдим.

Мен тренажерга чиқдим ва йўл-йўрикни кутиб турдим.

– Ўн беш марта оёқни кўтарамиз.

Менинг қоматим олқишига лойик деб ҳисоблаб, тиззаларимни бе-лимгача кўтардим.

– Йўқ, бундай эмас! – деди Роберт.— Сизнинг оёқларингиз тўғри туриши... ва уларни манашу баландликкача қўтаришингиз зарур. (У қўли билан белимдан ҳам юқори нуқтани кўрсатди.)

Мен кучим борича оёқларимни юқорига силкидим, лекин унинг қўлига етказа олмадим.

– Баландроқ,— далда берди у.

Бу ҳазилми? Ўн беш марта? Мен ҳатто, бир марта ҳам буни қила олмадим. Оёқларимни унинг қўлига атиги бир-неча марта – йўқ, балки нул марта теккиза олдим! – менга у ҳар сафар қўлини баландроқ кўтаришгандек туюлди!

Менимча, ундан кейин гантелларни кўтариш керак эди, бу ҳақдаги хотираларим гира-шира.

Роберт мен учун гантелларни танлаётганда, курсига бироз ўтиредим. У бир ярим килолик гантеллар билан қайтиб келди. Мен жилмайдим. Бу сафар мен уни ўз кучим билан лол қолдирман.

– Роберт, мен одатда олти килолик гантелларни кўтараман,— деб тушунтирдим мен.

– Кел, бошида шулардан фойдаланамиз,— деди у жавобан.

Мен ўзимнинг қалтираётган ва нам қўлларим билан гантелларни ушладим.

– Уларни бундай кўтар.

Мен биламан дегандек бошимни чайқадим.

Уларни осонликча кўтардим.

– Йўқ, ундей эмас. Бундай кўтариш керак,— деди у ва менинг қўлларимни сал бошқа томонга йўналтириб қўйди.— Уларни шу холатда ушлаб, кўтариб-тушириш.

Ҳеч нарсани тушунмадим! Мен бу гантелларни бир неча сантиметрдан юқорига кўтара олмадим. Эҳтимол, бунинг сабаби жимдир, чунки менинг қўлларим ҳаракатлана олмай қолди. Мен яна бир марта уриндим, барибир бир неча сантиметрдан юқорироққа кўтара олмадим. Даҳшатга тушиб, Робертга қарадим, бироқ у аллақачон енгилроқ гантел топиш учун бурилиб кетган эди. Тўғрироғи, у бу залдаги энг енгил гантелни излашни бошлади. Бу нима деган гап?

– Ростдан ҳам мен одатда олти килолик, баъзида етти килолик гантелларни кўтараардим,— деб минғирладим мен.

– Сиз уларни нотўғри кўтаргансиз,— деб хulosса қилди у.

Менинг жафоларим ниҳоят тугаганида, Роберт мени яна оғисига чақирди. Менинг кўкрак қафасим ҳарсиллар, оёқларим титрарди, ўзимни Сара Коннорга ўхшатган тасаввурларим эса бутунлай йўқка чиққан эди!

Мен имтиҳон пайтидаги машқларнинг бирортасини яхши бажара олмадим.

Роберт маъюс гап бошлади. У менинг вазнимни сўради ва уни ёзиб кўйди. Мен жароҳат олган, олмаганим билан қизиқди ва буни “қад” – яъни “умумий” катакларига ёзиб кўйди. Мен унга ўнг тиззам ва чап елкам билан муаммо борлигини айтдим. Менинг шикастли аъзоларим сўровномада белгилаб кўйилди. Сўнг у мен учун ашаддий душманимни – *Nintendo* жойстигидан ҳам беозорроқ кўринган қўл мосламасини берди.

– Буни икки қўлингиз билан олдингизда тутиб туринг,— деб йўлйўриқ берди Роберт.— У сизнинг танангиз бўйлаб электр токини йўналтиради ва ёғнинг аниқ фоизини аниқлайди.

У “қўшиш” тугмасини босди ва экранда сонлар пайдо бўлгунича бироз кутиб турди.

Мен унчалик ҳам ҳайрон қолмадим, аммо Роберт менинг организмимдаги ёғнинг ҳажми нақадар баландлигини кўриб, қотиб қолди.

– Эҳтимол, мен мосламани нотўғри ушлаб тургандирман,— деб сўрадим.

Биз қайтадан текширдик, қандайдир тарзда, яна битта сонга кўпайди.

– Эҳтимол, у бузилиб қолгандир ёки мен сувсизланиб кетгандирман.

Шу пайт оғисга ўғлим Алек кириб қолди.

– Мен ҳам ўзимни ўлчаб кўрсам майлими? – деб сўради у.

Ажабо! Унинг ёғ фоизи 5,2 ни кўрсатди.

– Ойи, сизнинг фоизингиз неччи чиқди?

Мен жавоб бермадим ва оғисдан чиқиши учун кўлимни силтадим.

Роберт бошини чайқаб, иккита расм туширилган бир варақ қофоз олди. Қоғоздаги расм кўндаланг кесилган бифштексга ўхшар эди. Бир қисми ориқ, иккинчи қисми семиз. Мен бунинг иккинчи қисми эдим.

– Биз сиздайларни мулойим тарзда “озғин тўла” деб атаймиз,— деди у.

Бу мени даҳшатга солди ва фаол ҳаёт тарзи олиб боришим ва ҳатто, ўта банд инсонлигим учун бундан норози бўлдим. Мен бу спортзал оғисининг пластмасса стулида ўтириб, менга уйда ўтирадиган дангаса деган лақаб кўйишларига, индамай қараб ўтириш ниятим йўқ эди.

Роберт ҳамма нарсани тушуниб, бошини тебратди.

– Сиз доим ва фаол тарзда оёқда юрганингиз учун, эҳтимол, сизнинг танангизга керакли бўлган қувватни таъминлаш учун етарлича

протеин ололмаяпсиз. Шу боис, сизнинг танангиз, ўзига зарур бўлган қувватни олиш учун ёғни эмас, мушакларингизни кемиряпти.

Менинг ҳайратимни кўриб, давом этди:

– Бу одамлар бифштексни қандай ейишига ўхшайди. Сиз одатда нима қиласиз? Ёғни кесиб ташлаб, гўштини ейсиз. Тана билан ҳам шундай нарса содир бўлади. У гўштни ейди, яъни мушакларни; сиз мушакларингизни йўқотганингизда – кучсизланиб қоласиз. Буни ортга қайтаришнинг ягона йўли – бу доимий машғулотлар орқали мушакларингизни тиклашингиз зарур.

У менинг ярамга туз сепиб, спортзалдаги мендан анча тўлароқ бўлган аёлларни кўрсатиб, уларнинг ёғи меникидан кўпроқдек кўринса ҳам, аслида ҳаммаси аксинча эканини айтди! Шунингдек, у мендаги ёғнинг кўп қисми белимнинг атрофида ёки сонимда эмас, кўлларимда эканини аниқлади (мен бундан бутунлай хавотирга тушиб қолдим)!

Афсуски, танамнинг энг мускулли деб ўйлаган қисмлари, энг заиф экани билинди!

Сара Коннор билан биргаликда тортиниш ҳақидаги хаёлларим узоқларга учеб кетди! Энди менинг қаршимда ҳақиқий танлов турар эди. Мен мушакларимни кемиришда давом этиб, бу тарзда кела-жақдаги соғлигим ва кучимга пурт етказаманми? “Озгин тўла” ёки “мушаклари қуриган” деган лақаблардан қониқиб яшайманми, ёки чинакамига кучли бўлиш учун қарор қабул қиламанми? Бу бор шармандалик ва уятни ҳис этиб, куч йиғишни танладим! Бу мен учун шунчаки кийимнинг тагидан гўзал кўринишга эга бўлиш эмасди. Негаки “озгин тўла” бўлиб ҳам бу мақсадгага эришганман. Бу кўпроқ заиф жойларимни аниқлаб, танамнинг энг кучсиз қисмларини қувват ва куч манбаига айлантиришни билдирап эди.

Мен вазнимни камайтиришим керак эмас, куч йиғишум зарур эди.

Менинг вазним организмимнинг соғломлигини ва ҳолатини аниқламаслигини англаб етдим. Мен нимадан таркиб топган эдим? Синовлар пайтида дош бериш учун кучли ларзага қарши менда етарлича куч борми? Мен баландликка кўтарилиш керак бўлмаса, киска масофаларга югурга олардим. Борди-ю қўшимча масофа ёки қандайдир тўсиқ пайдо бўлса, мен чарчаб қолардим. Нега? Чунки қўшимча оғирликнинг юкини кўтариш учун ўта даражада заиф эдим.

Мен фақат енгил гантелни кўтара олар, бироқ уни ҳар қандай холатда ушлаб тура олмас эдим. Мана нима учун Роберт менинг танамни ўзимга кулай бўлган ҳолатдан бошқа ҳолатга ўзгартирганида, гантелларни кўтара олмадим.

Мендаги жуда кам ишлатилгани учун кучсиз ва заиф бўлиб қолган мушакларимга юк тушганида, танам мени шарманда қилди.

Менинг вазиятимда ҳаммаси шуқадар тубдан ўзариб кетдики, ҳатто, ҳозир китобни ёзаётиб, машғулотга югуриб кетиш истаги билан курашишимга тўғри келяпти. Мен спортзалга “нимжон” деган лақабни эшитиш учун эмас, балки мушакли ва кучли эканимга амин бўлиш учун бордим. Менга ўзим ҳақда эшилганларим ёқмади. Лекин ҳақиқатни билиш ажойиб, бу заиф жихатларингни кучли томонга ўзгариши учун ҳаракат қилишга имкон беради! Мен кучли бўла олишим учун, менда ўз заиф томонларини аниқлашни истайдиган қисм бор.

Ҳаётимнинг заиф томонларини ўзим мустакил равишда аниқлай олмайман. Менга мураббийнинг ёрдами керак, демак бу учун катта пул тўлаш зарур бўлади ва бу анчагина оғрикли кечади.

## ЕНГИЛМАС ОДАМЛАР

Ушбу учрашувдан сўнг, атрофимда жисмоний эмас, балки руҳий – “озғин тўлалар” канчалик кўплиги ҳақида фикр юрита бошладим. Биз ташки томондан таранг кўринамиз, ҳаётимизга озгина юк кўшилса – буни кўтара олмаймиз. Биз текис йўлдан хотиржам бир маромли қадамлар билан юрганимизда, биз билан ҳаммаси жойида. Бироқ ҳаёт – бу биз назорат қилишга қодир бўлмаган югуриш йўлаги ҳисобланади. Биз Худо билан йўл юрар эканимиз, мен қиялик ва тезлик кундан-кунга ошиб бораётганини сезяпман.

Нега мен буларни сизга айтяпман? Чунки Масиҳнинг Танаси ўзининг тўлиқ ўзгариш чўққисида турибди ва шиддат билан юқорига кўтарилимоқда. Лекин буни мен тўқиб чиқарганим йўқ. Худо шундай деган:

Сионнинг қизи, тур! Қотмалардан тозалан, ўзингни чори қилиб янчгин. Мен сизларни енгилмас одамлар қиласман  
(Микаҳ 4:13, Message таржимаси).

Худо бизни “кўринмас одамлар” қиласман демаётганига эътибор беринг. У “енгилмас одамлар” қиласман деган! Бу ерда унинг қизлари кудратли кучга эга бўлиши лозим. Сиз ўзингизни ҳар доим енгилмас сезасизми?

Эҳтимол, сиз қадим-қадим замонларда кичик қизча бўлиб, ўйнагансиз ва юргургансиз. Сиз қочиб кетиш умидида қоронгулиқда яшириниб яшаш учун яратилмагансиз. Сиз нур ва умид олиб юриш учун яратилгансиз. Сиз Сионнинг енгилмас, қўзғалмас, тебранмас қизи бўлиб яратилгансиз. Ҳатто, ҳозир ҳам мен қуийдаги сўзларни эшитяпман: “Сионнинг қизи, тургин, оёғингга кўтари! Худо сени енгилмас қилишни истайди”.

Аксарият ҳолларда бизни поклаб, янчганларида, биз ўзимизда руҳий кучни ривожлантирамиз. Микаҳ китобидаги тўртинчи бобда бу босим нимага ўхшашини тушунишимизга ёрдам беради:

“...Ўша ерда сен қутқариласан, ўша ерда Раббий сени душманларинг қўлидан қайта сотиб олади. Энди эса қўп халқлар сенга қарши йифи-либ: “У ҳаром бўлсин ва бизнинг қўзимиз Сионга қараб тўйсин”, – демоқдалар. Лекин улар Раббийнинг фикрларини билмайдилар ва Унинг маслаҳатларини фаҳмламайдилар. Зоро У бу халқларни буғ-дой боғламларини ғарамга йиққандек йиғди” (Микаҳ 4:10-12).

Бу ваъда менга ёқади. Сиз тушкунликка тушганингизда, сизни ўлдириш учун душманингиз яқинлашиб келаётгандек туюлган пайтда, Худо сизни олтин сингари тозалашни бошлайди. Худо Ўз қизларини пок, қимматбаҳо ва матонатли қилиш учун синовлардан қурол сифатида фойдаланади.

Оммавий аҳборот воситалари ёки қандайдир алоҳида одамлар масихийларни танқид қилганида, уларнинг гапида қисман жон бор. Биз бу танқидларда қандай ҳақиқат борлигини ўрганишимиз, уларга ижобий қарашимиз зарур. Агар кимdir бизни қўпол, танқидчи, севишни билмайдиган деб атаса, бироннинг биз ҳақдаги фикридан қочишнинг ўрнига, ўзимизни Худонинг Сўзи билан солиштиршимиз зарур. Биз ўзимизни текшириб кўришимиз, агар зарур бўлса, узр сўрашимиз керак.

Аммо, бундан ташқари бизнинг душманимиз, шайтон томонидан бизга нисбатан ҳақоратли айловвлар ҳам мавжуд. Баъзида унинг ҳамлалари очик-ойдин ёлғондан иборат бўлади (масалан, Раббимиз-

ни ёмонлаганларида). Бошқа сафар унинг хужумлари – турган-туриши ёвузлик бўлади, жумладан Худонинг фарзандларига, Раббийдан воз кеч, бўлмаса сени ўлдирамиз дейишади (қыйноқ замонларини тасавур этиб кўринг). Шайтоннинг бундай ташланишларини таҳлил қилиб ўтиранг, уларга дадиллик билан ҳакиқатни ва Худонинг садоқатини эълон қилинг. Бунинг мисолини Вахий Китобида кўрамиз:

“Улар Қўзининг қони ва ўзларининг гувоҳлик сўзи билан уни енгдилар. Улар ўз ҳаётларини то ўлгунча севмаган эдилар” (Вахий 12:11).

Микаҳ пайғамбар китоби 4:13 ни ўқиб, Худо шундай деб ҳайқираётганини илғадим: “Етар! Сен менинг ҳалқимни барбод қилдим деб ўйладинг, бироқ бу ундей эмас. Бунинг ўрнига сен уларни тайёрладинг!” Истроил биз учун намуна ҳисобланиди. Истроилликлар ҳақ йўлдан озганларида, уларнинг душманлари уларга қарши куч билан кўтарилидилар, лекин бу оғир синов уларни тозалади. Душман ғалабани қўлга киритмоқчи бўлиб турганида, Худо Ўзининг янгиланган ва ғалабакор – ҳалқини ўртага чиқарди.

## БАНДЛИК БИЛАН КЎР БЎЛГАНЛАР

Хуллас, кучни қўлга киритишини нимадан бошлаш зарур? Келинг, бизнинг умумий ва шахсий руҳий ҳолатимизни самимий баҳолашдан бошлаймиз. “Озгин-тўла” ибораси бизнинг Мураббиймиз – Исо Масих сўзларининг олдида унчалик ёмон эшитилмайди. Сиз Вахий Китобида У қандай баҳолаганини ўқиганмисиз? Еттида жамоатдан атиги иккитаси Унинг қаттиққўл имтиҳонидан ўта олишди. Имтиҳондан ўта олмаганлар учун бир нечта танбех бор:

«Сардисдаги жамоатнинг фариштасига ёзгин! Худонинг етти руҳига ва етти юлдуга эга Бўлган шундай дейди: “Сенинг ишларингни биламан: сен «тириқ» деган номга эгасан, аслида ўликсан. Бедор бўлгин ва ўлимга яқин қолган нарсаларни мустаҳкамлагин, чунки сенинг ишларинг Худойимнинг олдида мукаммал эканини топмадим. Қабул қилган ва эшитган нарсангни ёдга олиб асррагин ва тавба қилгин. Агар бедор бўлмасанг, Мен ўғридек бостириб келаман ва қайси соатда устингга келишимни билмай қоласан” (Вахий 3:1-3).

Худди шундай, жисмоний фаоллик менинг мушакларимни кучли қилишнинг ўрнига, уларни заифлаштирганидек, руҳий бандлик ҳам руҳий кучни ривожлантиrmайди. У бизни Худонинг топшириғидан чалғитади ва бизни ҳолдан тойдиради. Исо Масих, яна жамоатнинг тараққиётiga баҳо беряпти:

“Сенинг ишларингни биламан. Сен на совуқ, на қайноқсан. О, қани эди, сен ё совуқ, ё қайноқ бўлсанг эди! Аммо сен қайноқ ҳам, совуқ ҳам эмас, балки илиқ бўлганинг учун, мен сени оғзимдан тупуриб ташлайман, чунки сен: “Мен бойман, бойиб кетдим, ҳеч нарсага муҳтож эмасман”, – дейсан. Аслида сен баҳтсиз, бечора, қашшоқ, кўр ва ялангоч эканингни билмайсан” (Вахий 3:15-17).

Бу нима? Худо тирик одамларни ўликлар, бойларни қашшоқ ва бечора деб атаяптими? Бу икки гурух ўзига бошқача кўз билан қараган эди, бироқ Исо Масих уларнинг ҳақиқий ҳолатини очиб, уларни уятда қолдирди. Нега бизнинг Яхши Чўпонимиз шуқадар... қўпол бўлган? Бу саволга Унинг Ўзи жавоб беряпти:

“Кимни севсам, ўшани фош қиласман ва интизомга соламан. Шунинг учун рашкли бўл ва тавба кил” (Вахий 3:19).

Худо бизнинг руҳий ҳолатимиз борасида ҳаққоний, чунки У бизни севади. У биз юқори даражада яшашимиз учун, бизни машқ қилдиради. Ушбу ўзгаришлар амалга ошиши учун, Исо Масих бизнинг чинакам ҳолатимизни кўрсатиб, бизни уялтиришга ҳам тайёр. Бу огоҳлантиришга ҳижолат, айборлик ва маҳкумлик хисси билан жавоб беришнинг ҳожати йўқ. Аксинча, келинг, оёққа турамиз, буриламиз ва Худонинг ортидан жон-жаҳдимиз билан югурамиз.

## ОФИРЛИКНИ ТЕНГЛАШТИРИШ

Мен юқорида чап елкам ва тиззам жароҳатлангани ҳақида айтиб ўтган эдим. Баҳолаш пайти бунинг сабабини тушуниб олдим: ҳар доим хизмат сафарига отланиб, сумкани нуқул чап томонимга осиб олар эканман. Чап томонимга дам берганим туфайли, елкам ва тиззам тузалиб кетди, машғулотлар шарофати билан эса – менинг чап тара-

фим кучга тўлишни бошлади. Сумка ва компьютеримни осиш учун икки елкамни ҳам ишлатиб, танамни мувозанатини тенглаштиредим. Юк ёки оғирликни танамизнинг бир томонига осиб, руҳан касал бўлиб юрганлар қанча? Бу Масиҳнинг Танасида эркаклар ва аёллар икки елкада юк кўтариб юришини акс эттирибгина қолмай, шунингдек, ҳар биримиз шахсан ўзимиздаги – рух, жон ва танамизни мустаҳкамлашимиз зарур. Ўзимизнинг эски жароҳатларимизни авайлашни бас қилиш ва Худо билан ҳаракатланишни бошлаш вақти келди!

143-Санода Худо Унинг ўғиллари ва қизлари биргаликда қандайдир юкни, вазифани олиб юришининг ажойиб манзараси чизилган.

Ўғилларимиз ёшликларида – гуркираган ниҳоллардек, қизларимиз – саройдаги нақш ўйилган устунлардек бўлсинлар (Санолар 143:12)!

Муқаддас Китобнинг *New Living Translation* таржимасида шундай дейилган: “Бизнинг ўғилларимиз ёшлигида гуллаб-яшнасинлар” (муалиф томонидан ажратиб кўрсатилган). Ўғиллари гуллаб-яшнайдиган авлодни бир зумга тасаввур этиб кўринг, бу улар ёшлигидан мустаҳкам бўлади ҳамда зафар, яшнашга эришадилар ва ҳатто, улар Худонинг эзгулиги билан мақтанадилар. Бу биз кўришга ўрганиб қолган ҳолатга нақадар зид: эркаклар балоғат ва ўсмир ёшида ўз кучини ва ёшлик кувватини ўйламай бехуда нарсаларга сарфлайдилар.

Қизлар бу ерда устунларга қиёсланган. Мен “устун” сўзининг таърифини топдим ва бу иккита маънога эгалигини билиб олдим: биринчиси “мадад” тизими деб таърифланган (масалан, устун, ўзак, суяч, тиргак, лангар); иккинчи маъноси “раҳбарлик”ни билдиради. Бу тушунча юқорида санаб ўтилган барча сифатларни ўз ичига олади.

Худо бу матнда Ўз уйининг кўринишини таърифлаётганига аминман. Биз аёллар, биздан шунчаки безак сифатида эмас, янада кўпроқ нарсалар учун фойдаланишига тайёрмизми? Худо уйининг томини ушлаб туришга тайёрмизми?

Бу саволлар бизни машғулотларга қайтаради ва мақсадга эришиш учун зарур бўлган кучга тўлишга ундейди.

Ғалаба қозониш учун югуринг! Зўр спортчиларнинг ҳаммаси қийинчилик билан шуғулланадилар. Улар эскириб ва хираланиб кетадиган олтин медал олиш учун тиришадилар. Сиз эса мангу турадиган олtingа эга бўлиш учун ҳаракат қиласиз.

Сизларни билмадим-у, бироқ мен мэррага қараб жон-жаҳдим билан югуряпман. Мендаги боримни тикаяпман. Дангаса ҳаёт мен учун эмас! Мен доимий жангта тайёр ва яхши ҳолдаман. Ўзимга уйқусираган ҳолатда бўлишга йўл қўймайман, бошқаларни тўгри яшашга ўргатиб, ўзим бу ҳаётдан маҳрум бўлишни истамайман (1-Коринфликларга 9:24-27, Message таржимаси).

## АВВАЛГИ ЧЕКЛАНИШЛАРНИ УЛОҚТИРИНГ

Мен ҳеч қачон зўр спортчи бўлмаганман. Катта синфлигимда сузиш билан шуғулланганман, чунки сувни, кезиб юришни, кечалари бўладиган базмларни ёқтирадим. Лекин ҳеч қачон ғалаба қозониш учун беллашмаганман. Мен мэррага етиб олиш учун сузардим. Мени учинчи ёки тўртинчи ўринлар ҳам қониктиради. Охирги бўлмасам бўлди, дердим. Мен сузиш бўйича беллашувларни шуқадар ёмон кўрардимки, оқибатда ҳар битта мусобақадан олдин мазам қочиб қоларди. Ўзимни бир илож қилиб қўлга олиш учун, ўзимга шундай дер эдим: “*Мен бир дақиқа гайрат билан сузсан кифоя. Кейин ҳаммаси тугайди ва мен дўстларимнинг олдига қайтишим мумкин*”.

Афсуски, мен ҳеч қачон жамоамга кераклилигимни англамаганман. Мен фақат ўзимни ўйлаганман – ўзимнинг қўркувларим, кучсизлигим ҳакида ўйлаганман. Жамоам мени умуман қизиқтиргани учун ҳеч қачон ўзимни олдинга урмаганман. Мен ҳеч қачон ғалабага интилмаганман, шу боис ғалаба қозонмаганман. Мен жамоа учун қимматли ўйинчи бўлмаганман; мен уларнинг елкасидаги оғир юк бўлганман. Ўша вактларни эслаб, ўйлайман, мен ютқизишдан ҳам кўра, ютишдан қўрқар эдим, чунки бир марта ғалаба қозонсанг, доим ғалаба қозониш талаб этиларди, мен эса жонимни койитишни хоҳламас эдим. Бор кучим билан ҳаракат қилсам-у, лекин барибир яхши натижаларга эриша олмасам, кўнглим ўқсишидан қўрқардим, шу боис, фақат 70-80% кучимни ишлатиб юрар эдим. Ўшанда нега бундай қарор қилганимни ростдан ҳам билмайман, бироқ ҳозир аниқ биламанки, хуркиш менга маъқул эмас – айникса рухий соҳада. Мен уйғониб, ҳаёт нуқул битта мен арзанданинг атрофида айланманаётганини англаб етганимдан сўнг, ўзимни олдинга итаришни ва аввалги чекланишлардан кутулиш учун куч ишлатишни бошладим.

Үзингизда шерни уйғотиш учун сиз ҳам шундай қилишингиз за-  
пур. Эхтимол, кучингизни ривожлантириш учун биринчи уринишда  
мағлубиятта учарсиз, бирок бу машғулот жараёнининг бир қисми,  
холос. Мен бирор бир машқни биринчи мартадан аъло даражада ба-  
жарган бирорта инсонни билмайман.

Петъорнинг иккинчи мактуби 3:1, 7 (Message таржимаси) да ай-  
тилган:

Ўз онгингни бутунлай тайёр ҳолда сақла... Худо тайёр, У Ўз Сўзи-  
ни қайта айтиш учун тайёр, белги бериш учун тайёр.

Эътибор беринг, ўз онгингизни тайёр ҳолда сақлашга – сиз  
масъулсиз. Сизда ҳар куни танлов бор: эътиборли ва мақсадга  
диққатни жамлаган бўлиш ёки шалпайган ва паришонхотир бўлиши  
мумкин. Ҳозир биз бутунлай жанг учун ҳозирланган ҳолатда  
бўлиш вақти, чунки бизнинг Раббимиз тайёр. У бу дунёдаги барча  
нотўғриликларни тўғирлаш учун тайёр. У жазавага келиб, ғалаба  
қозонишга тайёр. Бизнинг Сарвари Коинотимиз белги берганида, сиз  
шер сингари кучли, чаққон ва хужумга тайёр бўласизми?

Муқаддас Рухга кучингизни Худонинг Сўзи нурида баҳолаши-  
га имкон беринг, сиз синовлардан ўтиб, енгилмас бўлиб етишишин-  
гизни билиб, синовлар сизни шуғуллантиришига имкон беринг. Ху-  
донинг Сўзи, Муқаддас Рухнинг чиниқтириши ва машқлари сизни  
жонлантиришига ва ҳаётингизнинг заиф ёки дарз кетган жойларини  
тиклашига имкон беринг. Диққатингизни ташқи кўринишингиздан  
олиб, ички дунёнгизга, руҳингизга қаратинг. Боз устига, ўз кучин-  
гиздан қўрқманг! Шер сифатида, бу билан Худони шарафланг. Бутун  
дунё қўрқув ва довдираш билан тўлиб-тошган бир пайтди, ер-у ос-  
мон Худоси, бор мавжудотнинг Яратувчиси, Унинг ҳайратли мўъжи-  
заларини намоён қилиш учун сизни чақираётганини унутманг.

Сиз шунга ишонасизми? Сизда бошқаларни ҳайрон қолдирадиган  
жиҳатларингиз борми? Юрагингиз зеҳнлими? Батафсил режа тузиш  
қўлингиздан келадими? Сиз гоялар ва ижодкорлик билан ошиб-тош-  
ганимисиз? Сиз онамисиз ёки ўқитувчимисиз? Сиз анжуманлар ташкил-  
лаштира оласизми ёки бузилган оилаларни қайта тиклаш қўлингиздан

## Шерларнинг уйғониши

келадими? Тартибсизлик ҳукм суроётган хонани гўзал жойга айлантира оласизми? Ёки сиз тўлдиришларини кутаётган тоза сахифадирсиз?

Ўзимизни бошқаларга куч бағишлайдиган шахс сифатида англаб етмагунимизча, ҳеч биримиз ўз орзуларимизни амалга ошира олмаймиз. Севикли шер опа-сингилларим, бизга сизларнинг шиддатингиз керак! У чиндан ҳам ажойиб ва мўъжизакор!

## Хизмат учун куч

Хар биримиз ўз якинимизни яхшиликка барпо  
қилиш учун унинг кўнглини олишимиз керак.

Римликларга 15:2



**Ш**ерларнинг ёввойи оламида ақл бовар қилмас осойишталик ҳукм суради, биз буни бошқа бирор бир жойда кўра олишимиз амри маҳол. Мен буни илмий-оммабоп фильм кўрганимда эсладим, у ерда йиртқич мушуклар Африканинг жанубий худудларига кўчиб ўтиши ва янги ерлар билан танишиши ёритилган. Фильмнинг бошида шарҳловчи қўриқланадиган ер билан танишган икки гурух шерлар ҳақида умумий тушунча берди. Биринчи гурух иккита ёш она шер ва битта ёш арслондан ташкил топган эди.

Бу учта жонивор олдин кичкина ёпиқ каталакда яшаган. Улар яшаган жой қўриқланадиган бепоён ва ҳар томонлама электрлаштирилган панжара билан ўралган худуд билан чегарадош эди. Қўриқланадиган худуднинг қўриқчилари панжаранинг бир қисмини олиб қўйдилар ва шерларга бепоён, улар учун номаълум ва ўрганилмаган худудни очиб бердилар. Кутимаган ўзгаришлардан ҳадиксираган шерлар содир бўлаётган вазиятларга қандай муносабатда бўлишни билмас эдилар.

Қўриқчилар улар ўзларини шундай тутишини тахмин қилиб, ёш шерларни уларнинг қаршисида очилган янги худудни эгаллашга ун-

дайдиган режани ўйлаб топишди. Улар шерларнинг иштаҳаси ўзла-ри ўрганиб қолган жойдан янги уйига тортиши учун, уларга бир неча кун овқат бермадилар.

Мен бу қўриқхонанинг ўргатувчилари катта ёшли антилопанинг нимталанган танасини юқ машинасидан тушуриб, уни “шерларнинг уйи”га эмас, шерлар учун тайёрланган янги ерга ташлаганларини қизиқиб томоша қилдим. Йиртқичлар бу воқеларни дикқат билан кузатиб, бошини кўттардилар ва ўлик антилопанинг ҳидини сездилар.

Ёш шерлар оч бўлсалар-да, эҳтиёткорликни сақлар эдилар. Арслон ўзининг бехавотир жойини қолдириб, Африканинг тўқайзорла-рига кетиб қолмади. Арслон иккита шер панжаранинг ўймасига бо-ришини ва бир-бири билан тўқнашиб, иккиланиб, гоҳ олдинга, гоҳ ортга кетишини кузатиб турди. Ҳайвонлар худди электр панжарани қайта тиклашни хоҳлаётгандек туюларди. Улар ҳавони, ерни хидла-дилар, яна қайтиб, ўйманинг олдида туриб қолиш учун, панжарарадан ортга тисарилдилар. Улар нима содир бўлганини, нега уларнинг ол-дида бу ўйма пайдо бўлганини тушунишга уринаётгандек туюларди. Эҳтимол, бу қандайdir тузоқдир?

Нихоят, бир шер журъат этди. Очлик унинг шубҳаларидан устун келди. У қатъийлик билан чегарадан ўтди ва антилопанинг танасига яқинлашди. Йўлнинг ярмида у опасини ўзига қўшилиш учун таклиф қилаётгандек ва уни панжарарадан чиқишига чакираётгандек, унга қараб қўйди. Иккинчи шер бир мунча вақт қимиirlамай турди, сўнг синглисига етиб олди. Улар биргаликда бориб, ҳаммаси жойидалиги-га ишонч ҳосил қилиш учун антилопани ҳидлай бошладилар. Лекин арслон жойидан силжимади. У кузатиб турган бир пайтда, шерлар эҳтиёткорлик билан гўштнинг таъмини тотдилар. Ўлжа мазали ва айнимаган эди, улар овқатга ташланишнинг ўрнига, бир қизиқ нарса қилдилар. Шерлар панжалари билан антилопанинг бўйни ва оёғи-дан тутиб, арслон ҳам улар билан баҳам кўриши учун, уни панжара билан ўралган худудга судрашни бошладилар. Уларнинг бу ҳарака-ти мени ўйлантириб қўйди. Улар иккиланаётган арслонни егуликка таклиф қилиши менда ўчмас таассурот қолдирди. Улар арслонсиз овқатланишни истамагини менга ёқиб қолди.

Аёллар қандай йўл тувишни билиши нақадар ажойиб!

## ИККИЛАНАЁТГАНЛАРГА МАДАД БҮЛИНГ

Шер-опаларимизнинг олийжаноблик намунаси, бизни мана шундай ишларга, муносабатларга, жавобан таъсирга руҳлантиришига изн берамизми? Биз ҳам Худо томонидан Унинг қизлари олдида очилган янги ҳудудларда топган марҳаматларни бошқалар билан бўлишиш учун вақт ажратадиган ва куч ишлатадиган бўла оламизми?

Ҳа, тушунаман, бошқаларни кутиб туриш учун қайтсангиз, бу сизнинг ғайратингизни сусайтиради – бироқ бошида шундай бўлади. Сиз онгли равишда эзгулик, сахийлик ва донолик олиб борганингизда, бу охир-оқибат ғалабага олиб келади. Худо Ўз фарзандларига янги ҳаётни пуркаганида, буни бир турдаги имонлилар кувонч ва умид билан қабул қиласидилар, бошқалари эса иккиланиб, бироз кутиб туришга ва кейин нима бўлишини кўришга қарор қиласидилар. Бунга қарши турадиган имонлилар ҳам топилади.

Худонинг барча қизлари кўтарилиши, Отамиз томонидан ҳозирлаб қўйилган эркинлик ва даъватга киришларига умидворман ва бу учун ибодат қиласман. Токи кучлироқ, эркинроқ, ҳақиқатда мустаҳкамроқ бўлганлар, кейинги қадамни қўйишга иккиланаётганларга мадад бўлишини ва уларни олдинга боришга руҳлантиришини тилаб қоламан.

Бу фикр Римликларга Мактубда қай тарзда ёзилгани менга ёқади:

“Биз кучлилар ўзимизнинг кўнглимизни олмасдан, заифларнинг ожизликларини қўтариб юришимиз керак. Ҳар биримиз ўз яқинимизни яхшиликка барпо қилиш учун унинг кўнглини олишимиз керак” (Римликларга 15:1-2)

Кучли ва лаёқатлилар заифларни қўллаб-кувватлаши ва иккиланаётган, ўзига амин бўлмаган, бекарор ва журъатсизларга ёрдам қўлини чўзиши лозим. Менга бу қандай содир бўлаётганини кузатиш ёқади. Кўплаб ёш ва қари аёллар, уларнинг ичида қандайдир каттароқ нарса борлигини сезадилар. Улар олдинга ҳаракатланишини ва янги ҳудудларни зabit этишини истайдилар. Улар янги нарсанинг остонасида туриб, Худо ундаётган ўрганилмаган томонга қарайдилар, бироқ ўз шубҳаларини енгиб ўта олмайдилар.

Яқинда хизматдан сўнг бир гўзал, самимий ёш қиз ёнимга келди. Унинг ичидаги илоҳий мақсад шуқадар улкан эдики, у бизнинг қисқа учрашувимиз давомида юрагидаги нарсаларни айтиб беришга ултур-

мади. Шу боис, уйига келганида электрон почта орқали асарга ўхшаган катталиқдаги батафсил хат ёзид, менга юборди, у бу хатда ўзининг барча хисларини ёритган эди. (Кейинроқ у бундан ўзини нокулай хис этди, лекин ҳижолат тортишнинг ҳожати йўқ эди.) Хатни ўқиб, ундағи хавотирни тушундим. Унинг кечинмалари менинг шахсий кечинмаларим билан ҳамоҳанг эканидан лол қолиб, мен уникуга ўхшаш ўсиш босқичларидан ўтиб, ҳис этган нарсалар ҳақида унга айтиб бердим.

Баъзан бизга кимдир шу кўприқдан ўтгани ва бошқа томонга хавфсиз етиб олганини билишнинг ўзи кифоя. Баъзан иккиланаётганлар, зарур жойга етиб олган опа-сингилнинг нигоҳи билан тўқнашиши керак. Бу нигоҳ шундай дейди: “Хой, синглим! Мен бу ердаман, бу ерда нафақат хавфсиз... бу ер жуда соз!”

## ЕЛКАНГИЗДАН ДИНДОРЛИК ЮКИНИ ОЛИБ ТАШЛАНГ

Кўпинча аёлларни қатъиятсизлик тўхтатиб қолади. Кўпроқ ва кўпроқ аёллар Худо улар учун тайёрлаб кўйган озодликни қўлга киритаётган бўлишига қарамай, диндорлик юкидан йиқилаётганлар ҳам учраб туради. Фақат охирги ўн йил ичидаги аёлларни биродар ва опа-сингилларга воизлик қилиш учун таклиф қиласидиган бўлдилар. Жамоатлардаги аксарият аёлларга бу эркинликни қабул қилиш ҳали ҳам мушкул. Мен ҳам ҳаётимда шундай қийинчиликларга дуч келганман.

Мен Худонинг қизларига дадиллик билан воизлик қилсан ҳам, тингловчиларнинг орасида бир-иккита эркак киши топилиб қолса, ҳаяжондан муболагасиз ҳароратим кўтарилиб кетарди. Хато қилиб кўйишдан қўрқанимдан, асабийлашишни бошлардим. Лекин бир куни мени воизлик қилишга таклиф қилган чўпон ва ботир дугонам бу кўркувни ўзимдан улоқтиришга ёрдам беришди.

– Нега сен аёлларнинг олдида ўзингни қандай тутсанг, эркакларнинг олдида ҳам шундай тута олмайсан? – деб эътиroz билдиришди улар.

– Тўғрисини айтсан, ўзим ҳам билмайман... – дедим самимий.

– Бунинг сабабини тезроқ тушуниб ета оласанми? Биз сен ўзингни бундай қатъиятсиз тутишни бас қилишингни истаймиз!

Уларнинг сўзлари мени пичоқсиз сўйди. Жамоат соғлом бўлиши учун унинг ҳам эркак, ҳам аёл овози бўлиши зарурлигига аминман.

## Хизмат учун куч

Менинг шубхаларим, мохиятан, бу эътиқодни барбод килар эди! Мен ўзимнинг овозимни қудрат билан кўтармаётган эдим. Аксинча, мен Ёзув ҳақида эмас, балки аёл эканимни ўйлаб, эркакларнинг олдидаги ўзимни оқлаётгандек бўлиб қолар эдим. Менга буни ўзим ўзгартиришни истамаётганимни айтганларида, шу заҳоти бу қотмани ёриб ўтишни бошладим.

Мен ҳали ҳам аёлларга воизлик қилишни афзал кўраман, лекин эркакларга хизмат қилишни топширганларида, бунинг учун энди кечирим сўрамайман. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, айтаманки, эркак киши сиздан гапиришни сўраса, у сиз бутун борлигингиз билан буни бажарашингизни истайди. Сизни кўллаб-қувватласа, рухлантирса, тўғриласа, кейин ҳаракатга ундаса, бу одамлар сизнинг чинакам дўстларингиз эканини билиб кўйинг. Афсуски, аксарият ҳолларда бунинг тескариси содир бўлади.

“Шундай қилиб, улар оғир ва кўтаришга нокулай бўлган юкларни боғлаб, одамларнинг елкаларига юклайдилар. Ўзлари эса ҳатто бармоқлари билан уларни силжитишни хоҳламайдилар” (Матто 23:4).

Исо Масихнинг даврида диний раҳбарлар, одамлар уларнинг ўйлаб топган қонун-қоидалар юки остида эгилаётганини кўриб, хурсанд бўлишган. Улар ўзларини нега бундай тутган деб ўйлайсиз? Бу раҳбарлар ўйлга кўйган қоидалар оғирлигини кўтариб юрган одамлардан, улар ўзларини устун сезишган. Бу нарса одамга ўз кўзларида ҳақроқ ва Худога яқинроқ бўлишга замин яратган.

Юқорида келтирилган матндан ўта муҳим хулоса чиқариш мумкин. Худонинг Қонунлари оғир юк эмас, балки зиёфат бўлиши зарур эди. Егулик куч беради, оғир меҳнат эса ҳолдан тойдиради. Биз ерда Худони акс эттиришга чақирилганмиз; У амалга оширадиган ва таклиф қиласиган барча нарсалар – бу ҳар битта инсон иштирок этиши мумкин бўлган зиёфат саналади. Биз Худо эзгулигининг тўкинчилигидан бошқаларга хизмат қилишимиз лозим. Бунинг учун биз Худонинг ўғил-қизларига орқалаб кўйилган диний юқдан кутулишимиз зарур.

Эҳтимол, сиз мен ўйланмаган ва турмушга чиқмаган бўлсан ҳам, хизмат ва воизлик қила олишим мумкинлигини назарда тутаётган-

дирсиз? Ҳа! Келинг, ҳар қандай кераксиз юкни улоқтирамиз. Сиз Масих Танасида хизматкор бўла олишингиз учун уйланган ва турмушга чиқкан бўлишингиз шарт эмас. Повул уйланмаган эди. Келинг, аёлларга болалар билан ишлашини топшириш мумкин, бироқ катталар билан эмас, деган жамадонларни очамиз. (Бизни аслида, болаларимизга ким таълим бериши кўпроқ қизиқтириши керак эмасми?) Биз Худонинг ваъдаларини эълон қилиш ҳуқуқини қўлга киритишдан аввал, бекам-кўст бўлишимиз шарт деган ёлғонни фош қила оламизми? Ҳеч биримиз мукаммал эмасмиз. Юзаки ҳақликтини бас қилиш керак! Келинг, ўз хатоларимизни тан оламиз, улардан дарс чиқарамиз ва Исони улуглаб, олдинга ҳаракат қилишда давом этамиз!

Биз ўзимиздаги эркинликдан, диндорлик одамларга асоссиз равишда бўйнига осиб қўядиган юкни қулатиш учун фойдаланишга тайёрмизми? Худо бизни янги худудларни эгаллаш ёки нотаниш ерга оёқ босишига – қандайдир янги нарсага чақирганда, биз қокинишини ва йиқилишни бошлаймиз. Охирги ўн йил давомида жамоат кўп соҳаларда янги даражага кўтарилиди ва бу қувонарли, аммо ҳали ҳеч ким зарур бўлган чўққига ета олгани йўқ. Худо олдин ёпилган эшикларни очиш билан шуғулланади ва одамлар ўз қўркувини сенгуб, олдинга бориши учун уларнинг юрагида чанқоқлик уйғотади.

Яқинда бир аёлдан e-mail орқали хат олдим, у уч ёки тўрт йил илгари, менинг, Худога бағишланган, мойланган аёл Худонинг Уйида овозга эга бўла олади ва шарт деган воизлигимни эшитган экан. Бу фикр опамизни саросимага солиб қўйган, негаки у барча эшитган нарсаларига қарши бўлган.

У воизлиқдан эсанкираб, менинг сўзларимдан ҳаяжонланиб уйига кетган. Вакт ўтиб, у Ёзувни ўргангандан ибодат қилган, Худо эса бу ҳақиқатни унинг юрагида таъкидлашни ва унинг қаршисида янги эшикларни очишни бошлаган. Ўшанда у менинг воизлигимдан кеинин вужудга келган ички кураш Худодан бўлганини тушуниб етган. Бу нокулайлик Худо унга айнан манашу масала бўйича мурожаат этганини исботлайди. Ўшанда мен айтган сўзлар, бу аёлнинг ҳаёти учун уруғ бўлган, бу уруғ мана энди биринчи хосилларини беряпти.

Биз ҳақиқатни севги билан гапиришимиз ва шундай яшашимиз керакки, токи бизнинг ҳаётимиз бошқаларни ушбу саёхатга қўши-

лишга таклиф қилишга айлансиз. Биз уйқудан уйғониб, нимжон ва оч ҳолда қолиб кета олмаймиз.

Эзекил пайғамбар китоби 19:2 да шундай савол күтарилган: “Сенинг онанг қанақа шер? Шерлар орасида ётади...”

Ушбу сатрларни ўқиб, ўйладим: “Бу нимани англатади?” Ваҳий олиш ниятида Эзекил пайғамбар Китобининг 19-бобини тўлиқ ўрганиб чикдим. Бу жойда иккита фарзандини ўстираётган шер ҳақида ёзилган, у уларнинг кучли ва қудратли арслонлар бўлишини истайди. “Мен ҳам арслонларнинг ичидаги шер бўлишни истайман!” – деб ўйладим. Сизнинг ҳаётингиз ва қарорингиз кучли ўғил-қизларни ўстириш кучига эга бўлса, ким ҳам бундай аёл бўлишни истамайди! Кўп аёллар мени илиқ кутиб олиши мен учун баҳт, бироқ эркакларнинг ҳаётида ҳам бу ҳақиқатни бўлишиб, ўзимнинг қимматли ҳиссамни қўшишни истайман. Мен барча журъатсиз, заиф ёки мусибатга учраганларни кўтаришни хоҳлайман. Ва биласизми нима? Сиз ҳам буни исташингиз мумкин. Худо Ўз қизларида бошқаларни кўтариш истагидан ип қилиб, чойшаб тўқиган.

## УМИДСИЗЛИККА ТУШГАНЛАР УЧУН УМИД

Баъзан қоқилган кишига ёрдам қўлинни чўзиш, уларга умид бағишлиш билан баробар. Life Outreach ташкилоти билан охирги марта Камбоджага борганимизда, кечаси фоҳишалик қиласидиган қизлар билан гаплашдим. Бу “кечки капалакларга” қачон яқинлашмай, уларни бошқа одамлар қўриқлаб турад ва борди-ю, улар мен билан гаплашса, хеч муболагасиз уларни ҳақоратлай бошларди.

Ҳар сафар битта ёки бир гуруҳ қизларнинг ёнига борганимда, ҳар сафар айнан шу нарса такрорланар эди ва бу катта заҳархандалик билан амалга ошарди. Аёллар менинг саволларимга, бир-бири билан кулишиб, қисқа, бир оғиз жавоб қайтарар эдилар. Аминманки, улар ўрта ёшли оқ танли америкалик аёл улар билан гаплашишга уринини тушунолмас эдилар. Агар суҳбатимиз давом этса, улар нималар ҳақида орзу қилишини сўрардим.

– Ҳаётда нимага эришишни истайсан? Борди-ю сен ўзинг истаган инсон бўлсанг, истаган нарсангни қила олсанг, нималар қилган бўлардинг?

Улар орзу қилиш таклифини олганида ва уларнинг ҳаёти ҳозирги-дан яхшироқ бўлиши мумкинлигига умид туғилган лаҳза, уларнинг юз ифодаси ўзгариб кетарди. Наҳотки бу тунги даҳшатнинг орасида уларга орзу қилишни таклиф этадиган одам бўлса? Кутимаганда мен томонга саволлар ёғилишни бошлар ва мен уларга таржимоним улгурадиган даражада тезлик билан жавоб берардим.

- Мен соч турмаклашни истайман!
- Мен эса – ўзимнинг ресторанимни очаман.
- Мен бозорда чиройли нарсалар сотиш учун ўз растам бўлишини хоҳлайман.
- Мен одамлар мендан жирканмасликлари учун бошқа ҳар қандай иш қилишга тайёрман.
- Мен уйимдаги яқинларга юбориш учун, кўп пул ишлаб топишни хоҳлайман.

Қизларни тўхтатишнинг имкони йўқ эди. Улар бир баҳяга ўзларининг васвасага соладиган туришини қолдириб, бир неча қисқа лаҳзаларга ёш ўсмир қизчаларга ўхшаб, асл ҳолларига қайтиб қолардилар. Бу қизлар, улар турган қафаснинг эшиклари очилса, нима қилишни билар эдилар! Имкон туғилди дегунча, уларга бу “қамоқхонадан” қочишини таклиф қиласр эдик ва айримлари бизнинг қўмагимизни қабул қиласр эдилар. Бирок уялишни енгиб ўтганларигина, олдинга ҳаракат қилишга кодир бўлардилар. Уларни ва уларнинг қўшмачилирини уят ва айбдорлик хисси қулликда ушлаб турарди.

Мана шундай мушкул вазиятда бўлганда, бирор нарса ҳақида орзу қилиш ҳам имконсиз. Аксарият ҳолларда алданган ва синган одамлар, уларнинг қархисида эшиклар кенг очилса ҳам, ўзининг қамоқхонасининг ичида яшириниб ўтиришда давом этадилар.

Шу боис, биз бу қизларга мажбуран ушлаб турилган фоҳишабозликдан қутулишни таклиф қилиш билан бирга, уларга Худонинг эзгулигини ҳам тушунтирадик. Уларни Исо билан танишиштирар, У ҳақида сўзлаб берар, Исо улар томондалигини ва ёлғиз У тушкунларга умид эканини айтар эдик. Улар Исони ўз юрагига ва ҳаётига таклиф қиласрарми? Уларнинг ўзи буни қарор қилишлари зарур эди. Мен ва сиз бошқаларни қўллаб-қувватлаб, уларни олдинга боришига руҳлантириб, ёнида боришимиз мумкин, аммо охир-оқибат, якуний қарор уларнинг кўлида.

## ШЕРНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Келинг, бир зумга ушбу бобнинг бошида тилга олган, шерлар ҳақидаги илмий-оммабоп фильмга қайтамиз. Нега улар антилопанинг танасини арслон ҳам ейиши учун унинг олдига судраб келишиди, ахир уларда бошқа йўллар ҳам бор эдику? Шер ҳам уларнинг зиёфатига қўшилиши учун, улкан егуликни орқасидаги панжараланган ерга судраб келиш улар учун қийин эди. Улар ўзларини улушкини еб, арслон чикишни истаса, унинг улушкини қолдирсалар, анча осон бўларди. Ёки улар ўзлари тўйиб олиб, қолдигини арслонга таклиф қилиши мумкин эди. Антилопани бутунлигича эмас, балки бир қисмини судраб бориш анча осон бўларди. Уларнинг ҳаракати жунгли қонуни ҳақидаги бизнинг тасаввуримизга зид. Борди-ю ҳайвонот олами фақат кун кўриш қонуни билан бошқарилса, нега унда бу шерлар бундай сахий? Охир оқибат, ўз ўлжасини оч арслон билан бўлишиш, уларнинг ўзига овқат кам қолишини билдиради-ку?!

Эҳтимол, бу шерларнинг, биз унутиб қўйган нарсани билар. Улар ёш ва ғурӯб бўлишига қарамай, ич-ичидан ўзларининг ва болаларининг келажаги ва жон сақлаб қолиши тўғридан-тўғри уларнинг арслонга бўлган муносабатига боғлиқлигини билади. Улар буни арслоннинг ҳаётида янги босқич бошланганда, у поданинг сардори бўлганида, уларнинг бу иши ёдида қолиши учун шундай қилдилар. Улар хозир буталарнинг орасида яшириниб ўтирган бўлса-да, бир куни кудратли арслон бўлиб етишадиганни эъзозлар эдилар. Шундай кун келади – у қудратли, ботир арслон бўлиб етишади. У ёш ва ўзига тегишли нарсани талаб қилиш учун журъатсиз бўлган чоғларда, шерлар унга овқат олиб келганини эслаб юради. Шундай кун келадики, арслон бу шерга ишониш мумкинлигини тушуниб етади ва ўз ҳаётини улар билан куради. Бу шерлар ички туйғуси бутун бошли тўдага мадад бера олиши ва унинг раҳбарини ўзига боғлай олиши мумкин.

Қай биримиз шундай муносабатни намойиш эта оламиз?

Ёки биз кун кўриш қонуни деб аталган, мардоналиктининг чаппасини қўллаймизми? Бизнинг муносабатимиз қуидагича бўладими: “Эҳ, орқада қолиб кетганлар, сизларга ачинаман! Бизда бу ерда ажойиб нарсалар содир бўляпти! Худо ўз қизларига ҳақиқий базм

тайёрлаган. Борди-ю сен бизга қўшилишни истамасанг, ўзингнинг пана жойингда қолавер ва истаганингдек яша!”

Бир ҳақиқатни эслаб қолиш учун бизга донолик етармикан: агар сен бугун камроқ олсанг, келажакда ҳам камроғига эга бўлишингни билдиrmайди. Ҳурмат кўрсатиш ҳамма учун ва ҳамма тилда тушунарли.

Куч бизга мансаб учун эмас, балки хизмат учун берилган (Римликларга 15:2 га қаранг). Қизиқ, агарда дунёдаги ҳар битта киши манашу қоидани билиб, унга амал қиласа қанчадан қанча муаммоларнинг олди олинган бўларди. Бизнинг кучимиз заиф, журъатсиз, иккила-нувчиарга хизмат қилиш учун берилганини билсак, нималар бўларди? Ҳаммаси кўнгилдагидек бўларди! Мен аминманки, ҳаётимизнинг охирида Исо Масихдан шундай сўзларни эшитган бўлардик: “Яхши, эзгу ва содиқ кул”.

## ХИЗМАТ УЧУН ЎЗГАЧА ТАРЗДА КЎТАРИЛ

“Хизмат” сўзининг маъноси турлича тушунилиши мумкин. У ҳам феъл, ҳам от бўлиб келиши мумкин. “Хизмат” сўзи инглиз тилидан “таъмирлаш, текшириш, созлаш, синаб кўриш” маъноларини англатади. Исо Масих Ўз қурбонлиги орқали бизни Муқаддас Худонинг қаршисида бош кўтариб тура олишимиз учун, аъло даражада “хизмат қилди”. У бизни тиклаш учун “синган” эди. “Хизмат” сўзи от сифатида “маросим, марака ёки илохий ҳаракат” деган маъноларга эга. Биз бир нарсани: жамоатда хизмат қилиш – Худога ва бир-биримизга хизмат қилишни ўрганиш эканини баъзан унуги қўйишимиздан даҳшатга тушаман. Нотўғри нарсаларни кутиб, бирга йиғиладиган масиҳийлар тўлиб-тошиб кетган. Улар Худо уларга хизмат қилишини эшитиш учун келадилар. Келинглар, жамоатнинг ичидаги ва жамоат маросимларимизнинг ташқарисидаги одамларга эришиш ниятида бирга йиғилайлик.

Бизнинг қаршиимизда очилаётган эркинлик, эзгулик ва янги имкониятлар ҳақидаги ваъдаларга эга бўлиб, келинглар, бирор киши ортда қолмаслигини назорат қилиб, Худо биз учун тайёрлаган йўлдан ҳаракат қиласиз. Менга қуйидаги топшириқ ёқади:

## Хизмат учун күч

“Бизни боримиздан ортиқ равишда раҳбар деб ҳисобламанглар. Биз Масиҳнинг жаноблари эмасмиз, биз Унинг хизматчиларимиз. Биз хавфсизлик хизматига ўхшаб, Худонинг ҳикматли сирларининг қўриқчилари эмасмиз, балки Худонинг ҳикматли сирларига олиб борадиган йўлни кўрсатиш учун тайинланганмиз. Яхши йўл кўрсатувчидан – ишончли ва ҳаққоний билимга эга бўлиш талаб этилади” (1-Коринфликларга 4:1-2, Message таржимаси).

Биз хавфсизлик хизмати эмас, балки йўл кўрсатувчи бўлишимиз зарур. Биз одамларга Худонинг сирларини таниб-билишга тўсиқ бўлмасдан, уларни Худонинг Шоҳлигига таклиф қилишимиз лозим. Биз ҳақиқатни биладиган ишончли йўлбошли бўлишга даъват этилганимиз. Худо очган эшикдан киришдан аввал, келинг, тўхттаймиз ва агар керак бўлса, ортда қолганларни ҳам олиб келиш учун қайтамиз.

Биз Қудратли Худонинг қизлари сифатида, одамларга сахий ва олийжаноблик билан муносабат билдиришимиз лозим. Худо томонидан тухфа этилган ҳёт озод қиласи, қонун эса елкамизга оғир юк бўлади. Сизни масиҳийликка “кўз учун кўз ва тиш учун тиш” деб қарашдан халос қилишди. Шундай бўлишига қарамай, Масиҳнинг Танасида ҳали-ҳануз қисман “кўзсиз” ва “тишсиз” қолган масиҳийлар кўпчиликни ташкил қиласи.

Сиз кучли, қудратли, ботир, қайноқ, ишончли, вазмин, хотиржам эканингизни ҳеч қачон унутманг. Худо кўп оятларда Ўзининг шоҳона фарзанларини забардаст арслон ва шерларга қиёслаган.

“У энгашди, у шер ва арслон каби ётибди, ким уни қўтаради?...”  
(Сонлар 24:9)

Борди-ю сиз ўзингизнинг қайноқ ва ботир табиатингиз ҳақида унубиқ қўйсангиз, сиздан ҳимоя ва бошқарувни кутиб турганларнинг бари хавф остида қолади. Масиҳнинг Танаси уйғониб, қаршисида улкан майдонлар очилганини англай олган, олийжаноб, кучли ҳимоячилардан ташкил топган.

Азиз опа-сингиллар, шерлар ва дугоналарим...

“Эй, коринфликлар, оғзимиз сизлар учун очик, юрагимиз эса кенгайтирилган. Сизлар бизнинг ичимизда сиқилган эмассизлар,

аммо сизлар ўз ичингизда сиқилгансизлар. Энди эса сизлар ҳам бунга жавобан ўзингизни кенгайтиринглар, буни мен фарзандларимга айтгандек айтаяпман” (Коринфликларга 2-мактуб 6:11-13).

Сиз бу сўзларни эшитяпсизми? Биз Худонинг очиқ турган ёввойи кенгликларига таклиф этилганмиз. Бу ҳозир ва манашу ерда сахий ҳаётда яшашга чорлайди. Сиз Самонинг кучини ерда кўриш учун, Самога боришни кутиб туришингиз шарт эмас. Худо сизни хилват жойда яшириб ўтириш нияти йўқ.

Бироқ шерлар ўзидағи очлик то хавфсиз жойни қолдириш истагидан ўзиб кетмагунича, ўзларининг пана жойидан чиқмадилар. Худди шундай ваҳий ёки арзигулик нарсага бўлган очликнинг йўқлиги, бизни чеклайди ва ёввойи ҳамда ўрганилмаган томонга қадам қўйишидан бизни ушлаб туради. Бизнинг ўзимиз, дунё ва Худо ҳақидаги тасаввуримиз бизга ёки куч беради, ёки бизни кишанлаб туради. Борди-ю биз дунёни қорунғу ва даҳшатли жой деб тасаввур этсак, “узоклардаги” дунё бизни кўркитиши мумкин.

Кўзларингизни очинг ва сиз қаерда пайдо бўлманг, ўша ердаги зулматни қувиб юборадиган – олтин чироқ эканингизни эсланг. “Чунки ичингизда Бўлган бу дунёда бўлгандан устундир” (Юханнонинг 1-мактуби 4:4). Сизнинг ичингиздаги Рух, сиз бу дунёда тўқнашишга тўғри келадиган кучдан анча устунроқ! Сарвари Коинот сизни тўсиб қўйилган жойдан чиқиши учун чорлаяпти. Сиз ўлимдан ҳаётга, камал бўлиб ётган жойингиздан бепоён мангу кенгликларга ўтишингиз учун Худо Ўз Ўғлини хочга, ўлиш учун юборди. Сиз ҳали биринчи нафасингизни олишингиздан аввал, У сизни қулликдан чиқариши учун ҳамма нарсани амалга оширди. У Ўзини бизнинг чигитдай бўлган гуноҳкор дунёмиз билан чеклашга қарор қилди, токи сиз Унинг Шоҳлигидаги эркинликнинг тўлиқлигига Унга қўшила олинг.

У ҳозирнинг ўзида ҳар биримизни чақирияпти: “Чизиқни кесиб ўт ва Менинг олдимга кел!”

## Бизнинг мақсадимиз битта

Биз аёлларни халос қилганимизда, бу билан  
эркакларни халос қилган бўламиз.

МАРГАРЕТ Мид



**Ш**ерларнинг оламида жинсларнинг орасидан чалкашлик йўқ. Арслонлар она шер бўлишга, она шерлар арслон бўлишга уринмайдилар. Турли жинсга мансуб жонзотлар бир-бирига ўхшаш бўлишга ёки тўдадаги бир-бировининг вазифасини бажаришга ҳаракат қилмайдилар. Уларнинг ҳар бири ўзини шахсий танасида қулай ҳис этадилар ва ўзларининг жинсига мансуб бўлган ноёб кучли томонлари билан фаҳрланадилар. Тўдада эркак ва аёл жинсига тегишли вазифаларга қўшимча равишда, альфа-эркак, ёки бош арслон ва альфа-аёл, ёки бош она шерлар мавжуд, бироқ бу қоида асосан овқат танаввул қилиш пайтида намоён бўлади.

Шерлар мушуклар туркумидаги ягона равшан ва кўринарли фарқقا эга жинс соҳиблари ҳисобланади. Бу фарқни аниқлайдиган тушунча – жинсий диморфизм дейилади. Аниқроқ қилиб айтганда шерларда жонзотни жинсини билиш учун бир нечта белгилар мавжуд.

Арслоннинг ёли – узун бўлади, бу унинг бўйни ва тумшуғини ҳошиялаб туради. Бу ёл тўдадаги муҳим ўринни эгаллайдиган шернинг маҳсус ролини кўрсатади ва Африка саваннасидаги ҳайвонлар

шоҳига важоҳатли турқни шакллантиради. Шерларда ёлнинг йўқлиги уларнинг рангларидағи кескинликни яшириб туради, бу у ўлжага яқинлашаётганини қарийб билдиринасликка ёрдам беради. У ўзида қўшимча оғирлик – ёл олиб юрмаслиги учун – узоқ йўлларда подадан орқада қолмайди ва кучини йўқотмайди.

Соғлом арсон ва шерлар бир-бирига муҳтожлигини биладилар. Улар бир-бирисиз яшай олишини умуман ҳаёлига келтирмайдилар. Уларнинг оламида бирининг кучи, бошқасиникидан кам эмас. Арслон ҳимоя қиласи; шер таъминлайди. Бу муҳим мувозанат, соғлом, кучли альфа-аёл шерлар ўз ҳаётини бир гуруҳ бошқа шерларсиз куришга уринмаслигини билдиради. Шерлар оламида эркаклари ургочиларининг дикқатини жалб қилиш учун курашадилар ва шу аснода уларнинг майдонига кириб олишга эришадилар. Нима учун? Қариндошчилик билан боғланган ургочи шерлар ўз ерини бошқарадилар. Тўдани ўзининг ортидан эргаштираётган бош арслонлар иттифоки хар икки-уч йилда ўзгариб туради, ургочи шерлар гурухи эса ўзгармайди.

Альфа-арслон гуллаб-яшнашни истаса, (шунчаки кун кечириб юрмай) ургочи шерларнинг кўзида ўзини кўрсатиши зарур. Агар унинг авлоди подасининг ҳудудини сақлаб қолишини истаса, унга кучли, лаёқатли ургочи шерлар керак бўлади. У ўзига бўйсунишга мажбурлаш ниятида, нимжон ва суст шерлар билан атрофини ўрамайди. У шерлар гурухи билан ҳамкорлик қилишга тайёр ва қобилиятлисини излайди.

У ургочи шерларнинг кўмагини бажонидил қабул қиласи ва айнан чидамлиликни кўрсатган, овлашни эплайдиган ва болаларини кўриклай оладиганини танлайди – ва шу аснода ўз ҳудудини ҳимоя қиласи ва кенгайтиради. У кучлисини излайди, чунки бундайлардан келажакда тўдаси учун энг яхши таъминотчи ва ўз болаларини тарбиялай оладиган она чиқишини билади. (Гап уларнинг эркаклари шукадар ғамхўр эканида эмас; улар умуман унақа эмас.) Бунга кўшимча равища, соғлом, кучли шерлар, кўпайиш жараёнида кўпроқ иштиёқ билан иштирок этадилар, бу эса арслонга бундай шер билан қовушиб, кучли наслни дунёга келтириш имконини беради.

Ургочи шер болаларининг барча эҳтиёжларини қондира олмаслигидан ёки душманлардан ҳимоя қила олмаслигидан қўрқса, арслон билан қовушмайди. Шунинг учун арслонлар заиф шерларга эмас, балки кучли альфа-шерларга интиладилар. Бош арслон ёки энг

мухим арслонлар (кўпинча бу ака-укалар гурухи) она шерлар тўдага кўрсатадиган ғамхўрлик, куч ва таъминотдан завқланиш хуқукини қўлга киритиши зарур. Улар бу имтиёзга арслонларнинг бошқа гурхидан кучлироқ эканини очиқ намойиш этиш орқали эришадилар.

Кучлироқлари заифроқ арслонларни қувиб юборса, кураш тугайди. Баъзан альфа-арслон унга эътиroz билдиришга журъат этган арслонни ўлдиради. Борди-ю заиф арслон омон қолса, уни тўдадан ва шунингдек, тўданинг майдонидан қувиб чиқарадилар. Бу унинг биринчи овлаш хуқуқидан маҳрум қиласди. У ёки урғочи шерларнинг бошқа гурухини излаб, кезиб юради, ёки ўлакса ва қолдиқларларни ейиш билан чекланади.

Урғочи шерлар арслонларнинг жангини томошабин сифатида кузатадилар. Улар ўз болаларининг отаси энг қудратли арслон бўлишини ва у тўдани қўриқлашини истайдилар. Шундай ҳолатлар ҳам маълумки, улар ҳатто, бир арслонни иккинчисига иғво қиласди, бу билан тўқнашувда энг кучли арслон енганига амин бўлиб, сўнг уларнинг олдига келишига рухсат берадилар. Яккама-якка жанг, худудга эга бўлиш хуқукини қўлга киритиб, унинг насли энг юқори ва фақат унинг авлоди саваннанинг барча бешафқатликларига дош бера олишига кўпроқ ишонч борлигини исботлайди.

Ким зўрлиги аниқланганда, бу арслон урғочи шер билан яқин бўлиш шарафига эришади. У тўдадаги қолган барча эркак шерларни қувиб юбориши мумкин. Альфа-арслон ўз улфатларидан воз кечишига тайёр, бироқ ҳеч қачон ўз жуфтларидан воз кечмайди. Улар фақат кўпайишни ўйлаб бундай қилмайдилар. Айнан она шерлар арслонни овқат ва ёқимли жамоа билан таъминлайди. Она шерларнинг гурухи қанча кучли ва ҳашаматли бўлса, ҳайвонларнинг улуғвор шоҳи шунча муҳташам ва ўзига дадил бўлади.

Сени атрофингдагилар, сен уларни химоя қилиш учун ҳамма нарсага тайёрлигингни билса, ўзингни кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Арслоннинг қудратлилиги шерлар учун ҳам, уларнинг болалари учун ҳам хавфсизликни билдиради. Фақат ўзининг таъсирига ишончи комил бўлмаган киши, бошқаларнинг устидан куч билан ҳукмонлик қилишни истайди.

Ўз ҳолатини ўрнатган қудратли арслон, ўз кучини намойиш этиш учун бошқа шерларни эзмайди. У яна нимани исботлаши керак? У

галаба қозонди. Ким ундан устунман дея олади? Бизнинг Шоҳимиз – Яхудо қабиласининг Шери ҳам – устунлигини исботламайди; У бош-қаларни күтариади.

## БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ БИТТА

Арслон шерларни ўз муҳофазасининг соясида ором олишга чақиради, ургочи шер эса унинг илтифотидан завқланишга ва ундан дунёга келтирган наслидан мамнун бўлишга чақиради. Арслон ҳимоя қиласи, шер эса уни авлод билан таъминлайди.

“Итоат” сўзи ҳақида бир дақиқага фикр юритиб кўринг. Бу сўзни эшитганингизда сизга қандай тасаввур келади? Эҳтимол, Эфесли-кларга Мактуб 5:22 да хотинлар эрларга бўйсуниши кераклиги ҳақида ёзилгани эсингизга тушар. Қизиқ, аксарият масихийлар бу оятни олиб, унга тор маънони бериб, бўрттириб юборгандар. Менимча, “итоат” сўзининг маъноси шуқадар бузилганки, Худо бу сўзга бошида берган мазмун йўқолиб кетган. Кўпчилик масихий аёллар, уларнинг энг муҳим иши эркакларга хизмат қилишдан иборат деб ишонадилар. Уларнинг жамоатга мурожаат этиш, ўз фикрларини илтифот билан билдира олиш кобилияти ёки қандайдир вазифаларни бажариши ҳам – хизмат эканини тушунмайдилар.

Бир марта мен “итоат” сўзининг таърифини (“бўйсуниш” сўзининг синонимини) эшитдим. Бу таъриф нафақат турмуш ўртоқлар учун, балки барча масихийлар учун белгиланган Худонинг режасига мос равишда келтирилган ва қиёфалаштирилган эди. Қуйидаги нарса ҳақида фикр юритиб кўринг: кимгадир ёки нимагадир “бўйсуниш”нинг, яна қандайдир топшириқ ёки мақсад учун масъул деган маъноси ҳам бор. Бу маъноларни бирлаштириб, “бўйсуниш” сўзи “битта топшириқ ёки мақсад остида бўлиш”ни билдиради деган холосага келамиз. Масалан, биз Жон билан битта мақсад учун бош кўшганмиз. Биз ўзимизни болаларимизни имонли қилиб ўстириш ва соғлом, мукаммал оила қуришга бағищлаганмиз. Бизнинг жамоатдаги мақсадимиз чўпонларни қўллаб-қувватлаш ва одамларни мустаҳкамлашдан иборат.

Аммо қуйидаги саволни ўйлаб кўринг. Ахир ҳар биримиз адашганлар учун юборилган Худонинг вакиллари – яъни яраштириш учун юборил-

ганлар эмасмизми? Қуйидаги иккита оят Худонинг эркак ва аёл элчилари сифатидаги вазифамизнинг мазмунини түлиқликда таърифлайди:

Худо гунохларни кечириш орқали дунёга янги бошланиш бериб, дунёга Мойланган орқали Ўзининг қаршисидаги тұғри ҳолатни қайтарди. Худо барчамизга Унинг ишларини эълон қилиш вазифасини берди. Биз Масихнинг вакилларимиз. Худо бизни аёллар ва эркаклар, ўз баҳсларини қолдириши ва Худонинг иши – У ва одамлар ўргасидаги муносабатларни тиклаш учун, бирлашишга чакиришимиз учун ишлатяпти (Коринфликларга 2-мактуб 5:19-20, *Message* таржимаси, муаллиф томонидан ажратыб құрсатилған).

Хулоса: агар биз бир-биirimizни севсак ва бир-биirimiz билан ҳамкорлик қылсақ, одамлар Исонинг – ҳақиқий Худо эканини билиб оладилар. Бу барча эркак ва аёлларнинг – турмушга чиқмаган ва уйланмаган одамларнинг, хизматчиларнинг ва оддий жамоат аъзоларининг умумий мақсадига айланиши лозим. Гунохнинг кучи барбод бўлган. Худонинг шафқати ҳаммага беминнат таклиф қилинепти. Унинг курбонлиги барчамиздан айбдорликни соқит қилгани учун, айглашга ҳожат йўқ. Биз ҳаммамиз – аёллар ва эркаклар – Унинг ишларини эълон қилишимиз зарур. Биз эса бунинг ўрнига, бир-биirimizга қандай хукукимиз бор ёки йўқлигини айтиш билан ўта даражада бандмиз.

У аёллар ва эркаклар (ҳар қандай мавзудаги) баҳсларни қолдириб, Унинг иши учун уларни бирлашишга кўндиришимизни, рухлантиришимизни, ишонтиришимизни ва уларга таъсир этишда бирга меҳнат қилишимизни истайди. Бу топшириқ – келишмовчиликларнинг ечими – муносабатларнинг ва одамлар орасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳар битта соҳасига тегишли бўлиши зарур. Бу нафақат жинс масаласи, қолаверса бу ирқчилик ёки бир миллатга тегишлилик, ижтимоий-иктисодий ва бизнес дунёси, жамоат, оиласидаги ўрин доирасидаги ривожланишлардир. Худо ҳар биттамиз ярашишимизни истайди!

Энди биз ичимизга қараб, мана нимани қўрамиз: Мойланган билан ҳар қандай бирлашув, янгидан туғилиб, янги бошланишга эга. Эски хаёт ўтиб кетди; янги ҳаёт гуллаб-яшнамоқда! Бунга қаранг! Бунинг ҳаммаси Ўзи ва бизнинг ўртамиздаги нұктай назарни олиб ташлади, бу бизни ўзаро муносабатларни яхшилашга чакирған Худодан келмоқда (Коринфликларга 2-мактуб 5:17-18, *Message* таржимаси)!

Ушбу оятда келтирилган “хар қандай” сўзи... аслида “хар қандай” маъносини билдиради. Худо билан бирлашадиган ҳар қандай аёл, хар қандай эркак, ҳар қандай бола янги бошланишга эга бўлади. Эски ҳаёт ортда қолади. Юқорида келтирилган матнда “гуллаб-яшиш” сўзи менга баҳорги гулларни эслатади. Улар қорнинг тагидан ёриб чиқиб, кўпаяпди, тез ўсиб кетади ва олдин муз ва ҳосилсиз турган ернинг қисмida гуллайди. Масихдаги бизнинг янги ҳаётимиз – бир нарсани бошқа нарсага айлантириш каби оддий тушунчадан кўра кўпроқ. Бу – ҳар битта инсонга тегишли бўлган, ичкаридан кўпаядиган ҳаёт.

Арслонлар ва шерлар ўзларининг ўртасидаги муносабатларни яхшиладилар. Шерларнинг мақсади арслонларники билан бир хил эканини англаб етдилар. Уларнинг мақсади нима? Куч ва меросга эга бўлган шерларнинг янги авлодини вояга етказиш. Бунга эришиш учун улар болаларини пухталик билан катта қиладилар, қўриқлайдилар ва барча зарур нарсалар билан таъминлайдилар. Уларнинг ҳар иккисида – арслонларда ҳам, шерларда ҳам – бу мақсадда ўз роли бор, ҳеч бири бошқанинг ролига тажовуз қилмайди.

Мен табиий бўлган нарсалар ҳаддан ошириб юборилишига кўп мисолларнинг гувоҳи бўлганман. Бир тарафдан бўйсундириш йўлида аёлларни эзадилар. Бошқа тарафдан – айрим аёллар ўз аёллик нафосатини илоҳийликка кўтариб юборишади. Бу ҳақда кейинроқ батафсил гап юритамиз. Бироқ аввал бўйсуниш тушунчаси нақадар ўзгариб кетганининг мисолларини келтирмоқчиман.

## TWITTERДАГИ НОТЎҒРИЛИКЛАР

*Twitter* деб аталадиган ижтимоийтармоқнинг жуда лўнда шаклидан ўзингиз фойдаланганингиз ёки ҳеч бўлмаса, бу ҳақда эшитганингиз турган гап. Бу алоқа тури қисқа ахборот билан алмашиш учун қулай ва ёзаётган кишининг ҳаёти ва фикрлари ҳақида кўпи билан, атиги узук-юлуқ тасаввур беради.

Бир марта мен “Аёл каби кураш” номли китобимда батафсил ёритилган мавзуни, ўз *Twitter*’е да бир қисмини ёзиб қўйдим. Бу бошқарувчилик ҳақидаги фикр эди: “Эркак кишини ундаги жинснинг ўзи раҳбарликка яроқли қилиб қўймайди, шу билан бир қаторда, аёл киши ҳам раҳбарликка яроқли эмас деб ҳисобланиши учун унинг фақат аёл

экани асос бўлмаслиги зарур. Инсоннинг яхши фазилатлари эркакни ҳам, аёлни ҳам лойиқлигини кўтариади”. Илтимос, мен раҳбарлик ибо-расини жамоатга қўлламаганимга ва унинг ҳаракатини фақат оиласвий муносабатлар билан чеклаб қўймаганимга эътибор беринг. Мен фақат яхши фазилатлар, у эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай инсон учун муҳим бўлган сифат эканига ургу бердим.

Мен буни *Twitter*’еда ёздим ва мосланган коида бўйича бу ибора автоматик равишда *Facebook*даги саҳифамда ҳам пайдо бўлди. Шундан сўнг, ўз ишларим билан машғул бўлдим, менинг ёзганларим баҳсларни келтириб чиқариши эса хаёлимга ҳам келгани йўқ. Мен бу табиий нарса деб ҳисоблагандим ва менинг ёзганларим бунақангиди тўс-тўполон кўтаришини, ҳатто, тасаввур ҳам этмаган эдим.

Юзтадан ошиқ изоҳларни ўқиб, кўпларни қийнаётган масалани кўтарганимни тушундим. Мен ўз ишларим билан бўлган бир пайтда, *Facebook*да музокаралар бошланиб кетибди. Бир нечта масихий аёллар дарғазаб бўлган.

“Сиз қандай қилиб, хотин киши ўз эри учун раҳбар бўла олади деб айтаяпсиз, ёки у ўзини яхши фазилатларга бойроқ деб ҳисоблайдими?” – деб ёзибди бир аёл.

Хой-хой!.. Наҳотки мен шундай деган бўлсан?

Бошқалари мени Ёзувда жамоатда фақат эркак киши оқсоқол бўла олиши ҳақида ёзилган оятларни тан олмаётганликда айبلاغан. Ахир, мен жамотдаги оқсоқоллар ҳақида бир сўз ҳам айтганим йўқ-ку? Кейин, раҳбарлик умуман олганда муҳокама қилина бошлади. Айрим аёллар менинг *Facebook*даги одамларга, аёллар ҳеч қачон раҳбарликка чақирилмаганигини тушунтира кетишди.

Бир ёш қиз аниқлик киритиш учун шундай деб савол берди: “Яъни айтмоқчисизки, жамоатдаги бош чўпоннинг рафиқаси ҳам – раҳбар эмасми?” Жавобан момақалдироқдек жавоблар эшитилди: “Йўқ, у раҳбар эмас! Унда фақат ўз эрига ёрдамчи бўлиш имтиёзи бор, холос”.

Мен буткул чалкашиб кетдим! Одамларнинг фикрлари дарё бўлиб оқарди ва баҳслар аста-секин бўйсуниш мавзусига ўтди. Баъзилар мен уларнинг раҳбари эканимни таъкидлар; бошқалари эса – мен аёл киши эканим учун, уларнинг раҳбари эмаслигимни айтар эдилар. Кейин менга бироз енгиллик беришди: мен ўз эримга бўйсуниб яшаётганим учун, унинг розилиги билан мен ҳам раҳбарман.

Келинг, бироз тўхтаб, бу хақда биргаликда ўйлаб қўрамиз. Нега жинслар хақида гап борганида, аёл кишининг эркакка бўйсунишига тўхталиш керак? Агар мен раҳбар бўлсан, демак Худо мени раҳбарлик қобилияtlари билан яратган. Ҳаммаси жуда оддий: раҳбарнинг – издошлари бўлиши лозим. Айримларимиз бизни раҳбар этиб тайинлаганми, йўқлигимизга қарамай, аллақочон раҳбармиз. Шундай экан, одамларга ўз намунамиз билан хизмат қилишимизда Худо бизга ёрдам берсин. Бунга ойдинлик киритиш учун келинг, Повул Тимотийга йўллаган мактубда раҳбарга қўйилган талабларни ўқиймиз:

“Лекин нозир бенуқсон, битта хотиннинг эри, ҳушёр, ақли соғлом, одобли, меҳмондўст, таълим беришга қобилияtlи бўлиши керак. Шунингдек, у майхўр, урушқоқ, ғаразгўй эмас, балки мулоим, жанжалкаш ва пулпараст бўлмаган, ўз хонадонини яхши бошқарадиган, фарзандларини бутун обрўйи билан итоатда сақлайдиган одам бўлсин. Чунки агар одам ўз хонадонини қандай бошқаришни билмаса, Худонинг Жамоатига қандай ғамхўрлик қиласди? Нозир эндиғина имонга келгандардан бўлмаслиги керак, токи мағурланиб, иблис билан бирга маҳкум бўлмасин. У ёмон гап-сўзга ва иблиснинг тузофига тушмаслиги учун Жамоатдан ташқаридагилар томонидан ҳам яхши гувоҳликка эга бўлиши керак. Шунингдек, Жамоат хизматчилари ҳам обрўли, иккиюзламачи бўлмаган, шаробга эҳтирос кўймаган, беғараз ва имон сирини пок виждонда сақлайдиган одамлар бўлсинлар. Бундайларни эса аввал синаб кўриш керак, агар бенуқсон бўлсалар, шундагина хизматга тайин қилиш керак” (Тимотийга 1-мактуб 3:2-10).

Юқоридаги оятларда Повул эркак-раҳбарларга қўйилган талабларни санаб ўтмоқда. Кейин шундай деган:

“Аёллар учун ҳам ҳеч қандай истисно йўқ – уларга ҳам худди шундай нарсалар талаб этилади: жиддий, ишончли бўлиш, тили аччиқ бўлмаслик, ичкиликка ружу кўймаслик. Жамоат хизматчилари ўз турмуш ўртоқларига содик, фарзандларига эътиборли ва ўз ҳаётини бошқариш масалаларида ғайратли бўлишлари керак. Чунки яхши хизмат қилганлар ўзларига олий мартаба ва Исо Масихда бўлган имонда буюк жасорат тайёрлайдилар” (Тимотийга 1-мактуб 3:11-13, Message таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб қўрсатилган).

Агарда аёлларда раҳбарлик ҳуқуки йўқ бўлса, нега унда Повул аёллар учун талаблар рўйхатини келтирган? Биз Жон билан ташкилотимиз учун ишчиларни танлаётганимизда, талабнома рўйхатини тузамиз. Борди-ю талабгорлар бизнинг талабларимизга жавоб бермаса, улар эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, уларни ишга олмаймиз. Повул агар инсон – эркак киши бўлмаса, уни бошқарувчилик лавозимига тайинлаш мумкин эмас демаган. У аёл ёки эркак белгиланган талабларга жавоб бермаса, уларни бошқарувчи қилиб қўймаслик керак деб айтган. Повул ўзининг талабномасидаги рўйхатга ургу берган. У аёллар учун ҳеч қандай истисно бўлмаслиги лозим деган; улар ҳам худди шундай талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Эҳтимол, сиз сўрарсиз: Унда оқсоқол битта хотиннинг эри бўлсин деган аниқ-тиниқ буйруқка нима дейсиз?” Жуда оддий: ўша пайтларда аёллар бир вақтнинг ўзида бир нечта эркакка турмушга чиқмаган, эркаклар эса бир вақтнинг ўзида бир неча хотинга эга бўлган, шу боис бу талаб фақат эркакларга қўйилишининг сабаби ҳам шунда.

Тимотийга биринчи мактуб 3:11-13 да Повул Тимотийда бошқарувчи аёлларга қандай талаблар бўлишининг йўл-йўригини берган, кейин жамоатдаги бошқа хизматчи ёки ёрдамчи аёллар ҳакида гап борган. Мен буни қаердан олдим? Келинг, биринчи ва иккинчи оятларни ўқиб, эркак раҳбарларга қўйилган талабларни гапиришдан аввал, Повул аслида нима деганини кўриб чиқайлик.

“Бу сўз тўғри: агар ким Жамоатнинг нозири бўлишни истаса, хайрли ишни истаган бўлади. Лекин нозир... бўлиши керак”  
(Тимотийга 1-мактуб 3:1-2).

“Агар ким” деган иборани кўряпсизми? Айрим манбаларда бу ибора “кимдир”, яна бошқаларида “ким бўлишидан қатъий назар” деб таржима қилинган. Ҳархолда бу оятда “агар эркак киши...” дейилмаган.

Нега аёл киши жамоатдан бошқа истаган жойда раҳбар бўла олиши мумкин? Агар аёл кишига бошқарувчилик ҳолатини гуноҳга иниқилишдан аввал ҳам, кейин ҳам Худонинг Ўзи берган бўлса, нега кутқарилишдан сўнг бунга қаршилик қиласиз?

Бир пайт Facebookдаги тортишувлар шуқадар авжига чиқиб кетдики, бир эркак киши гапга қўшилиб, шундай деб айтишгача борди: “Сиз, аёллар, нега бир-бирларингиз билан баҳслашасизлар? Бизга сиз-

ларнинг иштирокингиз мухим, сизлар эса бирингиз бошқангизни тўхтатиш билан оворасизлар!” Унинг гапи ҳақиқат эди. Бир-бirimizni қўллашнинг ва Masixnинг хизмати учун руҳлантиришнинг ўрнига, биз кўпинча бир-бirimizni сифдирмаймиз ёки камситамиз, натижада, аёл ва масиҳий аёл сифатида ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қоламиз.

## ЖИНСГА ҚАРАБ ТАНЛАШ

Американинг жамоатларида одамларни жинсларга ажратиш одати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, деб ўйлагим келади. Ҳа, мен бу масалада атайин ўз давлатимга алохида ургу бермоқчиман. Бутун дунё бўйлаб юриб ва турли хил маданиятларни кўриш имкониятига эга бўлиб, бу масалага американаги аёлларнинг иштирокисиз қурилган анъанавий ёндошишимиз – бошқа давлатларда долзарб эмас, деган хulosага келдим. Айрим жойларда, борди-ю аёллар бўлмаганида эди, жамоатлар ҳам умуман бўлмас эди.

Худо яратган ҳамма нарса – яхши ва буни миннатдорчилик билан қабул қилишимиз зарур. Ҳеч нарсанинг устидан мазаҳ қилиш ва бирор нарсани ташлаб юбормаслигимиз лозим. Худонинг Сўзи ва бизнинг ибодатларимиз ҳар бир мавжудотни муқаддаслантиради (Тимотийга 1-мактуб 4:4-5 Message таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Агарда Худонинг барча мавжудотлари яхши бўлса ва улардан фойдаланишимиз, уларни қарши олишимиз ва миннатдорлик билан қабул қилишимиз зарур бўлса, унда биринчи навбатда барча одамларни қабул қилишимиз керак эмасми? Эркак ҳам, аёл ҳам, бирдек яхши.

Худо томонидан яратилган бирорта нарсанинг устидан мазаҳ қилмаслигимиз ва уни ташлаб юбормаслигимиз жоиз. “Мазаҳ қилиш” ибораси “нафратланиш, таҳқирлаш, унга манманлик билан қарааш ёки бирор нарсанинг устидан кулиш” маъносини англатади. Бу ҳаракатларнинг бари инсонни ёки нарсани, шунингдек унинг аҳамияти ва иштирокини қадрсизлантиради.

“Ташлаб юбориш” сўзи ўз-ўзидан маълум, лекин келинг, унинг маъносидаги бир нечта нозик томонларини кўриб чиқамиз. Бу сўзининг “улоқтириш, отиб юбориш, ташлаш” каби шунчаки жисмоний маъно-

сидан ташқари, “ташлаб юбориш” сўзи “рад этиш” мазмунига ҳам эга. Афсуски, жамоатларда айнан мана шу нарса аёлларга нисбатан кўпинча юз берадиган ҳолат. Уларни итараадилар ва қабул қилмайдилар, шу боис уларнинг жамоатдаги овози, қадр-қиммати ва ҳиссаси бўлиши керак бўлган соҳалар бўм-бўш бўлиб қолаверади. Иккала жинс вакиллари ҳам бўйсуниш номи остида бунга йўл қўядилар.

Бинобарин, оқибатда аёллар ҳам, эркаклар ҳам ақл бовар қилмас миқёсда йўқотишлар билан – яъни қадр-қимматни қўлдан бой бе-риб яшайдилар. Табиийки, эркаклар аёлларга қараганда жамоатдаги юқори ўринлардаги раҳбарликни эгаллаганлар, лекин баъзида доно аёлларнинг маслаҳатидан фойдалана олмаслиги туфайли, боши берк кўчага кириб қоладилар. Биз эркакларни ҳам қадрлаймизми? Худо қарагандек, биз ҳам уларга – яхши деб қараймизми?

Ёки биз уларнинг ҳаракатларини мазаҳ қиласмизми? Мен яхшиликча биргаликда кулиш мумкин эмас демаяпман. Чунки баъзида одамлар шуқадар кулгули ишлар қиладики, кулишга мажбур қиладилар. Бизнинг тириклигимизни ўзи, Худода ҳазилкашлик ҳисси юқори даражада эканининг исботи. Аммо ҳозир мен сизни бир жинс вакиллари бошқа жинс вакилларининг устидан масхара қилиш ва ерга уриши ҳақида айтяпман. Бу сиз ўйлагандан кўра анча кўпроқ ҳолларда учрашига шубҳам йўқ. Вактичоғлик тизими доим эркакларни шарманда қиласди ва аёлларни шаҳвоний мавзу қилиб кўрсатади.

Биз жинс ажратишнинг фаолияти, ёллар ўзларини қадрсизлигини сезиб, эркаклардан нафратланишигача олиб келишига йўл қўйдик. Энди биз нима қилайлик? Афсуски, бунга жавобан кўпчилик аёллар даҳшатли равишда чегарадан чиқиб кетишиди.

## АЁЛ ТАБИАТИДАГИ ИЛОҲИЙЛИК

Мен бу китобни ёзганимда, беихтиёр Amazon сайтида менинг аввалги китобларимнинг ёнидаги рўйхатда турган иккита китобга кўзим тушди. Уларнинг иккаласи ҳам “аёл табиатидаги илоҳийлик – аёл жинсидаги санамларга ишониш ёки аёллар ўзини илоҳага айлантириши” тарафдорлари томонидан ёзилган эди. Худо менга: “Бу икки китобни сотиб ол ва уларнинг овозини қай тарзда йўқотиб қўйганимизни билиб ол” – деб шивирлаганини эшилдим.

Бу китобларнинг саҳифаларини вараклаб ва у ерда келтирилган таъкид ва саволларни ўқиб, уларда алам ва синган юракларнинг овозини эшитдим. Бу китобларнинг муаллифлари бир пайтлар жамоатдан кучли даражада озор чеккан ва ундан күнгли қолган обрўли ва нуфузли аёллар эди. Масихнинг Танасида уларнинг мислсиз қобилиятлари қўлдан бой берилганинидан, фарёд қилгим келди.

Нега улар Худонинг уйидан ташқарида, қандайдир санамларга сажда қилиш ғоясидан бошқа йўлни топа олмадилар?

Уларнинг саволлари жамоат анъаналарига зид даражада, ўткир ёки очиқ эдими? Ёки бу аёллар шу қадар ақлли бўлгани учунгина жамоатдаги раҳбарларда тўлиқсизлик ҳиссини уйғотдими? Уларнинг овозини Жамоатдаги ҳаддан ошиб кетган бўйсуниш таълимоти ўчириб кўйганми ёки қайта сотиб олиниш нотўғри тушунтирилганми?

Бу аёллар шунчаки ўзларининг саволлари билан эркак ва аёлларни кўрқитиб юборганига аминман.

Эҳтимол, сиз улар бошидан кечирган изланиш кураши ва хафсаласи пир бўлиш билан тўқнашмагандирсиз, бироқ мен бунисини ҳам, унисини ҳам ўз елкамда синаганман. Бундан ўтган битта мен эмас. Мен кўплаб хат, e-mail' ва саволлар оламан, уларда бир хил нарсалар киёфа бўлиб эштилади: “Мен нега Худонинг қизи сифатида қадр-қимматга эга эканимни, яна бир марта тушунтириб беринг”.

Сью Монк Кидднинг “Ўзгача фикрлайдиган қизларнинг раҳси” номли китобидан бир парча келтирмоқчиман. У ҳаммамизга аёл сифатида таниш бўлган хушхабар жамоатларида дунёга келган кечинмаларни ўз сўzlари билан таърифлаган.

“Аёл киши биринчи бўлиб гуноҳ қилган, лекин иккинчи бўлиб яратилган”, – дейди у. Кейин Ҳаво эркак киши учун яратилгани ҳақида гапириб, у ҳеч қандай яхши нарсага ярамайди, чунки Ҳудога итоатсизлик қилди ва Одам Атога тақиқланган мевани берди... деган. Менинг юрагим сиқилиб кетди. Агар мен ўз ҳисларимни сўзларим билан айта олсам: “Художон, нега бундай қилдинг?” – деган бўлардим”.

Бу китобнинг муаллифи давом этиб, ўзининг Худо ҳақидаги фикрини Жамоатнинг фикрига мослаш қийин бўлганини айтган. Мен унинг фикрига қўшиламан. Худо ҳеч қачон – хоҳ аёл бўлайлик, хоҳ

эркак бўлайлик, бирортамиз ҳақда бунақа асоссиз ва ноумид хукм қиласиган умумий холосага келмайди.

Ҳаво ва унинг қизларини йўлдан оздириш осон, шунинг учун аёл кишини бошқарувчиликка йўлатмаслик керак дейдиган бўлсак, унда Одам Ато ва унинг ўғилларига ҳам йўлни ёпишга тўғри келади. Ахир у атайин гуноҳ қилди ва Худонинг ишончини сотди.

Одам Ато ва Ҳавонинг ҳаракатларидағи фарқни, бирор нарсанинг таъсири остида ёки билиб туриб, атайин одам ўлдириш жинояти билан таққослашимиз мумкин. Ҳаво фафлатда қолган; Одам эса гаровга нима қўйилаётганини билиб турган.

Билмай гуноҳ қилсанг, Худо буни ҳисобга олади. Борди-ю тўлиқ англаган ҳолда гуноҳ қилсанг, қилаётган ишинг – бу умуман бошқа нарсани билдиради (Римликларга 2:12, Message таржимаси).

Ҳақиқатни изловчи зеҳнли аёллар бизнинг ҳовлиларимизда ўз саволларига жавоб топа олмаса, биз ўзимизга қандай турдаги диний доирамизни ясаб олдик? Агарда биз уларнинг эътиrozларини қабул қиласак ва саволларига жавоб бермасак, бу саволларни беришга ҳадди сиққан қизларимиз билан эртага нима бўлади?

Эй, Худо, борди-ю шу тарзда давом этадиган бўлсак, эркакларни Ўзинг асрарин! Аёллар оғизларини юмиб юргани туфайли эркаклар кучли ва мустаҳкам бўлиб қолмайди. Биз ўз овозимизни уларнинг овози билан бирлаштирганимиздагина, улар кучлироқ бўладилар, негаки аёллар бераётган саволлар эркакларни янада эркинликка олиб чиқиб, янги поғонага кўтаради. Аёлларнинг мулоҳазалари эркакларни чиниқтиради ва тозалайди, қоловерса бу аёлларнинг ҳам тараққиёти учун замин яратади.

“Аёл табиатидаги илоҳийлик” фалсафасининг муаллифлари ўртага қўйган бирорта ҳам савол мен учун кутилмаган бўлмади. Улар ўз саволларига жамоатдан маъносиз жавоблар олганидан юрагим сиқилди.

Аёлларнинг денгиз-денгиз кўз ёшлири бизни худди икки томонга ажратиб тургандек. Мен уларни бошқа томондаги қирғоқда кўраман ва бундан ҳасратга тўламан. Бу аёллар ўзларини имондан қайтганлар ва илоҳалар деб атайдилар, бироқ мен уларни бундан ҳам каттароқ фахр билан, Қудратлининг қизлари ва менинг дугоналарим деб ата-

ган бўлардим. Уларнинг норозиликларида, жамоат уларга берган жа-вобдан кўра кўпроқ ҳақиқатларни топганим учун, уларнинг айблов-лари кулоқларимда жаранглаб туради.

Бу китобларнинг саҳифаларида кўплаб аччиқ воқеаларни ўқидим. Уларнинг бири доя-гинекологнинг оғзидан чиққан сўзлар, у кўп марта туққан аёллар, қиз болани дунёга келтиргани учун эрларидан ке-чирим сўраганини эшитган. Тўртта ўғилнинг онаси сифатида бундай муносабат мен учун ақл бовар қиласа туюлади. Худога шукурки, ме-нинг хўжайним аёлларни ҳурмат қиласиган тилло одам. У ҳар бит-та ўғлимиз туғилганида хурсанд бўлган бўлса-да, қачондир қизимиз ҳам туғилишини кутганди. Унга юқоридаги воқеаларни сўзлаб бер-ганимда, у даҳшатга тушди. Агарда бизда қиз туғилганда эди, у биз учун севимли ва қадрли бўларди!

Ўз саволларининг қадрини ёки жамоат ичида ўз хиссаси учун жой тополмагани учун, бу аёллар ўзлари учун бошқа соҳани ва уларнинг олдида эркакларнинг зулмидан муҳофазага айланган сажда мавзу-сини ўйлаб топдилар. Улар меҳрибонроқ, юмшоқроқ бўлган аёллар, маликалар ва илоҳалар шоҳлигидек туюлган, ўрмон ва дарёларнинг қирғоқларига кетишли.

Тинчланинг! Мен сизларни улардан ўrnак олишга чақирмаяпман. Мен уларнинг маликасини ҳам ва бугун дин гавдалантираётган ёвуз шоҳнинг ҳам томонида эмасман. Мен Яратувчимиз, Қудратли Худо-мизни танлайман.

## ХУДОДАН КЕЛАДИГАН ДАЪВАТНИ ИЗЛАШ

“Аёл табиатидаги илоҳийлик” фалсафасининг тарафдори Мэри-энн Вильямсон томонидан битилган “Аёл қадри” деган китобда кел-тирилган бу умидсиз чорловни тинглаб кўринг:

Мен: “Бор, Марям билан гаплашиб кўр”, деганимда, мен айнан шу нарсани назарда тутаман: жамоатга бор, шамни ёқ, жамоатда-ги ўриндиклардан бирига ўтириш ва бунга жиддий муносабатда бўл. Унга: “Марям, мен аёл, она ёки қиз сифатида кимман ўзи. Мен чинакамига аёл киши бўлишини истайман. Менда ҳам сендагидек бенуқсонлик, поклик ва юқори зеҳн бўлишини истайман. Менинг

ташқи кўринишмдан қўра, борлиғим кўпроқ аёллик нафосатига тўлсин” – деб айтинг.

Сиз ўзингиз истайдиган аёл бўла олиш учун ибодат қилишнинг – ёмон жойи йўқ. Бироқ гап у кимга ибодат қилишни бизга таклиф этаётганида. Вильямсон ўзини католик жамоатларида ноқулай ҳис қила-диганлар учун қўшимча қилди:

“Марямга гапириш сенга ноқулай бўлса, ҳечкиси йўқ! Ўзингни тенглаштира оладиган бирорта юонон санамини ёки хинд илоҳасини, ёки умуман бошқа аёл илоҳни топиб, у билан муносабатлар куришни бошла”.

У билан муносабатлар қуриш? Шундан сўнг, бирдан у ўз ғазаби-нинг сабаби билан бўлишган:

“Бу дунёга сенинг аёллик нафосатингнинг қизиги йўқ. Сени за-ифа деб хисоблайди, сенга жинсий эҳтиёжини қондириш асбоби деб қарайдилар. Сенинг болалар туғишдан бўлак, ҳеч нарсага ла-ёкатинг йўқ. Ёш бўлганингда – сен қадрлисан, қариганингда эса – ҳеч кимга керак эмассан. Дунёда ўзинг учун мадад ҳам, аёллик хусусиятларингни ҳам излаб юрма, уларни дунёдан топа олмайсан. Дунё сендан нафратланади. Худо эса сени севади!”

У ўз сўзларини Худо бизни севиши тўғрисидаги ҳақиқат билан туттаганидан бошим осмонга етди. Аммо унинг ичидағи аламни ҳис эт-масликнинг имкони йўқ. У аёл кишидаги илоҳийлик деган қандайдир фояга чирмашиб олган. У шуқадар адашиб қолганки, бизга юонон сана-мига мурожаат этишини маслаҳат беряпти, токи ўчмас аёллик гўзаллиги ва кучи ҳисобланган қандайдир илоҳий тимсолга ибодат қилиш билан, ўзининг муносабатларида танқис бўлган нарсани топадигандек. У ўзи излаётган ҳақиқатни топишини Худодан сўраб қоламан.

Мен аввал католик жамоатининг аъзоси бўлганим учун, бу аёл-нинг таклифидаги мазмунни тушундим. Мен ҳеч қачон Марямга сифиниш фоясини қўллаб-қувватламайман, бироқ протестант жамоатлари Марямга илоҳ сифатида сифинишни бекор қилиш билан бирга (аслида бу ундей эмас), шунингдек, уни бошқа аёллар ўзини қиёслай оладиган мисол сифатида ҳам олиб ташладилар.

Марям илоҳа эмас, лекин у Худо танлаган аёл. Унга шам ёқишлиари учун қўйилган санам эмас, бироқ унинг намунаси бизнинг йўлини ёритиб тура олади. У келиши лозим бўлган нарсанинг – Худо ўз қизлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши ва Унинг қизлари ўз ҳаёти билан Исо Масихни намоён этишининг даракчиси эди.

Мен – Исо Масих дедимми? Қизиқ фикр! “Аёлнинг қадри” китобини варақлаб, унда Маряннинг Ўғли, Исо ҳақида қарийб бирор марта ҳам ўқимадим. Марям Исосиз қандай қимматга эга? Бу даъватнинг ҳақиқий мазмуни нимада?

Унинг мазмуни тўғридан-тўғри Марям, Афина ёки Афродитада эмас. Гап ўзимиз яратган номсиз рух ҳақида боряптими?

“Аёл табиатидаги илоҳийлик”нинг тарафдорлари Худо ва илоҳлар, дин ва эркак киши ҳақида жуда кўп гапиради, бироқ Худонинг Ўғли Исо Масих, улуғвор Нажоткорни – камдан-кам тилга олади. Улар малика, сеҳргар ва оналар ҳақида кўпроқ гапириб, ўлимдан тирилган Худо ҳақида умуман гапирмайдилар. Нега оналарга Худонинг Ўғли ҳақидаги ваҳийдан қочишлари керак? Улар Исо Шахсиятининг атрофида айланиб юрадилар десак ҳам бўлади, хатто Унинг сўзларини ўзлаштирадилар, аммо шу билан бир қаторда Унинг исми ни ҳеч ҳам тилга олмайдилар.

Умуман олганда, бундан ҳайрон қолмаса ҳам бўлади! Мен ўзимни илоҳа даражасига кўтараётган бўлсам, менга Нажоткорнинг нима кераги бор?

Илоҳанинг ҳолати шунчаки қудратлилик ҳолати эмас; у ўзига сигинтиришни кўзда тутади. Бироқ биз эркакка ҳам, аёлга ҳам ёки бирорта мавжудотга ҳам сигинмаслигимиз зарур. Биз ёлғиз Худога сажда қилишимиз даркор. Борди-ю аёл ва Худо бошида белгилаган жамиятдаги роли унинг ҳақидаги ҳақиқат воизлик қилинишни бошласа, ҳеч кимда аёлларни қимматини оширадиган аёл илоҳа яратиш эҳтиёжи бўлмайди.

Ер-у осмоннинг Худоси, Қудратли Раббимиз, Ўзининг кутқариши режасида аёл кишининг роли ва аҳамияти ҳақида очиқ эълон қилган. Худо Ўз ўғлини эркакнинг уругисиз яратди. Юсуфга фақат Марямни ва у олиб юрган Мукаддас болани ҳимоя қилиш топширилган эди.

Худонинг Рухи ёш, бироз чўчиган иброний кизнинг ичидаги ҳаёт яратди. У энди атрофидаги ҳаммага мен – илоҳаман деб, мадхия-

лар куйлаб юргани йўқ. Марям Худо учун ҳамма нарсага тайёр эди, фақат унга юкланган вазифани амалга ошира оламанмикан деб бироз кўрқарди! Келинг унинг сўзларини қайтарамиз ва келинг, уларни ўзимизнинг сўзларимизга айлантирамиз. “*Самовий Отa, Сенинг сўзларинг ҳаётимда амалга оисин; биз ишонамиз: Сен ваъда берган нарсалар амалга ошади. Ердаги хўрланганларни кўтаргин ва бизнинг ҳаётимиз орқали йўз Ўглингни намоён қилгин*”.

Агарда биз ичимиздаги илоҳани юзага чиқариш мақсадида, ўзимизни эркаклардан устун қўйсак, ҳаётимиздаги Худонинг даъватини излаш мақсадимизда муваффақиятга эришмаймиз. Эркаклар аёлларнинг устидан хукмронлик қилиш йўли билан ҳеч қачон чинакам куч ва эркинликка эришмаганлар. Аёллар эса унга мансаб берганларида, ўзининг бузилган ва ҳаддидан ошириб юборилган таълимоти билан самарали бўлмаганлар. Иккала жинс вакиллари ҳам ўзаро иттифоқ ва бир-биринг душмани-ю худоси эмас, балки ҳимоячиси бўлиши лозим.

Сигинадиган илоҳи бўлишни исташ синови ҳар биттамизнинг бошимизда бор. Айнан манашу синовдан Люцифер ҳам ўта олмаган эди. Ҳокимиятга эга бўлиш истаги нотўғри эмас; ҳар биримизга (аёлларга ҳам, эркакларга ҳам) ўз миқдорида имон, ҳокимият ва нуфуз берилган.

Одамлар мутлақ ҳокимиятни бажара олмайдилар. Бундан ўта қийин масъулият ёки вазифани ҳатто фаришталар ҳам қийинчилик билан бажаради ва Худонинг Ўғли, Исо Масих ҳам ўз манфаати йўлида Худо билан тенглигидан фойдаланишга ботинмаган. Филиппи-никларга Мактубда Повул бизга, ҳокимиятга маъжусийлар сингари муносабатда бўлманглар деб маслаҳат бермоқда:

Ўзларингиз ҳақида, Исо Масих Ўзи ҳақида ўйлагандек ўйланглар. У Худо билан тенг эди, бироқ У бу мансабнинг фойдасини кўзлаб, ҳар қандай нарх билан тиш-тирноғи билан чирмashiш даражасида, Ўзи ҳақида юқори ўйламади. Ундан эмас! Ўз вақти келганида, у Худога тегишли бўлган имтиёзлардан воз кечди ва қулнинг ҳолатини қабул килди, инсондек бўлди! Инсон бўлгач, инсонлигича қолди. Бу ундан ҳаддан зиёд камтарликни талаб этарди. У қандайдир алоҳида имтиёзларни талаб қилмади. Аксинча, ўзидан кечган ҳолда итоатли ҳаётни яшаб ўтди ва ўзидан кечган ҳолда итоат билан ўлди – яна дунёдаги энг даҳшатли ўлим билан – хоҷдаги ўлим билан ўлди. Мана шундай итоати учун Худо Уни ҳаммадан ва ҳамма нар-

садан юқорига күттарди ва хурматга сазовор қилди, токи осмондаги ёки ердаги,— ҳатто, аллақачон ўлиб, кўмилганлар ҳам – Унинг, Исо Масихнинг қаршисида сажда учун тиз чўксинлар ва мақтов билан У – коинотнинг Раббийсига, Ота Худонинг шарафли шонига ҳай-кирсинлар (Филиппиликларга 2:5-11, Message таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Бу дунёга хизматчилар керак. Бошқаларни юқорига кўтариш учун, Ўзини паст олган Раббимиз – бизларнинг айримларимизга ўхшаб, шуқадар қаттиққўл бўлганини тасаввур этиш менга жуда мушкул. Аф-суски, баъзида биз Шоҳимизни нотўғри тасвирлаймиз. Бундай бўлмагандан эди, нега тинчлик ҳаракатининг айрим етакчиларининг сўзларида шунча ҳақиқат бор: “Агар масиҳийлар бўлмаганида эди, мен масиҳий бўлар эдим” – даганлар ёки Махатма Ганди шундай деб айтган: “Менга сизларнинг Масиҳингиз ёқади, бироқ менга сизларнинг масиҳийларингиз ёқмайди. Улар сизнинг Масиҳингизга умуман ўхшамайдилар”.

Сиз жонбозлик билан ҳақиқатнинг изловчилари бўлиб кўтарили-шингиз муҳимлигини ва даъватни эшитяпсизми? Биз аянчли самара-сизлик доирамиздан чиқиб, муҳтож ва йўқолганларга ёрдам кўлини чўзиш орқали севги кўрсатишни мақсад қилиб қўйишимиз керак.

Борди-ю жамоат сизга бундай имкониятни тақдим этмаётган бўлса, Худонинг севгисини олиб, уни барча йўлларга ва йўл-ёқаларига олиб боринг. Жамоатнинг ташқарисида сиз бефарқ бўлиб колма-ганингиздан боши осмонга етадиган, ҳаёти барбод бўлган муҳтож одамлар ҳаддан зиёд. Ўз доирангизга, уйсизларга, касбдошларингизга, бирга ўқийдиган одамларга... ёрдам кўлини чўзинг.

Сизнинг ҳәётингиз шуқадар буюк ва ёрқин бўлсинки, токи уни ҳеч нарса енга олмасин!

Бошқаларни ортидан эргаштира оладиган намунали одам бўлиш вақти келди.

Биз ҳозир нима қилишимиз зарур? Худо аллақачон ҳаммасини тақдирга ёзиб қўйибди деган музокараларни давом эттирамизми? Биз бўйсуниш ёки “аёл табиатидаги илоҳийлик” мавзуларида чегарадан чиқмаслик учун ўз онгимизни тартибга оламизми? Эркакларни хурмат қилишни бошлаймизми? Келинг, биз заиф, тобе жонзор ёки газабали илоҳа сифатида эмас, балки арслон ва ургочи шердек турамиз ҳамда улардан намуна оламиз.

## КУЧЛИ АЁЛЛАРНИНГ ҚАДРИЯТИ

Мен китоб ёзганимда ҳам, *Twitter* ва *Facebook*да ўз фикрларимни жойлаганимда ҳам – қаерда бўлишимдан қатъий назар (йиғинларда ва Интернетда), ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, аёлларнинг қадрияти ҳақида гапиришга уринаман. Мен дунё уларнинг овозига, жамоатдаги ҳиссасига, жамоат ташқарисида, маҳаллий ва дунё миқёсида уларга муҳтожлик борлигини атайин эслатиб тураман. Улар бунга шунчаки ишониб, ёки буни шунчаки қабул қилиб қўйишлари эмас, балки шундай яшашлари учун ибодат қилиб қоламан.

Мен воизликларимдан сўнг, одамлар мендан доим шундай деб сўрайдилар: “Сиз эркакларга ҳам шу гапларни айта оласизми?” Улар буни мендан очиқча гапиришни илтимос қилишга ҳадди сиққанини кимдир эшишиб ёки билиб қолишидан хавфсираб, ҳадиксираб, секин овозда айтадилар.

Олдинлари фақат аёлларни рухлантиришнинг ўзи кифоя деб ўйлар эдим. Мен доим қулай, хавфсиз мухитда аёлларга мурожаат этиш имконини қадрлайман. Худонинг қизлари ҳаракати ривожланган сари, фақат аёлларни рухлантиришнинг ўзи камлигини тушуниб етдим, бу ҳам худди танганинг бир томонига пурт етган бўлса, унинг қадри камайишига ўхшайди.

Охирги бир неча йиллар давомида менинг таъсир кўрсатиш доирам кенгайди ва турли жамоатларнинг якшанба хизматидаги кўп одамлар менинг овозимни эшишиб улгурдилар. Ва албатта, эркаклар ҳам уни эшилди. Мен иккала жинс вакиллари ҳам ўтирган йиғинларда гапиришни бошлаганимда, мен аёллик ажойиблиги ҳақида айтаман.

Камдан-кам ҳолларда эркаклар буни рад этади. Мен атайин эркак киши ҳам ажойиблигини айтаман! Охирги бир неча йил давомида мен кўпинча эркакларнинг қўзига ёш келганини кўрдим. Мен эр-хотинлар қай тарзда рақобатни тўхтатиб, бир-бирини қабул қилишни бошлишини кузатдим. Улар ҳокимиётга эга бўлиш учун ўзларининг аҳмокона жанглари учун кечирим сўраганини томоша қилишни жуда ёқтираман.

Азиз шер опа-сенгилларим, бизнинг муаммолиз эркаклар эмас. Муаммо анча чуқурроқда ётибди. Бизнинг душманимиз ва иккала жинснинг ҳам қийматидан маҳрум қилган ёлғончи – шайтондир. Эркаклар муам-

монинг бир қисми бўлмаса-да, улар муаммо ечимининг бир қисми бўйлишлари лозим. Эркак киши ўзига юкнинг бир қисмини олиб, аёл киши билан биргаликда бутун дунёга инсоннинг қиймати ва кучини тиклашни бошлаганларида ҳайратли нарсалар содир бўлишни бошлади.

Баъзида сизнинг овозингизни эшитишни бошласалар – масаланинг ярми ҳал бўлган ҳисобланади. Сизнинг атрофингиздаги эркаклар сизнинг овозингизни эшита олиш имконига эга бўлишлари зарур. Улар эркак ва аёлларни руҳлантираётган бошқа овозларни ҳам эшитиши ва биргаликда ўрнидан туришлари лозим. Жамиятимизда ўзгаришлар бўлишни бошлаши учун ҳаммамиз битта гапни гапиришимиз керак. Келлинг, инсониятта Худонинг муносабатини гапирадиган акс-садо бўламиз.

Бунга эришиш учун Коринфликларга 1-мактуб 11-бобни синчиклаб ўрганиб чиқишимиз зарур. Мен уни ҳар бири аниқ бир фикрни етказадиган, бир нечта алоҳида қисмларга бўламан ва охирида хулоса келтираман:

“Айтганча, аёл ва эркакларни рамзий маънодан кўра, кўпроқ фарқини изламанглар” (10-оят, Massege таржимаси).

Повулнинг сўзлари жинслар ўртасидаги фарққа унчалик ҳам катта аҳамият бермасликка ва буни бўрттирасликка қарор қилган одамларни кўнглини кўтаради. Ҳа, бизнинг ўртамиизда фарқ бор, аммо улар бизни ажратмаслиги керак. Улар бизни бирлаштириш учун яратилган.

“Агар кимдир ўзини устун қўйса ёки якка ҳолда аёл ҳам, эркак ҳам бу йўлдан ўта олмайди” (11-оят, Massege таржимаси).

У буни айтганда, жинслар ўртасидаги боғлиқликни таъкидла-моқда. Агар икки томон ҳам бир-бирига боғлиқ бўлса, унда эркакка ҳам, аёлга ҳам биринчилик берилмайди.

“Эркак киши Худонинг ёрқин, ажойиб тимсоли сифатида биринчи бўлиб яратилгани – ҳақиқат! Бироқ аёлнинг боши, эрининг бошидан гўзаллик ва нурда юкорида туради” (11-оят, Massege таржимаси).

Эркак киши Худони акс-эттириш учун яратилгани – ҳақиқат! Кейинчалик эса битта “аммо” туғилди. Аёлнинг чиройи эркакнинг чиройидан ошиб тушди.

Қуйида факат эр ва хотинга айтилган гапларга қаранг.

“Ха, биринчи аёл эркақдан келиб чиққан, аммо ўша вақтдан бери эркак аёлдан дунёга келмоқда!” (12-оят, *Massege таржимаси*).

Яна бир бор ҳақиқатни ўқидик, биринчи аёл бўлмиш Ҳаво эркақдан, Одам Атодан келиб чиқди. Бу ерда ҳам ўша пайтдан бошлаб, энди эркак аёлдан келиб чиқиши ҳақидаги ҳақиқат билан ҳамма фикрларни тенглаштириш мақсадида, Повул “аммо” деган боғловчини ишлатяпти.

“Ҳамма нарса шундок ҳам Худодан келиб чиқиши туфайли, келинг, “ким биринчи” деб номланган, бир жойда айланиб юрадиган, чексиз музокараларни тўхтатамиз” (12-оят, *Massege таржимаси*).

Мана энди тарозининг икки томони ҳам тенглаштирилганда, Повул ирсий ғавғодан юқорида туриб, Худонинг нуқтаи назарини кўрсатяпти: ҳамма нарса Худодан келиб чиқади, шундай эркак кимнинг устунлиги ҳақида баҳслашишни бас қилинглар! Бу кўп саволларга барҳам бериши зарур. Ёлғиз Худо биринчи ҳисобланади. У ягона – муқаддас, адолат, севги, ҳақиқат, йўл, ҳаёт, боши ва охиридир.

Худо бизнинг йўналишимиздаги қонун-қоидалар билан бошқарилади деган фикрни хаёлингизга ҳам келтирманг. Бизнинг нимага рухсат бор-у, нимага рухсат йўқ деган интизомларимиз ва имон эътиқодларимиз Уни ҳайратлантирумайди. Худо ер бўйлаб ҳаракатланади ва ўзаро тўғри муносабатларга эга бўлган ва Унинг бошқаруви остида яшайдиган кишиларни кўрганида, уларни марҳаматлайди.

“Опа-сингиллар ва биродарларнинг ўртасида дўстлик ва тинчлик бўлса қандай ажойиб!.. Худо айнан ўша ерда марҳаматларини ва абадий ҳаётни амр этган” (*Санолар 132:1, 3 Massege таржимаси*).

Жамоат тарих давомида манашу масалада бўлиниб келган, бироқ мен мана шундай давом этишини истамайман. Бироқ менинг фикрларим ва ҳисларим – Худонинг бу қандай содир бўлиши ҳақидаги қарорларининг олдида ҳеч нарса эмас. Ҳамма нарса ўзгаради.

“Мана, охирги кунларда шундай бўлади,— дейди Худо,— Мен Ўз Руҳимни ҳар бир вужуднинг устига ёғдирман. Сизларнинг ўғил-

ларингиз ва сизларнинг қизларингиз башорат қиласидилар, сизларнинг йигитларингиз ваҳий кўрадилар, сизларнинг мўйсафи-дларингиз туш кўрадилар. Ўша кунларда Мен Ўз Руҳимни кулу чўриларим устига ёғдираман ва улар башорат қиласидилар. Юқорида осмонда мўъжизалар ва пастда ерда аломатлар, кон, олов ва тууннинг бурқираб чиқишини кўрсатаман” (Ҳаворийлар 2:17-19).

Худо охирги кунларда Ўз Сўзини айтади. Бу қон, олов ва тууннинг бурқирашининг тимсоли, қадимда ибронийлар ўзларининг қурбонликларини олиб келган қурбонгоҳга ўхшайди. Одамлар Қудратли Худо қурбонликларни қабул қиласидиган жойга йигилар эди. Уларнинг қурбонликлари ёниб, туун билан Осмонга кўтарилаарди.

Янги аҳд вақтида содир бўладиган тимсолда қурбонгоҳда сўйиладиган кўйлар, бузоқлар ёки буқалар ҳақида гап бормаяпти. Бунинг ўрнига, биз Худонинг қизлари ва ўғиллари, ёшлар ва қарилар – Қудратлининг куллари, қай аснода донолик ва пайғамбарлик руҳида, овозларини юқорига кўтараётганини кўрамиз. Бизни Унинг Руҳи қамраб олганида ва олдинга етаклаганида ичимиизда олов ёнади.

Олдинлари жинслар ўртасидаги муаммолар ҳақида очиқласига гапиришдан қўрқардим. Энди эса, керак бўлса одатдаги доирадан четга чиқишига ҳам тайёрман. Менинг хўжайним мендаги кучдан қўрқмайди – у буни қабул қиласиди. Менинг ўғилларимни заиф, овози чиқмайдиган, хўрланган аёлларнинг тимсоли ўзига жалб қиласиди. Менда мана шундай мадад борлиги, бошқаларда эса буни йўқлиги тўғрими? Дунё ҳар жойда мазлумлар учун овозини кўтарадиган аёлларга муҳтож. Бу биз нима учун яратилган бўлсак, шу нарсани амалга ошириш учун ийманмаслигимиз, балки буни ўзаро бирлашган ҳолда бажариш зарурлигини билдиради.

Жинсларнинг фарқларини бир четга суриб қўйиш ва бизни қучимииздан маҳрум қиласидиган зиддиятларга берилмаслик учун вақт келди. Уйгониб, Худо бизни қандай мақсадда яратган бўлса, мана шу мақсад учун яшаш вақти кели. Худо бизни – Унда кучли бўлиш, эркакларнинг ёрдамчиси ва бутун дунёдаги юз ўгирилган ҳамда муҳтож одамлар учун оқлаш овози бўлиш учун яратди.

## Қарши олиш ва мулозамат



Лабларингизнинг гўзаллигини сақлаб қолиш учун яхши сўзлар гапиринг. Кўзларингизнинг гўзаллигини сақлаб қолиш учун одамларнинг яхши томонларини изланг. Қоматингизнинг гўзаллигини сақлаб қолиш учун овқатингизни қорни очлар билан бўлишинг. Соchlарингизнинг гўзаллигини сақлаб қолиш учун болангизга ҳеч бўлмаса, бир кунда бир марта турмагингизни ўйнаб, бузишига рухсат беринг. Гавдангизнинг гўзаллигини сақлаб қолиш учун, сиз ёлгиз эмаслигингизга амин бўлиб юринг.

Сэм ЛЕВЕНСОН

**Ш**ерлар бир-бирини ялаши, улар қарши олишининг бир кисми хисобланади. Эркалашнинг бундай қўриниши уларда туғилганидан бошланади. Янги дунёга келган шер боласи онасининг ўпичларидан нари кета олмайди. Бирорта ҳам болача ялаб қўйилмаган ҳолда юрмайди. Мен буни шундай тасаввур қиласман: кичик шерлар ёши катта шерларнинг қизиқарли овини томоша қилиб бўлгач, тўдасидаги уй муҳитига қайтиб келадилар. Улардан бири тўсатдан, бир баҳяга иккиланиб, ўйлади: Оҳ, йўқ! Мана, яна холам келяпти! У мени яна ялаб, сўлаги билан бор тумшугимни ҳўл қилиб ташлайди!” Бу италиядан меҳмонга келган холалар билан тўла хонага жияни кириши ҳолатини эслатади, тўғрими?

Тумшуқни тумшуқка қўйиб қарши олиш – нафақат шер болачалири учун белгиланган. Бир она шер, бошқа она шер билан учрашганда ҳам, шу ҳолат содир бўлади. Бизга барча она шерлар бир-бирига ўхшашиб туюлганидек – она шерларнинг ўзларига ҳам шундай туюлади. Шу боис ҳидидан – бу бошқа шер эканига – у бегона эмас, балки тўданинг бир аъзоси эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳамма-

мизга маълумки, ташқи кўриниш бизни алдаши мумкин, аммо ҳид ҳақиқатни айтиб туради.

Ҳар битта она шернинг кўзлари устида тўданинг ҳидини чиқариб турадиган безлар бор. Она шер бир гурухдан бошқасига ўтганида, уларнинг ўртасида ўта яқин муносабат юзага келади – улар бошларини тўқнаштириб, юзларини бир-бирига ишқалайдилар. Танишув – бу “Мана мен кимман. Сен эса кимсан?” деган маънони билдирадиган биринчи учрашув ҳисобланади. Она шерларнинг бир-бирини қарши олиши ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, иттифоқ битимини муҳрлаш ва тўдадаги бегонани топишга қодир.

Она шерлар олдин ҳидладилар, сўнг танийдилар. Одамлар эса аввал танишадилар, кейин ҳидлашадилар. Ҳаётий мисол келтираман: яқинда хўжайним мени аэропортда кутиб олди. Мен унинг машинасини кўриб, кўлимни кўтардим, бироқ у машинадан чикиб, мени кучмагунича унинг ҳидини сезмадим. Мен унинг атирини ҳис қилганимда, “сендан яхши ҳид келяпти” – дедим.

Аксинча тартибда бўлганида, уни таний олмасдим: яъни мен машинадан тушиб, менинг олдимга келаётган бир эркакни кўраман. Унинг олдига яқинлашиб, эримнинг ҳиди келаётганига ишонч ҳосил қилиш учун уни ҳидлаб кўраман, факат шундан сўнг, уни эрим деб қабул қиласман.

Она шерларнинг ҳид билиши бир нечта мақсадлар йўлида фойдаланилади. Карши олиш, яъни мулозамат одати, бирорта бегона тўдага суқилиб киришини табиий йўл билан аниқлашга замин яратади. Бундан ташқари, она шерлар саломлашиб, бир-бирини ялаганларида (мулозамат кўрсатгандарнида), бу билан улар қабул қилингандик ва мансублик ҳиссини намойиш этадилар. Биз ҳам Худонинг қизлари сифатида, ўз яқинларимиз ва танишларимиз билан шундай қилишимиз лозим.

## **ФАРЗАНДЛАРИНГИЗНИ ҚАРШИ ОЛИНГ ВА УЛАРГА “МУЛОЗАМАТ КЎРСАТИНГ”**

Шерлар болаларини кўриши билан, уларни ялаши қўйидагиларни англатади: “Сен бизнинг гурухимиздансан. Сен бу ерда хавфсизликда бўлишинг, ўзингнинг кучли жиҳатларингни ривожлантиришинг ва бизнинг орамизда ўсишинг мумкин. Бу ерда, бизнинг тўдамиизда таъминот

ва химоядан ғам чекмасанг ҳам бўлади”. Қолаверса, у боласи қаерда бўлганини билиш учун ҳам, қарши олиш ва мулозаматдан фойдаланади. Унга тумшугини кўйиб, боласи қаерга бориб келганини аниқлади, кейин: “Нега сендан сиртлоннинг ҳиди келяпти?” – деб сўрайди.

Менинг ўсмир ўғилларим кечки пайт ўйнаш учун чиқиб кетганларида, қайтиб келганларидан сўнг, менинг хонамга кириб, мени ўпиб қўйишларини айтардим. Бу тунги ўпич бир нечта мақсадларни кўзда тутарди. Даставвал, мен ўғилларимни ўпиб қўйишни ёқтираман. Иккинчидан, улар кечаси неччида уйга келибди деб, ухламай кутиб чиқмайман. Учинчидан, бу менга уларни ҳидлашга имкон беради.

Бизнинг ўзаро муносабатларимиз қуидагида кечарди. Агарда бирорта ўғлим, уйга қайтганида, мендан ниманидир яшироқчи бўлса, у менинг хонамни очиб, шундай дер эди: “Ойи, мен уйдаман, хайрли тун!”

Мени ухлаётганимни билиб, тезгина эшикни ёпиб қўярди. Мен эса унга: “Яхши бориб келдингми, кир, мени ўпиб қўй” – дер эдим.

Агар у иккиланиб турса, мен ҳар хил шубҳага борарадим.

Агарда у ёнимга келганида, ундан кучли ялпиз ҳиди келса, у ножўя иш билан шуғулланганини билиб олардим. У менга яқинлашганида, уни бағримга босиб, у билдиришни истамаган ҳидни нималигини билиб олардим. Охир-оқибат, ҳар бир она ўз ўғлининг ҳидни яхши билади.

Борди-ю биз бошидан ҳар куни қучоқлашиб қўришишни уйимизда одат қилиб қўймаганимизда, ўғилларимни шу тарзда кечки текширувдан ўтказиш имконисиз бўларди. Биз ҳар куни бир-биримизни қучоқлаб қўямиз. Биз кун давомида ҳам, кейин ётишдан олдин ҳам бир-биримизни бағримизга босиб қўямиз. Биз доим бир-биримиз билан жисмоний алоқада бўламиз: бу ака-укалар ўртасидаги олишиш беллашувлари, ошхонани йигиштириш пайтидаги бир-бирини туртиб юбориш ёки бирор жойга кетаётганимизда бир-биримизни қучиб қўйиш қўринишида содир бўлади. Бундай мулозамат фарзандларим ҳали ёш бўлганида бошланган бўлиб, бу ҳозиргача давом этмоқда. Сизнинг уйингизда ҳам шундайлигига эътиrozim йўқ: сиз уйқудан олдин, уйдагиларни ўпиб қўясиз, қўришганингизда қучасиз, елкасига қоқасиз, соchlарини силаб қўясиз, ўриндиқда ўтирганингизда, бир-бирингизга тиқиласиз...

Кейинчалик, катта ўғлим уйланиб, биздан алоҳида яшашни бошлаганида, унинг мен олдин билмаган қилмишлари ҳақидаги гапларни эшитиб қолардим. Шунда мен ундан: “Сен буни қачон қилган эдинг? Нега мен бу ҳақда билмайман?” – деб сўрардим. У эса: “Сиз сафарга кетган кечада” ёки “Бу нарса дўстимнинг уйида ётиб қолганимда бўлган эди” – деб уялиб жавоб берарди.

Агар мен уйда бўлганимда, у нимани дўндирганини бирдан сезган бўлардим! Оналарнинг болаларини қарши олиши, боласи ножӯя жойларда бўлган, бўлмаганини билиб олишга имкон беради. Бу биз қачон мулоийим гапиришимиз, қачон – жиддий гапиришимиз, ҳатто жазолашимизни билиш учун ёрдам беради. Борди-ю сиз оиласигиздагилар билан доимий равишда қулоқ очиб саломлашмасангиз, буни бошлашга чақириб қоламан. Бошида сизнинг фарзандларингиз бунга қаршилик қилиши мумкин, лекин сиз таслим бўлманг. Сизнинг қучоғингиз болага нафақат сиз уни севишингизни англатади, шунингдек боладаги сизнинг уйингизда бегона бўлган ҳидларни сезишга ёрдам беради. Олдинлари сизни кучокладиган фарзандингиз, энди бундан қочишини бошласа, бунинг сабабини аниқлаш зарур. Фарзандларингиз жисмоний масофа сақлашни ўрганиб қолишига йўл қўйманг.

Болаларингиз каттариб қолганда ҳам, уларни қулоқлаб, ўпид қарши олишда давом этинг. Сизнинг жисмоний яқинлигинги, улар шу уйнинг бир қисми эканини эслатиб туришга хизмат қиласи. Бу катта ҳаётга ўтиш ва ўз оиласини қуриш даврида ўзини бехавотир сезишга ёрдам беради.

## БИР-БИРИНГИЗНИ ҚАРШИ ОЛИНГЛАР

Она шерлар бир-бирини қарши олганларида шундай дейдилар: “Биз сен билан – битта оиласимиз. Сендан менинг опа-сингилларимнинг таниш ҳиди келяпти. Мен ҳар доим сени қўллаб-қувватлашга тайёрман ва сен ҳам мени ёлғиз қолдирмаслигингни биламан”.

Биз бу жиҳатдан шер опа-сингилларимиздан катта фарқимиз йўқ. Бошқаларнинг илиқ қаршилаши қўйидагиларни англатади: “Биз билан ўтири. Марҳамат, биз сенга ишонамиз!” Расмий ва босиқ тарзда саломлашиш шуни билдиради: “Сенинг бизга нисбатан ҳолатинг ҳали ўрганил-

япти. Биз сени ҳали яхши билиб олмагунимизча, қандайдир тавсифлардан ўзимизни тиямиз”. Бундай ҳолларда қарши олинаётган кишига ҳам, қарши олаётган кишига ҳам нокуладай бўлади. Агарда сиз билан саломлашмасалар, бу – “ташриф буюрувчи, эҳтиёт бўл”, деганини билдиради!

Повул коринфликларни бир-бири билан қандай саломлашишга ўргатгани ҳақида ўқинг:

“Бир-бирингиз билан муқаддас ўпич билан саломлашинглар. Барча муқаддаслар сизларга салом йўллаяптилар. Раббий Исо Масихнинг инояти, Отамиз Худонинг севгиси ва Муқаддас Рухнинг мулоқоти сизларнинг ҳаммангиз биландир. Омин” (Коринфликларга 2-мактуб 13:12, 13).

Сиз имонли опа билан саломлашганингизда, уни опа сифатида кучиб қўйинг. Агар сиз хизматчи опа билан саломлашсангиз, унга хурмат билдирган холда қарши олинг, кучиб қўйинг. Қийналаётган опани қўрганингизда ғамхўрлик билан опа-сингилларча саломлашинг. Баъзида ҳатто, сўзлар ҳам керак эмас. Йиллар ўтган сари “салом” деб қўйишдан кўра, қучиб қўйиш аҳамиятли даражада енгиллик келтиришини тушундим.

Повул ўз қарамоғидаги жамоатларга мактубларида усталик билан, саломлашишни жойига қўйган. Агар Повул учун ўз хатларида яхшилаб саломлашиш муҳим бўлган бўлса, боз устига биз учун шундай йўл тутиш муҳим.

Келинг, унинг Коринфликларга йўллаган саломларини ўқиймиз:

Мен буни сизларни уялтириш ва ўзингизни ёмон ҳис этишингиз учун ёзмадим. Мен буни сизларга ота ўз ўғилларига йўллагандек ёздим. Мен сизларни севаман ва сизлар инжик бузғунчи эмас, яхши одамлар бўлиб ўсишингизни истайман. Атрофинингизда сизга бирор нарсани нотўғри қилганингизни тушунтириш учун битта ҳам имконни қўлдан бермайдиган одамлар тўлиб кетган,— сизлар ўсишингиз учун вакт ажратиб, куч сарфлайдиганлар эса жуда оз (Коринфликларга 1-мактуб 4:14-15, Message таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Повул Коринфликларга унинг хати нимани англатиши ва нимани – англатмаслигини тушунтирган. Повул уларни айблаш учун ҳукм

қилмаган, балки уларга бўлган муносабатини – улар Повул учун ким эканини аниқлаштирган. У ота, улар эса фарзандлар. Сўнг Повул тушунтирганки, Коринфдаги имонлилар қоқинишларини кузатиб, кутиб ўтирган одамлар кўплигига қарамай, у улар муваффакиятли бўлишлари учун ота сифатида ўзини уларга бағишилаган. Унинг саломлашиши хатни йўллаганларга нисбатан кимлигини ва улар Повул учун кимлигини ифодалайди; Повул уларга нимани негалигини, улар эса Повулга нима учун қулоқ солишлари кераклигини айтган. У Мактубнинг асосий қисмiga ўтмай туриб, ҳамма нарсага ойдинлик киритган.

## **БИР-БИРИНГИЗНИ ҚАРШИ ОЛИНГ ВА МУЛОЙИМЛИК БИЛДИРИНГ**

Она шерларнинг бир-бирини қарши олиши муваффакиятли кечса, улар тезда бир-бирини эркалаш ва мулозамат билдиришга ўтадилар. Бу ўзаро мулозамат она шерларнинг ва катта бўлиб қолган шер болаларининг ўртасида мустаҳкам ришта яратади ва бу гурухнинг яқин алоқаларини ва бутунлигини сақлашда ёрдам беради.

Аксарият ҳолларда она шерлар бир-бирининг боши ва бўйини, яъни ҳайвоннинг мустақил равиша кўли етмайдиган жойларини ялайдилар. Шерларга хос бўлган, тилининг ғадир-будур устки қисми билан, улар бир-бирининг юнгидаги қон ва кирларни тозалайди, шу билан бир қаторда улардаги канава болаҳўрларни олиб ташлайди. Сизнинг танангиздан нимадир қонингизни ва озуқлантирадиган моддаларни сўриб ўтиrsa, бу аста-секин, лекин қатъий равища ҳаётингизни ўғирлайди. Сизнинг танангиздан қон ва кирларни олиб ташласа қандай яхши, шу билан бир қаторда сиздаги канава болаҳўрларни чиқариб ташлайдиган холалар учун ҳам Худога шукур!

“Кўнглини олиш, мулозамат, парвариш қилиш” сўзи инглиз тилидан “тозалаш, тартибга келтириш, тайёрлаш, тараш ёки чўтка билан тозалаш, яхшилаш, безаш, силлиқлаш”, қолаверса “йўл-йўриқ кўрсатиш, шугуллантириш ва маслаҳат бериш” маъноларини билдиради. Манашу аниқловлар билан мен ўз тишларимни, ошхонамни тозалайман ва болаларим алгебра тайёрлаган пайтларида, уларни парвариш қила оламан ва шундай қилишим шарт.

Парвариш қилишни босқичларга бўлиб чиқсак, уларнинг биринчи босқичи “тозалаш” деб белгиланади. Исо Петъор билан “парвариш қилиш” кўрсатилган тозалаш шаклидаги сұхбат ўтказган. Исо Петъорнинг оёқларини ювмокчи эди, у эса бундан бош тортди. Шу боис, Исо шогирдига тушунтириди, агарда у оёгини ювишига рухсат бермаса, унда Петъор Исонинг ишларида иштирок эта олмайди. Петъор хозиргина йўл қўйган хатосининг ўрнини тўлдираман деб, бироз ошириб юборди ва Исодан нафақат унинг оёқларини, балки бутун танасини – бошдан оёқ ювишини сўради. Бизнинг ҳайратли Раббимиз бунинг маъносига қайтади:

“Исо деди: “Агар сен эрталаб ювинган бўлсанг, энди фақат оёғингни ювишинг керак – шунда бошингдан оёғингтacha тоза бўласан. Бу ҳам шунга ўхшайди” (Юҳанно 13:10, Message таржимаси).

Биз Исога тегишли эканимиз учун, биз тозамиз. Шунга қарамай, кун давомида бизнинг оёқларимиз кирланиши мумкин ва баъзида қаерда бўлганимиз ёки нима қилганимиз, қандай оёқ кийим кийганимизга қараб, оёқларимиз ҳатто қўланса ҳид таратиши мумкин. Ҳаёт давомида юриб биз ифлосланган жойлардан ўтиб қолишимиз мумкин – масалан менда шундай эҳтимол бор. Куннинг охирида эса йўлда тўпланиб қолган чангни оёқларимиздан ювиб ташлашимиз зарур.

Мана нима учун Исо давомида айтган:

“Демак, Мен Устоз ва Ҳазрат бўла туриб, оёқларингизни ювган эканман, сизлар ҳам бир-бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз керак. Чунки Мен сизларга намуна кўрсатдим, токи Мен қилган ишларни сизлар ҳам килинглар. Ростини, сизларга рости ни айтаман, кул ўзининг хўжайинидан улуғроқ эмас ва элчи уни юборгандан улуғроқ эмас. Агар сизлар буларни билсангиз, унда шуларни бажарганингизда баҳтлисизлар” (Юҳанно 13:14-17, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Исо шогирдларининг оёқларини ювган, бизни ҳам шундай қилишга чорляяпти. Менинг хўжайним тўғридан-тўғри ҳар куни кечга менга мини-педикюр қилиши кераклигини Исо назарда тутган деб ўйламайман (аммо бу ёқимли ва севимли бўларди!) Эҳтимол, бу бир-биримизни янгилашиб, тозалаб туришимизнинг рамзи ҳисобланар, айниқса ўтишимиз зарур бўлган йўллардан ифлосланиб қолган пайтларимизда.

Мен бир неча марта жуда нокулай “оёқ ювиш хизматларида” бўлганман, айниқса, хизматга чиқиши учун колготки кийиш шарт бўлган замонларда. Биз ҳозир одамларни қучиб, ўпиб саломлашганимиздек, Исонинг даврларида сизнинг уйингизга келадиган одамларнинг оёгини ювиб қарши олиш табиий ҳол бўлган.

Мен оёқ ювишни қайта йўлга қўйишини таклиф қилмаяпман. Биз асфалт ётқизилган йўлларда ва ёпиқ оёқ кийим кийиладиган замонда яшаяпмиз, Исонинг шогирдлари эса чанг кўчаларда чориқ кийиб юришган. Сизга дўстингизнинг ёки жамоатнинг остонасини ҳатлаб ўтганда, кун давомида ўтириб қолган чангларни қоқиши ва ўзаро муносабатлар қуришга ўзингизни бағиашлашга аҳамият беришни таклиф қиласяпман. Биз она шерларга ўхшаб, бир-биримиздан кирларни, каналар ва болахўрларни тозалаб туришимиз мухим.

“Борди-ю сиз бир неча ҳафта ювингиздан бўлсангиз, ўзингизни басавлат ва гўзал деб хаёл қилманг. Ўзингизни бошқалардан яхширок деб ўйламанг ва керилманг. Бўриларга ўхшаб, оч, шафқатиз ва тошбағр бўлманг, қашшоқларнинг бўйинини чайнаманг ва уларнинг ҳисобидан айш-ишрат қилманг, муҳтожларни бир четга улоқтириб юбориш учун, уларни ажратиб қўйманг. Зулукнинг икки қизи бор – бу эгизларнинг исмлари “Бер” ва “Бер-Бер” (Хикматлар 30:12-15, Message таржимаси).

“Бер” ва “Бер-Бер” – бизнинг озиқлантирувчи моддаларимизни кемирувчи ва ҳаётимизни ўғирловчи болахўрлардир. Хасислик ва ўз хирсларини қондириб яшаш қонхўрлик ҳисобланади. Биз бир-бирини “ялаб туриш” ёқимли бўлган жамоатнинг бир қисми бўлганимизда, бир-бириимизга ҳаётимизни покликда сақлашга ёрдам берамиз.

Яқинда бир раҳбарликнинг белгиларини жиддий тарзда намоён қилаётган ва мен жуда ҳурмат қиласидиган ёш биродарнинг ҳаётига таъсир ўтказа оламаними, ёки йўқми, буни ўзим учун аниқлаб олишим керак бўлди. Ўзимда унинг ҳаётидаги Худонинг даъватини ҳимоя қилишга уриниш борлигини сезиб, унга ҳаётидаги бир нарсани тўғрилашини таклиф қилишни истадим. Лекин бундан аввал, у менга қулоқ соладими, йўқми, шуни тушуниш учун у билан ўртамиизда қандай турдаги муносабат борлигини аниқлаш им зарур эди. Шу боис, ундан: “Жамоатда сен мени ким деб ҳисоблайсан?” – деб сўрадим.

У ҳеч иккиланмасдан: “Мен сизни раҳбар деб ҳисоблайман” – деб жавоб берди.

Унинг муносабати, унинг ҳаётига таъсир ўтказишим мумкинлигини, у мен айтадиган гапни тўғри қабул қилишини кўрсатди. Борди-ю у бошқачароқ жавоб берганда эди, мен ўз маслаҳатларимни ичимда сақлаб қолган бўлардим.

Бундай оёқ ювиш йўли икки томонлама ишлайди. Биз нафакат бошқаларга таъсир ўтказишимиз, қолаверса бошқа одамлар бизнинг ҳаётимизда ўз ҳиссасини қўшиши учун эшикларимизни очиб қўйишимиз зарур. Менинг бир дугонам бор, у мен учун катта опамдек бўлиб қолган. У Худонинг қизларини бирлаштиришда катта тажрибага эга бўлган ажойиб чўпон. Биз анчадан бери яқин дугона бўлганимиз учун, у менинг ташқаридан қараганда қандай кучли ва заиф жиҳатларим борлигини билади. Яқинда менинг ҳаётимдаги “парвариш қилиш” жараёнида унинг иштирокини атайин илтимос қилишим муҳимлигини тушундим. Биз қаҳва ичиб ўтирганимизда унга дедим: “Сен мени тузатиб туришинг зарур. Агарда менда бирорта аҳмоқона нарсани кўрсанг ва эшитсанг, ёки чегарадан чиқаётганимни сезсанг, илтимос, бу ҳақда менга айтиб тур. Мен руҳий маънода Олимпнинг чўққисига чиққанман ёки тузатишлардан устунман деб ўйламайман, лекин ҳаётимни донолик билан йўналтирадиган, буни етарли дараҷада уddeлай оладиган кишига муҳтожман”.

У менинг ҳаётимдаги хунук соҳаларни “ялаш” йўли билан “парвариш қилиш” га бажонидил рози бўлди. Бу нарса чинакамига амалга ошиши учун мен у билан яқин муносабатларга эга бўлишимиз лозим. Мен у билан яқинлигимиизни атайлаб қўллаб-қувватлайман ва унинг китобларини ўқиши, маслаҳатларини эшитиш орқали ўгитларига қулоқ соламан. (У аллақачон ҳаммага эшиттириб айтган гапларини, мен учун алоҳида такрорлаши шарт эмас). Унинг мен юзимни булғаб қўйдиммикан, йўқми деб пойлаб юриш учун – мени назорат қилиш нияти йўқ! “Парвариш қилиш” маҳсус ҳаракатнинг бир қисмига айланиб, шуни тушунишни бошлаймиз; бизнинг поклигимиз бошқа опа-сингилларга ҳам ўтади.

Сиз жамоатга бориб, у ерда сиз билан саломлашадиган одамни ва яқин муносабатлар қуриш имконини топа олмасангиз, унда сиз мулоқот ва ўзаро ёрдам бор бўлган жамоатни топишингиз керак деб

қоламан. Дўстона муносабатлар ва яқин алоқа ҳамда ўзаро муносабатларга эга бўлмаган жамоатлар сизни Худонинг мақсадларига тайёрламайди. Бизни кимдир “ялаб” қўйишига муҳтож бўлганимизда бу нарса очик-ойдин кўринади. Мен ўзимнинг чўпон дугонамдан мени тузатиб туришини сўраганимнинг сабаби, мен “парвариш қилиниш”-га муҳтожликни сездим. Мен ўзимни ажратиб қўйилган ва ҳеч ким мени тушунмаётгандек сездим. Менда унчалик ҳам яхши бўлмаган нарсалар борлигини ва улардан тозаланиш ҳамда уларни ҳаётимдан олиб ташлаш учун кўмакка муҳтож эканимни билардим.

“Парвариш қилиш” жараёни сиз учун туташишнинг энг юқори чўққиси бўлиши мумкин. Бизнинг улкан мушуклар оиласига кирувчи дўстларимиз баъзида, биз одамлар тушунмаганимиз учун катта нарх тўлаб юрадиган нарсаларни, ҳис этадилар: одам ўзини тозалаши хавфли натижаларга олиб келиши мумкин.

## ТАНА ТОЗАЛИГИ ЭМАС, МУҚАДДАСЛИК

Петъор оёқ ювишга қай тарзда қарши тургани, Исо унга бу дараҷада инжиқ бўлишнинг ҳожати йўқлигини тушунтирганидан сўнг, тўлиқ покланишни истаб қолгани ёдингиздами? Исо унга деди:

Мени тана тозалиги эмас, балки муқаддаслик қизиқтиришини тушунишнинг лозим (Юҳанно 13:10, Message таржимаси).

Исони қизиқтирган нарса – яъни муқаддаслик бизни қизиқтириши керак, тана тозалиги эмас. Охир-оқибат бу бизга юклangan мастьалият ҳисобланади. Диққат марказда нуқул ўзимизни кўрсак, унда очкўзлик ва заиф томонларимизнинг истакларини қондиришни тўхатиб бўлмай қолади. Айрим масихийлар муқаддас бўлиб кўринишга муқкасидан кетган ва шу билан бир қаторда бошқаларнинг нопоклигини топиш билан овора. Исо айнан манашу нарса ҳақида айтган:

“...сизлар коса-ю лаганнинг сиртини тозалайсизлар, аммо уларнинг ичи ўғрилик ва баднафсликка тўла” (Матто 23:25).

Биз буларнинг орасида энг муҳимини назардан четда қолдирмаслигимиз зурав: муқаддаслик ташқи тозалигимизнинг ўлчови эмас,

балки юрагимизнинг ўлчовидир. Бизнинг кундалик ҳаётимиз қўлларимизни ва оёқларимизни булғаши мумкин, бироқ у ёлғиз Худо поклай оладиган томонимизни булғай олмайди. Раббий Худо,— фақат У бизни муқаддаслайди!

Биз яхшилик яратишдан кўра, ёвузликдан қочишга кўпроқ диккатимизни қаратганимизда чигалликлар бошланади. Бундай ҳолда бизнинг бўш ҳаётимизни чақирилмаган йиртқич ва ямлаб ейдиганлар босиб олади. Исо нуқул ёвузликдан қочиб юрмаган, балки яхшилик қилиш билан ҳам шугулланган. Гуноҳнинг қарама-қарши томони – бу эзгу фазилатлар.

Ёвузликни яхшилик енгади. Ёвузликни қоидалар билан йўқ қилиб ёки ундан яшириниб бўлмайди. Ҳа, биз чиндан ҳам чегараларга риоя қилишимиз зарур ва бунинг учун бизда донолик бўлиши керак. Ҳа, биз зулмат ишларида қатнашмаслигимиз лозим. Бироқ биз ювиб тозалаб бўлмайдиган нарсаларни ювишга уринмаяпмизмикан? Келинг, умуман ҳожати йўқ нарсалардан ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам тозалашга тиришмайлик. Хасислик ва ҳирсларимизни қондиришдан покланиш учун Исо қўйидагиларни маслаҳат берган:

“Яххиси, ўзингизда боридан хайр-садақа бериб, ичкаридан покланилгар, шунда ҳамма нарса сизлар учун пок бўлади” (Луқо 11:41, NLT нинг инглизчадан таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган)

Худони бизнинг ички поклигимиз қизиктиради. У мени – қўлларимизни булғаб ва кийимларимизга доғ тушуриб бўлса ҳам, ҳаддан зиёд озода уйларимиздан ташқарида бўлган одамларга ёрдам бериш учун вақт келди деб – Жамоатга – Масиҳнинг Танасига воизлик қилишга ундумоқда.

Шимон фарзий бу дарсни уқиб олиши зарур эди.

## ТОЗАЛАНИШНИНГ ЮҚОРИ ДАЛОЛАТИ

Исони Шимон фарзийнинг уйида тушлик қилиш учун таклиф этилди. У жойга маҳаллий фоҳиша бостириб кирмагунича, бу “покизалар”нинг йигини эди. Бу аёл ўша ерда Исо бўлишини эшитиб,

келган эди. У жойдаги ҳамма нарсани расво бўлиши учун ўзи келгани етарли эмасдек, устига-устак ўзи билан қимматбаҳо атир тўлашиша ҳам олиб келди. У Исонинг қархисида тиз чўқди ва кўз ёшлари билан атирни Унинг оёқларига тўқди! Бечора Шимон! У бор-йўғи Исо ва Унинг шогирдлари билан одоб сақлаган ҳолда овқат танаввул қилишни истаган эди – бундай нарса содир бўлишини ким ҳам билиби! Бунинг барини кузатиб, Шимон ўзича деди: “Агар У пайғамбар бўлганида эди, Унга тегинаётган аёлнинг кимлигини билар эди, чунки бу гуноҳкор аёл”, – деди.

Шунда Исо Шимонга савол берди. У қарзи кечирилгани учун ким кўпроқ миннатдор бўлишини билмоқчи эди: қарзи кам бўлган одамми, ёки улкан қарзга эга бўлганми? Шимон тўғри жавоб берди: кўпроқ кечирилган, кўпроқ миннатдор бўлади.

Исо кутилмаганда, ҳамма бор кучи билан эътибор бермасликка уринаётган фоҳиша томонга бурилди:

“Шимон жавобан деди: – Ўйлайманки, кўпроқ қарзи кечирилган киши бўлса керак. Исо унга: – Сен тўғри мулоҳаза қилдинг, – деди. Шунда Исо аёлга ўгирилиб, Шимонга сўзини давом эттириди: – Сен бу аёлни кўярпсанми? Мен уйининг кирдим, сен оёқларимни ювгани сув бермадинг. Лекин у ўзининг кўз ёшлари билан оёқларимни хўллаб, сочлари билан артди. Сен Менга ўпич бермадинг, бу аёл эса Мен келганимдан бери оёқларимни ўпишдан тўхтамаяпти. Сен бошимни ёғ билан мойламадинг, у эса Унинг оёқларимга атир мой суртди. Шунинг учун сенга айтаман: унинг кўп гуноҳлари кечирилмоқда, чунки у кўп севди. Кимки оз кечирилса, у оз севади” (Луқо 7:43-47).

Юқоридаги оятларда – Исонинг диний уламоларнинг ҳузурида манашу аёл ҳақида айтган сўzlари битилган, аммо Унинг аёлга қаратса айтган сўzlари янада кўпроқ аҳамиятга эга.

Шундай килиб, Исо аёлга: “Сенинг гуноҳларинг кечирилди”, – деди. Шунда У билан бирга ёнбошлаганлар ўз иchlарида: “Гуноҳларни ҳам кечираётган бу ким экан?” – дея бошладилар. Исо эса аёлга: “Имонинг сени куткарди, хотиржам боравер”, – деди (Луқо 7:48-50).

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Исо тушликка чақирилмаган ягона кишининг гуноҳларини авф этди. Нима учун? Негаки Шимондан фарқли ўлароқ, аёл Исони қарши олди ва Унинг оёқларини ювди. Шимон эса Исонинг қаршисида ўзини паст олиши учун димоғдорлиги йўл қўймаган,— бироқ аёл эса унга ўхшамас эди.

Шимон ҳам ўз гуноҳларидан кечирим олиши мумкинми? Албатта! Ўша ерда ўтирганларнинг ҳаммаси кечирим олиши мумкин эди. Исо сўзлаб берган ҳикмат орқали жуда кўп нарсани тушунтирди, аммо Шимон ўша пайти буни англамаган ёки ёлғиз Исо унинг юрагини поклай олишини тан олмаган.

Биз ўз юрагимизни поклашимиз зарур деб ҳисобламаганимизда, бошқаларни хукм қилишга ўтамиз. Бошқаларни хукм қилганимизда, уларни ҳам ўзимиз муҳтоҷ бўлган нарсадан маҳрум қиласиз. Шимон билан ҳам айнан шундай нарса содир бўлди. У мойланишдан юзага келадиган шифога муҳтоҷ эди. Лекин ўзини ушбу эҳтиёжлардан устун қўйгани учун, уйига келган бирорта ҳам меҳмонга қарши олиш ва мулозамат кўрсатиш маросимини таклиф этмади.

## ФАХРИЙ ЎРИН

Ушбу сатрларни ёзар эканман, менда қуйидагича савол туғилади, Исо ҳозир бошини аёллар томонга буриб, шу билан бирга раҳбарларга – замонамизнинг қонунчиларига мурожаат этиб, шундай демаяптиимикан: “Сизлар аёлларнинг гуноҳи шуқадар буюклигидан, сизнинг иқрорингизни қозониши керак деб, уларни менсимаяпизлар. Сиз Менинг Хушхабарни эълон қилиш – топшириғим уларга унчалик ҳам тегишли эмас деб ҳисоблайсизлар. Аммо манашу аёлнинг намунасида, Мен барча аёллардан маҳкумликни олиб ташладим. Сизлар Ҳавонинг гуноҳи Одам Атоникидан оғирроқ бўлгани, шу боис унинг қизларига Менинг базмимда иштирок этишни тақиқлайсизлар, аммо унутмангки - кўпроқ кечирилган одам, кўпроқ миннатдор бўлади. Бу қизларим базмга Менинг оёқларимни ювиш ва мойлаш орқали кирсалар ҳам, улар учун фахрий жойлар мавжуд”.

Гўзал она-шерлар, Худоимизга биз билан фахрланиши учун қайта имкон беришимиз зарур бўлган вақт келди. Бу амалга ошиши учун

мен кимнингдир оёғини ювишм ва менинг оёқларимни ҳам кимдир ювишига имкон биришм зарур. Келинг, Исо биз томонга қараганда хурсанд бўлиши учун қаерга бўлса, борамиз, нима қилиш керак бўлса, бажарамиз. Шимон бу енгилтак аёл Исога суйкалиб, У учун ноқулайлик туғдиряпти деб ўйлади,— Исонинг Ўзи эса унинг беўхшов уринишларини ажойиб деб атади. Борди-ю бошида сизнинг ҳам ҳаракатларингиз қовушмаса, ҳижолат бўлиб юрманг. Бошлаш учун шунчаки ўзингизни бағишлиянг. Келинг, биргаликда Исода шунақа таассурот қолдирайликки, У бизга қараб: “Улар Менга кўрсатган севгидан бошим осмонга етди” — дея олсин.

Келинг, Раббимиз учун қандайдир ақл бовар қилмас даражада аҳамиятга эга бўлган нарсани амалга оширайлик. Биз сахийлик билан севги улашганимизда, бошқаларга ғамхўрлик кўрсатиб, уларни қабул қилганимизда, биз Унга бор муҳаббатимизни тўкиб-сочган бўламиз. Келинг, Унинг келишига ва тирилиш кунимизгача бир-биримизни мойлаймиз. Келинг, кўз ёшларимиз билан бўлса ҳам, бир-биримизнинг оёқларимизни ювайлик. Улар Жамоатнинг оёғидаги чанг ва кирларни ювиш учун етарли даражада очиқ оқсин. Келинг, ўзимизнинг гуноҳларимиз учун ва бутун дунёда содир бўлаётган аёллар ва болаларга нисбатан адолатсизлик учун фарёд кўтарайлик. Сизга билдирилган шафқат кўзингизга ёш келтириш учун етарли бўлмаса, бугун кўпчилик аёллар фожеали ахволга тушиб қолгани буни тўлдирсин. Сизнинг кўз ёшларингиз бошқаларнинг оёқларини ювади ва Раббимизни кўкларга кўтаради.

Қарши олиш ва мулозамат кўрсатиш, бизнинг бир-биримизга нисбатан эътирофимизни ва тегишли эканимизнинг тимсолидир. Бизнинг бир-биримиз (чўпонимиз, дўстларимиз ёки шогирдларимиз) билан саломлашишимиз, биз бир-биримиз учун кимлигимизни акс эттиради. Одамлар сизга қандай қараши, сизга қандай “мулозамат” билдиришини белгилайди. Шерларнинг мисолида, биз кимгадир мулозамат билдириб, унинг қадрини тан олишимиздан дарак беради. Бизнинг саломлашишимиз шундай дейиши зарур: “Мен сени била-ман. Мен сени қадрлайман. Сен ўтган водийдан қолган чангингни эса тозалаб қўйишимга изн бер”.

Мен яқиндагина “она шерлар” билан икки ҳафталик учрашувдан қайтдим. Бундай учрашувларда доимий равишда иштирок этаман.

Биз учрашганимизда бир-биrimizни бағrimizга босамиз. Биз бир-биrimizning ёнимизда ўзимизни қulай ва хотиржам сезамиз. Биз олтovимиз бирғалиқда меҳмонхонанинг иккита хонасини эгалладик. Биз бирға ухлаб, бирға уйғондик. Кун давомида бир-биrimizни латте-қаҳва ва овқатлар билан меҳмон қилдик. Кечалари тунги кийимларимизни кийиб олиб, биримиз иккинчимизга ғамхўрлик қилиш учун йигилдик. Биз бир-биrimizning қаршимизда очик бўлишга ва юрагимизни эркин тўкиб-социшга ўргандик. Бу нафосатли дугоналариминг орасида юраги вайрон бўлган оналар ҳам бор; улар ҳали қўним топмаган сайёҳлар; хордан толган жангчи ва бир жойда ўтиrmайдиган орзуманд аёллардир.

Биринчи кечни биз қарши олиш билан ўтказдик (Мен сени яҳши кўраман! Мен сени соғиндим!”) Кейинги куни эрталабдан ғамхўрлик жараёнини бошладик (Ахволинг қандай?) Биз бир-биrimizning кучли ва заиф томонларимизни биламиз. Баъзида бизнинг заиф томонларимиз бир-birimizнига ўхшаб кетишини ҳам биламиз. Бир-birimizga мураккаб саволларни берамиз. Бирғалиқда куламиз, йиғлаймиз, ибодат қиламиз ва қўрқан нарсаларимизга, гуноҳ ва заифликларимизга иқрор бўламиз. Учрашувимизни бир-birimiz, болаларимиз ва келажагимиз учун ибодат билан яқунлаймиз. Мен чарчоқ, лекин мамнун ҳолда уйга қайтаман: каналар териб ташланган, чанглар тозаланган, оёкларим ювилган ҳолда.

Мен ғамхўрлик жараёнидан завқланишга ўрганиб олдим, чунки бу шер опа-сингиллар мени севишини ва доим қўллаб-куватлашини биламан. Улар мен учун, мен эса улар учун катта аҳамиятга эга эканимизни биламан. Баъзида биз баҳслашиб қоламиз, аммо бу энди биз алоқамизни узишимизни билдиrmайди.

Сизнинг ҳайтингиздаги сиз қарши олишингиз зарур бўлган аёллар кимлар? Атрофингиздаги кимлар сизнинг ғамхўрлигингизга муҳтож? Сиз учун ғамхўрлик қилиш жараёнида иштирок этиш учун кимни таклиф эта оласиз?



## Шерлар режа бўйича фикрлайди ва ҳаракат қилади

У судьялик курсисида ўтирган шахс учун адолатли хукм руҳи бўлади, жангда душманларни дарвозаларгача қувиб чиқарадиганлар учун кувват бўлади.

Ишаъё 28:6

**О**на шерлар – саваннадаги энг кучли ҳайвон ҳисобланмайди, аммо улар ўзларининг етишмайдиган кучини режа бўйича ҳаракат қилиш ва юраги билан тўлдиради. Бизнинг шер опа-сингилларимиз режа бўйича ҳаракатланадиган жамоада бирлашган қариндошлар гурухи сифатида ўзаро ҳамкорлик юритадилар. Тўда чин опа-сингиллар, холалар, оналар, қизлар ва қариндош опа-сингиллардан ташкил топади. Уларнинг барчаси қариндошлик узвлари билан боғланган, шу боис бир-бирининг заиф ва кучли жиҳатларини биладилар. Овлаш жараённида, йўқолган болани топиш ёки ёш авлодни ҳимоя қилиш ва таъминлашда тўдадаги хар битта ургочи шер ўз ролини ва хиссасини қўшади.

Келинг, аввал овлаш суръатини кўриб чиқамиз. Она шерлар овқилганларида учта муҳим жиҳат кучга киради: вақтни ҳисобини олиш, ўлжа кўзидан яшириниш ва масофа. Шер учун вақтнинг ҳисобини олиш нафақат муҳим аҳамиятга эга – у ҳамма нарсани ҳал қиласи. У биз ўзлаштиришимиз керак бўлган малакага эга: вақт сизнинг иттифоқчингиз бўлишига имкон беринг. Шер овлаш пайти

вақтни яхшироқ аниклаш учун, вақт ва ёруғлик омилларини ўзаро бирлаштиради. У атроф-муҳитнинг ҳолати ўзи учун яхшироқ бўлган пайтда,— қуёш ботаётгандаги ёки кун чикаётгандаги гира-ширада ов қиласи. Ҳеч ким кун чиқарнинг ва кун ботарнинг вақтини тезлаштира олмайди ёки уни тўхтатиб туролмайди, шу боис шер сабр-тоқат ва мақсадга диққатини жамлаб кутиб туради. Гира-шира ўлжадан яширинишга ёрдам беради, шу орқали шерда ўз ўлжасига тобора яқинроқ бориш имкони туғилади. Гира-ширада Африкаданинг саваннасидаги аксарият ҳайвонларнинг қўриш қобилияти пасаяди, бироқ шерларнинг қўриш қобилияти эса ўткирлигича қолади (бу ҳақда қўйида кенгроқ гапирамиз).

Ёргулук шер учун қўл келадиган пайт, у хужум учун маъқул паллани ва жойлашув нуқтасини ҳисобга олади.

Шерлар аксарият ҳолларда очик жойда яширинадилар. Улар ҳеч нарса бўлмагандек куннинг қоқ ўртасида пайдо бўладилар ва ўз ўлжасидан қарама-карши томонга қўниб оладилар. Шер ўзи учун энг кулай жойни аниклаб, ерга ётиб олади.

Ҳайвонлар шерни қўрганида, ҳаловатини йўқотадилар. Унинг хузури адирдаги барча жонворларни титроққа солади, унга яқин бўлганлари эса ваҳимага тушиб, у ёқдан бу ёққа қочишини бошлайдилар. Қўркув қуршовида қолган жонворлар шер кувмаётганини қўриш учун ортига қараб-қараб қўядилар. Аммо шер жойидан жилмайди. Ҳали вақт бўлгани йўқ. У қимир этмай, товланаётган ўт-ҳашакнинг орасида қарийб сезилмай ётади. У кутиш пайти бироз мизғиб олиши ҳам мумкин, лекин уйқуси сергак бўлади. У ҳаракат қилиш учун тўғри келадиган фурсатни кутиб, шунчаки куч тўплаб туради.

Хуркиган пода тинчланиб, шер ҳақида унутиб қўядилар. Улар яна бошларини ҳам қилиб, ўт ямшалга тушадилар. Бир жойда ётган шер манзара билан ўзаро туташиб кетади ва бўлажак ўлжа унинг борлигига ўрганиб қолади ва бундай қўшнига эга бўлиш хавфли эканини ҳаёлига ҳам келтирмай, ҳушёрликни йўқотади. Шер ўлжасининг бехаловат ҳолатга тушишига эришди, у айнан шуни кутган эди. Энди шер ишга тушади.

Гира-шира тушганда, шер ерга судралиб, билдиримай тобора яқин боришни бошлайди. Унинг улкан чангллари овоз чиқармай юради.

У ўлжадан қанча масофада эканини баҳолаш учун тўхтаб, бошини ерга энгаштиради. Кутилмаганда ва аниқ ҳамла қилиш таъсири, муваффақиятли сакрашни ҳал қилувчи жиҳат ҳисобланади, чунки у ўгураётган антилопанинг тезлиги билан беллашишга қодир эмас.

Шер тўсатдан пистирмадан отилади. Антилопа даҳшатда жойидан қочади; унинг орткиси оёқлари шернинг ўлжани чангллашга тайёр ўтқир қозиктишларидан зўрга чиқиб кетади. Кувлаш давом этади. Бехосдан келиб қолган шер туфайли, антилопа қўрқанидан пистирма томонга югуриб кетаётганини билмай қолади. Уни бошқа шер йўлинни тўсади. Антилопа йиртқичдан қошиш учун ортга қайрилади, лекин унинг қархисида яна бир ваҳший пайдо бўлади. Қотиллик тезлик билан ва қийноқсиз равишда амалга оширилади.

Биринчи шер кўлдан чиқардими? Ҳа дейиш ҳам мумкин, йўқ дейиш ҳам мумкин, бироқ битта нарса шубҳасиз – бу шер яхши ўйлаб чиқилган режанинг бир қисми эди. Шер – мушуклар оиласидаги ягона жамоа билан ов қиладиганлар турига киради. Сиртлонлар, қоплонлар, пантералар ва йўлбарслар якка холда, лекин фақат шерлар – биргаликда ов қиладилар. Улар – ўта даражада моҳир овчилардир. Ҳар битта шер ўз ҳолатини эгаллайди ва тўдадаги ўз опалари гурухида овчилик малакасини чархлайди. Шерлар биринчи дуч келганни қўлга киритиш ниятида, олдиндан ўйлаб ҳамла қилиши ҳаммага маълум. Охир оқибат, арслон – қонхўр қотил ҳисобланади. Аммо урғочи шерлар шошилмайдилар... улар рақсга тушадилар. Уларнинг яхши мувофиқлаштирилган овчилиги лол қолдиради. Шунинг учун она шерлар жасур овчиларнинг тимсоли ҳисобланади.

## ЖАСОРАТ

Менга “жасорат” сўзи ёқади. Мен уни айтганимда ичимда юзага келадиган ҳисни ёқтираман. Келинг, буни айтиб қўрамиз... Жасооораат!

Мен яқиндан бошлаб одамлар билан гаплашганимда атайн жасорат сўзидан фойдаланаман. Доим бу сўз ҳайратлантиради. “Жасорат” – сўзи ўтмишда қолмаган ва ундан ҳали ҳамма суви сиқиб чиқарилмаган, у бошқа кўп сўзларга ўхшаб, унинг дастлабки маъносини ўчириб ташлашга улгиришмаган. Она шер сингари, жасорат

сўзи ҳам бизда эҳтиромни уйғотади: бу ҳарфлар қандайдир сирли таъсир билан қамраб олинган.

Мен билан бирга сафарларда юрадиган опа-сингиллар, бу сўзни бошқа сўзлар билан бирга ишлатишади ва қандай иборалар нишонга кўпроқ тегишини кўришни истайдилар. Улар саёхатчиларга зарур жасорат ҳақида; ўз юкини самолётга топширадиган ҳар бир кишидаги жасорат ҳақида; нарсаларини сумкаларига жойлашдаги жасорат ҳақида; ибодатчиликдаги ва воизлик қилишдаги жасорат ҳақида гапирадилар. Биз “жасорат” сўзи янги оммабоп сўзга айланишини истаймиз.

Жиддий айтадиган бўлсак, “жасорат” сўзининг маъносида аёллар ўрганиши ва ўз ҳаётида намоён этишига арзийдиган бир қатор жихатлар бор, ҳеч бўлмагандан мен улар шундай қилишларини истаб қолар эдим. “Жасорат” сўзининг “овлаш” сўзи билан бирикмасидан ташқари (жумладан, шерлар – жасур овчиликнинг ажойиб намунаси дейишимиз мумкин), мен қуидаги ибораларни учратишларини ҳам хоҳлардим: “шиддатли жасорат”, “стратегик жасорат”, “ихтиорий жасорат”, “болалар тарбиясидаги жасорат”, “услублардаги жасорат”, “сухбатдаги жасорат”.

Юзага чиқиши мумкин бўлган вариантлар тумонат. Аммо шер жасорат ҳақида гапирмайди – унинг ўзи жасорат ҳисобланади.

Жасорат шаклга эга бўлганда эди, у мушукнинг шаклида бўлар эди. Мен итларни севсам ҳам, йоркшир теръеримни “жасорат” ибораси билан атай олмайман. Агарда жасоратнинг ранги бўлганда эди, у тиласимон бўлар эди. Тузилишичи? Тарам-тарам юнгли. Жасоратнинг қадам ташлаши мақсадга ўқталган, шу билан бирга кези келганида баъзур илғаб бўладиган сирпаниш ҳам бор. Жасоратни одам ўзидан мажбуран сиқиб чиқариб ёки ўзини жасоратлидек кўрсатишининг имкони йўқ, бироқ уни ривожлантириш мумкин ва бу шарт. Агар сизда жасорат бўлса, демак сиз унга эгасиз. Жасорат – шерни кучли қиласидаган сифат. У ўз кучидан қўрқмайди. Аксинча, бу куч унга аминлик бағишлийди. Менинг компьютеримга ўрнатилган *Encarta* синонимлари луғатига кўра, “жасорат” (ингл. *prowess*) “чаққонлик, моҳирлик, ботирлик, билимдонлик, қобилиятлилик, эпчиллик” тушунчалари билан боғлиқ. Бундан ташқари *prowess* сўзининг ушбу иккита таърифи менга ёқади: 1) ғоят юқори даражада қо-

билиятилилк, моҳирлик ёки билимдонлик; 2) энг юқори даражадаги довюраклик ва ботирлик”.

Шерларда бўлгани каби сизда ҳам жасорат бор. Бу юқори даражадаги лаёқат, куч ёки довюраклик ҳаётингизда намоён бўлиш учун қулай фурсатни кутмоқда. Эҳтимол, у яширин ва ўзини очишни бошлаш учун мадад сўзларини кутмоқда, бироқ бу сизнинг ичингизда борлигига хеч қачон шубҳаланманг. Худо ичимизнинг туб-тубида қобилиятлар ва истеъодларни жойлаштирган. Бизнинг вазифамиз эса – уларни кўра олишимиз ва ривожлантиришимиз керак. Жасорат шундай дейиши мумкин: “Мен ҳамма нарсани билмайман ва ҳамма нарса қўлимдан келмайди, бироқ ўзим билган нарсани аъло даражада амалга оширишга интиляпман”. Кўпинча биз ўйин кўринишида – яъни ўйин ўйнаганимизда, спорт билан шуғулланганимизда ёки қандайдир ролларни ҳазилона бажарганимизда жасорат намоён бўлади. Ичингизда юзага чиқмоқчи бўлган ва бошқаларнинг кўз ўнгида намоён бўлишни истаган нарсалар борми? Эҳтимол, айнан манашу нарса сизнинг ичингизга жойланган жасоратнинг уруғи бўлиши мумкин ва сиз ўз мақсадига эришиш учун интилаётган ботир шерларни кўрганингизда, бу сизда ҳаяжон уйғотар. Улар ов қиладими, болаларини кўриқлайдими ёки шуғуллантирадими – ҳаммасини аъло даражада амалга оширадилар.

Нега шерлар жасоратли овчиларнинг тимсоли ҳисобланади? Улар бир-бири билан рақобатлашмасдан ҳамда мартаба ва ҳолат учун мусобақалашмасдан биргаликда ов қиладилар. Ҳар битта аёлнинг ҳиссаси ва улуши бир хил аҳамиятга эга. Сиз фақат ўзингизга ўхшашингиз зарур! Бошқаларнинг истеъодидига ўхшашга уриниш ҳеч кимга яхшилик олиб келмайди ва бу сизнинг ўзингизгиз учун энг кам фойда келтиради. Ўзига хослик таққослаш, бошқага ўхшаш бўлишга уриниш ёки рақобатлашиш орқали туғилмайди. Ҳар битта урғочи шер ўз қобилиятларини ривожлантиради. Биз ҳам уларнинг намунасига тақлид қилсак ёмон бўлмасди.

“Худди шундай, биз ҳам кўпчилик бўлиб, Масихда бир танамиз, лекин алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биirimiz учун аъзодирмиз. Бизга берилган иноят бўйича ҳар хил инъомларга эгамиз. Шунинг учун, кимда пайғамбарчилик бўлса – имоннинг миқдорига яраша пайғамбарчилик қилсин” (Римликларга 12:5-6).

Мен юқори даражадаги истеъдодга эга бўлган кишилар воизлиқ қиласидиган анжуманларда бўлганман. Улардан кейин сахнага чиққанимда, кўпинча ўзимда ишончсизликни сезганман. Мен синаб кўриш ва хатолар орқали энг тўғри йўл – бу ўзимнинг энг яхши нусхам бўлишим керак эканимни англаб етдим. Ёдингизда бўлсин, ҳеч ким сизни бирорни кўрсатиб беришингиз учун таклиф қилмайди. Уларга сиз кераксиз.

Мен юқорида келтирилган оятдаги “биз ҳам кўпчилик бўлиб, Масихда бир танамиз, лекин алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биrimiz учун аъзодирмиз” деган сўзларни ўқиганимда ёдимга “жасорат” ибораси келади ва сизнинг туғилишингиз, эъзозланиш ва мўъжиза тушунчалари билан боғлиқ. Худо сизга қўрқув руҳини эмас, балки севги, куч ва донолик руҳини пуркаган (Тимотийга 2-мактуб 1:7). Сиз ажойиб қилиб яратилгансиз (инглизчадаги кўп таржималарда – “қўрқув ва титроқ билан эъзозланиб яратилган” дейилган), сиз умуман қўрқоқ ёки ҳадиксирайдиган қилиб яратилмагансиз. Ажойиб синглим, ернинг ҳар тарафида қўрқув хукмронлик қилаётган бир пайтда, сиз Худойимиз, нақадар ҳайратли эканини намоён этиш учун дунёга келгансиз. Сиз “мўъжизавий равишда ҳаракатланаётган қисм” бўлишга чақирилгансиз, менинг фикримча бу ҳам жасоратнинг яна бир кўриниши.

Шерлар – ҳар бири ўз ўрнида ва ҳар бири ўз кучида бўлганидек, Худо бизнинг ҳар биримизни алоҳида ва ҳаммамизни ўз ўрнимизни эгаллашга чорламоқда.

Африканинг маданиятидаги кўп нарсаларда шернинг ов қилишдаги устуворлиги ўз аксини топган. Машхур жангчи ёки овчиларга “шернинг ўғли” деган ном берадилар. Кўряпсизми, шер болаларининг эркакларини ҳам ургочиларини ҳам – айнан она шерлар ов қилишга ўргатадилар. Бу жараён ҳатто Муқаддас Китобда ҳам ёзилган:

Сенинг онанг қайси арслонларнинг орасидаги шер бўлган! У ёш арслонларнинг тўдасида бўй чўзган. Унинг болалари катта бўлиб етишди. У полопонларининг ичидаги бир арслонни мустаҳкам қилиб ўстирди. У онасидан овчилик маҳоратини ўрганди (Йезекил 19:2-3, *Message* таржимаси).

Ургочи шерларнинг ташвиши нуқул болаларига қарашиб билан чекланмайди; кўпгина бошқа ҳайвонлар ҳам шундай қиласидилар. Ургочи шер-

лар бошқа ёши катта ва яраланган опа-сингилларига ғамхўрлик қилиши ни давом эттиради. Улар соғлом тарзда яқдиллиқда ҳаракат қилишга ёрдам берган ҳолда, елимга ўхшаб, тўдага бир бутун бўлиб ёпишадилар.

Шерлар – ўзларини кўрсатишдан кўркмайдиган, кўзга кўринарли жонзотлардир. Ургочи шерларнинг кучи эса, аксинча бошқаларнинг кўзидан қариб тўлиқ йўқола олиш қобилиятидадир. Улар ов пайти ўзини билдириб ўтирумайди, чунки бу уларнинг мақсадига зид. Болаларининг таъминоти ҳақида гап кетганда сездирмаслик қобилияти, шубҳасиз катта аҳамиятга эга. Бироқ болалар учун хавф туғилса, бу умуман бошқа гап!

“Шерга ўлжани овлашни ўргатасанми ва уяда ўрвалиб ётган ёш арслонларни сен тўйдирасанми?” (Аюб 38:39, Message таржимаси).

Бу матн Худонинг Аюб билан суҳбатидан олинган, бу ерда шерларга ов қилишни, ўлжани овлашни ва унинг қайтишини кутиб ётган ёш арслонларни овқат билан таъминлашга айнан Худо ўргатиши ёзилган. Қизик, бу қандай содир бўлар экан? Бизнинг улугвор Раббимиз шерларга қандайдир йўл-йўриқ берадими ёки доим ўз малақасини ошириб туриши учун ёрдам сифатида уларни туртиб турадими? Ёки коинот бизни Худони излашга ва бир-биримизни севишга унdagанидек, Худонинг нафасидан яратилган мавжудотдаги зарралар шерларни ов қилишга ва болаларини эмизишга ўргатадими?

## ЖОН ҲОВУЧЛАБ ҚОЧИШ

“Овлаш” сўзидағи сизнинг тушунчангизни кенгайтиришни истардим, токи бу “ўлдириш, сўнг ейиш” маъноси билан чекланиб қолмасин. “Овлаш” сўзи инглиз тилида қувлаш, излаш ва ҳатто, куткариш тадбири тушунчаларига ҳам эга. “Овлаш” феъли “изига тушиш, таъқиб қилиш, ушлаб олиш, пойлаб туриш” маъноларини англатади. Менга қизик туюлгани шундаки, биз ҳам Худони излашда шундай таърифлардан фойдаланамиз.

“Художон, Художон! Мен бор кучим билан сен томон югуряпман, чунки менинг ҳаётим шунга боғлик; бу жон ҳовучида югуриш” (Санолар 7:2, Message таржимаси).

Бу тарздаги ов мароқли! “Худонинг ортидан жон ҳовучлаб югуриш” тушунчасини ёқтираман, бу эрталаблари уйқусираф “Худо билан осойишта вакт” ўтказышдек, бизга таниш бўлган ҳолатдан бутунлай бошқача. “Жон ҳовучида югуриш” шошилинч, зудлик ва мақсадга йўналтирилган ҳолда излашни кўзда тутади. Бу оятга бошқа томондан қараш ҳам мумкин, яъни бирорта ёввойи ва хавфли нарсадан кочиш ёки ваҳшӣ, адоварли жой орқали Худо томонга қочиш. Менга бу иккита вариант ҳам ёқади. Уларнинг иккиси ҳам қизиқарли, шундай бўлса-да мен Худонинг ортидан жон ҳовучлаб, хатарли югуриш ғоясини афзал кўраман. Раббий ҳам мана шундай жон ҳовучлаб менинг ортимдан қувиши ҳақидаги фикрни ҳам ёқтираман. Баъзида, бизнинг уйимизнинг орқасидаги тоғдан тушиб келаётган ариққа ойнамдан қараб, шундай деб пичирлайман: “Художон, Сен Кимсан? Мен ўзимни Сенинг қудратинг ва кучинг нурида таниб-билишни истайман!”

Албатта, Худонинг ортидан қувиб, Уни тутиб олиш мумкин демокчи эмасман. Бунга ўхшаш нарса ҳақда ўйлашнинг ўзи беъмагарчилик. Аммо биз баъзида Унинг шарпасини тутиб олишимиз мумкин. Мен излаётган ҳамма нарса Унда яширган. Азизам, мен ҳали ҳеч қачон бундай тезкорлик билан овга чорловни ҳис этмаганман. Худонинг ортидан шиддат билан югуришнинг ҳозир айни вакти.

Ургочи шер кутиш вақтида ором олганидек, вақтинча кутиб туриш – Худонинг ортидан қувишимиznинг ажралмас бир қисми. Саночи шундай деб ёзган:

“Раббий, эрта тонгдан овозимни эшитгин! Ҳар куни Сенга ўз илтижоларимни айтаман ва умид билан кутаман” (Санолар 5:2, NLT нинг инглиз тилидан таржимаси).

“Овлаш” шунингдек, “излаш”ни ҳам билдиради. Бу келтирилган маънолар юқорида айтиб ўтганларимизни тақрорлайди.

Биз Қудратли Худонинг қизлари сифатида саволларимизга жавоб, донолик ва куч излаймиз. Худо бизни тутиб олиши учун, биз Унинг ортидан қувамиз; У бизни ушлаб олганида, биз Унинг нури ва ҳаётини бошқалар учун акс эттирамиз.

“Ҳаётимнинг барча кунларида эзгулик ва шафқат менга эргашсин, ва мен тоабад Раббийнинг уйида бўлайин” (Санолар 22:6).

Донолик ва маслаҳатни нафақат ўзлари Худонинг ортидан қувган, қолаверса Худо уларнинг ортидан кувишини ҳам бошидан кечирган аёлларнинг жамиятида топиш мумкин. Бундай нотабий уйгониши ни ҳис этган ҳар битта аёл, Худонинг севгиси ва меҳрибонлигининг бир қисмини бошқалар билан улаша олади. Дунё Худонинг гўзаллиги ва севгиси аёллар жамиятини нафақат қамраб олиши, шунингдек сафарбар қилишини кўриш имкониятини кутиб турибди. Азизам, сиз бу дунёга керакли жавоб бўладиган ҳақиқат ва ваҳийларни излашга юбориладиган сафарнинг бир қисмисиз. Худо томонидан режалаштирилган сафаримиз учун ҳамкор опа-сингилларимизни топиб, бизнинг Шеримиз – Исо Масиҳ ҳақидаги ваҳийни топиш учун йўлга отланамиз. Фақат саволларни фақат аёллар тури бера олади. Худо фақат бизга очишни топширган, дунёга керакли жавоблар мавжуд. Бу режанинг амалга ошишини кўриш учун, биз биргалиқда йиғиламиз.

Бизнинг шер опа-сингилларимиз овни бошлишидан аввал, биргалиқда йиғиладилар. Биргалиқда дам оладилар, оч ўтирадилар, чўзиладилар ва биргалиқда турадилар. Улар биргалиқда овдаги ўз жойини эгаллайдилар, ҳаммаси бўлиб ўтгандан сўнг эса – биргалиқда базм қиладилар. Кейин бу жараён яна қайтарилади. Шерларнинг эгаллайдиган ҳолати ўзгариши мумкин, бироқ улар барибир биргалиқда қоладилар!

Ажойиб маданиятшунос ва антрополог Маргарет Мид, қўп йиллар давомида турли хил маданиятларни ўргангандан сўнг қуидаги ча хulosага келди: “Опа-сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, оиласиий муносабатлар орасида энг рақобатчиси десак бўлади. Бироқ улар улгайиб, катта бўлгандарида, бу муносабатлар энг мустаҳкам муносабатларга айланади”.

Бу сўзларни ўқиб, мен шу заҳоти шундай деб ўйладим: “Мана, аслида нима содир бўлар экан! Биз улгаямиз ва катта бўламиз!”

“Аёл ғамхўрлигининг кучи” номли китобимга маълумот йига-ётуб, Ёзувда Худонинг мақсадларини стратегик тушунчадан келиб чиқиб, биргалиқда ҳаётини қурадиган имонли аёлларнинг мисоллари қариб йўқлигини кўрдим. Мен биттаси бошқаси учун дугона ва ишончли шахс бўлган аёлларнинг мисолини қаердан изласам экан деб ўйлаб, бироз қайғурдим ҳам. Мен қайси мисолдан намуна оли-

шим кераклигини жон-жаҳдим билан билишни истардим. Кўриб тўр-ганингиздек, Муқаддас Рух бизни то маҳсус жараёндан ўтказмагунча, биз шерларга ўхшаб, кўтарила олмаймиз.

Ўзим учун мисол излаб, Ёзувни ўрганаётib, Муқаддас Рух шундай деб шивирлаганини сездим: “Худонинг қизлари ҳақидаги боб энди ёзиляпти. Менинг қизларимга айтгин, улар буни аъло даражада ёзсинлар!”

Сизнинг хиссангиз қарор қабул қилишда қанчалик муҳим ва ажралмас қисм эканини айтмасдан, хавф остига қўйишни истамайман. Бу нимани билдиришини тушуняпсизми? Ҳар биримиз шахсан ва биргаликда ўз ҳаёти тарихини аъло даражада ёзишни ўйлаб қўйган ва бирорта сўз, бирорта, ҳаракат ва бирорта қарорни беҳуда сарфламайдиган, қариндошлик узвлари билан боғланган опа-сингиллар гурухи бўлмиш, Худо қизларининг тарихини ёзяпмиз. Мана шундай йигинда Худонинг шерлари шиддатли куч, латофат ва эпчиллик билан кўтарилаётганини кўряпман.

## АДОЛАТПАРVARЛИККА ИНТИЛИШ

Биз нафақат Худони таниб-билиш ва Ундан жавоблар олиш йўлида бирлашамиз – шунингдек, бизга адолатни ҳимоя қилиш учун кўтарилиш вақти келди. Бунинг учун ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлиш шарт эмас. Бизнинг давлатимизга адолатсизликнинг вайрон қиласиган оқибатларидан бошпана сифатида асос солинган. Бизнинг ҳуқуқ тизимимиз ҳақиқатни ҳимоя қилиши шарт бўлган муқаддасгоҳ сифатида судни ўрнатди. Бироқ яқин кунлардаги суд қарорлари, мугомбир ҳуқуқшуносларнинг актёрлик ўйинларига айланниб кетмадимикан деб ўйлантириб кўяди.

“У судьялик курсисида ўтирган шахс учун адолатли ҳукм руҳи бўлади, жангда душманларни дарвозаларгача кувиб чикарадиганлар учун кувват бўлади” (Ишаъё 28:6).

Ушбу оят ҳайратли ваҳийни ўзида мужассамлаган. Адолат – қонунлар мажмуасини бажаришдан бошқа нарса эмас. У мулоҳаза ва ҳаракатни ўз ичига олади. Судьялар ва суд ҳайъати халқни ва унинг ҳаракатларини адолатсизликдан узоқлаштириб – адолатни амалга

оширишга йўналтирадиган хукмларни тасдиқлаш учун бизга ваҳий донолиги зарур. Адолатни ҳақиқат билан ушлаб турилиши, кучли ва биринчи даражали ҳуқуқшуносларга муҳтож.

Шундай вакт бўлган эдики, “адолатпарварлик” бизнинг давлатимизни ажратиб турадиган сўз сифатида ишлатилган. Ёшлигимда мен ёқтирадиган бир қаҳрамоннинг шиори шундай сўзлардан иборат эди: “Ҳақиқат, адолат ва америка тутган йўл”.

“Суд яна адолатга асосланади ва юраги эзгуларнинг ҳаммаси унга интиладилар” (Санолар 93:15, NLT нинг инглизчадан таржимаси).

Биз адолатни қайта уйғотишимиз зарур. Бизнинг ҳуқуқ тизимимизда ҳаққоний суд ҳисси қолганига шубҳам бор. Ҳаққоний юраклар адолатга интиладилар. Сизнинг юрагингиз тартибда бўлса, адолатсизлик сизда нафратни уйғотади. Мен ҳозир нафақат суд тизими ҳақида айтяпман – бу ҳаётимизнинг ҳар битта соҳасига тегишли бўлиши лозим. Биз давлат, жамоат ёки яна кимдир адолатни тиклайди деб ўтирас эканмиз, дунёда аёллар ва болалар ўлиб кетяпти. Адолатга интилиш болаларни уларга зиён етказадиган нарсалардан қутқаришни ҳам ўз ичига олишини, қандайдир даражада ҳаммамиз тан оламиз деб ўйлайман.

Ургочи шерлар ўзларининг моҳирлиги ва жасоратини ишга солиб, тўдадаги болаларини ҳимоя қилишда жамоа бўлиб ҳаракат қиладилар. Агарда болалари хавф остида бўлса, она шер стратегик жангчига айланади. Мен бир фильмда кобра, қандай қилиб шерларнинг тўдасига сукулиб кирганини кўрган эдим. Уларнинг орасида ҳалокатли душман турган бўлса ҳам, шерлар хотиржамликни саклар эдилар. Уларнинг ҳаракатлари хотиржам, тартиблаштирилган ва болаларини зудлик билан хавфсиз жойга кўчиришга қаратилган эди. Ҳар битта ургочи шер яқинида турган болани юнгидан тишлаб, заҳарли илондан нарироққа тезлик билан олиб кетдилар. Битта шер бошқа опа-сингиллари уяда қолганларнинг ортидан қайтиб келмагунича, илоннинг ҳаракатларини кузатиб туриш учун болалар билан қолди.

Шерлар болалари ёнида экан, кобра билан курашиб ўтираслик кераклигига ақли етганидан лол қолдим. Аксинча бўлса эди, болалари нафақат хавф остида қолар, қолаверса халақит ҳам берган бўларди. Болаларини хавфсиз жойга олиб бориб кўйгач, шерлар энди

кобрани қувиб юбориш ёки уни янчиб ташлашга киришишлари мумкин эди. Улар ғайри ихтиёрий равишида жанг олиб бориш стратегиясини чукур тушуниши кўзга ташланди.

Она шер тўдадаги барча болаларни ҳимоя қилиш учун ўзини курсон қилишга ҳам тайёр. У ўзининг боласини ҳам, бошқанинг боласини ҳам хавф остига қўймайди. Урғочи шерлар нафақат бирга ов қиладилар, қолаверса, болаларини ҳам биргалиқда тарбиялайдилар. Шу аснода биз ҳам, ер юзидағи барча болаларни, уларнинг ҳаёти ва соглиғига хавф солаётган нарсалардан асраш учун ўзимизни багишлишимиз зарур. Фақат ўзимизнинг болаларимиз учун ғамхўрлик қилиш етарли эмас. Биз уйда ҳам, кўчада ҳам бир хил жанг олиб боряпмиз. Келинг, ёнимиздагиларнинг ва узоқдагиларнинг ҳимояси учун кўтарилимиз.

Шерларда ҳимоя қилишга интилиш шуқадар кучлики, улар ҳатто бола туғищдан олдин бунга тайёргарлик кўрадилар. Худо табиатда тартиб-қоида ўрнатгани шарофати билан? Она шерлар бир-бири билан қайтариладиган жараёнларни мувофиқлаштиришга кодир. Шу тарзда улар бир вақтда ҳомиладор бўлиб, бир вақтда туғадилар.

Бунинг натижасида бутун тўда бир вақтнинг ўзида ҳомиладор бўлади. Шерлар агар уларнинг болалари бир хил ёшда бўлса, уларда омон қолиш учун қўпроқ имкон борлигини тушунадилар, чунки улар бир хил миқдордаги озуқага ва машғулотларга эга бўладилар. Агар бу тилло рангли полопонлар ҳар томондан юмалаб юрган бўлса, демак эмизадиган оналар ҳам етарлича. Тўда қариндош урғочилардан ташкил топгани туфайли, улар бир-бирининг болаларини ўргатадилар ва эмизадилар. Тўдада бир ёшда ва бир хил ҳажмда катта бўлаётган ака-ука ва опа-сингилларда қўплаб имтиёзлар бор. Бу улардаги услубарида ва жангларни ўрганишдаги суръатда, овқатланиш, дам олиш ва ўйнашда ўхшашиблик бўлишини кўзда тутади, бу беихтиёр бир-бирининг малакаси ва билимларини тўлдиришни ривожлантиришга, шунингдек боланинг нафақат ўзи, балки бўлажак тўдасини жон сақлаши учун замин яратади.

Она шерлар болаларида тўгри одатларни шакллантириб, уларни машқ қилдиради. Ёввойи табиатда хато қилишга қарийб имкон йўқ. Борди-ю шервачча маҳсус малакаларнинг тўпламини ўзлаштирмаса, у шахсий ҳаётини ва тақдирини хавф остига қўяди.

Ёш ургочи шерлар ўйин йўли билан овлашни ўрганадилар. Улар ёшлигидан овлашнинг таркибий қисмларини ўзлаштирадилар. Она шер ёнидаги болаларининг сакраши ва ўйнашини кузатиб ётади. Оналар уларнинг ўйинига қўшилишлари ҳам мумкин. Она шерлар нафақат болалари билан олишадилар, балки бир-бирлари билан олишиб ҳам ўйнайдилар. Улар болаларига ўз кучини хис этишига имкон берадилар, улар йиқилган пайти уларни чангальлаб ушлаб оладилар ва думалайдилар. Агар ўйин авж олиб кетса, ҳаддидан ошиб кетган полопонни ириллаб ёки енгил зарба бериб, ҳовуридан тушириш учун она шер доим ёнида туради.

Бу ўйинлар белгиланган мақсадларга эга – яъни тўдадаги ҳар битта шернинг кучли томонлари юзага чиқиши учун ёрдам бериш. Биз ўйин-кулгу уюштиришимиз ва ҳордик чиқаришимиз Худога ёқади. Фаол тарзда дам олиш ва куч тўплашга қўлланиладиган “ҳордик” сўзини “қайтадан яратиш” деб таърифлаш мумкин – биз қандайдир маънода яратиш жараёнига қўшиламиз.

“Сен менга доим ёрдам бериб келишинг боис, югуриш ва ўйнаш учун эркинман” (Санолар 62:8, Message таржимаси).

Шерлар болаларини биргаликда эмизиш ва тарбиялаш учун бир вақтда ҳомиладор бўлиб, бир вақтда туғишини илк марта билганимда, Муқаддас Рух менга шивирлади: “Лиза, ҳар бир бола жон саклаш учун тенг хукуқقا эга. Ҳар битта бола ҳимоя, озиқланиш, таълим олиш ва таъминотга муҳтож”. Бизнинг вазифамиз – болаларнинг фаровонлигидир. Биз адолатсизлик муаммосини ечимиға стратегик томондан ёндошишимиз зарур.

## ЗЎР ЖАВОБ

Боз устига, *Homo sapiens* (ақлли одам) туридан бўлган она, ўзи туғмаган бошқа болаларга қай даражада кўпроқ ғамхўрлик қилиши ва уларни қутқариши керак?!

“Аёл ўзининг гўдак боласини унутадими, ўз қорнидан чиқкан ўғлига раҳми келмайдими? Агар у унутса ҳам, Мен сени унутмайман” (Ишаъё 49:15, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Она ўз боласини ташлаб кета олиши ҳақидаги фикр нақадар ақлга сифмаслиги учун Худо шундай деяпти: "...агар у унутса ҳам...". Аёл киши табиатига кўра ўз боласини ташлаб кетишга ёки уни хафа қилишга қодир эмас. Афсуски, биз ақл бовар қилмас нарсалар воқеликка айланган замонларда яшапмиз. Биз ўз фарзандларининг соғлиги ва фаровонлигини гиёхванд моддалар, ароқ ёки пулга алмаштираётган оналар ҳақидаги хабарларни борган сари кўп эшитяпмиз.

Яқиндагина матбуотда бир эр-хотин томонидан иккита қизча (бир-биридан алоҳида равиша) ўғирлаб кетилгани ҳақидаги мақола пайдо бўлди. Уларнинг бири ўн саккиз йил давомида қамаб қўйилган, у шу орада иккита қизча туғиб, уларни эмизиб, катта қилган. Бошқа қизни эса ўз уйидан ўғирлаб кетишган ва тўққиз ой давомида яшириб қўйишган. Икки қизни ҳам қонхўр йиртқичлар дейишдан бошқасига ярамайдиган кишилар, зўрлашган ва золимларча хўрлашган. Икки ҳолда ҳам эрларининг жиноятига шерик бўлгани учун, уларнинг бола туғмаган хотинларига ҳам айблов билдирилган.

Ўғлим Алек, бу жиноятларга аёллар ҳам қўшилганини эшитиб, лол қолди. Аёллар болаларни қутқаришдан бош тортадиган дунёни ҳеч ақлига сифдира олмай: "Нега бу аёллар ўша қизларни қутқармадилар?" – деб ҳайрон қолиб сўради.

Мен унга ўша аёллар носоглом бўлган деб жавоб беришдан бошқа имконим йўқ эди. Уларда танлов бор эди, бироқ улар бирор нарса қилишни бўйнига олмадилар. Қандайдир сабабга кўра уларнинг иккисида ҳам оналик юраги уйғонмади.

Биз доим эркаклар аёлларни таҳқирлайдилар деб ўйлашга мояилмиз, бироқ бу ҳар доим ҳам шундай эмас. Бу аёллар уйларида содир бўлаётган нарсаларни билиб туриб, ҳеч нарса қилмадилар. Шу тарзда улар бу қизларнинг хўрланишини қўллаб-куватладилар.

Бу икки зўравон бўйсуниш гоясини чегарадан чиқкан кўринишидан фойдаланиб, Ёзувни бузган ва шу йўл билан хотинларига ва қизларга хийла ишлатган. Бу хотинлар эрларига маъқул бўлишни истаб, жиноятнинг иштирокчиси бўлганидан бутун давлат ларзага келди.

Шерлар эса аксинча, болаларини ҳар қандай хавфдан асрайдилар. Мен арслонлар болаларга хавф түғдирган чоғда, тўдадаги она шерлар уларга қарши бирлашган воқеани биламан.

Биз мана шундай ўта муҳим вақтларда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ Худонинг Сўзидан “тўғри таълим бериб (Тимотийга 2-мактуб 2:15 га қаранг) ва шунга мувофиқ тарзда яшаб, соғлом ақлга эга бўлишимиз зарур. Биз жинс, бўйсуниш ва оиласидаги сўзсиз итоат масалаларига доно ва соғлом назарни ўрнатишимиз зарур. Худо бу қоидаларни бошқаларни хавф остига қўйиш учун қўлланилишини режалаштиргмаган. Бу қоидаларнинг мақсади – соғлик ва фаровонлик бўлган.

Ёш ва ярадорларни ҳимоялашда биз масъулмиз. Шерларга ўхшаб, биз доим болаларни қутқариш йўлини излашимиз зарур. Шерларга Худо берган сезиши қобилиятидан фойдаланиб, улар айрим аёллар унутиб қўйган нарсаларни яхши тушунадилар, яъни она ўзи туғмаган болани ҳам қутқариши шарт.

Очиқ кўриниб турибдики, шунчаки бола туғиши аёлни онага айлантирмайди. Америка бир неча ой илгари, бир она ўзининг қувноқ, ёқимтой беш ёшли қизини жинсий қулликка сотганини эшишиб, даҳшатга тушган эди. Қизчанинг жасади Шимолий Каролина штатидаги қишлоқ йўли яқинидаги ўрмондан топилган. Бу китоб босиб чиқилганича, яна қандай янгиликларни эшишибиз мумкинлигини ўйлаб, титраб кетаман.

Худо борлиги учун, оналик рефлексини ўчиб қўйиш мумкинлиги, кўпчилигимиз учун ҳали ақл бовар қилмас нарса ҳисобланади. Ёзув имонсизлар одамлиқдан чиқиши сабабли, кўрқинчли замонлар (Римликларга 1:26 га қаранг) келишини айтган. Инсон бўлиши Худога ўхшашиб бўлишни ва инсофга ҳамда Унинг юраги бўйича қолибларга эга бўлишни билдиради. Ҳаёт қадрсизланаётгани, Унинг сурати ва сийратида яратилган болалар жинсий зўравонликка йўлиқаётганидан Худонинг қаҳри келмоқда. Бу муаммога Худонинг муносабатини билган ҳолда, биз ҳам иштиёқ ва севги билан ёндошибиз зарур. Бирортамиз эшигимизни очиб, ташлаб кетилган ёки хатарга мубтало бўлган болаларни боқиб олишибиз керак. Биз сахий бўлишибиз ва бизга нотўғри туюлган нарсаларни қачон давлат тўғирлар экан деб кутиб ўтираслигимиз керак. Келинг, яқинларимизга бўлган севгимизни ишларимизда кўрсатамиз!

Борди-ю адолатсизлик ва ситамга индамай ўтираверсак, бир куни бу бизнинг бошимизга ҳам ёғилади. Одам савдоси ва жинсий кул-

лик масалаларидаги адолат учун курашда жамоат бош күтаришини кўриши астойдил истаб қоламан. Бу икки муаммо доим онгимда ва бу ҳақда тез-тез гапириб турман. Яқинда самолётда мен билан ўтирган бир ёш аёлга, бу икки муаммони ечишда ёрдам бериш учун, дунёдаги барча аёлларни ҳаракатга сафарбар қилишда иштирок этиш ниятим борлигини айтдим. У менга бурилиб, жаҳл билан сўради: “Ким сизга бу мавзуда гапиришга рухсат берди?”

Берилган саволнинг шиддати мени эсанкиратиб қўйди. Ўзимни йўқотиб, бир лаҳзага тилим айланмай қолди, лекин кейин жавоб бердим: “Индамай ўтиришим учун менга ким ҳукуқ берди?”

У бироз оҳангани пасайтириб, менда бу соҳада қандайдир маълумот ёки мутахассислик малакаси бор-йўқлигини билмоқчи бўлганини тушунтиришга ҳаракат қилди. Мен унинг нигоҳини ўзимга қаратдим ва биринчидан, адолатсизлик билан курашиш қонун томонидан таъкиқланмаганини билишимни, иккинчидан кўрганларимдан хулоса қила оламанки, бу муаммони битта “касб” эгалари бартараф этишга қодир эмаслигини таъкидлай олишимни тушунтирдим. Бу жиноятларнинг кўлами шуқадар улканки, бунга турли соҳадаги касб эгалари ва мутахассислар жалб этилиши зарур.

Болаларни мурғакликдан маҳрум этиш ҳамда уларни катталарнинг бузуклиги ва хирсларининг қулига айлантириш – ўтакетган адолатсизлик! Қанчадан-қанча болалар шафқатсизликнинг тилсиз курбонлари бўлиб қолаётган бир пайтда, бирортамиз бепарво бўлиб ўтиришимиз мумкинми?

Қандай қилиб бу муаммо ҳақида қичқирмаслик мумкин? Яна қанча мана шундай сўзларни эшитиш мумкин: “Ёвузлик ғалаба қозониши учун яхши одамлар бефарқ бўлиши етарли. Бунга биз нафақат ишонишимиз, шунингдек бу соҳада нимадир қилишни бошлишимиз зарур. Мен чет элга чиқиб, даҳшатга соладиган қашшоқлик ҳукм сурадиган жойларга борганимда, оналарнинг кўзларига қараб, улар нималарни ўйлаётганини тасаввур қиласан. Улар: “Наҳотки менинг фарзандим унидан ёмонроқ бўлса?” – деб савол бераётгандир.

Улар шундай деб ўйлашига ўзимиз сабабчи бўлишимиздан Худо арасин. Мен Жанубий-Шарқий Осиёда бўлганимда, икки марта оналар мен уларнинг болаларини олишимни таклиф қилдилар. Уларнинг

бири ҳатто болани менинг қўлимга бериб қўйди. Мен унинг боласини ушлаб турар эканман, у менга ўзининг тилида нималарнидир гапириб, қўллари билан тушунтириди. Бошқа онага, боласи қанчалар ёқимтойлигини айтганимдан сўнг, у таржимон орқали мендан, кизимни олиб кетиши истамайсизми деб сўради. Улар қанчалик умидсизлиқда яшаётганини тасаввур эта оласизми? Улар менга, ҳатто уларнинг тилини тушунмайдиган, умуман бегона одамга, ўз фарзандини бериб юборишга уриндилар. Эҳтимол, улар пул олиш илинжида шундай қилгандирлар, аммо мен ишонаманки, улар кўпроқ болаларининг келажагини ўйлаб, шундай қилмоқчи бўладилар. Ўз фарзандини сотиши бизнинг маданиятимизда ақлга сифмайди, бироқ болангизга бериш учун ҳеч вақоингиз бўлмаса, сиз нима қилган бўлар эдингиз?

Болаларимизни дунё ва унинг манбалари, уларга ўша аёлларнинг болалари билан тенг ҳуқуқда бўуниши кераклигини тушунадиган қилиб тарбиялаяпмизми? Мен ишонаманки, Худо айнан биз ўз оиласаримизга буни сингдиришимизни истайди.

## БОЛАЛАРНИНГ НАЖОТИ

Инсон юрагини оғритадиган мухтожликдаги давлатларда чидаб бўлмас қайғу хукм суради, аммо биз ўз уйимизда содир бўлаётган нарсаларга эътибор беришимиз зарур. Мен бу китобни ёзар эканман, бир қизиқ воеа бўлди. Агар “стратегик фикрлайдиган жасоратни” бизнинг маҳаллий таълим тизимимизга қўлласақ, бу қандай қўринишга эга бўлишини, кўз учida назар солишга муваффақ бўлдим. Мен “кўз учida” деб айтганимнинг сабаби, мен у ерга атиги бир марта бора олдим, бизнинг таълим тизимимизда астойдил ва фаол иш олиб бораётган ўша қўпчилик кишиларга миннатдорчилигимни билдириб қоламан. Ўта танқис маблағ доирасида, сифатли таълим билан таъминлашда чарчамай меҳнат қилаётган ўқитувчилар ва методистлар маъмурияти учун Худога шукур. Мана, нима учун уларга хозир бизларнинг кўмагимиз керак.

Бир куни кечга Арден ўғлим бир китобни ўқиб, ўқиши дарсидан уйга вазифани бажариш керак эди. У баскетбол машғулотларидан чарчаб келгани учун, мен унга овозда ўқиб беришимни илтимос қилди. У агар дарсни мустақил бажаришга уринса, ухлаб қолишдан

кўрқаётганини айтди. Бошқалар катта хонада футбол кўриб ўтиргани учун, биз у билан менинг ётоқхонамга бордик.

Мен ўқиган сайин, китобнинг мазмуни мени хавотирга сола бошлиди. Унда ўсмиirlар ўз жонига қасд қилиши, жаҳолатчилик, турмуш ўртоқ ва фарзандлар билан бераҳмларча муносабатда бўлиш, зўравонлик, вояга етмаганларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиши ва ароқхўрлик, ота-оналилк хукуқидан маҳрум этиш ва ўғирлик мавзулари келтирилган эди. Бундан ёмонроғи бўлмайди деб ўйлаб турганимда, биз жинсий мавзуга оид, бутунлай очиқ кўрсатилган саҳнага ўтдик.

Ўғлим менга бурилиб, бу китобни ўқиши бошқа истамаслигини айтди. Сўнг, у ерда шунга ўхшаган бошқа ахлоқсиз нарсалар ҳам борлигини айтиб берди. Муаммо шунда эдики, бу китоб тўққизинчи синфларнинг ўқиши фанидан дастурга мажбурий равишда киритилган эди. Мен мактабга кўнғироқ қилиб, Арденга бошқа китоб ўқишини рухсат беришини сўрайман деб карор қилдим. Эртаси куни мен унинг ўқитувчиси билан гаплашдим ва биз ҳамма нарса ҳақида келишиб олдик. Мен ишлар ўз ечимини топди деб хисоблаганча телефон гўшагини осдим, бироқ бунинг учун кейинги ҳаракатларни амалга ошириш керак экан. Кейин аниқландики, бу китобнинг мазмуни мунозарали бўлгани сабабли, мактаб қонун-қоидаларига кўра бу китобни ўқиши учун ота-оналарнинг розилиги талаб этилар экан. Бошқа ота-оналар бу китобда нималар ёзилгани ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмаслигини тушуниб етдим. Мен ҳам бу ҳақда тасодифан билиб қолдим. Арден илтинос қилмаганида эди, мен ҳам ғафлатда юрар эдим.

Бу китобнинг мазмунидан фақат ўз ўғлимни ҳимоя қилиш билан чекланиш тўғри бўлармиди? У романдаги порнография, жинсий аълоқалар, ота-она билан муносабат, ароқ, ўғирлик, зўравонлик ва ўз жонига қасд қилишга бўлган назарлар, синфдаги бошқа йигитларни қай тарзда шакллантиради? Бу китобнинг қанчалик хавфли эканини билиб, наҳотки индамай ўтираверсам? Бошқа болаларни ва шунингдек, уларнинг ота-оналарини ҳимоя қилиш менинг зиммамда эмасмиди?

Ўз блогим орқали бу китобнинг моҳияти ҳақида оммани хабардор қилдим ва шу аснода мактаб маъмуриятига бу дастурнинг мазмуни ёлғиз мени хавотирга солмаётганини етказиш учун кўллаб-куватлаш гурухини йиғдим. Бир суткадан камроқ вақт ичидан китобнинг мазмуни

бизга тўғри келмайди деб ҳисоблайдиган беш юзта одам мавзуга қўшилди (уларнинг кўпчилиги ўқитувчилар эди). Уларнинг орасида айнан манашу сабабга кўра фарзандини умум таълим мактабидан олиб кетиб, уларни уй шароитида ўқитишга қарор қиласган оналар ҳам бор эди.

Мен бу китобни ёзган муаллифнинг хукуқини шубҳа остига қўйдим. Бу китобни ўн тўрт ёшли ўсмирлар ўқиши шартлиги менда хавотир уйготган эди. Бу китоб порнографияни рағбатлантиради. Жинсий қулликнинг илдизи порнография ҳисобланади. Носоғлом бўлган тимсоллар ёш йигитнинг аёллар ҳақидаги тушунчасини ақл бовар этмас кўламда бузиб ташлайди. Биз гап юритаётган китобда порнографияга мастурбация билан кўшилиб, ўн тўрт ёшли йигитлар учун нормал машғулот сифатида тақдим этилган. Порнография жинсий мақсадда одамларни (аёлларни ҳам, эркакларни ҳам) асоратга олиш, нормал ҳолат деган дунё қарашни келтириб чиқаради. Ўсмирларнинг онигига бундай тарзда аралашиб, уларнинг келажакдаги жинсий алоқаларида аёлдан нафратланиш, эмоционаллик ва жинсийликдан ўзини олиб қочиш, қолаверса бу жинсий тобеликка олиб келиши мумкин – буларнинг бари жинсий қуллик саноатини гуллаб-яшнаши учун пойдевор яратади.

Бизнинг маҳаллий таълим тизимимиз ёш йигит-қизларда юқори даражадаги ахлоқий ҳолатни тарбиялашга уринаётганини биламан. Бу мақсадга эришиш учун белгиланган қоидалар аллақачон киритилди, бироқ бу китоб қандайдир равишда ҳамманинг кўзини шамғалат қиласган. Мен мавжуд қоидалар бузилаётгани ҳақидаги омилларни билдириш учун мактаб директори билан учрашиб ҳақида келишиб олдим. Мен у билан мактаб дастурида, аёл киши жинсий эҳтиёжни қондиришга чиқарилган нарса, деб тасвирлангани борасидаги, ўз хавотир ва саросималарим ҳақида бўлишдим, чунки одам савдосининг оқибатларига ўзим гувоҳ бўлганман.

Бир ҳафтанинг ичida китоб дастурдан олиб ташланди. Маъмурият дарслкларни танлаш жараёнида йўл қўйилган хато тўғирланганидан хурсанд бўлди ва келгусида мана шундай ҳолатлар қайтарили маслиги учун танлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди.

Умум таълим мактабларида ўз ҳаётини болаларга билим бериш учун бағшида этган одамлар ишлайди. Улар ҳам бизга ўхшаб хатоларга йўл қўйишлари ва мулоҳазаларида янгишишлари мумкин.

Уларга хужум қилишнинг ўрнига, таълим жараёнида иттифоқчилар сифатида ўз ёрдамимизни таклиф қылсак ва нафақат ўз фарзданларимизнинг, қолаверса барча болаларнинг келажаги порлок бўлиши учун биргаликда заҳмат чексак яхши бўлмайдими?

Мен ўз хавотирларимни билдирганимдан сўнг, бу китоб барча тўққизинчи синфларнинг дастурига киритилган экани ва менинг ўғлим ўқиётган синф бу рўйхатда тасодифан биринчи бўлгани аниқланди. Мен вақтида ваҳима кўтарганим ва мактаб, ота-оналарнинг фикрини қўллаб-қувватлагани туфайли кўпчилик болалар ахлоқсиз манбаларни ўқишдан қутилиб қолган эди.

Бўлиб ўтган барча воқеалар жараёнида мен масихий эканимни эслатиб ўтирамадим. Мен ўқитувчилар ва мактаб маъмурияти билан жанжал кўтармадим. Мен уларнинг ўзлари томонидан ўрнатилган қоидаларга мурожаат қилдим. Бундан ташқари мен нафақат муаммони кўрсатдим, шунингдек мантиқий таклифни ҳам киритдим. Мен бу жараённи ғалаба билан якунлашга қарор қилганимни уларга билдирам. Ҳар биримиз шундай йўл тута олишимиз мумкин.

## ОВ ҚИЛИШ ВАҚТИ

Худо сизни ва мени ов қилишга чорламоқда. Худони излаш ва Унинг ортидан қувлашда биз донолик ва муҳим бўлган жавобларни топамиз. Ҳар томонга бўлиб ташлаётган ажралишлар ва эмоционал узилишлар бор дунёда, биз самонинг нафаси ифориб турадиган дўстона муносабатларга ва фарзандларимизни ўқитишга ва ҳимоя қилишга ёрдам берадиган стратегик ўзаро алоқаларга муҳтоjemиз. Бу дунёдаги йўқолган ва хўрланган болаларни кутқариш учун биз Худо томонидан руҳлантирилган стратегия ва қарорларни ҳаётга тадбик этишимиз зарур. Четда туриб, бу менга тааллуқли эмас деб ўтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу барчамизга тааллуқли. Бундай фаолиятдан сиз қилаётган нарса менга, мен қилаётган нарса сизга таъсир кўрсатиши мумкин. Кучларимизни бир жойга жамлаб, оиласларимиз, жамоатларимиз ва жамиятимиздаги дастлабки воқеалар суръатини 180 даражага буриб юборишимиз мумкин. Бу алоқалардан эзгулик учун фойдаланиш ёки йўқлигини – биз танлаймиз.

Шерларнинг одатларини ўрганаётib, улар – мушуклар жамиятидаги бир жамият бўлиб яшайдиган ягона ҳайвонлар эканини сезмай қолишимга сал қолибди. Битта шер заиф бўлган жойда, бошқаси кучли. Бири қоқилса, бошқаси муваффақиятга эришади ва бу барча ўзаро алмашинадиган ва ўзаро кўмаклашадиган куч битта қудратли арслоннинг ҳимояси остида амалга ошади.

Агар бунга шу тарзда қарайдиган бўлсак, ўз-ўзича айланиб юрадиган мушукларнинг аҳволи ҳавас қиласи эмас. Қоплонларда ҳам, пантераларда ҳам, гепардларда ҳам бундай доиравий кафиллик йўқ. Ҳар сафар бу ҳайвонларнинг урғочилари озуқа излаб, овга кетганларида, уяга вайронга аҳволда қайтиб келиш хавфида бўлади. Бир илмий оммабоп фильмдан бир воқеа ёдимда сақланиб қолди: урғочи гепард уясига қайтиб келганида, болалари йўқлигини кўриб, ҳасратли увлайди. У болаларидан бирортаси ўлимдан қутилиб, қочиб қолишига умид килиб, кечаси билан увлади ва уларни чакирди.

Сиз ҳам, мен ҳам ёлғизлик учун яратилмаганимиз. Бизнинг оила аъзоларимиз бўлмаса ҳам, бизнинг фарзандларимизга ўзларининг болалариdek ғамхўрлик қилишга тайёрлигини билдирган одамлар билан танишганимиз, менга қанчалик хотиржамлик ҳиссини олиб келганини тил билан таърифлай олмайман. Биз оиласига ибодатда Худонинг таҳтига кўтарадиган ва ҳимоя қиладиган одамлар билан марҳаматланганмиз. Биз учун ҳатто, ўзим танимаган одамлар ибодат қилишган,— биз бу ҳақда вақтлар ўтиб, билганмиз. Кўпчилик, хеч қачон кўзлари билан кўрмаган асрлар учун ва Хушхабар тарқалиши учун сахий қурбонлик қилганлар. Бошқаларнинг оиласига ғамхўрлик қилаётган одамларни само тўкинлик билан тақдирласин!

## ДУШМАННИНГ НАФАСИНИ БУҒИБ ҚЎЙИНГ

Шер ўз ўлжасини топганида (кўпинча топади!), у уни йиртмайди ва қисмларга бўлмайди. У жоноворнинг нафас йўлини ёпиб, уни бугади. Шу аснода, бизга ҳам душманнинг нафасини буғиш учун вақт келди. Биз амалга оширишимиз керак бўлган усуллардан бири – биринчи навбатда, ўз нафасимизни шайтонга хизмат қилиш учун бериб турмаслигимиз зарур. Биз бир-биrimизга қарши чиқишни бас

қилиб, унинг кучига зарап етказишимиш керак. Келинг бунинг ўрнига ўз сўзларимиздан куриш, насиҳат бериш, тўғрилаш ва рухлантириш учун моҳирона фойдаланамиз.

Бу ов учун менинг кучли томонларимни тушунадиган ва заиф бўлган жойларимга ўз елкасини қўядиган аёлларга муҳтожман,— сиз ҳам шунга муҳтожксиз. Бунга эришиш учун мен нимада заиф бўлсам, шу нарсаларда кучли бўлган аёллар билан атрофимни ўраб олишга қарор қилдим. Мен ҳам ўз дўстларимни заиф томонларини қўллаб-куватлай олишим учун жон-жаҳдим билан ибодат қиласман. Соғлом ва мувоза-натлашган муносабатлар – бу ҳар битта иштирокчи ўз ҳиссасини қўша оладиган ва қўшадиган муносабатлар ҳисобланади.

Ҳар биримиз ўз фарзандларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш билангина қониқиб қолмайлик, лекин ер-юзидағи барча болалар учун масъул эканимизни тушуниш ва англашда ўрайлик. Биз сергак туришимиз ва вақтида ўз болаларимизни хавфли жойдан олиб кетишимиз зарур. Келинг, маҳаллий даражадаги арзимас туюлган таъсир ҳам, сезиларли таъсирга эга эканини тушунайлик. Бирортамиз бизнинг ролимиз кичик ва аҳамиятсиз деб ҳисобламайлик. Ҳеч биримиз алданмайлик – бирортамиз якка холда дунёни енга олмаймиз.

“Бирликда бўлинг, мақсадингизда яқдил бўлинг, одамлар бизнинг мактубимизга – Хушхабарга ишонишлари учун курашинг,— ўзаро курашиш томон бир қадам ҳам қўйманг ва ортга чекинманг. Сизнинг довюраклигингиз ва яқдиллигингиз уларга нимага қарши қўтарилганини кўрсатиб қўяди: уларни мағлубият қутмоқда, сизни эса ғала-ба,— у ҳам, бу ҳам Рabbимиздан келади” (Филиппиликларга 1:27,28, Message таржимаси).

Биз биргаликда стратегик харакатланишга қодирмиз.

## Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғуликда эса овга чиқадилар



Фосиклар айбдорлик ҳиссидан ўзига ором топмайдилар ва ортидан ҳеч ким қувламаса ҳам, доим югуришга шайланиб турадилар; Ҳақ кишилар хотиржам, тебранмас ва шерга ўхшаб дадилдир.

Хикматлар 28:1, MESSAGE ТАРЖИМАСИ

**Ш**ерлар нафақат ўзидағи тұғма қобилият ва маҳоратларини тушунишга эга, шу билан бирга улар етарлы даражада оддий ҳаёт кечирадилар. Улар өткізуендегі дам оладилар, ов қыладилар ва оч қолганда овқатланадилар. Қолған вакт асосан ўйнайдилар!

Балқи бирор киши басавлат ва мудроқ ҳолдаги шер – дам олиб ётганини күрган бўлиши мумкин. Баъзида улар қуёшнинг олтин нурларида ором олиб, ҳатто осмонга қараб ҳам ётадилар – бу худди қуёш билан ишлайдиган батареялар қувват үйифайдиганга ўхшайди. Ҳатто атрофидаги сакраётган болалари ҳам дам олаётган онасини эътиборини базўр тортиши осон бўлмайди. Шўхлик қилиб юрган гўдакни, камдан-кам ҳолларда яқин орадаги шер эринчоқлик билан шаппатлаб қўяди. Бироқ уларнинг бирортаси зўриқкан кўринмайди – улар бир кунда ўртача 20 соат мудрайди.

Дам олиб бўлгач, шерлар чўзиладилар ва иккинчи муҳим ҳолатга – тўлиқ жангта тайёргарлик босқичига ўтиш учун умумий ўйинга қўши-

ладилар. Ҳатто, жанг ҳолатида ҳам бу ҳайвонлар зўриқкан эмас, балки шунчаки диққатини жамлаган бўлади.

Бу диққат жамланган, бироқ шу билан бирга қулай ҳолат, биз Худонинг қизлари сифатида ўрганишимиз зарур бўлган, шерларга хос жасоратнинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Ёзувдан олинган қуйидаги матн бундай хотиржамлик нимага асосланганини чуқур тарзда тушунтиради.

“Фосиклар айбдорлик хиссидан ўзига ором топмайдилар ва ортидан ҳеч ким қувламаса ҳам, доим югуришга шайланиб турадилар; Ҳақ кишилар хотиржам, тебранмас ва шерга ўхшаб дадилдир” (Хикматлар 28:1, Message таржимаси).

Аниқ таъриф келтирилган – хотиржам, тебранмас ва дадил. Одамлар кўпинча хотиржамлик ва ўзига аминликни дадиллик билан боғламайди, аммо Худо шундай қиласди. Мен буни шерларда кўраман. У ўз важоҳати билан шундай дейди: “Мен ким бўлсан, ўшаман. Мен кучли ва ўта эпчилеман, ўйноқиман ва ўлгудай хавфлиман, ихтиёrim ўзимда, диққатли ва ғамхўрман”.

Ҳар қандай аёл сингари, она шер ҳам – зиддиятларнинг мажмуси. Бу оятда арслонлар ҳақида гапирилаётган бўлса-да, икки жинс ҳам назарда тутилмоқда. Барча шерларнинг – эркакларининг ҳам, урғочиларининг ҳам – ҳаётий фалсафаси айнан шундай. Бу бизнинг ҳам фалсафамизга айланиши керак деб ўйлайман.

Шер ов қилмаган пайтда, панада ўтиришининг ҳожати йўқ. У ёргиликни ёқтиради. У ўз опа-сингиллари билан африканинг адирларидағи қўёш нур сочадиган кенгликларида очиқ осмон остида яшайди. Бу ҳайвонлар соя тушмайдиган жойда дам олади, ўйнайди, бир-бирини тозалайди, озиқлантиради, болаларини тарбиялайди ва ҳатто, четга ўтмай, ўша жойда қовушадилар. Шерлар кимдан ҳам уялсин ёки яширинсин?

Саваннада уларни очиқласига жангга чакирадиган бирорта ҳам ботир ёки кучли душман йўқ. Улар ҳеч кимдан чекинмайдилар (фақат филлар уларнинг еридан сурув бўлиб ўтаётганда, шерлар уларга йўл берадилар). Шер ов қилмаётганда ўзини яширишининг ҳожати йўқ. Шерлар ўз худудларида, шак-шубҳасиз шоҳ ва маликалардир ва ўз майдонида озуқа занжирининг чўққисида турадилар. Жуда иссиқ кун-

да шер сояда дам олиши мүмкін, лекин яшириниш мақсадида әмас. Якка бўлиб яшайдиган ва ов қиласидаги қоплон ва гепардлардан фарқли ўлароқ, шерлар дараҳтга чиқиши ёки буталар ичидаги яширинишига ҳожат йўқ, лекин улар уни ҳам, буни ҳам уддасидан чиқа оладилар. Йўқ, бизнинг шерларимиз қўрқувсиз қуёш нурлари остида, оналари, холалари, туғишган ва қариндош опа-сингил, ака-укалари, фарзандлари ва албатта, ўз арслони орасида ором олади.

Ҳозирнинг ўзида шу сатрларни ёзар эканман, мен ҳам шундай ҳаётда яшашни орзу қиласман: ҳеч нарсадан қўрқмасдан, оналар, қизлар, туғишганлар ва қариндош опа-сингиллар, ака-укалар биргаликда ўз фарзандларимизга жилмайиб, мамнуният билан атрофимизда шикаст етказишга қодир бўлган бирорта киши йўқлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда ором олишни истардим.

Бу манзарани Жон билан сафарда бўлганимизда кузатганман, биз она шер, унинг арслон боласи ва катта қизлари ортидан кузатганмиз. Бу оила бирор мўлжалсиз, куздаги ўсиб кетган ўтлар бўйлаб кезиб юради. Уларнинг қоринлари тўқ эди – мен ҳатто, уларнинг тумшуғидаги қонни сезмай қолишимга сал қолди. Улар яқиндагина тушлик қилган ва бироз ланж ҳолда кўринарди. Узокда дараҳтлар тўдасини кўриб, улар ўша томонга қараб йўл олса керак деб ўйладим. Аммо, йўқ! Жонворлар йўлни устида ерга чўзилиб олишди (бизнинг машинамиздан уч метрдан узоқ бўлмаган масофада), сал-пал “ювиндилар”, қуёшнинг ёрқин нуридан қочгандек, тилла рангли кўзларини юмиб олдилар ва беш дақиқа ҳам ўтмай, ширин уйкуга кетдилар.

Биз улкан “ҳар қандай йўлда юрадиган машина”мизда, қуролланган ҳайвон излайдиганлар билан бир гурух одамлар, шерларда қўрқув у ёқда турсин, бу уларда заррача ҳам таассурот уйғотмади. Кундузги уйқу вақти келди – қолган нарсалар эса уларни ўйлантирилмас эди!

## ЁРУҒЛИҚДАГИ ҲАЁТ

Биз ёруғлиқда яшашимиз нимани билдириши мүмкинлиги борасида менинг онгимга бир лаҳзада кўплаб ғоя ва тимсоллар қуийлиб келди. Биринчидан, бу тўлиқ очиқликни билдиради. Сизнинг эшигингиз ва деразаларингиз оиласизга ва дўйстларингизга нурни

киритиш учун катта очик туриши лозим. бизнинг уйда ошханамизнинг эшиклари доим очик туради, чунки эркаклар кўп, демак доим кимнингдир қорни оч бўлади. Бироқ бизнинг соғлиғимиз ва жон сақлашимиз учун юрагимиз нур билан тўлган бўлишидан бошқа муҳимроқ нарса йўқ.

“Ҳаётингизни очинг. Чегараларингизни кенгайтириб, очик ҳолда яшанг!” (Коринфликларга 2-мактуб 6:13, Message таржимаси).

Бу шуқадар оддий, шуқадар эркинлик олиб келадиган, лекин шу билан бирга баъзида шуқадар қўрқитадиган мактуб. Фақат биз ўзимиз очик ҳаётда яшашни танлашга қодирмиз. Аввал ўзимиз очилашимиз, сўнг очик яшашни бошлаймиз – шунда бизнинг уфқларимиз кенгайишни бошлайди. Ўз ҳаётини очиш ва очик ҳолда яшаш – бу икки босқичли жараён. Биз ўз ҳаётимизни очишимиш, бироқ очик ҳаётда яшамаслигимиз мумкин. Мен айрим соҳаларда ва айрим муносабатларда ўзи ҳақида кўп нарсаларни очадиган одамларни биламан, бироқ улар очик ҳаётда яшаганларида эди, олдин яширин бўлган нарсалар аҳамиятли даражада кўпроқ юзага чиқсан бўларди. Баъзи кишилар бир соҳани яшириш учун бошқа соҳани одамларга очади.

Менинг онгим Повулнинг сўзларини такрор ва такрор қайтаргани сари, унинг сўзларини рад этиб бўлмайди. У мени ўз ҳаётимга Раббий учун ҳали очилмаган совғадек қарашга чорляяпти. Повулнинг сўзлари Худодан олган вахийларимиз ва юқоридан инъом этилган нарсаларнинг ҳаммасини қабул қилишга очик бўлган ҳаёт манзарасини чизаяпти. Ўз чегараларини доим кенгайтириб, очик ҳаётни яшаб ўтиш ҳақида айтяпти.

Сиз унумдор ҳаётни – ўсишни, мустаҳкамланишни ва сизни ўраб турган дунёнинг ҳар битта соҳаси билан тўғридан-тўғри алоқага киришган сари кенгайишни кўз олдингизга келтиринг.

“Энди сиз очик майдонга чиқдингиз. Масихнинг ёрқин нури йўлингизни ёритмоқда, энди қоқилиб юриш етар. Олға! Эзгулик, ҳақлиқ, ҳақиқат – фақат мана шундай ҳаракатларга асосланган ва кундузги ёруғликка лойиқ. Масихга нима маъқул эканини аниқланг,— сўнг буни амалга оширинг” (Эфесликларга 5:8-10, Message таржимаси).

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

Сиз буни эшитдингизми? Сиз ҳам шерларга ўхшаб, энди очик майдонда яшаяпсиз. Сиз учун құрқувни ифодалайдиган қоронғулик шоҳлиги мавжуд әмас. Энди сизнинг ҳаётингиз устидан хукмронлик қилиши мүмкін бўлган уятли ва яширин жой йўқ. Мен бу ҳаракатга чорловни ёқтираман! Йўл равshan – биринчи қадамни қўйинг!

Жуда кўп одамлар нимага чақирилганини билишни истайдилар. Бироқ келинг, Худо шуқадар оддий қилиб яратган нарсаларни ҳаддан ортиқ қийинлаштиrmайлик. У бизни эзгу, ҳақлик ва ҳақиқат бўлган нарсаларни амалга оширишга чорламоқда. Бу ҳаракатлар рўйхати кундузги ёруғликка олиб чиқилса, биз уятда қолмаймиз. Биз нурнинг фарзандларимиз ва кундузги ёруғликка лойиқ ишларни қилишга чақирилганмиз. Биз панада содир бўлаётган турли-туман қилмислардан нарироқда юришимиз лозим. Биз Худога маъқул ишларни билиб олиб,— сўнг уларни бажаришимиз жоиз!

Бизнинг ҳаётимиз кенгайишда давом этадиган ва Унинг шарафли нури ҳаётимиздаги зулмат пардаларини йиртиб ташлаган ҳайратли ондан олдинга ёйладиган Масихнинг нурига ўхшайди. Ҳар битта ёй күёш нури ва иссиқлигидан ёнган шуълага ўхшайди, у биз учун вақт қайтадан бошланган лаҳзада портлаган.

Мен ойналарни очиб, уйни шамоллатиш учун ташқари етарли дарражада салқин ва илиқ бўлган қунлар жон-у дилим. Уйингиздаги эскирган хидларни чиқариб юбориб, уйга енгил шабада кириб келганида, уй бўйлаб енгил шабада эсиб, эски хидларни сиқиб чиқариши ва уйимиздаги муҳитнинг барча бурчаклари бўйлаб айланиб, уйни янги ҳаво оқими билан тўлдиришида мароқ бор. Шабада ёввойи табиатнинг ҳайратли хидини ичкарига олиб келади ва уйимиздаги ҳавонинг ҳажми кенгайгандек, ҳавонинг ўзига эса табиатнинг хушбўй ҳиди қўшилиб, ҳаёт ва ҳаракат билан тўлаётгандек бўлади. Янги ўрилган ўтларнинг, гуллаётган сирен, қарағайнинг елими ва ёмғир ювган ернинг ҳиди – буларнинг бари инсон даргоҳида битта гулдаста бўлиб қўшилади.

Тараққиёт муҳитига ёввойи табиатнинг аломатларини киритиш, нега мен шерга бунчалик кўп диққат қаратадиганимни тушунтиради: у ақл бовар қилмас қулайлик ва кучнинг, ўйноқилик ва жасоратнинг, ёввойилик ва хотиржамлик бирдамлигининг улуғвор ифодаси хисобланади. Бу бирдамликни Ёзувдаги кейинги матнда ҳам қўяпман:

“Сиз чарчадингизми? Ҳолдан тойдингизми? Ўз кучингизни дин билан қўллаб-қувватлашга уриниб, куйиб кул бўлдингизми? Менинг олдимга келинглар. Ўз машмашаларингиздан Менинг олдимга қочинглар ва ҳаётингизни қайта қўлга киритасиз. Мен сизларга ҳақиқий дам нималигини кўрсатаман. Мен билан юринглар, Мен билан меҳнат қилинглар – буни Мен қандай амалга ошира-ётганимни кузатинглар. Иноятнинг табиий маромига ўрганинглар. Мен сизга ҳеч қандай оғир юкни ёки сиз кўтара олмайдиган нарсани юкламайман. Мен билан сухбатлашишда давом этинг – шунда эркин ва енгил яшашга ўрганасиз” (Матто 11:28-30, Message таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Дин таълимини олиб катта бўлган қизлар, қайтадан Худо билан рақсга тушишни ўрганишлари зарур. Бизнинг фарзандларимизда маромни (ритм) ҳис этиш қобилияти бор, баъзида Жон билан биз маром ҳиссини йўқотиб қўйганга ўхтаймиз. Мусиқага нисбатан уларнинг таъсири бизницидан кўра табиийроқ, чунки бизда жамоатда ишлатилмайдиган ҳар қандай мусиқага бўлган таъсирни, ўзимизда сўндириш ўргатилган. Бу бизни баъзида эгилмайдиган ва “ихтиёрий маромига” кўшилиб ҳаракатланмайдиган – руҳимиздаги Худонинг гайритабиий ишларига табиий муносабатда бўлмайдиган қилиб қўяди.

Менинг азизларим, Раббий учун меҳнат қилиб, ошириб юбормадингизми ва ҳолдан тойиш даражасига етмадингизми? Балки сиз У билан бирга яшашнинг маъносини йўқотиб қўйгандирсиз? Баъзида ҳаммамиз шунга ўхшаш эслатмаларга муҳтожмиз. Сиз тўсатдан йиқилишга бир баҳя қолган ва зўриқиши қарига йиқилаётгандек хавфли ҳолатда эканингизни англаб қолган пайтлар бўлганми? Балки сизда бундай ҳолат юз бермагандир, мен эса буни бошимдан кечирганман. Бир марта уч ойдан кейин бўладиган учрашув учун хавотирланганман.

Ўз ҳасратим ҳақида дугонам билан бўлишдим, у эса доно маслаҳати билан мендаги хавотирни тинчлантириди. У мени руҳлантириди ва ўзингдаги атиги бир нечта нон ва балиқни олиб кел, хирмонимизнинг шарафли Раббийси уни ушатади ва бир талай қилиб, кўпайтиради деди. Мен У арзимас нарсани ҳам, кўпчиликка етадиган тарзда тақсимлашини кўп марта исботлаганини эслаб, енгил тортиб нафас олдим.

Келинг яна эркин ва енгил яшашни ўрганамиз. Ҳолдан тойиш ва зўриқиши гуноҳга йиқилишдан орттирилган улушимиизга айланди,

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

аммо нажот топганимиздан сүнгги ҳолатимиз ички хотиржамлик, яъни ором бўлиши керак.

“Бу ҳали ҳаммаси эмас: биз ўз эшикларимизни Худонинг каршисида очамиз ва У аллақачон Ўз эшикларини биз учун очганини гувоҳи бўламиз. Биз доим орзу қилган жойда – Худо инояти ва шарафининг кенг сайхонларида бўлиб қоламиз. Ўша ерда Унга мақтov айтиб, бор қаддимизни ростлаймиз” (Римликларга 5:2, Message таржимаси).

Менга бу очик таклиф ёқади. Жуда узоқ вақтлар давомида биз томонимиздан ва биз учун кўплаб эшиклар ва деразалар ёпиқ турди. Сиз, азизам, фақат сиз ўз ҳаётингиздаги эшик ва деразаларни очиш ҳокимииятига эгасиз. Айнан сиз қайси эшикни очиб, қайсисини – ёпишни қарор қиласидиган дарвозабонсиз. Ўз худудини муҳофаза қилиш муҳим, бироқ Худони юрагингизга таклиф қилганингизда, сиз тўлиқ ҳимоя учун кафолатга эга бўлдингиз. Ўз ҳаётингизнинг эшикларини У учун очиб, умид масканида... Худонинг инояти ва шарафи қуишлиши учун эркин ва очик бўлиб қолганингизни сезасиз. Ёзувдаги қуийдаги матн ҳам бизни очик бўлишга ундаяпти.

“Биз сир сақламаймиз – биз улар ҳақда айтамиз; биз ҳеч нарсани яширмаймиз – аксинча, биз ҳамма нарсани оммага олиб чиқамиз” (Марк 4:22, Message таржимаси).

Сиз бунда иштирок этишга ҳақлисиз. Ҳеч ким Худо эзгу экани ҳақидаги хабарни яшириб ўтирмайди. У сизни абадий севгиси билан севди ва эзгулиги туфайли Ўз уйига таклиф қилди. Худо сизга Ўз сирларини очганидек, сиз ҳам Унинг қаршисида ўзингизнинг сирларингизни очишингиз мумкин. Бирорта ҳам яширин гуноҳ ҳамда уялишга сабаб йўклигини ва сизни кишанлайдиган диний тақиқлар йўклигини билганингизда, бу сизни чинакамига озод қиласди. Худо сизнинг ҳеч ким билмайдиган сирларингизни ва барча хатоларингизни билса ҳам, барибир сизга бўлган севгиси ҳақида эълон қилаётганини англаб етганингизда, кучга тўласиз.

Бунга жавобан биз ҳам Унга нисбатан шундай йўл тутишимизни истайди. Худо томонидан бизга ишониб топширилган мактуб шундан иборатки: Ота Худо севгидир, Унинг ягона Ўғли эса бизни У билан яраштириш учун ўлди. Бу мактуб шукадар улкан ва сахийки,

бу ҳақда жим ўтира олмаймиз. Хушхабар сирли нарса эмас, бироқ Унинг севги мактуби ортида турган сир ҳайратланарли.

Биз киммизки, Самовий Ота бизга шуқадар эътибор қаратди ва мана шундай ажойиб ҳадяни берди? У бизга Ўзининг севги режасини очди ва ўзимиз қандай эркин тарзда унга ижозат олган бўлсак, худди шундай эркин ҳолда бошқалар билан уни бўлишишни сўради. Ҳар бир киши Худо севгиси ҳақидаги хабарни эшлишига лойиқ.

Худонинг барча сирларни очиш ҳақидаги таклифини ўқиб, эҳтимол, сиз ҳаётингизда ёпиқ соҳалар борлигини англаб етгандирсиз. Бу балки қўрқувнинг яширин жойлари ёки чуқур уят бўлиши мумкин. Балки бу сиз очишдан ҳадиксираётган эшик ёки дераза бўлиши мумкин. Мен сизни тушунаман.

Биз бутун оиламиз билан сафарга борганимизда, ёнма-ён жойлашган хоналарни буютирамиз. Бу иккита эшик билан қўшилган ўзаро боғланган хоналар бўлади. Бу хоналарни бирлаштириш имкони бўлса ҳам, то иккала эшик ҳам очилмагунича, бир хонадан иккинчи хонага ўтиб бўлмайди. Одатда биз Жон билан, хонага кирган заҳоти эшикни очиб қўямиз, болаларимиз эса бирордан сўнг – жамадонларини очиб, кийимларини алмаштиргандан кейин очадилар. Икки эшик ҳам очиқ турганда, бир-бirimизнинг хонамизга эркин кириб-чиқишимиз мумкин ва ҳаммамиз эркин ҳолда иккала хонага ҳам кириб юрамиз.

Азизам, эшикларингизни очинг. Бошқа томонда оиласангиз сизни кутаётган нур тўла хона бор. Қўрқманг! Худо сиз учун эшигини ёпгани йўқ. Аввал очилган эшик ҳам сиз учун ёпилмайди. Унинг эшиклари очиқ. Шунчаки ўз томонингиздаги эшикни очинг.

Мен сизни ҳаётингиздаги оғриқни ҳис қилаётган ҳар бир соҳасини Унинг қаршисида очишга ундейман. Унинг ҳаёти ва нури ҳар қандай қоронгуликка ишорани қувиб юборишига рухсат беринг.

Сизнинг жонингизнинг душмани сиз панада қолишингизни истайди. Нурда оддий ва равшан бўлиб турган нарсаларни, коронгулик мураккаблаштиради вачувалаштиради. Худо биз шунчаки нурда яшашимизни истамайди; У бизни нур бўлишимизни истайди. Сиз ўз юкингиздан халос бўлган ҳолда ҳаёт йўлингизни давом эттиришингиз мумкин, боз устига буни ҳозирнинг ўзида амалга оширишингиз мумкин. Мана шу ибодатнинг қўрки ва кучи хисобланади.

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулықда эса овга чиқадилар

Мен сизга ўз эшикларингизни очишга ёрдам берадиган бир неча сўзларни ёздим, қуйидаги ибодатда эса чинакамига юрагингиз сизни бошқарсин.

Осмондаги азиз Ота,

Мен Сенинг қаршингга Исо Масих номи билан келаман. Мен сендан яшириниб юрганим учун мени кечиргин. Мен ёруғлика чиқишини истайман. Мен ҳар битта ёпиқ эшикни очаман ва Сенинг эзгулигинг ва севнинг нурига чиқаман. Миннатдорлик билан кечирим олиш ҳуқукини қабул қиласман ва ҳақиқатда яшашга қарор қиласман, чунки фақат шу нарса мени озодликда мустаҳкамлади. Мен Сеникиман. Мен ўзимни Сенинг севгингга топшираман ва бундан кейин Сенинг йўлларингдан юраман. Менинг йўлларимни ёритгин. Омин!

## ТУНГИ КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ

Энди, нурдаги синглим, сизга шерларга хос яна бир сифатни айтиш фурсатини интизорлик билан кутяпман. Билиб олганингиздек, шерлар ёруғлиқда яшайдилар ва қоронғулықда ов қиласидар. Аммо улар кай тарзда тунда ов қилишининг уддасидан чиқадилар? Ўткир ҳид билиш ёки ингичка эшитиш қобилияти шарофати биланми? Йўқ!

Бизнинг шер опа-сингилларимиз аслида қоронғулықда ҳам кўриш қобилиятига эга.

Қандай қилиб?

Шерларда ҳам бошқа мушуклар туркумига киравчи ҳайвонларга ўхшаб, нурни қабул қилиб, синдириб, сўнг уни акс эттириш каби маҳсус хусусият бор экан. Улар кўра олиши учун ҳатто, энг кам микдордаги ёруғлиқдан фойдаланиш қобилиятига эга. Бутунлай қорунгулықда, шерлар ҳам бизга ўхшаб, ҳеч нарсан кўра олмайдилар. Лекин зулматда нурнинг бир шуъласи тушиб турса ҳам, ундан фойдаланиб, буни кўра олиш ҳолатига келтиради. Ҳатто ойнинг зиёси ёки юлдуз нурининг узоқдаги шуъласи шерларга тунги кўриш қобилиятини беради.

Уларнинг кўзларига нурни ўтказадиган қораҷиқлари бизникидан фарқ қиласиди. Бу уларга бошқалар ҳеч нарсани кўрмаган пайтда, назарини жамлашга замин яратади. Улар кўраётган нур, қандайдир маъ-

нода уларни ўраб турган атрофдан эмас, ўзларининг кўзидан чиқади. Мана нима учун мушукларнинг кўзлари тунда ёниб туради. Мушуклар уларга яқин бўлган ҳар қандай нурни йигиб олиб, сўнг тарқатадилар.

Наҳотки биз бу борада шерлардан ортда қолсак? Бу дунёдаги зулмат қуюқлашган сари, биз фойдаланишимиз мумкин бўлган, ташки нур камайиб бораверади. Ичимиздаги нур манбаини ривожлантириш ва унга диққатимизни жамлаш вақти келди.

“Балки мени зулмат коплар ва менинг атрофимдаги ёруғлик тунга айланар”, – десам, зулмат ҳам Сендан тўса олмайди. Тун ҳам кундуздек ёруғдир; қоронғилик ҳам ёруғлик ҳам бирдек” (Санолар 138:11-12).

Агар қачондир шердан ушбу истеъодни ўзлаштиришимиз кепрак бўлса, буни ҳозир қилиш зарур. Кўпларимиз кундузи кўра оламиз, лекин мен қорунғулиқда ҳам кўриш қобилиятимизни ривожлантиришни таклиф этаман. Шерлар кўришда ишлатадиган нур – бу аслида уларнинг кўзидан тараляётган нурдир. Агарда бизнинг юрагимизда олов ёниб турса, атрофимизда хукм сураётган зулматнинг қуллигига тушиб қолмаймиз.

Бу бизга кенг ҳажмдаги яхшироқ кўриш қобилиятини беради, бизнинг нуқтаи назаримиз Худоники билан мос келади.

Худо нурдир. Унда қорунғулик йўқ. Бизнинг онгимиз бу ҳақиқатни сиғдиришга қодирмикан деб ўйлаб қоламан. Нур бор жойда – кўриш мумкин. Кўриш мумкин бўлган жойда, умид бор ва у жойда очиқлик қайта туғилади. Очиқлик бор жойда ваҳий бор.

Менга ваҳий бўлиб очилган Ёзуудан илк оят эсимда.

“...токи Раббимиз Исо Масихнинг Худоси, шұхратнинг Отаси, уни таниб-билишингиз учун сизларга донолигу ваҳий Рухини берсин ва фаҳмлашингизнинг кўзларини ёритсин, токи сизлар Унинг даъватининг умиди нимадан иборат эканлигини ва муқад-

**Худо мантиқий фикрлардан келиб чиққан фараз эмас, бироқ У ўз-ўзидан яққол кўриниб турган нурга ўхшаб, бевосита билимдир. У мантиқий тафаккур нури ёрдамида қоронғулиқда излаш керак бўлган нарса эмас. Унинг Ўзи нурдир.**

— АВРААМ ЖОШУА ХЕШЕЛЬ

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

даслар учун бўлган Унинг мероси шухратининг бойлиги қандай эканлигини билиб олинглар” (Эфесликларга 1:17-18, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Бу ибора менинг хар кунлик ибодатимга айланди. Мен хар тун ухлашдан олдин шивирлаб айтар, кейин кўзларимни юмиб, Худони тушларимга чакирап эдим. Куннинг ёргуғида Ёзувни ўқишдан аввал, Унинг ваъдасини ўзимга қабул қиласр эдим. Само менинг ҳаётимда акс этишини кўриш қобилиятига эга порлоқ кўзларга эга бўлиш ваъдаси ва мўъжизаси мени қамраб олган эди.

Сиз қараган нарсага ўхшаш бўлиб борасиз. Сиз кўрган нарсангизни ифодалайсиз. Раббий биз учун қай даражада ақл бовар этмас мўъжиза тайёрлаб кўйгани ҳақидаги тушунчани йўқотиб кўймадикмикан деб кўрқаман. *Художон, қўра олишишимиз учун кўз бергин!*

Бу илтижода пайғамбарлик даъватида хизмат қиладиган одамлар эга бўлиши керак бўлган болаларча беғуборлик, поклик ва оддийлик акс этган. Бу садони Элий Шомуилга берган маслаҳатида эшитамиз.

“...Жойингта бориб ёт, У яна сени чакирса, сен: «Гапиравер, ё, Раббий, қулинг тингляяпти», деб айтгин...” (1-Шоҳликлар 3:9).

Худонинг овози Шомуилни уйқудан уйғотиб, чорляяпти. Бизнинг жавобимиз ҳам, уникага ўхшаган бўлиши зарур: “Гапиравер, ё, Раббий, қулинг тингляяпти”.

Шомуил то жавоб бериб, Худодан гапиришини сўрамагунича, у Худо фақат унинг исмини айтиб чакирганини эшитди. У Раббийнинг номидан пайғамбарчилик қилишни бошлаган пайтгача, белгиланган вақт ўтиши керак эди.

Қанчамиз Худо бизнинг фақат исмимизни айтганини эшитганимиз, холос? Ишонинг, бу кечинманинг аҳамиятини ерга урмаяпман, лекин бу фақат бошланиши. Келинг, ҳар биттамиз истайдиган каттароқ нарсаларга ўтамиз. Биз Худонинг режасини билишни ва У билан биргалиқда меҳнат қилишни истаймиз, бу билан Унга биз орқали гапиришига имкон берамиз.

Худо Шомуилга деди: “Диккат билан қулоқ сол! Мен Истроилда ҳамманинг эътиборини тортадиган ва барчани ларзага соладиган бир иш қилишни ўйлаб қўйганман” (1-Шоҳликлар 3:11, Message таржимаси).

Шубҳам йўқки, Худо ҳозир ҳам бизга шундай демокда: “Қизларим, дикқат билан қулоқ солинглар! Мен ҳаммани ларзага соладиган ва бутун дунёning эътиборини тортадиган бир иш қилишга шайланниб турибман”. Худо дунёning эътиборини, Унга жалб қиласидиган фарзандларга эга бўлишга чанқоқ.

Шомуил даврида Худо одамларга камдан-кам мурожаат этган, Унга сигинадиган Худонинг қурбонгоҳи ва маъбаднинг улуғворлиги эса ҳаром қилинган эди. Маъбад жинсий айш-ишрат жойларининг бирига айланган эди! Элий ўғилларининг муртадлигидан охир-оқибат фойдага эга бўлгани учун уларни назорат қила олмас ёки назорат қилишни истамас эди.

Натижада Худо Элийнинг хонадонидан юз ўғирди ва ўзини Худога бағищлаган, Худо ишона оладиган ёш ўйигитни даъват этди. Ҳозирги замондаги гуноҳлар ўша пайтдаги гуноҳлардан унчалик ҳам фарқ қилмайди, Худонинг эса ҳозир ҳам уйғонаётган фарзандлари бор.

Ўсмир Шомуил ҳаётга тўла эди ва Худонинг марҳаматида ва халқнинг кўзида хурмат орттириб ўсишда давом этарди  
(1-Шоҳликлар 2:26, Message таржимаси).

Мен айнан мана шундай кўринишга эга – ҳаётга тўла, Худонинг марҳаматига эга ва одамларнинг кўзида маъқул бўлган ёшларни кўрганман. Худо уларни бизнинг сафимизга қўшишни истайди, токи биз биргаликда Унинг ишларини амалга оширайлик.

Бу содир бўлиши учун, Худо амалга ошираётган ишларни кўриш, қулоқларимизга эшитиш қобилиятини берадиган пайғамбарчилик уйғониши келиши лозим ва бу Унинг сўзларини шуқадар ёрқин ва тўлиқлиқда очиб бериш истеъодини ато қилсинки, токи у инсонларнинг юрагидаги тўсиқларни олиб ташласин.

Айтилганларнинг барига асосланиб, бу саҳифаларни пайғамбарлик назари сифатида қабул қилишингизни истардим, токи бу юрагингиз бурчакларидаги Худонинг мўъжизасини кутиб ёнаётган чўгларга мурожаат этишига рухсат беринг. Билиб кўйинг, бу ерда келтирилган Ёзувдан олинган матнларни ўқиганингизда, улар сизнинг ичингизда Худонинг инъомини қўзғатишга ёки жонлантиришга қодир.

Бу Муқаддас Рух ҳаётингизнинг ҳажмини ошириши ва сизда эшитиш, кўриш ва тушуниш қобилиятини кўпайтиришидир.

Бир марта воизликни тугатганимдан сүнг, ҳаётида Худонинг кучли мойланиши бўлган ажойиб бир аёл ёнимга келди ва ўзининг қуидаги кечинмалари билан бўлишибди: “Ҳар сафар сизнинг воизликларингизни тинглаганимда, ичимдаги гўдак қимирилашни бошлайди”.

У фарзанд кутмаётган эди – ҳар ҳолда, мен бу ҳақда билмас эдим. У ичидаги Худонинг қандайдир ҳаракати ҳақида айтиб, уни қандай тарзда ифодалашни билмас эди.

Эҳтимол, сиз ҳам ичингизда шунга ўхшаган ҳаракатни сезгандирсиз. Лекин ҳалигача ўтириб, ўзингизни шунга ишонтияпсиз: “Мен қандайдир пайғамбар эмасманку!” Мен уйда болалари билан ўтирадиган онаман ёки оддий ўсмирман, ёки мен доим ишда бўладиган аёлман, ёки мен бувиман. Балки сиз “пайғамбар” сўзини эшитганингизда онгингизга суюклари ёнаётганини ҳис этиб, зинданда ўтирган Йермияҳ ёки китнинг ичида ўтирган Йонаҳ келар.

Сизнинг ҳаётингиз уларнидан жуда катта фарқ қилишига ишонаман. Эҳтимол, сиз пайғамбар ҳам эмассиз, бироқ бу пайғамбарчилик инъомида ҳаракат қила олмаслигингизни билдирмайди.

Пайғамбарчилик инъомида ҳаракат қилиш – сизга ниманидир олдиндан айтишнинг стратегик қобилиятини берадиган очиқликни ва узокни кўра олишга эга бўлишни англатади. Ҳатто, баъзида бизнинг ибодатларимиз пайғамбарчилик шаклига киради. Худо бизни эшитишни билганимиз учун, У бизга жавоб беришини, биз олдин билмаган ҳайратли ва буюк нарсаларни кўрсатишини биламиз. Биз келаҗакка умид билан қараб, ибодат қиласиз.

ИсоMasix ерда юрган вақтларда, фарзийлар кўриш қобилиятини йўқотиб қўйган эдилар. Исонинг ҳаёти ва сўзлари доим уларнинг кўрлигини фош қиласи ва улар бундан ғазабга тўлар эдилар. Юҳанно китоби 5-бобда Исо яна уларни аччиқлантиргани таърифланган – бу сафар шанба куни шифолагани учун. Бу уларнинг қонунини бузишга кирган. Аммо Исонинг ҳаракати Худонинг халқини шанбага риоя қилиш, шанбани унутмаслик ва уни муқаддаслиқда сақлашга чорлаётган Худонинг амрларига зид бўлмаганини тушунишимиз мухим.

Чўлоқ кишини шифолашдан-да муқаддасроқ иш бўлиши мумкинми? Уларнинг кўзида хеч нарса қиласлик, ёки Исо шифолашни истаб қолган бўлса, буни ҳафтанинг бошқа куни қилиши муқаддас-

ликнинг чўққиси хисобланган. Қонун ва қоидалар билан кўр бўлиб қолган фарзийлар қоқинар ва йиқилар эдилар.

“Исо эса уларга: “Отам ҳанузгача шундай ишларни қилмоқда ва Мен ҳам буни қилмоқдаман”, – деб жавоб берди. Шунда яхудийлар Уни ўлдиришга янада кўпроқ харакат қилдилар, чунки У нафақат шаббатга риоя қилмас эди, балки Ўзини Худо билан тенг килиб, Худони Отам деб атар эди. Бунга Исо жавоб бериб деди: “Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни килади. Зоро Ота Ўғилни севади ва Унга Ўзи қилаётган ҳамма нарсани кўрсатади. Унга булардан кўра улуғроқ ишларни ҳам кўрсатадики, сизлар ҳайратда қоласизлар” (Юҳанно 5:17-20, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Шанба ҳақидаги топшириқ бизнинг ишимизни хисобга олмаган, балки Худо амалга ошираётган ишда тинчлик олишни кўзда тутар эди. Исонинг тўғридан-тўғри айтган гаплари қаршимизга биз жавоб беришимиз зарур бўлган саволларни кўяди:

- Сиз Худонинг қизимисиз?
- Отангиз амалга ошираётган нарсаларни кўришни истайсизми?
- Бу ишларнинг бир қисми бўлишни истайсизми?
- Нур олиб юришни истайсизми ёки кимнингдир қоронгулигини кўрсатиб юришними?
- Бошқалардан ёпик ҳолда яшаб, баҳтиёр масиҳиймисиз?
- Сиз ҳолдан тойган, умиди сўнган, ҳалок бўлаётган, дарз кетган дунёга Унинг мўъжизаларини намоён этишни хоҳлардингизми?

Исо ҳеч қачон Ўзини галати тутмаган, бироқ қаерга бормасин, ҳамма жойда Худонинг мўъжизаларини кўрсатган.

Агарда Худонинг Ўғли, Исо Масих ўзича ҳеч нарса қила олмаган бўлса, демак биз ҳам Муқаддас Рухдан маърифат ва фаҳмлаш қобилиятини олмай туриб, ҳеч нарса қила олмаймиз. Биз У қилган ишларнигина қилишимиз зарур. Худо бизга ёрдам бериши ҳақидаги ваъдага эгамиз. Буни таъкидлаб ўтиш учун, келинг, Ҳаворийлар Китобига яна бир бор назар ташлаймиз.

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

“Мана, охирги кунларда шундай бўлади,— дейди Худо,— Мен Ўз Рухимни ҳар бир вужуднинг устига ёғдираман. Сизларнинг ўғилларингиз ва сизларнинг қизларингиз башорат қиласидилар, сизларнинг йигитларингиз ваҳий кўрадилар, сизларнинг мўйсафидларингиз туш кўрадилар. Ўша кунларда Мен Ўз Рухимни кулу чўриларим устига ёғдираман ва улар башорат қиласидилар. Юқорида осмонда мўъжизалар ва пастда ерда аломатлар, қон, олов ва тутуннинг бурқираб чиқишини кўрсатаман. Раббийнинг буюк ва шарафли куни келишидан аввал қуёш қоронғиликка, ой эса қонга айланади. Шу тариқа, Раббийнинг номини чакирган ҳар бир киши нажот топади” (Ҳаворийлар 2:17-21).

Манашу охирги кунлар учун ҳали ҳам, Рухнинг шамолида олиб келинган ваъда сўзлари мавжуд. Ишонинг, бошида ўзим ҳам, нега Худо айнан бизни танлади деб ҳайрон бўлдим. Мен дунё бўйлаб сафарларда, содир бўлаётган воқеаларни кузатганимда, манашу одамларга ёки манашу вақтда, мен ўз рухимни қўймаган бўлар эдим деб ўйлаб қоламан. Мен ҳамма нарса бунчалик хира ва нотайин бўлмаган, ёқимлироқ, покроқ, хавфсизроқ вақтни танлаган бўлар эдим.

Мен маъқул вақт деб, Милодимизнинг эллигинчи йилларини, масиҳийларга нисбатан қувғинлар бошланган вақтни олган бўлар эдим. Лекин шундай бўлса, бу манзарада биз қаердами? Балки сиз Рухнинг қуишлишини истамассиз ёки Унга муҳтоҷ эмассиз? Эҳтимол, сизнинг жамоатингизда бунга ишонмас. Аслида мен айтадиган гаплар ёки сизнинг истакларингиз аҳамиятга эга эмас. “Мана, охирги кунларда шундай бўлади,— дейди Худо,— Мен Ўз Рухимни ҳар бир вужуднинг устига ёғдираман”.

Менинг фикримча, Худо охир-оқибат Ўз ҳалқига эга бўлади ҳам, нима деган бўлса, шу нарсалар амалга ошади ҳам. Ҳатто, шундай бўлганда ҳам, бу нимани англатади? Худо Рухнинг қуишлиши қандай кўринишга эга бўлиши мумкин? Келинг, Рух қуишлишининг ҳаракатини ўрганиб чиқамиз ва бунга янада аниқроқ таъриф берамиз.

Тахминан икки минг йил илгари Исони қўрсатиш ва имонга келганларнинг юракларини янгилаш учун Муқаддас Рух ерга юборилган эди. Хуллас, биз Масиҳнинг Танасида, яъни жамоатда ҳаракатланадиган Муқаддас Рухга эгамиз. Бироқ ҳозир содир бўлаётган воқеаларни Рухнинг қуишлиши деб атамаган бўлардим.

Рұхнинг қүйилиши қандай күренишга эга бўлиши мумкин?

Буни ўрганиш учун, аввал “рух” сўзининг маъносини аниқлаб олишимиз зарур. “Рух” сўзининг тўртта аниқ маънолари бор. Биринчиси – бу “куч”. Бу фикрга “дадиллик”, “ботирлик”, “кучли иродат”, “ҳаракатчан куч”, “қатъиятлилик”, “ахлоқий турғунлик”, “донолик”, “мақсадга интилиш”, “жасурлик”, “юрак” ва “аланга” тушунчалари ни киритиш мумкин. Ёзувдан олинган кейинги сатрларда, Рух дадиллик ва жисмоний куч тарзида қўйилганининг мисоли келтирилган.

“Унга Раббийнинг Руҳи тушиб келди ва у шерни улоқчани ёриб ташлагандек ёриб ташлади, унинг қўлида эса ҳеч нима йўқ эди...”  
(Судъялар 14:6).

Ҳа, бу кабутар кўренишида тушиб келадиган Рұхнинг тимсолига ўхшамайдиган, қаттиқ мисол.

Мана Рұхнинг донолик ва ахлоқий турғунлик сифатидаги тимсоли:

“Унинг устида Раббийнинг Руҳи, донолик ва англаш руҳи, маслаҳат ва қувват руҳи, билим ва Раббийдан қўрқиши руҳи бўлади” (Ишаъё 11:2).

Ёки:

“Ё, Худо, менда тоза юрак яратгин ва менинг ичимда тўғри руҳни янгилагин” (Санолар 50:12).

Фаҳмлаш тарзида қўйиладиган Руҳ ҳам бор:

“Мен уни Худонинг Руҳи, донолик, фаросат, билим ва ҳар хил маҳорат билан тўлдирдим” (Чиқиш 31:3).

Ва ниҳоят, мана, Ёзувда Руҳни юрак деб ифодалайдиган оят:

“Уларга ягона юрак бераман, уларнинг ичига янги руҳни соламан ва уларнинг таналаридан тош юракни олиб, уларга этли юрак бераман” (Эзекил 11:19).

Шунингдек, “рух” сўзининг иккинчи муҳим маъноси бор – уни “жон” сўзи билан таърифлаш мумкин. Бу фикрда “менинг ички инсоним”, “ҳаётий куч” ва “инсоннинг борлиги” деган тушунчалар бирлаштирилган.

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

“Инсоннинг рухи унинг заифликларини қўтариб юради, аммо шикастланган рухни ким қувватлай олади?” (Ҳикматлар 18:14).

“Қувноқ юрак чехрани ёқимли қиласди, юрак қайғуси эса рухни синдиради” (Ҳикматлар 15:13, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

“Рух” сўзининг кейинги маъноси – “шарпа, кўланка, арвоҳ, хаёл” (Бу маъноларни ўрганиб ўтиришимизнинг ҳожати йўқлигига аминман).

Ва ниҳоят, рух сўзи “умумий ҳис, муносабат, қайфият, майл, мухит” деган мазмунларга эга. Эҳтимол, сиз одамлар қаердадир ўзини яхши ҳис этганида – “бу ернинг рухи яхши экан” деганини эшитгандирсиз. Улар бундай деганларида арвоҳ ёки қабутарни назарда тутмайдилар. Улар мухит ёки ҳамманинг ҳиссини қамраб олган нарса ҳақида гапирадилар (жумладан, кутиш ҳақида). Адашмасам, ҳамма бир жойда яқдиллиқда йиғилиб ўтирган, биринчи марта рухнинг қуишлиши бўлган ўша болаҳонада ўзига хос мухит, қайфият ёки рух бўлган – Худо амалга оширишни истаган нарсага нисбатан қарши олиш ва хурмат рухи бўлган.

“...Раббийнинг Рухи бор жойда озодлик бор”

(Коринфликларга 2-мактуб 3:17).

Хуллас, бу ерда, қай тарзда Рух Худодан эркинлик мухитини олиб келишини кўришимиз мумкин.

Эҳтимол, сиз “рух”ни номаълум тилларда гапириш инъоми сифатидан тасвиrlамаганимни сезган бўлсангиз керак. Номаълум тиллар – Муқаддас Рух хузурининг бир гувоҳлиги ёки қўриниши, аммо номаълум тиллар Муқаддас Рухнинг тўлиқ намоён бўлиши эмас.

Муқаддас Китобдан Муқаддас Рух Ўзини турли тарзда намоён этишини кўрдик. Шамшон филистинларнинг маъбадини қулатиши учун Рух унга гайритабиий куч ато этди. Элиша шоҳнинг от араваларини қувлаб, ўзиб кетди. Гедионга Худонинг жасорати тушганида, у қуролсиз қўшинни йиғиб, душманни енгди. Чўлда яшайдиган ёлғиз аёл Дебора, Рухнинг кучи билан Исройлнинг душманларига қарши кудратли баҳодирларни қўтарди. Рухнинг кучи билан Исо қаерга борса, ўша жойда, йўлида учраган ҳар битта кишига гувоҳлик сифатида, Худонинг табиатини Ўзидаги акс эттиради.

Мана энди биз ҳам. Муқаддас Китобда охирги пайтларда одамлар кўркувдан ҳолдан тоядилар деб айтилган. Бу фалаж қиласиган кўркувни қандай енгиш мумкин? Бунинг жавоби Худодан дадиллик қуиши деб ўйлайман.

Биз пайғамбарчилик қайта уйғонган вақтда яшаётганимиз учун, одамлар баъзида осмондаги нарсаларни кўриши, бироқ буни қайта кўролмаслиги туфайли, бу кўриниш ўйлаб топилган ёки ясамадек туюлиши мумкин. Баъзиларингиз, эҳтимол, ғалати ёки очиқласига ёлғон бўлиб туюлган пайғамбарчилик ҳаракатлари билан бирор марта дуч келгандирсиз.

Келинг, аниқлик киритамиз. Худога инсоннинг танаси ёки қандайдир унвонга эга бўлган одамлар тўдасидан каттароқ бўлган жой керак. Худога Унинг юрагига эга бўлган одамлар керак. Биз манашу вақтда туғилганимиз учун пайғамбарчилик инъомида ҳаракатланаяпмиз. Бирорта анжуманда катнашганимиз учун эмас, балки Шомуилга ўхшаб, Худоимизга хизмат қилганимиз учун. Анжуманларнинг ёмон жойи йўқ; шунчаки гап анча каттароқ нарсалар ҳақида кетмоқда.

Худо пайғамбарчилик инъомларини одамларнинг кичик гурухигагина бериладиган қандайдир маҳсус, сара нарса деб режалаштиргмаган. У инсониятга ҳамда пайғамбарчилик очиқликларига ва овозларга, биз кўришимиз учун кўзимизни; эшитишимиз учун кулоқларимизни, гапириш учун оғзимизни ва қайгудош бўлиш учун юрагимизни очишни белгилаган.

Пайғамбарчилик инъоми масаласини ҳаддан ташқари соддалаштиришга таваккал қилиб, менинг севимли пайғамбарим Ишаъё китобини ўрганиб, ўзим учун олган бир нечта қоидаларни таклиф этмоқчиман. Унинг руҳлантирадиган пайғамбарчилик мактубидан қуидагиларни билиб оламиз:

“Биз нима учун яратилган бўлсак, шундай яшай олишимиз учун У бизга қай тарзда ҳаракат қилишни кўрсатади” (Ишаъё 2:3, Message таржимаси).

Бу менга ёқади: бизга белгиланган ҳаётда яшашни бошлишимиз учун Худо бизга Ўз ҳаракатининг тимсолини очмоқда. Биз Раббинизнинг юрак ўришига ҳамоҳанг равища яшаш учун яратилганмиз.

У бизга Ўз йўллари ва Ўз ишларини кўрсатишни истайди. Айтилгандардан келиб чиқиб, Ишаъё китобининг 49-бобидаги келажақдаги одамларга қаратса ёзилган бир нечта буйруқларни топдим; ҳаворий Повул ҳам Римликларга мактуб 6-бобда Ишаъёнинг сўзларини тақоролаб, худди шундай деган.

- Юқорига қаранг.
- Атрофингизга қаранг.
- Диққат билан қаранг.
- Олдинга қаранг.
- Ҳақиқатни гапиринг.

Аввало, юқорига қаранг. Бирди-ю сиз нигоҳингизни қай тарзда осмонга кўтаришни билмасангиз, дунёга Самонинг назари билан қараш учун, Ваҳий Китобидан яхшироқ жойни тополмайсиз. Илтимос, бу китоб хақида охирги замоннинг манзараси ҳақидаги даҳшатли башорат деб ўйламанг. Бу олдин Бор бўлган, ҳозир Бор ва келажакда Келадиган Шахс ҳақидаги ваҳийдир. Худо вақтга боғлиқ эмас; У абадий ва бизга кўпинча абадийлик холатида мурожаат этади. Коллежда мен бутун семестр давомида Ваҳий китобини ўрганган эдим ва бугунгача одамлар бу китобни бизнинг вақт доирамиз билан чеклашга уринишларига ҳайрон қоламан. Илоҳиётчи Юҳаннонинг ўзи ҳам, барча ёзганларини тушунганига шубҳам бор. Баъзида ҳамма нарсани билишининг кераги ҳам йўқ, сахна ортида биз тасаввур эта олишимиздан анча каттароқ нарса содир бўлаётганига шунчаки ишониш керак.

Юқорига қарашимиз ўта муҳим. Биз шу пайтгача Ўзининг илоҳий имтиёзларини қолдириб, Инсон Ўғлига айланиб, Жалилия ерида юрган, оддий одамлар билан вақт ўтказган Исо Масиҳ ҳақида воизлик қилиб келдик. Лекин Юҳанно Исони қандай кўринишда тасвирлагани ҳақида нима дейсиз? Агар уддасидан чиқа олсангиз, буни тасаввур қилиб кўринг:

“Етти шамдонларнинг ўргасида эса бўйи баравар узун ридо кийган ва кўксигача кўтарилган олтин камар боғлаган Инсон Ўғлига ўхшаш бир Кимсани кўрдим. Унинг боши ва соchlари оқ жундек оппоқ, кордек оппоқ эди. Унинг кўзлари эса алантали оловдек эди. Унинг оёқлари қиздирилган ярқироқ мисдек эди, Унинг овози эса кўплаб сувларнинг шовқинидек эди. У ўнг қўлида етти юлдузни ту-

тиб турар, Унинг оғзидан дудама қилич чиқар эди. Унинг юзи эса ўз кучида порлаётган қүёшдек эди. Мен Уни кўрганимда, Унинг оёқларига мурдадек йикилдим. У менга ўнг қўлини қўйиб, деди: «Қўрқма, Мен Биринчи ва Охиргидирман, Тирикман. Мен ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Омин. Мен дўзах ва ўлимнинг калитларига эгаман. Энди, сен кўрган нарсалар, бор нарсалар ва бундан кейин келадиган нарсаларни ёзгин” (Вахий 1:13-19).

Келинг, бу ерда аслида нима ҳақда гап кетаётганини тушунишга харакат қиласиз. Юҳанно, ўн икки шогирднинг ичиди, муболагасиз энг вазмини эди. Аслида у Исонинг энг севимли шогирди эди. Охир оқибат, Исо Сирли кечада Унга ким хиёнат қилишини айнан Юҳаннога айтган. Юҳанно Исони Самода, Худо Ўғли шарафида кўрганида, у Унинг оёқлари олдида хушидан кетди! Бу қўлида қўзича ушлаб турган ёки балиқ пишираётган Исонинг тасвиридан бутунлай бошқача эди. Бу Ўз қўлларида юлдузларни ушлаб турадиган Қодир Худонинг Ўғли. Бу куролланган, қудратли жангчи Шоҳ. Биз Исо Масих ҳақидаги манашу ҳайратли ваҳийни воизлик қилишни бошласак нима бўлади? Келинг, Вахий Китобига назар соламиз.

“Бу – тез кунларда содир бўладиган нарсаларни Ўз қўлларига кўрсатиш учун Худонинг Исо Масихга берган ваҳийидир. У буни Ўз фариштаси орқали юбориб, Ўз қули Юҳаннога кўрсатди. У Худонинг сўзи, Исо Масихнинг гувоҳлиги ва кўрган нарсалари ҳақида гувоҳлик берди. Бу башпорат сўзларини ўқийдиган ва эшигадиган ҳамда унда ёзилганларига риоя қиласидиганлар баҳтлидилар, чунки вақт яқиндир” (Вахий 1:1-3).

Аввало, бу китоб Исонинг ҳаққоний моҳиятини очиб беради. Бунда уни ўқийдиган, тинглайдиган ва бу ваҳийни сақлайдиган хар битта киши учун марҳаматлар эълон қилинган, негаки у бизнинг эътиборимизга шак-шубҳасиз арзийдиган ваҳий. Бу ваҳий умуман олганда нима учун зарур бўлди? Ахир, бизда Исо ерда яшагани ҳақидаги маълумотлар камми?

Бизнинг ғолиб Қутқарувчимиз, Масихимиз аслида Ким эканлигининг, бор-йўғи бир парчаси холос. У илоҳий имтиёзлардан воз кечди ва бизга ўхшаш қиёфага кирди, токи биз ҳам ўзимиздан воз кечиб,

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

Унга ўхшаш бўла олайлик. У қудратли, У муқаддас, У мўъжизавий... шунинг учун юқорига қаранг!

Кейинги банд – атрофга қаранг. Келажакка самовий баландликдан назар солиб, ўзимизга, атрофимизга ва ерда яшайдиган бошқа одамларга янада маърифатлироқ кўз билан қарашни бошлаймиз. Ишаъё ҳам Худо берган ваҳий билан қалбининг тубигача ларзага келган пайт буни бошидан кечирди (Ишаъё 6-бобга қаранг). Биринчи у оғзи нопок эканини ҳис этди. Кейин унга атрофида яшаётган халқнинг бор ифлосликлари очилди. Курбонгоҳдаги кўмирнинг ёрдамида Ишаъё гуноҳ ва уятдан тозаланди ва дадиллик билан: “Мени юбор” – деб айта олди. У покланди, унинг юраги кенг очилди, Худо огоҳлантирганидек, унга қулоқ солмайдиган одамларнинг олдига боришга тайёр эди.

Биз ўзимизни ва бизни ўраб турган дунёни муқаддас, ҳақ Худо билан таққослаганимизда кўрадиган кескинлик ва қарама-қаршилик, юракларимизни тор-мор қилиши лозим. Атрофингизга қаранг. Янгиликларни ёки ҳатто, кулгули сериалларни ёқинг. Нимани кўряпсиз? Мен гуноҳ ва адолатсизликни кўряпман, шунингдек, нур фарзандлари ёруғлиқда яшириниб ўтиргунича, қуюқлашиб улгурган даҳшатли зулмат билан юзма-юз учрашиш учун ўзининг яшириниб ўтирган жойларидан чиқаётганини ҳам кўряпман.

Биз нима учун дикқат билан қарашимиз керак? Ўйлайманки, бу ёвуз, носоғлом дунёга эзгулик ва шифо олиб келиш учун йўлларни излаш дегани. Бу ўз нуримиз билан зулматни қувиши, ҳафсаласи пир бўлганларга умид бағищашиб, ёвузылдан юз ўтириб, яхшилик қилиш дегани. Касал ва заарланган нарсаларда соғлик ва кучни тикланг. Иктиносидий ва таълим соҳасидаги муаммолардан то шахслар ўртасидаги муаммоларнинг ечимиға қараб, бизнинг фаолият доирамиз ўзгариб туради.

Атрофимизда тикланишга муҳтож бўлган оиласалар кўпчиликни ташкил этади. Кўплаб одамлар дори-дармонга, тоза сув ва овқатга муҳтож. Оиласа муҳтож бўлган ёлғиз одамлар кўп; асраб олинишга муҳтож бўлган етимлар, озод бўлишга муҳтож асрлар бор. Кўплаб-куватлашга муҳтож хўрланганлар ва йўл ёқасига ташлаб кетилганлар бор. Дикқат билан қаранг!

Олдинга қараш учун, бизнинг бугунги қарорларимиз келажакда давом этишини англашимиз зарур, шунинг учун дикқат билан қараш

мухимлигини шунчаки тушунибгина қолмай, шунингдек, узокни кўра олишимиз ҳам керак. Биз ҳаётнинг чорраҳаларига яқинлашиб қолганимизда, бошлаган ишларимизни охирига етқазишга уринишимиз керак.

Менинг Niňja мотоциклим бор. Бу дунёдаги энг технологик ёки хавфсиз нарса эмас, шунинг учун Жон, хотиним ишончсиз нарсада юрибди деб, хавотирланмаслиги учун, мотоцикл ҳайдашнинг хавфсизлиги дарсларидан ўтдик. (Мен у ердаги ягона аёл эдим.) Бу дарсларда, ҳалокатларнинг кўп қисми чорраҳаларда содир бўлишини билиб олдик. Бу мотоцикл ҳайдовчилари қоидани бузишидан эмас, балки машина ҳайдовчилари чорраҳаларда мотоциклни шунчаки кўрмай қолиши сабабли бўлади. Биз ҳалокатни олдини олиш учун фаол тарзда ҳаракат қилишни эслатадиган иборани ёдлаб олдик: ҚББ (бунинг маъноси “Қидириш, Баҳолаш, Бажариш” ҳисобланади).

Ўзимнинг Niňjamda чорраҳага келганимда, машина ҳайдовчилари менга эътибор беришидан ҳам кўра, кўпроқ мен уларга эътибор бераман. Барча юзага келиши мумкин бўлган хавфларни сезиш, биринчи навбатда менга кераклиги учун, машина ҳайдовчилари буни сезмасалар ҳам, уларни мен қидиришни бошлайман. Мен қайси ҳайдовчи телефонда гаплашяпти, қайси буриляпти, қайси мени кўрди ва қайси кўрмади деб, ёнимдаги машиналарга қарашни бошлайман. Мен тош ва кумда юришни ёқтиромайман. Ҳар битта чорраҳада бўлиши мумкин бўлган хафвлар бор-йўқлигини ва энг яхши кесишиш нуктасини текшираман.

Йўлни кўздан кечиргач, вазиятни баҳолаб, энг маъкул йўлни танлайман. Баъзида биз Жон билан мотоциклда юрганимизда, у олдинда боради, чунки унинг мотоциклининг овози менинидан баландроқ ва ҳайдовчилар у юриб келаётганини эшитадилар. Лекин биз машиналарнинг олдида кетаётганимизда, у мени ёпиш учун орқамда юради.

Режа тузилганда, биз уни бажарамиз. Биз машиналарга сохта сигнал чалмаймиз: тўғри кетаётган бўлсак, машиналарни алдаш учун чапга бурилиш чирогини ёқмаймиз. Биз имкон қадар аниқ тарзда мақсадимизни билдирамиз.

Niňjamda юриб, мен яна битта муҳим дарсни ўрганиб олдим: мотоциклда юрганингизда, пастга қараманг, бўлмаса йиқилишингиз мумкин. Мотоциклда, ҳаётдагидек, юқорига ва муюлишдан кейин

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулықда эса овга чиқадилар

тұғрига қарашиңгиз зарур. Агар ҳаракат пайти турған жойингизга, ёки орқага әмас, лекин олдинга қараб ҳайдасангиз, сиз тұғри буриласиз. Олдинга, манзилга қаранг.

Биз ҳозир турған жой – биз етишимиз керак бўлган манзил әмас. Олдинда бизни қўпроқ нарсалар кутмоқда: янада қўпроқ қувонч, хавфлар, Худо, синовлар, адолат, эркинлик, куч, нур, умид кутмоқда.

Биз ҳақиқатдан ҳам ҳозирги вазиятимиз ва келажакда қандай бўлиши ўртасидаги чорраҳада турибмиз. Бу ҳали ҳаётимизда қўпчилик ҳайдовчилар бизни сезмай, четлаб ўтиб кетишини билдиради. Бизнинг хавфсизлигимизни ўйлаб, дикқат билан ҳамма нарсани сезиш учун – улар масъул әмас, келинг, ўзимизнинг ҳам, уларнинг ҳам хавфсизлиги учун ғамхўрлик қилиб, ўзимиз атрофга қараймиз.

Охиргиси – ҳақиқатни гапиrinting. Повул Ишаё олдинга қараб, ҳақиқатни гапирганини айтган. Ишаё ҳаёт пайтида, унинг сўзлари ҳар доим ҳам ҳақиқат деб қабул қилинмаган эди. Айрим тарихшунослар, Ишаё одамларга ҳақиқатни етказгани учун, уни арралаб, иккига бўлган деб хисоблайдилар. У айтган ҳақиқат оммабоп, ёқимили ёки кулай әмасди, лекин у нафақат бу ҳақиқатни эълон қилган – қолаверса, келажакка қаратилган манашу ҳақиқат билан яшаган.

Худо учун сизнинг кимлигингиз ва қандай яшашингиз муҳим. Сизнинг саждангиз рухингизни ҳақиқатни излашга ундаши зарур. Айнан мана шундай одамларни Ота изламоқда: сажда вақти Унинг қаршисида қандай бўлса, шундайлигича самимий бўлган кишиларни изламоқда (Юҳанно 4:23, Message таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Мана, Исонинг биз учун ибодати:

Уларни ҳақиқатинг билан муқаддас қилгин – поклагин; Сенинг сўзинг – бизни поклайдиган ҳақиқатдир. Сен Мени бу дунёга топшириқ билан юборганингдек, Мен ҳам уларни топшириқ билан дунёга юбораяпман. Мен уларга Ўзимни бағишилайман, токи улар ўз вазифасини бажариб, ўзини ҳақиқаттага бағишиласинлар (Юҳанно 17:17-19, Message таржимаси).

Биз ҳақиқат нима эканини билмасак, бизда ҳақиқат бўлмиш Исо Масихни таниб-билиш учун йўлимизни ёритадиган Худонинг Сўзи бор.

Юқорига қараб, атрофига қарамаган одамлар ҳам бор, шунинг учун улар яшириниб юрадилар. Нукул атрофга қараб яшайдиган одамлар бор ва улар күрганларидан ларзага тушиб юрадилар, чунки улар ҳеч қаңон юқорига қарамайдилар, ҳақиқатни гапирмайдилар, оқибатда ёлғон ичида яшайдилар. Ҳақиқатни гапириб, лекин атрофига қарамайдиган одамлар бор, шунинг учун улардаги ҳақиқат бошқаларга фойда келтирмаган.

Шундай экан, кейинги бобда нишонни янада баландроқقا күтаришга шайланиб, атрофимга қараб, күрганларим ҳақида айрим нарсаларни (бир томондан ёввойи, бошқа томондан эса – ажойиб бўлган нарсаларни) таърифламоқчиман, токи биз йўқотиб қўйган кучни қайта қўлга киритайлик. Қуйилиш орқали ҳам эмас, шунчаки – қараб ва кўриб қўлга киритайлик.

Ўтинаман, бу саҳифаларда бўлишган фикрларимни, ўзимни сирли ва ғалати тарзда кўрсатишни мўлжаллаб ёзганман, деб ўйламанг. Ҳеччам ундан эмас! Бу менга ваҳий сифатида – мўъжиза ҳақидаги ваҳий сифатида берилган. Менинг чекланган сўзларим билан таърифлашга қодир бўлмаган бу ваҳийни, инсоний уринишларим билан бўлишишга харакат қиляпман холос.

Қоронғу бемулоҳаза дунёда яшаш учун маърифатли онгга эга бўлиш жуда муҳим. Нимага қарасангиз, шунга ўхшаш бўласиз: бу ҳақиқат. Ичимиздаги очиқлик ва нурнинг манзараси бизни ўраб турган дунёнинг манзарасидан устун туришига имкон беришимиз лозим. Ўтакетган тарзда аниқ кўриниб турган нарсаларнинг ортига қараш, манашу умидсизликнинг ўртасида, Худо амалга ошираётган ишларга назар солиш вақти келди.

Биз зулматни кўраётган бўлсак ҳам, нурни эълон қилишимиз зарур.

Бизнинг кўзларимиз нурафшон бўлганида, Худоимиз нақадар буюклиги ҳақидаги ҳайратли тушунчага яна қайтамиз. Художон, кўзларимизни кўрадиган қилгин!

Худо нури кўпайган сари, илоҳий пайғамбарчилик уйғониши содир бўлишига ишонаман. Худо кўзларимизни кўриш учун, кулоқларимизни эшитиш учун очсин ва Унинг Сўзини ҳокимият билан воизлик қилишимиз учун юракларимизга дадиллик берсин. Бу уйғониш даврида инсонларнинг юракларидағи тўсиқлар барбод бўлишни бошлайди.

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

Худони кутинг ва Унга сизда Унинг мўъжизасининг садоси ва ҳиссини уйғотиб, юрагингизга гапиришига имкон беринг. Пайғамбарчиликнинг Худо режасининг бир қисмини кўра олиш қобилияти, У амалга оширмоқчи бўлган мўъжизаларни кўра олишни ва келаҗакни тушунишга эга бўлишни англатади. Бундай очиқликсиз ҳаётимиз камида паналарда адашиб юришга айланади.

Одамлар Худо нима қилаётганини кўра олмасалар, ҳар қадамда қоқиниб, йиқиладилар. Лекин У нималарни очаётганига қараганларида, бу уларнинг ҳаёти учун улкан марҳаматга айланади.

Ҳикматлар 29:18, Message таржимаси

Исо ҳеч қачон ғалати бўлмаган, лекин қаерга бормасин, Худонинг мўъжизаларини яратган. Нега? У Отасида кўрганларинигина амалга оширган. У бир вақтнинг ўзида азоб чекаётган инсониятни ва Отасининг бунга нисбатан бўлган жавобини кўра олган. У Худо фарзандларининг кўзларини хиралаштирган ва Тирик Худодан ажратган сохта дин ва зулматни тарқатиб юбориш учун нурни эълон қилган.

“Пайғамбар” сўзининг синоними “олдиндан кўрувчи” ҳисобланади. Исо бошқалар сезмаган нарсаларни кўрган. У муҳтоҷларни, хўрланганларни кўрган ва нопокларга тегинган. У шунчаки оломонни кўрмаган; У инсонни кўрган. У нафақат эркаклар ва аёлларни кўрган, балки уларда шахсни ва уларнинг юрагини кўра олган. Исо Масих зулматнинг орасида нурни кўрган ва нур деб ҳисобланган зулматни фош қилган. У дунёнинг нури бўлган ва эндилиқда бу нурни биз олиб юришимиз лозим.

Бу дунёга киринглар – унда булғанмай, бу жирканчли ва ифлос жамиятда бир ҳовуч тоза ҳаводек бўлинглар. Ҳақлиқда яшаш ва тирик Худони кўрсатишида одамларга намуна бўлинглар. Қоронғулиқда нурни ёқадиган Мактубни етказинглар.

Филиппиликларга 2:15, Message таржимаси

Азизлар, бизнинг қоронғулиқда ов қилишимизнинг таърифи мана шулардан иборат. Бизнинг ҳаётимиз орқали зулматда Худонинг нури чараклайди. Саросимадаги ва муҳтоҷ одамлар бизнинг ўзгарган ҳаётимизни кўра олиши учун имкон берамиз. Биз зулматдан яширин-

маймиз, балки уни тарқатиб юборамиз. Зулмат бизнинг хузуримиздан йўқолиб кетади. Нур зулматнинг чегараларига яқинлашган сари, зулмат ўзидан кейин нималарни қолдирганини гувоҳи бўламиз. Озод қилувчи нурни кутиб, зулматда яшириниб ўтирган одамлар кўп.

Ов қилишни бошлаш ва барча асрдагиларни ҳамда умид мактубини, танг ахволда кутаётган одамларни кутқариш вақти келди.

## ҚОРОНГУЛИКДА ОВ ҚИЛИШ

Якін ўртада Ҳиндистоннинг зимистон харобаларида – “қоронгуликда ов қилиш” имкони бўлди.

Қоронгуликда кўрганларим, мени ларзага солди. Мен *Life Outreach* хизматининг меҳмони сифатида Мумбайга бордим. Улар ифлос ва жирканчли маҳаллий фоҳишабозлик уйларидан аёллар ва болаларни чиқариб оладиган, маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласиди.

Ҳиндлар – ажойиб одамлар, уларнинг ичидаги мулойим ва хайриҳоҳлари ҳам бор, бироқ харобазорларда ҳукм суроётган шароитлардан таажжубга тушасиз. Кўрганларимдан “Харобадан чиққан миллионер” фильмида кўрсатилган ифлосликлар, ҳали ҳақиқий ифлослик эмаслигини тушунишга ёрдам берди. Кичикроқ ҳажмдаги мушукларга ўхшаган каламушлар, одам ва ҳайвон чиқиндиларининг уюмларида изғиб юраси.

Мени Мумбайнинг телба кўчалари орқали манзилга соғ-саломат элтиб кўйган, совутгичли машинадан чиққач, ўзимни бутунлай бегона дунёда сездим. Бу қизиқарли маънода эмас, балки қандайдир ваҳшиёна маънода бегона эди.

Ўшанда ёмғир ва намлиқ, иссиқлик билан бирикиб, туриб қолган ҳавони шунчаки бўғадиган ҳавога айлантирган мавсум эди. Харобаларнинг ҳиди шу заҳотиёқ бурнимни бўғиб кўйди. Ахлат билан сийдикнинг ўткир ҳиди ачиған овқат, кулбалар ва терлаган одамларнинг ҳиди билан қўшилиб кетган эди. Ҳавонинг ўзи қандайдир қора рух билан оғирлашиб ва босилиб тургандек эди.

Мен кўрганларимдан иккита таркибий қисмни фарқладим: ажойиб ҳиндлар ва уларни аср қилиб турган жирканчли рух. Хароба-

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

ларда бу рухнинг кўринишини ёки таъсирини яшириб бўлмасди. Эркаклар ва аёллар унинг босими остида тебраниб юрар ва қоқинар эдилар, чунки қашшоқлик, порахўрлик ва бузуклик ўзининг оғир кўллари билан бутунлай ҳамма нарсага осилиб турарди.

Бошқаларнинг эътиборини тортмаслик учун жамоамиз ҳиндларнинг миллий кийимини кийиб олди. Бу фойда беради деган ҳар қандай хаёл тезда тарқалиб кетди, чунки ёнимиздан ўтаётган ҳар битта киши бизни бегона эканимизни пайқар эди.

Бизнинг чўпонимиз ва миссионер-гидларимиз бизни тезлик билан ўзларининг клиникасига олиб ўтишди. Бу поликлиника маҳаллий халкнинг ишончини қозонган эди ҳамда одамларни севадиган ва уларга хизмат киладиган жой деган номни орттирганди. Мен беморлар шифокор уларни кўриб қўйишини жим кутиб ўтирган оддийгина кутиш хонасига кирдим. Фоҳишабозлик уйларининг собиқ бекаларидан иборат хизматчилар гурухи, бизнинг келишимизни кутиб турган эдилар. Биз ёндаги хонага бекиниб кирдик ва ўша жойда, менинг вазифам – фоҳиша аёлларни фақат “дуо килиш” бўлиши ҳақида йўл-йўриқ беришди.

Кутилмаганда, менинг рюкзагимда турган воизлик матни бу ерда зарур бўлмаслигини тушуниб етдим. Мен ўзимни бегона худудда хис этдим ва Лизанинг – китоблар муаллифи ва воизхонлиги бу ерда унчалик ҳам қўл келмаслини аниқ англаб етдим. Биз яширинча ишлага нимиз учун, мен ўзимнинг Муқаддас Китобимдан фойдалана олмас эдим. Менинг инглиз тиладан таржимоним жуда тор доирада гапи-рар, мен эса ҳинччани умуман билмас эдим. Бу одамлар билан тил топишиш учун, ёлғиз Худо Руҳининг ёрдами зарур эди.

Бу одамларнинг сўзлаб берган воқеаларидан ҳеч бўлмаса, бирор нарсани сақлаб қолиш ниятида кўйлагимнинг ички томонига микрофон ўрнатилган эди, унинг сими белимдан айлантирилган, ёзадиган мосла-манинг ўзи лозимимга тақилганди. Яширин камера эса бошқа аёлнинг бўйнига ўралган қора шарфнинг қатламида кўринмай турарди. Биз қўл ушлашиб ибодат қилдик ва бадбўй хид тараалаётган кўчага чиқдик.

Менда бирдан, худди кимдир мени кузатаётгандек бўлди. Бу нигоҳ адоватли эмас, балки айнан тикилиб тургандек туюлди. Мен бошимни кўтариб, йўлнинг бошқа томонидаги кулбанинг иккинчи қаватидаги деразага қарадим, у ердан чиройли осиёлик қизчанинг юзи кўриниб

турарди. Афтидан у ўн беш ёшларда эди. Унинг ёшгина юзида қўрқув ва иложсизликнинг қоришмаси акс этарди. Фақат шунда у чамбара ортидаги фоҳишахонага қамаб қўйилганини кўриб қолдим.

Бу нигоҳга қандай муносабатда бўлиш мумкин?

Жилмайиш мумкин эмасди. Унга бошимни чайқай олмасдим, чунки у буни ўзига нисбатан хукм ёки нафрат деб қабул қилиши мумкин. У то қўзларини олиб қочмагунича, унга тикилиб қараб турдим. Пастроқقا қараб, зинанинг пастки қисмида ўтирган, даргазаб эркаклар гурухига кўзим тушди. Улар менинг назаримга очиқча ҳазар билан, шундай деб жавоб бергандек бўлди: “Ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Йўқол! Сенга бу ерда жой йўқ!”

Улар айнан шундай деганига шубҳам йўқ. Худонинг сурати ва сийратида яратилган бирорта одамга бу ерда жой йўқ эди – бу ердан фақат қочиш керак эди, холос.

Аёлларнинг бири менинг хавотиримни сезиб, белимдан қучди. “Кетдик! Сенга йўлдан ўтишга ёрдам бераман!” У мени ҳеч қандай қоидага амал қилмай, чизикларни ҳам сезмай, ифлос йўллардан ҳаракатланаётган одамлар, велосипедлар ва машиналар оқимининг ўртасидан олиб ўтди.

Хараболарда бир кун бўлиб, пиёдалар учун ягона қоида – бу йўлдан ўтишни бошлаган бўлсанг, тўхтамай юришда давом этиш кераклигини ўргатди. Қанча велосипедлар, мотоцикллар ва машиналар, тўғри сенга қараб келаётган бўлса ҳам, қўрқмай юриб кетишида давом этавер. Бир куни йўлнинг ўртасида имиллаб қолдим, шунда иккита фоҳишахона бекалари икки қўлимдан олиб, мени олдинга итардилар ва бошини чайқаб: “Тўхтама! Биз сени ҳимоя қиласиз” – дедилар. Улар чиндан ҳам мени ҳимоя қилаётган эдилар.

Биз биринчи бир фоҳишахонага келдик, унинг кириш жойи бир яримга икки ярим метрдан катта бўлмаган майдончага эга эди. Бу жойда харидорлар, уларга хизмат қилишлари учун қизларни кутиб турар эдилар. Шунингдек, у жойда аёллар овқат пишириш, сухбатлашиш ва болаларига қараш учун ҳам йигилар эдилар. Улар ўзларининг қорайтирилган хоналаридан, кўчадаги вайронагарчиликни кузатишлари мумкин эди. Манашу тор жойга Худонинг севгиси ҳақида эшитиш учун кўпгина аёллар келишди.

У жойга кириб, яна битта эшик борлигини кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Эшикка бироз нақш солинган ва унинг ортида ҳожатхонага ўхшаган бўлмалар (хоначалар) бир қатор бўлиб турган даҳлиз бор эди. Кейинчалик, бу бўлмаларда қизлар харидорлариға хизмат қилишини ва ўша ерда ухлашини билиб олдим. Даҳлизни кўздан кечириб, бўлмаларнинг бир нечтаси ёпиқ эканини кўрдим, бу эса хоналардаги қизлар ухлаётгани ёки ишлаётганини билдирарди.

Мен қаршимда ўтирган аёлларга қарадим. Улар полни ва девор атрофига қўйилган ўриндикларни тўлдириб ўтиришди. Аёллар ёпингичларини ўзига ёпиб, бир-бирига суюниб ўтирас ва биз кириш жойига саф тортиб келмагунимизча, бизга шубҳа билан қараб турардилар.

Таржимон улар билан ҳиндчада саломлашди. Улар диққат билан тинглаб, ўзларининг ҳиндча услубида бошларини хурмат билан у ёқдан бу ёққа тебратдилар.

Мен сўзларнинг оқимидан ўзимнинг исмимни эшишиб қолдим. Ҳамма бошини мен томонга қаратди. Мен ноилож чўпонга қўз ташладим. У жавобан қўлини кўтариб, олдин айтган насиҳатларини такрорлади: “Уларни дуо қил... Улар сени кутган... мана шундай шароитда, икки соат!”

Мен ўзимни таништириб, қаерданлигимни айтдим. Менинг тўртта ўғлим борлигини ва яқинда набирам туғилишини айтдим. Менинг сўзларим ўзим учун маъносиздек эшитилар эди. Мен ҳакимдаги “маълумотлар” бу аёлларга қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин? Улар билган хаёт менинг америкача “нормал” бўлган тасаввуримга бутунлай зид эди. Лекин улар мулойим бошини қимирлатиб қўйдилар.

Улар ёлғиз эмаслигини айтиш учун шунча йўлни босиб ўтганимиз ҳақида айтиб бердим. Бутун дунёдаги аёллар уларни юракларида олиб юрибди ва уларнинг ночор аҳволига қўз ёш тўқмоқда.

Нима бу? Улар ёлғиз эмасми? Уларнинг иложисизлиги ҳақидаги хабарлар шу харобалардан ташқарига чиқаяптими? Бошқалар уларнинг танг аҳволи учун фарёд қиляптими? Мен кўпчилик аёллар Ҳиндистондаги аёлларни ибодатда Худо тахтининг қаршисига кўтараётгани ҳақида бўлишдим. Уларнинг юzlари сўзсиз қўз ёшлар билан ялтирашни бошлади.

Баъзида ўзаро муносабат ва бирлиқда нақадар катта куч мавжудлигини чиндан ҳам тушунамизмикан деб ўйлаб қоламан. Биз қийин-

чиликларимизда ёлғиз эмасмиз. Биз умидимизда ёлғиз эмасмиз. Исо доим биз билан бўлишни ваъда берган.

Менинг ҳаётимда ҳам ҳозир афсусланадиган ишлар бўлганини тан олдим. Бу аёллардан куч билан олиб қўйилган покизалик ва лойиқликни, қай тарзда мен ёшлигимда ўзим қадрламаганимни айтдим. Мен ўз хоҳишим билан ахлоқсизлик йўлини танлаганман, кейинчалик эса Худога эшик очдим ва Унинг севгиси мени ювди ҳамда вайрон бўлишдан асраб қолди. Шу ерда улар янада диққат билан тинглашни бошладилар.

Менинг шууримда ҳар битта аёлни алоҳида ажратиб қўрсатган Муқаддас Рухга қулоқ солишга ҳаракат қиласдим. Улар шахссиз олон-мон эмасдилар; уларнинг ҳар биттаси шахс эди, улар Худонинг қизлари эди. Худога ишониб, уларнинг ҳар бирига қўлимни қўйдим ва Худо ҳам уларга қўлларини чўзади ва менинг инсоний сўзларимни Ўзининг Рухи билан мустаҳкамлайди деб ишондим. Уларга яқинлаша туриб, мулоҳимлик билан: “Сизнинг ҳаётингизда Худонинг режаси бор” – дедим.

Уларни топган ва уларни қуллиқда ушлаб турган зулматга келган Худонинг сўзларини эшитиб, аёлларнинг қўзларидан ёш оқди. Улар хўрлиқда ва асоратда яшаш қандайлигини жуда яхши билар эдилар. Ҳар битта қиз бошқалар томонидан мажбуран келтирилган даҳшатда яшар эди. Мен суҳбатда бўлган ҳар битта аёл жинсий қуллик учун ўғирлаб кетилган ёки алдов йўли билан бунга жалб этилган эди. Улар асрликка олинган эдилар, мен ҳам уларга шу йўл билан бошка асирикка тушишни таклиф қилаётган эдим – умид асиригига.

Ҳар бири каттароқ нарсалар ҳақида орзу қилишга ҳаддилари сигди – яхшироқ ишга, маълумотга ёки севимли бўлишга. Айримлари ўз қишлоғидаги даҳшатли қашшоқлиқдан қочиб кетиш умидига эга бўлдилар. Бу аёллар қачонлардир ўзлари ишонган аёллар ва эркаклар томонидан хоинликка учраган эдилар. Бу аёллар уларни бир куни сотиб юборган тоғалари, эрлари, акалари, кариндош ака-укалари ёки опа-сингиллари, холалари ва ҳатто, дўстлари ҳақида сўзлаб бердилар. Бу одамлар улардаги яхши ҳаёт ҳақидаги орзуларидан хоинлик йўлида фойдаланганлар. Мен уларни яна умидга ёпишишга, алдамайдиган Худонинг Ўғли, Исо Масихга ишонишга чақирдим.

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулықда эса овга чиқадилар

Уларга яна бошқа нарсаларни ҳам айтдим,— айнан яна нималарни айтганимни ҳозир унчалик эслолмайман,— агар қандайдир ибора ва сўзларни манашу саҳифада такрорласам, бизнинг ғарбий ўқувчиларга бачкана ва оддий овутадиган бўлиб қўриниши мумкин. Бироқ ўша пайт, бу сўзлар Самодан рухланганини сезардим.

Ҳеч қандай расмийлик қатламига эга бўлмаган торгина жой Самонинг муҳити билан тўлди. Бу аёллар уларга умид улашаётган Типрик Худога очилгандарида, қандайдир алоқа юзага келди.

Мен аёлларнинг кайфиятидаги бу ўзгаришни ва ўз сўзларим билан уларга яна бошқа нарсаларни етказа олмаслигимни сезиб, мен чўпон ўтирган томонга бурилдим. У бу аёллар билан бирга, улар учун ибодат қилди. У Самога ибодатини кўтарганида, бизнинг гурухимиздаги аёллар бу қимматли Худонинг қизларига яқинлашиб, уларни қучдилар ва ибодат билан уларни қуршаб олдилар. Шу пайтда худди деворлар қулаётгандек туюлди.

Шу пайт бир харидорга кўзим тушди, у бўлмадан даҳлизга чиқди, иштонининг тугмасини ўтказиб, бизга елкасининг ортидан нафрат билан қараб қўйди. Биз ноодатий ташрифчилар эдик.

## ДИҚҚАТ ҚАРАТГАН ВА ЖАСУР

Ёзувдан олинган манашу матн устида мулоҳаза юритинг:

“Кимнинг омади чопмаган бўлса, бир куни Сенда омад топишига ишонишга ботинаман. Сен уларни ташлаб қўймайсан – етимлар абадий етим бўлиб қолмайдилар. Разилнинг ўнг қўлини, ёвузнинг – чап қўлини синдиргин. Қандай турдаги жиноятни топсанг, барчасини барбод қил. Худонинг инояти ва Унинг йўллари ғалаба қозонади; бетавфиқлик эса мағлуб бўлади. Курбон бўлганнинг заиф юрак уриши кучаяди; Сен Уларнинг илтижоларига қулоғингни тутганингда, умидини йўқотганнинг томирида яна қон оқишини бошлайди. Етимлар ота-онага эга бўладилар, уйсизлар уй топадилар. Даҳшат шоҳлиги кетди, босмачилар бошликларининг хукмронлиги тугади” (Санолар 9:35-39, Message таржимаси).

Сиз буни эшитаяпсизми? Бу ерда биз қоронғулықда ов қилишимиз учун ҳар битта керакли қисм тилга олинган: имон, адолат, ғалаба, шифо,

умид, ўғилликка олиниш, тикланиш, ҳақлык, якун ва янги бошланиш! Манашу сўзлар билан ибодат қилиш вақти келди, агарда биз Худонинг Сўзини олиб юрсақ, Раббий буларни амалга ошишини таъминлайди.

Бу охирги чора ибодати, мафияларча ибодат. Шахсан мен бехатар ва илтифотли ибодатчилардан ўлгудек чарчадим. Аммо “Художон, уларнинг қўлларини синдир ва ишдан чиқариб ташла” – деб ибодат қилиш хатарли. Бу кучли шафоатчилик. Бундай ибодатни секин ва сустлик билан қилиш мумкинлигини тасаввур эта олмайман. Тўққизинчи Сано – чиндан ҳам Худонинг ваъдаси, мен буни яқинда Осиёнинг Жанубий-Шарқий қисмига борганимда, ўзим билан қиличи сифатида олдим. Ҳар сафар адолатсизликни кўрганимда, бу қилични қинидан сугуриб чиқарардим.

Дикқатни жамлаб, важоҳат билан ибодат қилинг. Шундоқ ҳам кўриниб турган нарсаларга қарашни бас қилинг, тикланиш ва адолат манзарасини кўра олинг. Худо манашу нарсани ерга олиб келишни истайди. Сиз ибодат вақти кўзларингизни юмиб, уларни кўришинингизга муҳтож бўлган одамлар бор. Самога етадиган ва оғзингиздан чиқаётганда сизни қўрқитадиган чинакам қатъий ибодатлар билан илтижо қилишни назарда тутаяпман.

Суст жамоат узоқ яшай олмайди. Жамоат учун энг яхши йўл – бу то дунёning Подшоҳи келиб, бу даҳшат хукмронлигига барҳам бермагунича, коронғулиқда ов қилишдир. Бу нарса амалга ошиши учун, биз биргаликда ва ҳар биримиз алоҳида – ҳозир яширин бўлган нарсани излашимиз, текширишимиз ва тиклашимиз зарур.

Ишонинг, зулматга қамаб қўйилган умидсиз одамларни қўриш учун, Ҳиндистонга боришингиз шарт эмас. Шайтоннинг асирига айланган аёллар, эркаклар ва болалар ҳамма жойда бор. Улар биз ўзимизнинг қулай жойимиздан чиқиб, ҳаракат қилишни бошлашимизни кутиб турибдилар. Биз уларни нур Шоҳлигига олиб келишга қодир бўлишимиз, озодлик учун эшик очишимиз ва ҳаётимиздаги ҳар қандай турдаги зулматдан воз кечишимиз зарур.

Биз Худонинг нури билан тўлганимизда, биз ҳақиқатдан ҳам зулматда адашиб юрганларни кутқара оламиз. Ҳозир таълимотларимиз бора-сида баҳслашиш ёки кимнинг хизмати ва жамоатдаги ўрни яхшироқ деб беллашиш вақти эмас. Биз ўзимизни бир-биримиз билан таққослаб, дарражаларимизни ҳисоблаб ўтирумай, хизмат қилишимиз лозим.

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса овга чиқадилар

Уйғонинг! Етимлар асраб олинишни ва ғамхұрлыкни күтмокдалар. Бошқалардан ажратиб қўйилган минглаб ёлғиз одамлар, барча салбий вазиятларига қарамасдан, улар ёлғиз эмаслигига умид боғлаб ўтиришибди.

Бу саҳифаларда Ҳиндистондаги одам савдоси ва одамларнинг азоблари ҳақидаги воқеалар билан бўлишиб, мен катта халқаро миқёсдаги “қоронғулиқда ов қилиш” ғоясини таърифладим, лекин бу сизнинг уфқларингизни кенгайтирсин. Бу ҳақда билиб олгач, ўзингизнинг ёки яқинларингизнинг азоблари аҳамиятсиз экан деб ўйламант. Худо барча азобланаётганларга яқин. Куллик, ёлғизлик, хиёнат, зўравонлик, хўрланиш ва умидсизликнинг уқубатлари ҳар битта давлатга етиб борган. Ҳамма жойда одамларнинг муҳтожликлари бир-бирига ўхшайди, бироқ ҳаммада ҳам уларни қондиришнинг имкони йўқ.

Келинг, содик хизматкорлар сифатида оқилона ниятлар остида, ўзимиздаги марҳаматларни кўпайтирамиз. Сиз бошқаларни марҳаматлаш учун марҳаматлангансиз. Сиз бера оладиган марҳаматга муҳтож бўлган одамлар кўп. Сиз ўзингизда бори билан бўлишиш учун узоққа боришингиз шарт эмас. Сиз ишлаётган ёки харид қиласидан жойларда ҳам умидсизликни топиш мумкин. Дугонангизнинг оиласида зўравонликлар содир бўлаётган бўлиши мумкин. Сиз жамоатга бирга борадиган одамларнинг орасида тушкунликка тушганлари бўлиши мумкин. Ҳатто ўзингизнинг фарзандларингиз мактабда, мисол учун хиёнатга дуч келган ва ҳозир бу хис уларни босиб турган бўлиши мумкин.

Бошқаларга умид олиб келиш учун эндиғина биринчи қадами – қўйганимизда, кўпинча ўзимиз шифо оламиз. Бутун дунёдаги одамлар Исо Масих инсониятнинг қалбига ҳадя этаётган севги ва қадр-қимматга муҳтож. Бу одамлар қаерда яшашидан қатъий назар – улар аянчли кулбада яшайдими, филнинг суюгидан ясалган минорадами ёки доминодан терилган уйчами – чегаралар равшан ва ҳаракатлар майдони чизилган. Ҳаёт бор ва вайронагарчилик билан ўлим ҳам бор. Умид бор ва умидсизлик бор. Нур бор ва зулмат бор. Ҳеч қачон бу соҳаларнинг чегаралари бу қадар аниқ чизилмаган эди ва бунга бунчалик катта нарх тикилмаган эди.

Шерлар ёруғлиқда яшайдилар, қоронғулиқда эса ов қиласидилар. Шунинг учун, менинг жасур сингилларим, мен ўзимизни қандай

тутишимиз кераклигига бундан яхшироқ мисол келтира олмайман. Сиз вაъдаларнинг қизи эканингиз учун ҳам бу китобни қўлларингизда тутиб турганингизга ишонаман. Сиз эшигингизни кенг очдингиз. Энди Унинг ҳайратли нурида яшашни ва ором топишни ўрганинг. Келинг, биргаликда хотиржам ва осон яшашни ўрганамиз; ташвишлар ёки хавотирлар сизни бошқалардан ажратишига йўл қўйманг ва яна юк остига туриб олманг.

Келинг кўзларимизни кенгроқ очамиз ва қоронғуликда кўришни ўрганамиз – узокроққа қарашни, юракларни кўришни ва яширин бўлган нарсаларни кўра олишни ўрганамиз. Келинг, биргаликда ов қилишни ўрганамиз ва бошқаларни ҳам Худонинг нурига олиб келамиз. Шерлар сингари, келинг, мувозанатни топамиз ҳамда очик ва хотиржам, ғайратли ва важоҳатли бўламиз. Раббийда ором топинг, бир-бирингиз билан дам олинг ва биргаликда зулматга нисбатан бешафқат бўлинг.

## Арслон билан сайр қилиш

“...Йиглама, мана, Яхудо қабиласининг Шери,  
Довуднинг Илдизи ғолиб келди...”

Вахий 5:5



**Ү**з қайгуларимдан ёлғиз ўтаяпман деб ўйлаш, жуда кенг тарқалган тушунча. Бироқ, аслида сиздан олдинда қандайдир кўринмас, кудратли нарса сизни ўзининг ортидан етакламоқда. Бу бобни ўқиб, сиз ҳаётда кўпинча, буни ҳатто сезмаган ҳолда, бизнинг Арслонимиз, Исо Масих билан бирга юрганингизни билиб оласиз.

Баъзида кимнингдир ортидан эргашиш кўрқинчли бўлиши мумкин. Гап Худо биздан талаబ қилаётган нарсаларни англаб етишда эмас, гап уларни бажаришда. Аксарият кишилар Худо билан бир йўлдан боришни кучли даража истайдилар, бироқ бунга қандай эришишни умуман тушунмайдилар.

Исо бизга афтидан оддий буйруқ бўлиб кўринадиган бир нарсани берди. Матто 16:24 куйидаги нинг иккита таржимасига қаранг:

“Шунда Исо Ўз шогирдларига деди: – Агар ким Менинг ортимдан юришни истаса, ўзидан воз кечсин ва ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин”.

Ва умумий ойдинлик киритиш учун...

Ким Мен билан бориши ниyat қилган бўлса, Мен уни бошқаришимга рухсат бериши лозим. Ҳайдовчининг жойида сен эмас, Мен ўтираман. Қийинчиликлардан қочма; буни йўлнинг ажралмас бир қисми деб қабул қил. Менинг ортимдан бор ва Мен сенга бу йўлни қандай босиб ўтишни кўрсатаман (Message таржимаси).

Топшириқ бутунлай равшан: ўзингдан воз кеч, ўз хочингни ол ва Исонинг ортидан бор.

Буни айнан қай тарзда амалга ошириш эса мушкул.  
Ўзимдан қай тарзда воз кечишим керак?  
Ўз хочимни олиш нимани англатади?  
Кўринмас бўлганнинг ортидан қандай тарзда эргашиб мумкин?  
Жавоб оддий: Исо бошқаради... биз эса унга эргашамиз.

## ИМОН БИЛАН ЯШАШ

Мен кўпинча “саволлар ва жавоблар” деган давраларда аёллар билан сұхбатлашиш имконига эгаман. Бир саволга жавоб бериб: “Қандай қилиб?” деган бошқа саволни шуқадар кўп марта олишдан лол қоламан.

Худо сизга мурожаат этаётганини қандай билиш мумкин?  
Ўз отамни қандай кечира олишим мумкин?  
Сиз қай тарзда анорексиядан (озаман, овқат ейишни хоҳламасликка дучор бўлишдан) халос бўла олдингиз?  
Бу йигит – мен учун яратилганини қандай билиш мумкин?  
Сиз қандай қилиб қўрқув, уят, айбдорлик ҳиссини енга олдингиз?

Мен қизлар берадиган мушкул саволларга дуч келганимда, Худонинг Сўзи ҳақиқат эканига шунчаки ишонаман ва у мени қаерга бошқарса, ўша томонга бораман. Исо Масих – танага айланган Сўз. Худонинг Сўзини ўқиганимизда, Исо қандай юрганини ва У бизни қаерга бошлаётганини кўрамиз. Исонинг ортидан оғир синовлар йўли билан Унга эргашган кўпчилик одамлар, бошида улар бунга қодирман деб ўйламаган эдилар. Бироқ улар бор қучини йигиб, Исонинг ортидан имон билан бордилар.

“Имон билан улар шоҳликларни енгар, ҳақлиknи ўрнатар, вайдаларга эришар, шерларнинг оғзини тўсар эдилар” (Ибронийлар 11:33).

Одамлар имон билан ҳаракат қилгани учун, порахўр шоҳликлар барбод бўлар, ёвузлик одилона жазони олар, Худонинг ваъдалари эса амалга ошарди. Бизнинг ҳаётимиз учун белгиланган Худонинг режа ва ваъдаларига имон билан кирамиз. Арслон етаклаётган жойга бо-риш учун, имон керак.

Имон шубҳадан устун. Биз Худодан: “Сен шу ердамисан? Мен буни сезмаяпман” – деб сўраймиз. Имон билан Арслон шундай деб жавоб берадиганини эшитамиз: “Мен сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман ва тарк этмайман” (Ибронийлар 13:5 га қаранг).

Биз ибодат қилганимизда имон бизга кутиш учун куч беради. Имон билан қилинган ибодат кассалларга шифо беради ва Раббий сизни тиклайди. Агарда сиз гуноҳ қилган бўлсангиз, кечирим топасиз (Ёкуб 5:15 га қаранг).

Имон қадами бу нима?

Бизнинг имон отамиз бўлмиш, Иброҳим учун бу йўл охир-оқибат ка-ерга олиб боришини билмай, чўлда Худонинг ортидан эргашиш нимани англатган эди. Иброҳим ва Соронинг чўлда кезиб юргани ҳакида ўқиганимда, Худо уларга нафақат ўз кўзлари билан қўрадиган ерни, қолаверса улар ўтадиган ерни ҳам беришни ваъда қилганини билиб олдим.

“Имон билан Иброҳим мерос қилиб олиниши керак бўлган юртга бориш учун даъватга бўйсунди ва қаерга боришини билмасдан йўлга тушди” (Ибронийларга 11:8).

Иброҳим ва Соро ҳамма нарса таниш ва қулай бўлган – Урда қолганларда эди,— улар Худонинг ваъдасини мерос қила олмаган бўлардилар.

Эҳ, имон билан яшаш нақадар қийин! Биз харитага эга бўлишни истаймиз, аммо Худо бунинг ўрнига, биз ўтишимиз лозим бўлган но-аниқ йўлларнинг сирли ипларини тўқийди.

Бу имон саёҳати бизда жасурликни ривожлантиради. Ҳар бири-мизнинг қаршимизда – тўсиқларга, ажойиб саргузаштларга тўла йўл турибди, қолаверса, бизда Арслон бизни Ўзи ўтмаган йўлдан олиб бормаслигига аминлик ҳам бор. Ҳар сафар Худо бизни олдин қилмаган ёки кўрмаган нарсамизни амалга оширишга чорласа, бу бизни кўрқитади. Баъзида Худонинг бошқаруви бизни ҳали ҳеч кимнинг юришга ҳадди сиғмаган жойларга ундейди. Биз эга бўлган ҳамма

нарса – бу чорлов ва Худонинг қуйидаги тақлифи: “Қизим, бу сен учун ҳатто, күркінчли бўлса ҳам... Менинг ортимдан борасанми?”

Яқинда бир дугонам менга қўнғироқ қилиб, унга бир томондан қўрқитадиган, бошқа томондан – унинг қаршисида қизиқ стратегик имкониятларни очадиган ишни тақлиф қилгани ҳақида бўлишиди. Уни жуда нуфузли эркак-раҳбарларнинг олдида, бир гурух эркак-маърузачилар билан бирга нутқ сўзлашни тақлиф қилишибди. Ҳатто унинг эри ҳам, хотини бу нарсада иштирок этиши керакми, йўқлигига шубҳаси борлигини айтибди: уни хотини бундай тақлиф олгани, ҳайрон қолдирибди.

У менга қўнғироқ қилди, чунки ҳозиргина анжуманинг варакасини олган ва у ерда аёл-маърузачи сифатида фақат ўзининг расмини кўрганидан довдираб қолгани ва яхшилик билан тугамайдиган вазиятга тушиб қолдим деб қўрқаётганини айтди.

Мен унга нима деб айтиётганимни англашдан аввал, оғзимдан шундай сўзлар отилиб чиқди: “Сен бу лаҳзага бир умр тайёрлангансан. Сен чиндан ҳам бунинг уддасидан чиқа оласан – ва буни аъло даражада бажарасан. Сен буни файзли, диёнатли ва эътиrozсиз доно равишда амалга оширасан”.

У енгил нафас олганини эшитдим ва бошини тебратганини ҳис этдим. У бу синовдан ёлғиз ўтмаслигини билар эдим. Арслон унинг ёнида туради. У Арслоннинг ортидан эргашади ва эҳтимол, тиззалири титраса ҳам, лекин ёлғиз эмаслигини тушунган ҳолда шу йўлдан боради.

Исонинг ортидан бораётган ҳар бир киши Арслоннинг тўдасидандир. Исо Қўзи сифатида сўйилган бўлса-да, аммо У Яхуда қабиласининг Шери бўлиб тирилди.

“...Яхудо қабиласининг Шери, Довуднинг Илдизи ғолиб келди...”

(Вахий 5:5).

## ЧАЛҒИМАНГ!

Сизнинг руҳий ҳаётингизга қўркув ва титроқ меъёрини қайтариш учун, ўзингизни арслон даврасида сайр килаётгандек тасаввур этишини тақлиф қиласман. Ким билади? Эҳтимол, Худо сизга қандайдир кўркінчли нарсани амалга оширишни топширади.

Биласизми Исонинг Жалилия денгизи бўйлаб юргани ёки тоғ бағрида одамларга таълим бериши тасвирланган суратлар, У аслида ҳозир қандайлигининг тўлиқ тасаввурини ифодаламайди. Бироқ У эндиликда инсоний танага кирган ҳолда ерда юргани йўқ,— факат ўз ўғиллари ва қизларида мужассамланган дейишимиз мумкин. У куч ва ҳашаматнинг тимсоли бўлган – жўшқин, эсанкиратадиган самовий тантананинг иштирокчиси сифатида таҳтда савлат билан ўтирибди!

Ўз нигоҳингизни кўтариб, энди, Унда улуғворлик ва кучнинг зиёсидаги Яхудо қабиласининг Шерини кўринг. У сиз қоида ва вазифаларнинг босими остида эмас, балки ҳайрат ва маҳлиёликда яшашингизни истайди. Унинг овози сизда моҳиятан шиддатли ва ўта ёввойи бўлган қандайдир нарсани уйготишига изн беринг! Ўсмир Йермияхга берилган Худонинг ваъдаси сизга – Унинг ботир қизларига ҳам тегишли, Худо улар орқали ҳам башорат қилишни истайди:

“— Мен сени она қорнида шакллантиришимдан олдин таниб- билдим. Сен она қорнидан чиқишингдан олдин Мен сени муқаддаслаб, сени халқларга пайғамбар килиб тайинладим. Мен эса:— Ё, Раббий Худо! Мен гапира олмайман, чунки мен ҳали ёшман,— дедим. Аммо Раббий менга деди:— «Мен ёшман»,— демагин. Чунки Мен сени кимларга юборсам, шуларнинг ҳаммасининг олдига борасан ва сенга нимани буюрсам, шуну айтасан. Улардан қўрқмагин, чунки сени халос қилиш учун Мен сен билан биргаман,— деди Раббий” (Йермиях 1:5-8).

Сиз ўз даъватингизда маҳсулдор бўлишингиз учун, сизга ҳам Йермияхга ўхшаб, Худованд ёнингизда экани, ҳақиқатлигига ишонч ҳосил қилишингиз зарур. Бу сизга бошқалар нима қилиши ёки нима дейишидан қатъий назар, қўрқмасликка замин яратади.

Ҳаёт йўлингизда сизга турли хил овозлар мурожаат этиши мумкин ва ҳар хил турдаги таъсиrlар ёпирилиши мумкин. Бир хил одамлар сизнинг фаолиятингизни мустаҳкамлайди ва қўллаб-куватлайди; бошқалари – йўлдан уришга ва халақит беришга уринади. Айрим овозлар сизни номаълум жойларга боришига руҳлантиrsa, айримлари эса сизни ушлаб қолишга уринади. Сизнинг ўтмишингиздан келадиган овозлар бор – булар оиласизнинг овози, умидсизлик овози, қўрқув овози,— улар вақти-вақти билан қуидагича қичқиради

ёки пицирлайди: “Четга ўт! Орқага қайт. Сен муваффакиятсизликка учрашинг мумкин. Яраланишинг мумкин”. Бу овозлар ўзингизни асрашга ундаиди.

Сиздан ҳаётни сўриб оладиган ушбу салбий овозларнинг ўртасида, кучли ва ҳаёт багишлайдиган чорлов овозлари ҳам бор. Улар доим мавжуд, бироқ агар сиз уларни эшитмасликка қарор қилсангиз, уларни қўлдан бой беришингиз мумкин. Сизга етиб келгунча кўп маشاққатли йўллардан ўтган самовий қўшиннинг овози, сизга Ёзувнинг ҳамма саҳифалари орқали мурожаат этмоқда ва сизни тўхтамай, боришга руҳлантироқда: “Ичингиздаги ёки атрофингиздаги одамларнинг кўркувларига қулоқ солманг! Душманнинг ёлғонига қулоқ солманг, у аллақачон маҳкум бўлган ва ўз лаънати остида қолган. Чалғиманг! Сиз бизга кераксиз! Ўз йўлингизда қолинг ва ўз масофангизни югуринг!”

Арслондан мартабаси паст бўлган барча ҳайвонлар, унинг хузурида титрайдилар. Шайтон ерда кимни ютиб юборишни излаб, ўкирадиган шердек кезиб юрибди деб ёзилгани билан (Петъорнинг 1-мактубига қаранг), у шер эмас. У фақат шерга тақлид қиласди холос. Шайтон бизнинг Арслонимиз билан, ҳеч қандай ҳаққоний ўхашашликка эга эмас. Зулмат ҳукмдори ва унинг сафдошлари ўзларини, наъраси Худо томонидан руҳлантирилганга таққослайди, бироқ унинг малайлари – Худонинг ижодий доҳийлиги ва нурини ўзлаштиришдан бошқа иложи йўқ бўлган, оддий шарпалар холос.

## АРСЛОН БИЛАН УЧРАШУВЛАРИНГИЗГА ИШОНИНГ

Менга кичиклигимда, Исонинг туғилган кунига атаб, “*Нарниянинг йилномаси*” китобининг тўлиқ тўпламини совға қилишди. Китобнинг ҳар битта қисми яширин бойликка ўхшарди. Мен барча қисмларини ўқиб бўлгач, йиғлаган эдим. Воқеа якун топгани учун эмас, балки бу дунёдан эмаслиги очиқ кўриниб турган ҳайратли шоҳлик билан алоқам узилгани учун йиғладим. Аслан Исонинг тимсоли эканини тушунардим, бироқ бу китобда тақдим этилган ваҳшний, шиддатли, лекин шу билан бир қаторда унинг ёнига бориб, унга тегиши мумкин бўлган шерга Исонинг сиймосини қиёслай олмас эдим. “*Йилнома*”ни ўқиши жараёнида бу шерни шунчаки ёқтириб қолдим.

У болаларнинг орасида сайр қиласди. Мен “муқаддаслар”нинг гапирмайдиган ҳайкалларига ва муздек “муқаддас сув”га қайтишни истамасдим, чунки ҳайкалларнинг бошлари доирага олингани учун улар мендан жуда йироқдадек туюларди. Мен тирик, нафас оладиган шер билан мулоқотга қайтишни истардим. Мен Худонинг шаксиз сезиларли даражада бўлган хузурига, У билан шуқадар теран донолик, эзгулик ва тирик бўлган учрашувга чанқоқ эдим. Менadolatning шуқадар аъло даражасини истардимки, бу мени ларзага соларди.

Мен ҳайвонлар ва дараҳтлар гапирадиган, яхши хислатлар ва ҳақиқат тақдирланадиган, хатолар жазосиз кечириладиган дунёдаги Люси бўлиб қолишни истардим.

Худо бизни Унинг қаршисига дунёга кўзларини катта-катта очиб боқадиган болаларча, беайбликнинг самимийлигида келишга ва Унинг севгисини ва нажотини қабул қилишга чорламоқда. Бироқ диннинг қоидалари ва вақт окими кўпларимизни ҳаққоний йўлдан оғдирди. Ва биз ёшлигимиздаги Арслонни кўздан кочириб қўйдик.

Энди барча айтилганларни ҳисобга олиб, келинг, “Нарниянинг илномаси”нинг тўртинчи қисми “Шаҳзода Каспиан” саҳифаларидаги Люсига келган нурга қараймиз. Болалар чарчаган, йўқолиб қолган ва ҳа демай, бошқа томонга буриламиз деб турғанларида, тўсатдан Люси Арслон Асланни кўриб қоладиган воқеага қараймиз.

– Қаранглар! Қаранглар! Қаранглар! – деб қичқириб юборди Люси.

– Қаерга? Нима? – деб сўради ҳамма.

– Арслон, – деди Люси. – Сизлар кўрмадингизми? – Унинг юзи бошқа тусга кирган, кўзлари эса чақнаб турарди.

– Сен чиндан ҳам Уни кўрдингми?.. – деб Питер гап бошлади.

– Сенга уни кўргандек туюлган бўлса, у қаерда кўринди? – Сюзен ундан сўради.

– Катталарга ўхшаб гапирма, – деди Люси, оёғини ерга уриб. – Менга у кўргандек туюлгани йўқ. Мен уни кўрдим.

– Лу, қаерда кўрдинг? – деб сўради Питер.

– Тўғри ана-у ерда, четан дараҳтларининг орасида. Йўқ, тоғ дараларининг бу томонида. Тепада, пастда эмас. Сизлар бормоқчи бўлган томоннинг қоқ қарама-қаршисида. У биз у турган томонга – тепага боришимизни истади.

– У айнан шуни истаганини сен қаердан биласан? – деб сўради Эдмунд.

– У... мен... мен... шунчаки биламан,— деб жавоб берди Люси.— Унинг нигоҳидан биламан.

Колганлар ҳайратли сукутда бир-бирига қараб қотиб қолдилар.

Арслонни кўрганингизда, бу сизнинг юзингиздан билиниб турди. Очиқлик билимни олиб келади.

Ўғлим Эддисон менга, айнан Жулианна — менинг бўлажак рафикам деганда, унинг юзидағи манашу билимни кўрганим ёдимда. Мен яқинда Киевда бўлиб ўтган аёллар анжуманидан қайтган эдим, манашу мен бўлмаган қисқа вақт ичида (олти кун ичида), ўғлим бутун ҳаётининг севгиси бўлган қиз билан танишибди. У шу куннинг ўзида улар билан бирга тушлик қилишимни истади. Биз дахлизда ўтиридик, мен эса унинг бу “мен учун яратилган ягона қиз” деб айтганини эшитиб ўтиридим.

Мен ундан буни қаердан биласан деб сўраганимда, у менинг кўзларимга қараб: “Мен шунчаки биламан” – деб айтди. Манашу лаҳзадан бошлаб, мен ҳам билар эдим. Менинг ўғлим бу қизда қандайдир нарсани кўра олган ва бу унга ўз йўлида давом этиш учун тушунтириб бўлмайдиган куч берарди. Мен она сифатида уни бу йўлда қўллаб-кувватлашим лозим эди. Жулианна билан ҳатто, танишмасимдан аввал, мен учун ҳозир айрим нарсалар тушунарсиз бўлса ҳам, бу қиз менинг ўғлим учун яратилганига ишонардим.

Биз Арслон билан учрашувларда бўлганимизда, биз учун очик кўриниб турган нарсаларни бошқалар тушунмаса ҳам, биз бу билимга ишонишимиш зарур. Бошқа болалар шубҳа билан қарасалар ҳам, Люси кўрган нарсаси ҳақиқат эканини билар ва бунга ишонар эди.

Люси Асланнинг фикрича тўғри бўлган йўлдан боришни айтганида, бошқа болалар бунга рози бўлмадилар. Улар Люси Асланни кўрганига шубҳаланаардилар; улар ўзларидан, нега у Люсига кўринди деб сўрадилар. Улар бу масалага овоз беришга қарор қилдилар: Люси ва унинг Арслони ортидан борадиларми ёки тўғрироқ бўлиб туюлган йўлдан борадиларми. Люси ютқазди, болалар бурилиб, бошқа йўлдан кетдилар. У кўз ёшлари билан бошқа томонга кетаётган гурухнинг ортидан борди.

Үйлайманки, у нимани ҳис қилганини ҳаммамиз тушунамиз.

Арслонни, яъни бошқалар кўрмаётган Худонинг белгисини кўрганингизда, одамларда савол туғилади. Одамлар, нега сенга очилган нарса, уларга очилмаганинг сабабини билишни истайдилар. Мен бу саволга ёлғиз Худо жавоб берса олиши мумкинлигини тушундим. У истаган нарсасини қилиш ҳуқуқига эга. Худо ҳар хил одамларга турлича йўллар билан очилади. Бундай фаолият масиҳ Танасида, биз бир-биризига боғлиқ эканимизни англашга олиб келиши ва ҳеч қандай савол туғдирмаслиги лозим. Агарда бу ишда ҳар биримизнинг ўз қисмимиз бўлса, раҳбарлар бир-бирини қўллаб-кувватлайдилар ва бир-бирини ўзаро ундейдилар. Сизни тушунмай, нотўғри йўлдан бошқаришлари, бу даҳшатли. Атрофингиздагилар сизга Худо томонидан берилган ваҳийни қадрламаса, бундан ёмони йўқ! Бироқ ёдингизда бўлсин, ҳатто мана шундай вазиятда ҳам Худо юқори мақсадга эришиш учун ҳар қандай вазиятдан фойдаланиб, ҳаракатланади. Рад этилганлик ва (сизни тушунмаганларида) одамларнинг жаҳли қалбингизга ҳукм ёки аламни экишига йўл қўйманг. Бундан ўтишнинг уддасидан чиқинг – ва юришда давом этинг.

Ҳозир эса “Шаҳзода Каспиан”га қайтамиз. Узок вақт, фожеали оқибатларга олиб келган самараасиз адашиб юришдан сўнг, болалар йўлларини бошлаган жойига яна қайтиб келдилар. Тинкаси қуриб ва ҳолдан тойиб ухлашга ётдилар. Аслан Люси нимани ҳис этаётганини билади ва келгусида вазият янада ёмонлашмаслиги учун унинг олдига келади.

Уларни ўраб турган ғира-ширалиқдан, Аслан шунча оғир кундан кейин ҳам ғалати тарзда ухламаётган Люсини чақиради. Қизча Асланнинг овозини эшитганидан хурсанд бўлиб, қувонч билан унинг ёнига шошилади. Люси ўтган куннинг воқеаларини таърифлаб, унинг маслаҳатига кирмаган aka-опаларини танқид қиласди. Қаердандир, Арслоннинг ичидан “ириллашга ўхшаган” овоз эшитилади. Люси ҳайрон қолиб, бирор нарсада хато қилдиммикан деб сўрайди.

– Нима бўлганда ҳам, бу менинг айбим эмас-ку, тўғрими?

Арслон тўғри унинг кўзига қаради.

– Оҳ, Аслан,— деди Люси...— Мен бошқаларни ташлаб, ёлғиз ўзим сенинг орtingдан боролмасдим, ахир, тўғрими?..

Аслан жавобан ҳеч нарса демади.

Арслон түгри унинг күзига қаради. Худонинг хузурида бизнинг инсоний хира очиқлигимизга равшанлик берадиган нимадир борми? Мен кўпинча Унинг хузурига, ўзимни тушунмаслик ва тухмат қурбони ҳисоблаб келганман ва сўнг, қандай қарор қилиш фақат менинг қўлимда эканини англаш етганман. Барибир Арслонимизнинг олдида мен уят ҳиссини сезмайман. Мен ўзимни мустаҳкамланган, түгри ҳолатда ва олдинга ҳаракатланишга тайёр сезаман.

Вақти-вақти билан биз ҳаммамиз мана шундай мушқул вазиятга тушиб қоламиз. Сизда Худодан туғилган киши сифатида, бир томондан бир йўл билан бориш истаги бўлади, бошқа томондан – дўйстларингиз ёки оиласиз бошқача йўл тутишга босим ўтказади. Эҳтимол, сизнинг қаршингизда имонга ёки ахлоқий негизларга қарши бориш, шунчаки оломоннинг ортидан бориш ва ҳеч нарса деб гапирмаслик васвасаси тургандир. Сиз нақадар кучли босимга тушишингиздан қатъий назар, билиб қўйингки: Арслоннинг олдига келганингизда, баҳоналар фойда бермайди. Бунга нисбатан – сукунатни оласиз. Мен кўпинча қуйидагича маслаҳатни эшитганман: агар Худо гапирмаётган бўлса, У охирги сұхбатда нима қилишни айтганини эсла. Сиз ўша топширикни қабул қилдингизми, бажардингизми, айтдингизми, бердингизми? Борди-ю шундай қилмаган бўлсангиз, У хали ҳам буни кутиб туриби.

### **“СИЗ ШЕРСИЗ...”**

Одамлар шунчаки бошқа нарса учун овоз бергани ёки У билан рози бўлмагани учунгина Худо ўз топширикларини ўзгартирмайди. Шунингдек бизнинг севимли бўлган “айборни топ” ўйинимизда ҳам қатнашмайди. У биз айловдан ҳақиқатга ўтишимизни кутиб турди. Бу ўзини паст олиш ҳолати, бизга туриб, У билан бирга ёввойи саваннага бориш учун куч беради.

К.С. Льюис Люси билан Асланнинг қуйидаги сұхбатида, бу чуқур ҳақиқатни аник таърифлаган. Қизча бошқалар унга қўшилмагани-

дан қатъий назар, Асланнинг ортидан бориши кераклигини тушубниб етди. Аслан унга иккинчи имкониятни берди ва опа-акаларини уйғотиб, у яна Асланни күргани ва унинг йўл-йўриғига қулоқ солиши вақти келганини айтишни буюрди.

- Бироқ улар менга ишонмайдилар! – деди Люси.
- Бунинг аҳамияти йўқ,— деб жавоб берда Аслан.
- Унда нима қилиш керак? – деди Люси.– Мен эса сени қайта топганимдан шукадар суюндимки... Мен сен яна ўтган сафарги-дек келиб,— ўкириб, барча душманларни қўрқитиб юборасан деб ўйлаган эдим. Энди эса ҳаммаси шунчаки жуда ёмон тус олди!
- Ҳа, сенга қийин, кичкентой,— деди Аслан.– Бироқ ҳеч нарса, ҳач қачон икки марта қайтарилмайди.

Келинг, бир зумга тўхтаемиз. Мана шу ердаги, инсоннинг Худо даъватига нисбатан муносабити кўрсатилган манзара менга ёқади. У бизни йўлга отлантиряпти, бизга эса бу “энг ёмон мағлубият” бўлиб туюляпти. Люси бир дақиқа аввал умидга тўлган эди, энди эса ўзини қаерга яширишни билмай қолди.

Келинг давом этамиз:

Люси Асланнинг нигоҳидан яшириниш учун, унинг ёлига кўмилиб олди. Бироқ унинг ёлида қандайдир сехрли нарса борга ўхшайди. У арслондан унга, кучга ўхшаган нарса қуйилаётганини сезди. Бутунлай кутилмаганда у қаддини тиклади.

- Аслан, мени кечир,— деди у.– Энди мен тайёрман.
- Энди сен шерсан,— деб жавоб берди Аслан.– Энди бутун Нарния қайта уйғонади.

Мен бу эълонни ўқиганимда, ҳайратда қолдим. “Энди сен шерсан...” Ишонаманки, биз ҳам туриб, йиғлашни бас қилиб, тайёр бўлганимизда, Худо ҳар битта қизининг ҳаётида буни эълон қилишни истайди. Худо шундай деб хитоб қиласди: “Энди сен дадилсан. Энди сенда Менинг очиқлигим бор. Сен ўз кучингни англаб етдинг. Сен жангта тайёрсан”. Унутманг – сиз ҳал қилувчи жангда курашаётган қўшиннинг бир қисмисиз.

## ТАРҚАТУВЧИ БҮЛИШДАН ҚҮРҚМАНГ!

Бизнинг жангимизчи? Худди зулмат тобора ўсиб, бизнинг нури-миз эса базўр милтиллаётгандек туюлади.

Ҳаммага орамизда Арслон борлигини эълон қилиш вақти келди. Эҳтимол биз қандайдир арзимаган нарсалар устида баҳслашиб ўтиргунимизча, Уни пайқамай қолгандирмиз. Биз ғамхўрлик қилишимиз зарур бўлган ерни зулмат кучлари вайрон қилиб бўлгунича, бизнинг сафимиз иккига бўлиниб қолди, мўлжалимиз силжиб кетди. Атрофимиз жанг билан қайнамоқда, биз эса ўз сафимиздаги ўзаро уришишлар билан жуда оворамиз.

“Мангу Подшоҳ, ўлмас, кўринмас, якка-ю ягона доно Ҳудога аба-дулабад ҳурмат ва шон-шуҳрат бўлсин! Омин. Эй, ўғлим Тимотий, сен ҳақингда бўлган пайғамбарчиликларга мувофиқ сенга шундай буюраманки, сен уларга биноан яхши уруш услуби билан жанг қилгин ва имонни ҳамда яхши виждонни маҳкам тутгин. Баъзилар яхши виждонни инкор этиб, имон соҳасида кема ҳалокатига учрадилар” (Тимотийга 1-мактуб 1:17-19).

Бизнинг келажагимизга аллақачон ваъдалар лангари ташланган. Биз нур ва умид қуроли ёрдамида курашамиз. Исо яна зулматга қарши курашмайди. У зулматнинг устидан аллақачон ғалаба қозонди. Биз ҳам аслида манашу ғалабада юришимиз, бошқаларни бу намуна-га эргашишга руҳлантиришимиз зарур.

Ҳатто ҳозир ҳам бизнинг давлатимиз ахлоқий, иқтисодий ва руҳий вайронагарчилик бўсағасида турибди. Бизни бутун дунё бўйлаб ва давлатимизнинг ичидаги ҳам – душманлар ва қўпорувчилар қамал қилиб турибди. Қўркув ва сотқинлик барча тизимларга низо эмкоқда, орамизда эса биз ўзимизни ҳимоя қила олмаймиз деб ҳисоблайдиган одамлар бор.

Менимча, бизнинг ҳозирги ҳолатимиз Англияning бир неча юз йил олдинги ҳолатига ўхшайди. Вайрон бўлган ва ғажиб ташланган ердан империя туғилди ва бир ёш аёл ўзида шерни ўйғотганида, Британиянинг ҳалқи қайта уйғонди.

Елизавета I йигирма беш ўшида, иқтисодий ва ахлоқий синиш ҳолатига тушиб қолган давлатнинг таҳтига ўтирди. Англияга ҳар то-

мондан католицизм атрофида бирлашган, кучли мамлакатлар таҳдид солар эди. Англия эса ўз давлатида авжига чиққан диний курашлар билан парчаланиб кетган эди. Мамлакат Генрих VIII ва малика Мариянинг тўс-тўполонли ҳукмронлигининг оқибатида, ўта омонат ҳолда турарди.

Елизаветанинг тож кийдириш маросимида сўзлаган нутқига эътибор беринг: “Менинг елкамга тушган юқдан, ҳайратдаман”. Юз йил ўтиб, унинг сўзлари мен учун долзарб ва мени майдонга чорлайдигандек туюлади. Ақл бовар этмас оғир юкка нисбатан ҳайрат билан қарааш учун, бу қандай аёл бўлиши лозим эди?

Бу малика, мен жуда ёшман, жуда нозикман, яна заиф жинсданман деб – баҳоналар излаб ўтиргани қувонтиради. Унинг тахтга ўтириш ҳуқуқи доим шубҳа остига олиниб келинган. Уни Генрих VIII нинг ноконуний равишда туғилган қизи деганларида ҳам, у таслим бўлмади. Бунинг ўрнига, у ўз ҳайратидан воз кечмасликка қарор қилди. Унинг ҳайрати ҳаётидаги Худога боғлиқлигини тан олиш, хурмат ва эъзоз муҳити учун замин яратди.

Елизавета ҳали ёш давриданоқ сўзларини танлаб гапиришни ўрганди. Агар шундай қилмаганида эди – у йигирма беш ёшгача тирик қолмас эди! Туғилганидан то ўлгунича, атрофида унга ёвузликни тилайдиган одамлар тўлиб-тошган эди. Саройда ҳам, ташқарида ҳам, уни сўзларидан илинтиришни кўзлайдиган хоинлар ва риёсатпарамастлар етарли эди. Ундан олдин малика бўлган ўгай опаси Мария, унинг ҳукмронлиги даврида кўплаб кишилар қатл этилгани учун, Қонхўр Мария лақабига эга эди. Мария Елизаветани ўлдириш имконини қидирав, уни ҳатто, Лондондаги Тауэрга қамаб қўйган эди. Ўша ерда Елизаветанинг онаси Анна Болейн ҳам, боши танасидан жудо бўлгунига қадар ўтирган эди. Мариянинг Елизаветага бўлган ҳамла ва иғволари ўзининг бошига етди.

Елизавета малика бўлганидан ҳеч қанча ўтмай, унинг бошқа Мария исмли жияни, Шотландия маликаси ҳам, католик жамоатининг қўллаб-куvvatловига ишониб, Британияга қайтиб келди ва бир неча марта Англия таҳтини ўзлаштиришга уринди. Охир-оқибат, у маликага сунқасд қилишдаги иштироки маълум бўлгач, Елизавета уни қатл қилишни буюрди. Елизаветага хоинлик қилганлар, ундан юз ўтирганлар,

унга ишонмаганлар, бирок бу кийинчиликлардан, у Англия бунгача ҳеч қачон билмаган хукмдорни ўзида шакллантиришда фойдаланди.

Елизавета I турмушга чиқиб, ўз зурриёдини дунёга келтиришнинг ўрнига, давлатининг келини ва онаси бўлиш мажбуриятини олди. Бағишланганликнинг бундай ақл бовар этмас поғонаси, унга қироллик қудратини мустаҳкамлаган стратегик қарорларга диққат қаратиши имконини берди. Бунга кўшимча сифатида, малика ўқиш ва ўз устида ишлашни тўхтатмагани туфайли, атрофини доно маслаҳатчилар билан ўраб олди, у халқнинг кайфиятини одамларнинг фаровонлиги ни синчиклаб текширади.

Елизаветанинг хукмронлик вақтида:

- протестант диний гурухлари Англия жамоати билан бирлашди;
- Англиянинг иқтисодиёти бир қаватлига айланди ва шунинг учун бошқа давлатлардан диверсияланган ва мустақил бўлди;
- илм ва санъат гуллаб-яшнади;
- Англия қудратли денгиз мамлакатига айланди;
- Американи ўрганиш ва у ерга кўчиб ўтиш янада фаол тус олди.

Малика Елизаветанинг хукмронлиги унинг давлати учун кичик қироликдан қудратли империяга айланган “олтин аср” номини олди.

У шер деб ном олгани ажабланарли эмас. Бироқ, ҳатто унинг ютуқларига қарамай, хукмронлик у учун ҳеч қачон юк бўлишдан тўхтамади. У шундай деган:

“Қирол бўлиш ва тож тақиб юриш – бунга эга бўлганлар учун ёқимлироқ бўлгандан кўра, бунга қараганлар учун кошонароқ”.

Тарихий дарслклар гувоҳлик берадики, у шунчаки тож тақиб юришдан кўра кўпроқ нарсаларни амалга оширди: янги технология, савдо-сотиқ ва изланишларни бошлаб берди. У юз-хотирсиз бағишлиниш, ғамхўрлик ва сабрлилик кучини тушунар эди ва Францияга ўхшаган давлатлар, инқиlobлар билан тилка-пора бўлиб, ҳалокат бўсағасида турган бир пайтда, Англия тинчлик йўли билан тараққийлашди.

Елизавета жасур жангчи эди. Мана, у ўз кўшини билан жанг майдонига киришидан олдин айтган нутқидан бир парча:

“Кўркса, золимлар кўрксин, мен учун эса доим, Худо гувоҳ, фуқароларимнинг садоқатли юраги ва эзгу иродаси, энг муҳим таянч ва гаров бўлиб келган. Шунинг учун ҳозир, мана шундай вақтда, кўриб турганингиздек, сизнинг ўртангизда, бу вақт мен учун дам олиш ёки завқланиш эмас, балки манашу жангда сизлар билан бирга ёки ўлиб кетиш, ёки тирик қолиш вақти. Мен Худоим учун, менинг қироллигим ва халқим учун, ўз шаъним ва қонимни тикишига, танамни тупроққа топширишга тайёрман...

Биламан, менинг танам – заиф ва ночор аёлнинг танаси, бироқ менинг юрагим маликанинг юраги ва оддий маликаники эмас, балки Англия маликасининг юраги. Борди-ю Парма, Испания ёки Европанинг бошқа монархи, менинг қироллигимнинг чегарасига бостириб киришга ҳадди сифса, бу менда нафрат уйғотади, мен устимга қандайдир бадномлик ёғилишини кутиб ўтирасдан, қўлимгага қурол оламан... Биз яқинда Худонинг, Қироллигимизнинг ва менинг Халқимнинг душманлари устидан шарафли ғалаба қозонамиз”.

Ва улар бу ғалабага эришдилар.

Кўряпсизми, аёл киши қўрққанида эмас, балки ҳайратланганида нималар содир бўлади? Елизавета Худонинг ортидан жасорат билан эргашди ва ўз тақдирининг чорловига диққатли бўлди. У Худонинг бошқарувини излашга жиддий ёндошган ва учта тилда ибодат дафтарини юритган. Натижаларни қўркмай, лол қолдирадиган дейиш мумкин. Эҳтимол, сизни Худо қандайдир одатий бўлмаган ёки қўрқитадиган нарсага даъват этаётгандир. Агар шундай бўлса, Люси ва малика Елизавета I нинг намунаси сизни олдинга бориши учун рухлантиришига рухсат беринг.

Бошқалар сиз учун қандай ролни тайинлаб қўйгани муҳим эмас. Сиз Худонинг сўзларига ишонинг. У юбораётган жойга боринг; У айтиётган нарсаларга қулоқ солинг. Арслон сизни бошқараётган йўлдан боринг ва бошқалар сизни тушунмаган тақдирда ҳам, олган “ваҳийингизга” ишонинг.

Ҳайратланишга тайёрмисиз?



## Пичирлашдан ўкиришга ўтиш

Мен арслон эмасман – шунчаки менга арслоннинг ўкиришини акс эттириш шарафи берилди холос.

Уинстон ЧЕРЧИЛЛЬ



**A**рслонлар ўкирадилар.  
Шубҳасиз, сиз бу ҳақда биласиз. Аммо ургочи шерлар ҳам ўкиришини билармидингиз?

Арслонлар ёки шерлар тингловчиликта таассурот қолдириш учун ўкирганида, улар авваламбор, танасининг ҳолатини ўзгартириши зарур. Кучни табий қудрат билан ҳайқириш учун таъзим қилиш талаб этилади. Улар ўпкаларини ҳаво билан тўлдириш учун, улуғвор бошларини эгиб, кўкрак қафасини кенгайтирадилар. Уларнинг ўкириши хилват тунда саккиз километргача етиб боради ва бу товуш тўлқини йўлида турган ҳайвон ёки одамнинг юраги сесканади. Қизик, улар бу ҳавони чиқараётганларида, ўзларига ёрилиб кетадигандек туюлмасмikan. Шерларнинг ўкириши сизни ўраб олиб, ўзининг даҳшатли овози билан донг қотириб қўяди.

Шунга ўхшаб, биз ҳам Худонинг шерлари сифатида, мана шундек қудратли даражадаги овоз чиқаришни истасак, турган ҳолатимизни ўзгартиришимиз зарур. Ўкириш учун ўзимизнинг баланд кўтарилиган бoshшимизни эгиб, таъзим қилишимиз керак. Ҳоксорлик ва ибодатнинг мана

шундай холати бизни Муқаддас Рухнинг янги қўйилиши билан тўлдириш учун тўгри туришга ёрдам беради. Ишонаманки, биз олган Муқаддас Рухнинг “микдори”, бизга У берган ҳаётни ўзимизда ушлаб туриш кучидан ошиб кетса, мана шундай ўкириш юзага келади. Биз унинг ҳақиқати, севгиси ва эзгулигини ўзимизда тутиб туро олмаганимизда, бизнинг Худоимиз қандайлигини ҳаяжонли тарзда эълон қиласиз.

Бироқ шер билан таққослаганда, бизнинг ўкиришимиз шунчаки товуш бўлмайди. Бизнинг тантанали эълонимиз сўзлар, ишлар ва имон қадамларидан ташкил топган илоҳий бирикма бўлади. Имон, умид ва севгининг кўринмас жиҳатлари бир қатор одамларнинг ҳаётида сезиларли бўлишни бошлайди ва дунёдаги эҳтиёжларга нисбатан бизнинг умумий жавобимизда ва Худонинг севгисида ўз аксини топади, шунда дунё бизнинг ўкиришимизни эшитади. Борди-ю бизнинг ҳаётимиз, тинимсиз равишда Арслоннинг Шахсини акс эттираса, дунё Унинг ўкиришини эшитади. Шунда худолар ва хукмронлик ролига даъво қилувчилар эгилади, барча товушлар ўчади ва шундай садо кўтарилади: “Ягона бўлган Худога сажда қилинглар!”

Дунё турли хилдаги ўкиришлар билан тўлиб-тошган. Мен “ўкириш” сўзини ўрганганимда, жуда кўп нарсалар ўкира олишини билиб олдим. Океанлар ўкириши мумкин. Даҳшатли, шиддатли шамол ўкира олиши мумкин. Шаршаралар бошни айлантирадиган баландликдан, улкан сув мавжларини отаётиб, ўкирадилар. Стадиондаги ишқибозлар ўкириши мумкин.

Самовий таҳт қархисидаги тўртта жонзот: “Муқаддас, Муқаддас, Муқаддас”, – деб ўкирадилар, – бу ўкириш само дарвозаларини ларзага солади (Ишаъё 6:4 га қаранг). Биз буни қўшиқлар кўринишида тақрорлаймиз, бироқ Муқаддас Худо ҳақидаги эълон бошида – ўкириш ёки наъра шаклида бўлган.

Ҳатто, Кудратли Худо, ер-у кўкнинг Раббийси... ўкиради.

“Раббий Ўзининг маконига даҳшатли гумбурлайди ва заминда яшайдиганларнинг ҳаммасига исканжада эзаётганлар ҳайқиргани-дек ҳайқиради” (Йермияҳ 25:30).

Ва яна:

“Мен қаҳрли ғазабимни амалга оширмайман, Эфрайимни яна қириб ташламайман, зоро Мен одам эмас, Худоман; сенинг орангда-

ги Муқаддасман ва Мен шаҳарга кирмайман. Улар Раббийнинг ортидан борадилар, У шер каби ўкиради. У ўкирганида ғарбдаги ўғиллар титрайдилар” (Хосея 11:9-10).

Қандайдир овоз, қандайдир тарзда шуқадар кучайиб кетадики, уни энди пичирлаш, шовқин, қичқириқ ёки эълон деб атаб бўлмайди. Наҳотки фақат овознинг баландлиги ўз қудрати билан лол қолдира-диган ўкиришга айланса?

## ҲАММАСИ ПИЧИРЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Бу саволга жавоб бериш учун, келинг пичирлашнинг харакатини ўрганамиз.

Саночи шундай деб ёзган:

“Мен бу пичирлашни эшитяпман – бу ҳеч қачон мен билан гаплашмайди деб ўйлаган Шахснинг мулойим пичирлаши” (Санолар 80:6, Message таржимаси).

Бу ердасаночи Худонинг пичирлашини эшитганидан ҳайратини таърифлаган. Наҳотни у Худога бўлган садоқати ҳакида олдин ҳам куйла-маган ва буни таърифламаган? Эҳтимол, бу Санода у Худо билан илк учрашувда бошидан кечирганидаги ажабланишни эслаяпти. Биз олдин эшитмаган нарсани таний олмаймиз. Жумладан, Довуд Худонинг пичирлашини биринчи марта ёш чўпон бўлган пайти эшитган ва бунинг натижасида, Раббийнинг овозини доим ва ҳамма жойда таний олган. Худонинг овози ҳақида: “...бундай мулойим пичирлаш” – деб айтган. Улуғвор Худо мулойим овоз билан гапиради, лекин инсоний ҳаётдаги бешафқат воқелик билан таққослаганда, бу нақадар зиддиятли.

“Тўхтанглар ва англаб олинглар: Мен – Худоман. Халқлар орасида юксаламан, ерда юксаламан...” (Санолар 45:11).

Ишончим комилки, Кудратли Худо ва бор мавжудотнинг Яратув-чиси, Унинг фарзандлари мағлубиятга учрашини, лекин шу билан бир қаторда Унинг пичирлашини эшитиб, юпанишини билган.

Шахсан мен учун ҳайқирадиган Худонинг тимсолидан кўра, кўпроқ пичирлайдиган Худонинг тимсоли ажабланарлироқ. Бундай буюк Худодан қулоқларни қоматга келтирувчи қийқириқни эшитиш

турган гап, бироқ пичирлаш – бу қандайдир кутитмаган ҳолат. Бу мұлойим овоз билан Худо бизнинг эътиборимизни тортишга қодир. Тубсизлик тубсизликни чорлаганидек, Худонинг пичирлаши ҳам – У яратған фарзандларининг ич-ичида жаранглайдиган акс-садо ҳисобланади.

Элиша Худони шамолда, ер қимирлашида, оловда, топишга уринган, бироқ Унинг овозини пичирлашда эшитган (3-Шохликлар 19:12 га қаранг). Пайғамбар сокин, мулойим овозни эшитганида, ўзининг яшириниб ўтирган жойидан чиқди ва Худонинг гапларига күлөк тутди.

Мен Худонинг мурожаати доим пичирлашдан бошланишига ишонаман. Барча баланд овозда эълон қилинган сүзлар, қачонлардик пичирлаб айттылган. Мен ҳомиладорлик пайтим ичимдаги бола қай тарзда ўсаётгани ва мустаҳкамланаётганини сезганимда, бу гүдаклар дунёсидан келаётганды пичирлаш эди. Ҳайкириқ ички пичирлашдан бошланади. Эҳтимол, сиз қалбингиздан чиқаётганды фарёдга нисбатан, Худонинг пичирлашини эшитгандирсиз! “Художон, мен очман, күркәяпман ва ёлғизман”.

У жавобан сизга пичирлаб, дейди: “Күркма! Болам, Мен ёнингдаман”.

Мен баъзида пичирлашнинг тимсоли бўлган аёлларни учратаман. Ўзининг кўрқиб қолган боласини аллалаётганды она бақирмайди – у пичирлайди. Мен Худонинг қизлари бир-бирига йиллар давомида, ичида туғилаётганды интилишлар ҳақида пичирлаганини эшитиб келдим. Мен қариб ўттиз йил давомида турмуш ўртоғим билан каравотимизда ётганимизда пичирлаб гапираман. Тунда иссиқ кўрпанинг тагида бақириб гапириш ўринисиз. Бу пичирлаш, дам олиш ва яқинлик жойи.

Шундай вақтлар бўлганки, жамоат йигинида, мен билан ўтирган оила аъзоларимга пичирлаб, қулогига нимадир деганман. Мен кескин ёки ҳақиқатга мос бўлмаган нарсани эшитганимда, паст овозда гапиранман. “Бу нотўғри” – деб айтганман. Жон ва менинг ўғилларим индамай бошини қимирлатиб қўярдилар, баъзида ҳатто, қўлимга астагина уриб, шундай дегандек бўлар эдилар: “Хавотирланма, биз тушуняпмиз. Секинроқ гапир, биз сени эшитяпмиз”.

Мен буни лозим деб билганим учун пичирлаганман. Менимча, ўта аҳамиятсиз ёки ўта нозик, бузиб кўрсатилган ёки шунчаки нотўғри бўлган нарсаларга ҳам, жим ўтириш ва эътиroz билдирилас-

лик түгри эмас деб ҳисоблайман. Эҳтимол, ҳамма гап мен олиб бора-ётган хизматимдадир, аммо мен бу уруглар илдиз отмасидан олдин, уларни ердан териб олиш учун ҳақиқатни эълон қилишим зарур. Баланд айтилган сўзларни, ўз пичирлашим билан рад этаман.

Худо менга шивирлаб айтган ва менинг ҳаётимда таъкидлаган нарсаларга мос келмайдиган гапларни эшитганимда, мен пичирлайман. Шубҳасиз, сиз ҳам ўзингизни шундай ҳис этган пайтлар бўлиб турди. Борди-ю сиз Худонинг пичирлашини эшитсангиз – бу муқаддас ва бизнинг эътиборимизга лойиқ эканини тушунасиз. Кўпинча биз воизлик қилганимизда ёки таълим берганимизда, биз бошқаларнинг таълимотини такрорлаймиз. Худо гапирганида эса, бу бутунлай бошқача бўлади. Худонинг пичирлаши – бу арзимас нарса эмас ва бунга хурмат билан ёндошишимиз зарур.

Худо Ўз ўғиллари ва қизларига пичирлайди. Ўз ҳаётингда ҳозир ўзингиз пичирлашингиз ва Худонинг пичирлашини эшитиш вақти келганини ҳис этаяпсизми? Буни сиз, ҳатто ҳозир ҳам эшитаётган дирсиз. Пичирлаш – бу сирли ва олдиндан башорат қиласидиган тил.

Минг йиллар давомида одамлар Худонинг пичирлашини излаган, бироқ кўпинча бунга жавобан сукунатни эшитган.

“Кўплаб пайғамбарлар ва шоҳлар сизлар кўрган нарсаларни кўриш учун ўнг қўлини берган бўлардилар, аммо кўра олмадилар; сизлар эшитган нарсанинг, ҳатто пичирлашини ҳам эшита олмадилар” (Луко 10:24, Message таржимаси).

Қадимги пайғамбарлар ва шоҳлар қулоқларини динг қилиб тургандар, аммо Худодан бирор садо ҳам чиқмаган. Улар кўз учида бўлса ҳам, келажакни кўра олиш учун тикилиб қарадилар, бироқ уларнинг уфқида ҳеч нарса пайдо бўлмади. Садо ҳам, очиқлик ҳам, тимсол ҳам – ҳеч нарса бўлмади, болаларидан: “Сизлар буни эшитдингизми?”- деб сўраш учун сабаб бўладиган ҳеч нарса бўлмади.

Сўнг мактуб келди-ю, бироқ бу пичирлаш тарзида эмас, балки инсон тимсолида келди. Пичирлаб айтилган Сўз танага айланди ва одамлар билан сухбатда, уларга кўл кўйиб, таълим бериб, шифолаб ва ўликдан тирилтириб, баралла гапиришни бошлади. Афсуски, ҳаммадан ҳам кўпроқ эшитишга уринган одамларнинг қулоқлари том битиб қолган эди. Бу одамлар Уни илғай олмадилар, чунки Худо улар

кутгандек кўринишга эга эмас ва улар кутгандек гапирмас эди. ИсоMasих солиқ йигувчилар ва балиқчиларга “шивирлаб ва фарзийларнинг оғирлашиб қолган қулоқлариға бақирад эди.

Исо Ўзининг Кимлиги ва қаердан келганлигини сўзлар билан ифодалашнинг ўрнига, ҳаёти билан Ўз табиатини очиб берди. Унинг ишлари ҳар қандай сўзлардан баландроқ жаранглар эди.

## ПИЧИРЛАШДАН ХИТОБГА ЎТИШ

Кўпларимиз сингари, менинг дугонам Бобби Хьюстон ҳам Самодан келадиган садога қулоқ тутади ва Қудратли Худонинг Руҳи Ўз қизларига қандай топшириқни тайёрлаганига диққат қиласи. У қўйидаги шоирона сўзларда кўпчилигимиз кўраётган нарсани муҳрлади:

Худонинг пичирлаши хитобга айланди.

Бутун дунёдаги аёллар ушбу сўзларга муносабат билдиради.

Унинг пичирлашини эшитаётган аёллар кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Бу Худонинг пичирлаши нима ўзи? Ва нега унинг товуши баланд бўлиб бормоқда? Адолатга хитоб этаётган тумонат овозларнинг бирлашмасига жавобан, бизнинг умидга тўла эълонларимиз кўтарилимоқда. Исонинг онаси, Марям унинг ҳалқи учун нажот ҳақидаги Худонинг ваъдасини қабул қилганида, у буни ўз юрагида асраб, ичида сақлаб юрди. Бугун юракларида Худо амалга оширган ҳаёт ва эркинликни эълон қилаётган аёлларнинг сони ортиб бормоқда. Натижада, айрим одамларнинг юрагида бошланган пичирлаган овоз, бирлашган хитобга айланди. Узоқ вақт сукунат ҳукмронлик қилган жойларда мактуб жаранглайди.

Сизнинг қулоқларингизга пичирлаётган гапларни, ҳамма эшитиши учун томларнинг устига чиқиб бақиинглар (Матто 10:27, инглизчадан NLT таржимаси)!

Исо бошида шивирлаган, сўнг шогирдларига қичқиришни буюрган. У биринчи тор доирадаги одамларга фаҳмлаш ва доноликни жойлаган, сўнг шогирдларига, олдин сирли бўлган нарсаларни, энди очиқ эълон қилишни буюрган.

Биз хозир Худонинг бугунги шивирлаши, эртанги хитобга айланадиган кунларда яшаемиз. Бунинг яширин бўлган ҳаққоний ҳажми ни тушунамизми, йўқми, билмайман-у, ҳозир кўпларингиз яқинроқ келиб, дикқат билан тинглашни бошлаганингизни сезяпман. Яқинроқ келаверинг, сиз енгил шивирлашни – ичингиздаги интилиш, ҳаяжон ва ҳаракатни эшитаяпсиз.

Худонинг шивири шуқадар ўзига тортадики, бундан ҳадиксираб кетасиз.

Буни шуқадар олдиндан билиб бўлмайдики, баъзида унинг ортидан бориб, қандайдир вақтга ёлғиз бўлиб қолишингиз мумкин.

Бу шуқадар қудратлики, унга бир марта йўл берсангиз, кейин тўхатиш имконсиз.

“Осмоннинг устунлари титрамоқда ва Унинг таҳдидидан даҳшатга тушмоқда. Кулоқ солинг! Бу товуш Худонинг овози! У Ўз курдати билан денгизни қўзғатади ва Ўзининг онги билан унинг мағрурлигини чилпарчин қиласди. Самонинг кўркамлиги – Унинг Рухидандир. Чаккон илонни Унинг қўли яратган. Мана, булар – фақат кичик қисмлардир, Унинг шоҳлигининг шивири, холос. Биз У ҳақида накадар кам эшитганимиз! Бироқ Унинг қудратининг гумбурлашини ким англай олади?” (Аюб 26:11-14, Message таржимаси, муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

Мен ҳам айнан шундай деяпман. Биз нима қилган бўлар эдик? Биз шубҳасиз, қўрқувдан қалтираб қолган бўлардик, бироқ Унинг пичирлашини танийдиган ва Унга ишонадиганлар, Худонинг олиб келадиган хитобига қарши чиқа олмайдилар. У овозини кўтарганда, ичимиизда нимадир эҳтиром билан итоат этади. Юқорида таърифланган бор куч ва овоздаги қудрат – бор-йўғи пичирлаш. Унинг биргина эсиши осмондаги барча булутларни тарқатиб юборади!

Худованд Ундаги ҳаёт, эркинлик, умид, куч, шиддат, қиймат ва ҳатто, гўзаллик ҳақида юрагимга илк бора шивирлаганида, қайсиdir маънода машқ эди. У мени ўзим кенгайиш ва ўсиш учун энди жой йўқ деб ўйлаган соҳаларда, кенгайиш ва ўсишга даъват этди.

Ўша пайтдаги қалбимда ҳукмронлик қилган босимни яхшиси шу аснода таърифлайман: тасаввур этиб кўринг, сиз ҳаётингизда шу пайтгача билмаган нарсалар энди содир бўлиши ҳақидаги шивир-

лашни эшитдингиз. Бу пичирлаш дейди: сен ҳаётинг ўз нүктасига бориб етди деган фикрга рози бўлдингми ва қандайдир ёриб ўтиб бўлмайдиган юқори чўққи мавжудлигини тан олдингми, лекин бу бўлмаган гап ва ҳеч қачон бундай бўлмайди. Бу пичирлаш сиз жуда кўплардан эшитган нарсаларга зид.

Бироқ бу пичирлаш сизни қандайдир сирли, теран жойга етаклайди ва ҳозирча тил билан таърифлаб бўлмайдиган ноаниқ интилишларга ундаиди. Бу овоз телевизорда эшитган ва китоб ёки журналда ўқиган нарсалардан кўра ҳақиқатга яқинроқ эшитилади. Қулоқларингиз вахийнинг шивирини эшитганда, сиз ўзгарасиз. Бир ой, бир ҳафта ёки бир кун олдин ўзингизни сувдаги балиқдек сезган жойларда, муносабатларда ва гап-сўзларда, тўсатдан ноқулайликни ҳис этишни бошлайсиз.

Мен илк бора Худонинг пичирлашини эшитганимда, айнан шундай бўлди. Қандайдир маънода, олдин билган нарсаларимдан ажратиб олинганимни ҳис этдим, лекин бу хоинлик эмасди. Мен ўзимни худди денгизнинг ўртасида, қаердан келиб қолганимни ҳам, кейинги бандаргоҳни қаердан излашни ҳам билмай, адашиб юргандек сездим. Шу пайтгача турғун туюлган нарсалар, энди тўқилиб бораётган, ноаниқ ва ноқулай эди. Ягона амин бўлган нарсам: нимадир жойидан силжиди-ю, мен эса энди ҳеч қачон эски ҳаётимга қайтмаслигим эдим.

Ҳа, бу пичирлаш бизни олдин билган нарсаларимиздан – айнан шу аснода, шукадар тез ажратиш ҳокимииятига эга. Айримлар буни дили ёришиш деб, бошқалар – парадигмаларнинг силжиши деб атайди.

Ҳар доим Худони излаганимда, У жавобан менга пичирлайди.  
“Кел, яқинлаш, Менга пичирлаб жавоб бер. Мен Сенга мухтоҗман!” (Санолар 54:2, Message таржимаси).

Унинг жавоблари сиз ва ўтмишингиз ўртасига бўлиниш олиб келиши мумкин ва қанчадир вакт бу сизга ноқулайлик туғдиради. Мана, нима учун Худонинг пичирлашини эшитганда, тинчланиш, тўхташ, қулоқ солиш ва бу пичирлашни муҳрлашга уриниш мухим.

Людвиг ван Бетховен шундай деб ёзган: “Товушлар, то мен уларни ноталар кўринишида ёзиб кўймагунимча, атрофимда янграйди, жаранглайди ва отиладилар”. Борди-ю у ичида эшитганларини ёзиб

бормаганда, нима бўларди? Биз нафакат унинг мусиқасидан бебахра қолар эдик, қолаверса у орқали ёзилган товушлар симфониясидан туғилган фикрлар, севги, орзулар ва руҳланишсиз қолардик.

Худонинг пичирлаши менда бўронни ёки фикрларнинг ириллашини юзага келтирганида, уларни ёзмагунимча, тинчланмайман. Са-монинг нафасини тутиб олиш ва бу шивирлашга шакл бериш учун кўплаб йўллар мавжуд. Баъзилар уни сўзларга ўрайдилар, бошқалар эса мусиқа тўқийдилар. Яна бир турдаги одамлар эса буни во-излик, актёрлик ўйини ёки адабиёт асари ёрдамида юзага чиқаради, бу орқали пичирлаш олиб келган мактуб баландроқ янграйди. Бу пи-чирлашга шакл ва ранг бериб, тасвирлар ёки архитектура кўринишида тақдим этадиганлар ҳам топилади.

Бу қандай шаклда юзага чиқиши муҳим эмас. Мухими – буни юзага чиқаринг!

## **ПИЧИРЛОВНИ ҲАЁТИНГИЗДА БАЛАНД ТАРЗДА АКС ЭТТИРИНГ**

Сиз балки: “Баланд овозда яша”, – деган иборани эшитгандир-сиз, – бироқ мен бу иборага яна бир нарсани қўшимча қилмоқчи эдим. Ичингдаги нарсаларни акс эттирган ҳолда баланд овозда яша.

Ральф Уолдо Эмерсон шундай деган: “Одам ёлғиз ўзига эшитиля-ётган пичирловга қулоқ солмаса, ҳеч ким ҳеч қачон, ҳеч қандай маҳ-сус ва таъсирли нарсани амалга ошира олмайди”.

Ўзингизни эшитишга ўрганинг. Фақат ўзингиз эшита оладиган нарсаларни сизга бошқалар айтишини кутиб ўтирунг. Борди-ю шундай қилсангиз, ўз юрагингизнинг устидан ҳокимиятни ичингиздаги Худонинг пичирловига эмас, бошқа одамларга топшириб қўя-сиз. Худо сизга шивирлаётган нарсаларга жиддий ёндошинг ва сиз қандайдир маҳсус нарсани амалга оширишга қодир бўлишингиз учун, у сизга жойлаётган сўзларни эшитиш учун вақт топинг.

Биз кўпинча ёлғиз қолганимизда Худонинг пичирлашини эшита-миз. Бироқ ёлғиз биз эшита оладиган қулоқقا эга эмасмиз. Худо Уни тинглаш учун етарли даражада тинчланиб олган ҳар битта киши-га мурожаат этишга тайёр. Гап шундаки, биз Муқаддас Рухни аниқ

эшитиш ва Унинг сўзларини кучда ёзиб олиш учун етарли даражада узун бўлган тўхтамга бардош бера оламизми. Бу мактубдаги ўз қисмимизни аниқлай ва белгилай олсак, бу пичирловни бошқаларда ҳам таний олишимиз мумкин. Тинчлиқда тинглаш пайтлари бизга ноқулай туюлиши мумкин, бироқ биз яна алоқани тиклаб, бирор нарсага қўшилиб, хавфсиз бандаргоҳ томон йўналишимиз учун, бу жараёндан ўтиш шарт.

Мен ёлғизликда тинглашим зарур бўлган вақт 2006-йил ўз якунини топди, мен бу пайт Филлипинада Хелен, Бобби, Лиза ва Дебора каби кучли ва меҳрибон аёллар даврасида бўлган эдим. Биз ҳаммамиз турли давлатлардан келган эдик, мақсадимиз бутун дунёдаги аёлларнинг кучи қадрини таъкидлайдиган ўқув дарсининг намойишида иштирок этиш эди.

Ушбу анжуманлардан сўнг, менинг воизликларим бу қадар кескин ўзгариб кетишини умуман кутмагандим. Бу учрашув менинг воизликларимнинг мазмунини эмас, балки уларни одамларга тақдим этиш усулини ўзгартирди. Кўркмай таъкидлашим мумкинки, 2006-йилнинг охирларида менинг сўзларимда сўроқ ва узр сўраш оҳангি анча йўқолди.

Анжумандан сўнг ўзимни Худонинг пичирловига янада яқинроқ боғланган ва унга янада содиклигимни ҳис этдим. Бунгача ички кураш, яккаланиб қолганлик ва ёлғизликдан қийналардим.

Жадвал тузувчиларнинг хоҳиши билан, мен биринчи бўлиб воизлик қилдим. Ўз қисмимни тугатиб, бошқа аёллар айтган мактубларни ўзимга сингдиришга шайландим. Ҳар битта дарс давомида менинг саволлар билан ҳолдан тойган ва эзилган қалбимга ҳаёт қуйилар эди. Ҳар битта воизхон равшанлик, куч, мойланиш ва меҳрибонлик билан гапириб, ичимдаги шивирловни ва менинг шахсий сирларимни сўзларга ўгиради десам ҳам бўлади. Менинг юзимдан оқаётган ва худди қакшаб кетган қалбимни сугораётгандек қуилаётган ёшларимни тўхтата олмасдим. Менинг чанқогим босилди ва саволларимга жавоб олдим.

Анжуман охирида айрим хизматчилар билан бирга меҳмонхонага қайтдик. Мен уларга ичимдан нималар ўтаётганини таърифлаш учун тинимсиз гапирадим. “Ахир, сен ўзинг бу ҳакда ёзгансан ва воизлик қиласан-ку?” - деб изоҳ келтирди Бобби.

У ҳақ эди, бироқ шу пайтгача манашу ҳақиқатларни баланд овозда эшишиш ва яна кимнингдир фикрларини, менинг фикрларим билан шуқадар ҳамоҳанглиқда эшишиш имконига эга бўлмаган эдим.

Йиллар давомида, ўзимни ёлғиз сезардим ва менинг сўзларим ёпиқ жойнинг деворларидан ташқарига чиқмаётгандек туюларди. Мен ташқарига боқиб кўяр, бироқ бу деворлардан ошиб ўта олмасдим. Тўсатдан кимдир панжарали эшикни очиб, мени нур ва кулгу билан тўла катта, очиқ кенгликка таклиф қилгандек бўлди.

Бобби менга қўлини чўзди ва тиззаларимга уриб қўйди: “Сен энди ёлғиз эмассан”.

Мен бошимни тебратдим ва ўзимни ёш боладек тутаётганимни сезиб, йифлардим,— лекин менга ҳаммаси барибир эди. Ўша кеча мен учун ҳаётимда бошқа давр бошланган лаҳза эди. Мен то бошқа нарса билан бирлашмагунимча, ўзимнинг ёлғизлигимни тўлиқликда англаганимга амин эмасман. Мен чиндан ҳам, биродарларнинг сафига қўшиладиган ва бу дунёни ўзгартириш учун биргаликда меҳнат қиласидиган опа-сингилларнинг бирига айланганимни тушуниб етдим. Сен эшиитган пичирловни, эшигнларга қўшилиш,— бу сенга куч, озодлик олиб келади ва бу нақадар ажойиб!..

Эҳтимол, сиз ҳам буни бошингиздан кечиргандирсиз. Сиз нимагадир четдан қараб турасиз ва кутилмагандек улар сизни ҳам ўз сафига қабул қилгани ва сиз содир бўлаётган нарсаларнинг бир қисми бўлиб қолганингизни ҳеч туйганмисиз? Қизим, опа-синглим, онам ва дугонам, сиз Худо оиласининг бир қисми эканини билишингиз зарур, сиз бизнинг бир қисмимисиз. Сиз ёлғиз эмассиз ва ҳеч қачон ёлғиз бўлмагансиз. Ичida Худонинг пичирловини олиб юрган одамларнинг барчаси сизни қабул қиласиди ва сизни кўришдан мамнун.

Сизни ёлғиз эканингиз ва сиз бунга мажбурлигиниз учун даврага қабул қилинганингиз йўқ. Ҳечам бундай эмас! Сиз бутун дунё бўйлаб кўтарилаётган Худонинг аёл ва эркаклари жамиятига тегишли эканингиз учун қабул қилиндингиз.

“Сизлар – бизнинг бир қисмимисиз. Муқаддас Худо сизни мойлади ва сизлар барчангиз буни биласизлар. Буни сизлар билмаганингиз учун ёзганим йўқ, лекин сиз билган ҳақиқатни таъкидлаш – ҳақиқат ёлғонни туғмаслигини эслатиш учун ёздим” (Юҳаннонинг 1-мактуби 2:20-21, Message таржимаси)

Мен ўзимдан каттароқ давранинг бир қисми эканимни билиш қанчалик катта аҳамиятга эга бўлганини тилим билан ифодалаб бера олмайман. Мен ҳар ҳафта сафарларда юриб, юзлаб аёлларга воизлик қилсам ҳам, кўпинча ўзимни меҳмондек ҳис қиласр эдим. Меҳмонда бўлиб, ўзингни бегона ҳис этиш – бу дилхиралик олиб келади! Шунинг учун келинг, барча тушунмовчиликларга барҳам берамиз: сиз меҳмон эмассиз – сиз Худонинг оиласининг бир қисмисиз. Катта оломон бир бутун бўлганида, ҳар бир кишининг сўзи садога айланади, муносабатлар мустаҳкамланади, овоз эса баландланади.

Мана шундай турдаги пиҷирлов бизни унга қўшилишга чорляяпти!  
Хитоб ҳақида нима деймиз?

“Бақирманглар. Ҳатто бир-бирингиз билан гаплашманглар ҳам – мен сизларга: “Қичкиринглар!” – деб буйруқ бермагунимча, ҳеч қандай шивир чиқарманглар, – кейин бор кучингиз билан қичкиринглар!” (Йешуа Нун 6:10, Message таржимаси).

Биз пиҷирлашдан хитобга ўтиш ҳақида гапирганимизда ёки ҳеч бўлмаса бу ҳақда ўйлаганимизда, тўғри вақтни танлаш энг муҳим масала ҳисобланади. Кўриб турганингиздек, биз тарихнинг стратегик муҳим ва хавфли даврида яшапмиз. Худо Йерихонни қулатганидек, энди ҳам айрим нарсаларни ўраб олишни ва тўғри танланган вақтда уни бирлашган хитоб билан барбод қилишни режалаштириб қўйган.

“Чунки Раббийнинг Ўзи буюк нидо пайтида, бош фариштанинг садоси ва Худонинг карнайи овози билан осмондан тушади...”  
(Фессалоникиаликларга 1-мактуб 4:16).

Унинг овозининг товушидан ўлим ва ҳалокат ҳукмронлиги қулайди. Истроилликлар хитобнинг кучини қўлга киритмагунларича, Йерихонни етти марта айланишига тўғри келди. Шунга ўхшаб, ақлли шерлар ҳам, уларнинг пистирмаси муваффақият қозонишига ишонч ҳосил қилмагунича, ўкирмайди. Гап баланд овозда бақириш ва катта шовқин кўтаришда эмас, гап тўғри фурсатда ҳаракатни бошлишда. Ҳамма керакли куч билан буни бажариш масъулиятини ўз зиммасига олмагунича – ҳеч биримиз бирор нарса демай туришимиз зарур.

Ҳар битта пичирловни ҳам хитоб қадар баланд овозга қўтариш керак эмас.

“Ҳомиладор аёл тўлғоқ бошланганида, азоб чекиб ўз оғриқлари-дан додлаганидек, Сенинг олдингда биз ҳам шундай бўлган эдик, ё, Раббий” (Ишаъё 26:17).

Йиллар давомида биз ҳаммамиз алоҳида ва биргаликда азобларимиздан қичқириб келдик, бироқ азобдан қичқириш – бу масалани ечмайди. Ечим – бу тўлғоқ азобидек оғриқ орқали дунёга ҳаёт келтиришдир. Келинг манашу хурофотга ва ҳатто, азобларга нажот кучи билан жавоб берамиз ва кучли ва ғайратли Худо қизларининг авлодини дунёга келтирамиз.

## ХИТОБНИНГ ЎКИРИШГА АЙЛАНИШИ

Қичқириш ҳамманинг қўлидан келади. Бироқ ҳамма ҳам ўкира олмайди, айниқса, бунинг вақти келмаган бўлса.

Хўш, ўкириш дегани нимани билдиради? Ўкириш – бу шунчаки баланд овоздаги хитоб эмас. Бу биринчи навбатда ботирларча эълон қилиш. Ўкириш – бу табиий, шиддатли ва бироз тушунарсиз нарсанинг чикишидир. Ҳар биримиз ўкириш қобилиятига эгамиз, лекин ҳамма алоҳида эмас. Ўйлайманки, ўкириш одамларда – бу кўплаб овозларнинг бирлашишигина эмас; бу одамлар, қай тарзда умид ва Худонинг севгиси билан бўлишиб, ўз имонини ҳаётида баланд овозда кўрсатишидир. Айримларингиз, эҳтимол, 1970-йилларда Хелен Рэдди: “Мен аёлман, менин ўкиришимни эшит!” – деб айтган қўшигини эслашингиз мумкин. Илтимос, мен фақат аёллар ўкириши керак деб айтишига уринмаётганимни тушунинг. Боз устига, аёлларни эркакларга, эркакларни эса – аёлларга қаратади ўкиришга чорламаяпман. Ҳозир овонимизни қўтариб, биргаликда ўкириш вақти келди деб ҳисоблайман!

Ҳозир ҳам ўз руҳимда шундай сўзларни эшитяпман: “Қизларим, тайёрланинглар, чунки сизнинг умумий хитобингиз ердан қўтариладиган ва Самодан ёрдам олиб келадиган ўкиришга айланиши мумкин”. Уинстон Черчиль айтганидек: “Мен арслон эмасман – шунчаки менга арслоннинг ўкиришини акс эттириш шарафи берилди холос”.

Биз ҳам арслон эмасмиз, лекин бизга Арслоннинг ўкиришига қўшилиш шарафи берилди. Фақатгина Исо Масих Яхудо қабиласининг Арслони ҳисобланади. Биз Унинг ўкиришини садо билан тақоролайдиган издошлармиз. Бизнинг Рabbимиз – Арслонни, нима ўкиришга мажбуралаши мумкин? Бу саволга ёввойи арслон ва шерларни ўкиришга нима мажбуралашини билиб олганимиздан сўнг жавоб бера оламиз.

Мушуклар туркумига кирувчи бу икки вакил ўкирса ҳам, уларнинг ўкиришининг сабаби ҳар хил. Арслон ўз худудидаги хуқуқини эълон қилиш ва уни ҳимоялаш учун ўкиради. Зулмат яқинлашганда алфа-арслон (ёки арслонлар) туради, бошини эгади, тунги ҳаво билан ўпкасини тўлдиради, сўнг ўкиради. Бу товуш унга тегишли бўлган барча ерларгача бориб етади ва шундай деб равшан эълон қиласди: “Мен жангга тайёрман ва кучлиман. Мен ўз ўрнимдаман ва ўз худудимни, ўз подамни ҳар қандай эътиroz билдиришга ҳадди сикқандан ҳимоя қилишга тайёрман. Менинг шерларимни ёки болаларимни ўғирлашга уринаётгандарга шунчаки сустлик билан қараб ўтирмайман. Оиламиз аъзоси бўлмаган фирибгарлар ноконуний равишда бизнинг ўлжамизни ўзлаштира олмайдилар.

Арслоннинг ўкириши сиртлонни ваҳимага солади. Унинг қудрати уяда ҳам, ундан узоқда ҳам сезилади ва саваннанинг гира-ширасида яшириниб ўтирган барчани, хужумни ҳеч ким ёқтираслигидан огоҳлантиради. Унинг ўкириши, келиши мумкин бўлган душманларни даҳшатга солади ва уларга чегарани яхшилаб тушунтириб қўяди.

Арслонлар уларнинг тўдаси қаердалигини аниқлаш учун ҳам ўкирадилар. Бундай ҳолда ўкириш куйидагича тушунтирилади: “Мен бу ердаман. Сизлар эса қаердасиз?” Ўзининг шерлари ва болалари ҳам унга жавобан ўкирадилар.

Ўкиришнинг кучи ва қудрати арслон ҳақида қўп нарсани билдиради. Ўкириш орқали арслоннинг ҳажмини, ёшини ва жисмоний ҳолатини аниқлаш мумкин. Аслида унинг ўкириши шундай дейди: “Сен мени кўрмаётганингни биламан, бироқ сен буни эшитаяпсанми ва сезаяпсанми? Менга яқинлашма!” Ва ниҳоят энг муҳими: арслон унинг жаҳлини чиқарганда ўкиради.

Бу сатрларни ёзар эканман, Исони Худонинг уйига нисбатан рашики Уни қанчалик тирнаётганини кўрсатадиган ҳолатни эсламай бўл-

майди. Бизнинг рашкимиз ҳам Уницидек даражадами – биз ҳам бoshimizni эгиб, ўпкамизга ҳаво тўплаб, У билан муносабатларимиз қандайлигини эълон қилишга тайёрмизми?

Ургочи шерни нима ўкиришга мажбуrlайди?

Арслонга ўхшаб, у ҳам ўз худудидаги ҳукуқни ва унинг ҳимоясида турганини билдириш учун, шунингдек тўдадаги аъзолар билан муносабатини аниқлаш учун ўкиради. Қолаверса, у душманларнинг ҳужумини енгиш учун бошқа шерларни ёрдамга чақириш учун ўкиради. У адашиб қолган болаларини чақириш учун ўкиради. Бироқ у кўпинча – болаларининг ҳимояси учун ўкиради.

Буни ифодалаш учун, шерларнинг одатларини икки йил давомида ўргангандардан бир парча келтираман.

“Шерлар болаларни ўлдиришга мойил бўлган арслон билан дуч келганда, уларни ҳимоя қилиш осон бўлиши учунгина бирлашмайди, лекин яна улар бирга ўкириб, бундай воқеа содир бўлишини камайтиради”.

Битта шернинг ўкириши арслон томонидан нотўғри тушунилиб, уни ковушиш учун таклиф киляпти деб ўйламаслиги учун, шерлар биргаликда ўкирадилар. Шер яна нимани истайди, унинг боласини ўлдириб, тўдада биринчиликни қўлга олмоқчи бўлган арслонни чалғитиш учун ўкиради. Ёлғиз кезиб юрадиган арслонлар, шер у билан тезроқ қовушиши учун, кўпинча унинг болаларини ўлдиради (чунки шерлар ҳали ўз наслини катта қилаётган экан, арслон билан қовушмайди). Бу арслонга тезроқ ўз авлодини бошлаш имконини беради.

Ҳайвонларнинг ҳатти-харакатни таҳлил қиласидаган мутахассислар, илгари шерларнинг бирлашишига сабаб бўладиган омил, бу яхшироқ ов қилиш деб ҳисоблар эдилар. Ҳозир эса олдинги текширувларнинг хулосаларини шубҳа остига қўйиб, шерлар биринчи навбатда фарзандларини ҳимоя қилиш учун, факат шундан кейин – овлаш кучини йигиш учун бирлашадилар деб ҳисоблайдилар.

Шерлар биргаликда ўкиришидан мақсад – фарзандларини ўлимни ва уларга зарап етишини олдини олиш эканини ўқиганимда, йиғлаб юборишимга сал қолди. Бу ўрганишлар натижасида, учта шер биргаликда ўкирса, шерга халақит бера олиши аниқланди.

Бу нимадан далолат беради?

Биз ёлғызлигимизда – химоясизмиз. Ёнимизда дўстимиз ёки дугонамиз бўлса – хавфнинг юзига дадил қарай оламиз. Лекин учинчи кишини топа оласанми? Учта ип бирга эшилса, уни узилиши қийин (Воиз 4:12, Message таржимаси).

Шерлар якка юрса ҳалок бўлишини билар экан, унда нега биз бу қадар мустақил бўлишга интиlamиз? Биз биргаликда ўз наслимизни ўлимдан ва шикастдан асраб қолишимиз мумкин. Бир-биrimizдан узоқда, бунга эришишнинг бутунлай имкони йўқ.

Агар бу чиндан ҳам шундай бўлса, нега бир-биrimizга муҳтожлигимизни тан олишдан бунчалик қўрқамиз? Биз улкан оломон тузишимиз шарт эмас – ўша оломон учун дунёни ўзgartiriш йўлида бор-йўғи, бир неча бегараз, астойдил ҳаракат қиладиган одамлар керак холос.

**Бир неча бефарқ бўлмаган одамлар дунёни ўзgartира олишига, ҳеч қачон шубҳаланманг. Аслида манашу одамлар дунёни доим ўзgartiriб келган.**

— МАРГАРЕТ МИД

## ИБОДАТ ЎКИРИШИ

Факат қариндошлик ришталари билан боғланган шерлар дадил ўкиришга ҳаддилари сиғади. Улар нафақат бирга ўкириш учун овозга, қолаверса опа-сингилларининг мададига ҳам муҳтож бўлади.

Хуллас, биз Худонинг шерлари, нима учун ўкиришимиз зарур?

Биз Унинг құдратли ҳукмронлигини ва биз Унга тегишли эканимизни эълон қилиш учун овозимизни кўтарамиз. Биз йўқолганларни чақириш учун ўкирамиз. Бизнинг ўкиришимизни эшитиб, адашгандар ва ёшлар бизнинг химоямизга қайтиб келадилар. Биз чақирилмаган меҳмонлар, душманлар ва ўғриларга йўл бермаслик учун ҳавони ларзага соламиз. Биз ўз наслимизни ўлим ва шикастдан химоя қилиш учун биргаликда товушимизни кўтарамиз. Биз зулмат билан учрашганда, жим ўтирумаймиз.

Юқорида келтирилганлардан кўра яна салмоқлироқ сабабни тасаввур ҳам эта олмайман. Заифлар учун овозимизни кўтариш масъ-

## Пичирлашдан ўкиришга ўтиш

улияти бизга юкланган бир пайтда, жим ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Кеч тушиб қолди. Биз ухлаб ётганимизда, зулмат бемалол тарқалиб юрди. Энди биз уйғонганимиздан сўнг, Худонинг нури тарқалишида У бизнинг кучимизни қўпайтириши учун илтижо қилишимиз зарур. Ибодат қилиш бизнинг учрашувларимизнинг энг муҳим сабаби бўлиши лозим. Бу жангни олиб боришимиз учун бизга Самодан ҳимоя, донолик ва тўғри режа талаб этилади.

Исо шундай деган: “Раббий Худойингни бор раşкинг, ибодатинг ва фаҳмлашинг билан севгин” (Матто 22:27, Message таржимаси).

Биз товушимизни ўкириш қадар баландлатишимиз учун учта амалий усул: раşк, ибодат ва мулоҳазалилик. Ҳаётимизда манашу учта соҳани ёритганимизда, то ниҳоят, Худога бўлган севгимиз раşк қадар ва шу билан биргаликда мулоҳазалилик ибодатлари орқали на-моён бўлмагунича, аста-секинлик билан ўзаро қўшилиб бораверади.

Биз кўпрогига ишониб, камроғидан бошлаймиз. Худованд икки ёки уч киши йиғилган жойга келишни ваъда берган. Ибодат мақсадни тўғри танлаш ва стратегик режаларни амалга ошишини таъминлашга замин яратади. Шер опа-сингилларим, сиз ҳеч бўлмаганда иккита аёлни топиб, бирга, ҳеч бўлмаганда телефон орқали ибодат қилишга қодирлигингизга ҳеч шубҳам йўқ.

Биз туриб, йигилиб ва овозимизни кўтаргунимизча, Худованд учта кишидан иборат гурухларни тез орада ўттиз кишилик гурухларга айлантиrsин. Сўнgra ўттиз кишилик гурухлар ўн ҳиссага қўпайиб, уч юз кишилик гурухларга айлансин. Биз бир қўшин бўлиб, ибодатимиз ердан осмонга қудратли ўкириш билан кўтарилмагунича, уч юздан, уч мингтага, сўнг ўттиз мингтагача ўсиб борсин. Исо Масих бўлмиш Арслоннинг ўкиришини акс-садо билан такрорлаш вақти келди.

Шерларга ўхшаб уйкудан туринг,  
Сиз худди ўт поясига ўхшайсизлар,  
Қора тушлар жодуларини тарқатинг,  
Ўз кишанларингиз зулмини қоқиб ташланг,  
Сиз кўпчиликсиз – душман сони эса саноқли!

Перси Биши Шелли



«Мессенжер Интернэшил» одамларга, оилаларга, жамоатларга ва халқларга Худо Сүзининг ўзгартирадиган кучини англашга ва бошдан кечиришга ёрдам бериш учун яшайди. Бу ўзгаришлар орқали одамларнинг ҳәёти куч билан тўлади, жамият ўзгача тарзда шакллана бошлайди, дунёдаги адолатсизликларга баланд овоздаги жавоб келади.



Кўпроқ истайсизми? Сканер қилинг:

[CloudLibrary.org](http://CloudLibrary.org)

**Cloud Library** – бу бутун дунёдаги хизматкорлар, ўз она тилида рақамли манбаларга эга бўлишига имкон яратадиган онлайн-платформа ҳисобланади.

**CloudLibrary.org** саҳифасида сиз Жон ва Лиза Биверларнинг **100** дан ортиқ тиллардаги манбаларини топишингиз ва уларни осон юклаб олишингиз мумкин.

**Электрон китоблар, видео ва аудиотаълимотлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб...**



# ҚИЛИЧ ТУТГАН ҚИЗЛАР



Худонинг сўзи – бу қилич, биз ундан фойдаланишдан кўра, кўпроқ уни ўрганишни афзал кўрамиз. Аёлларга қилич бериб, улар қай тарзда осмон ва ерни бирлаштиришини қузатиш вақти келди. Бутун дунёда аёллар хурофот, жинсий қуллик савдоси, зўравонлик ва камситилиш нишони ҳисобланадилар. Лиза Бивер, бу ҳужумлар аёлларнинг ўтмишда ким бўлганидан кўра, кўпроқ келажакда ким бўлишидан дарак беради. «Қилич тутган қизлар» китобида у, душман қай тарзда инсониятнинг аёл қисмини барча поғоналарда қуролсизлантиришга уринаётганини тушунтирган. Аёллар, Худо уларга берган довюраклик, ақл, кечиrimлилик ва донолик билан – қаҳрамон бўлиш вақти келди. Қўлга қилични олиб, қаҳрамон бўлиш вақти келди.

Жон ва Лиза Биверларнинг манашу китобини ва бошқа манбаларни CloudLibrary.org «Messenger International» хизматининг сайтида бепул томоша қилишингиз ва уларни юклаб олишингиз мумкин.



## Үйғонинг

Қудрат, иштиёқ ва гўзалликнинг тимсоли бўлмиш – шер уйқудан үйғонмоқда. Унинг ҳақоний табиати – уни ўраб турган дунёга буйруқ бериш, наслини ҳимоя қилиш ва арслонга куч бағишилашдир. Шерлар жамоаси, ўзининг атрофидаги дунёга таъсир кўрсатиш учун бирлиқда ҳаракат қиладилар.

### Сиз ҳам – шерсиз

«Шерларнинг үйғониши» китобида Лиза Бивер, шернинг тасвири ва ҳаёти, қатъиятли, шу билан бирга мулойим аёлнинг тасвирини тақдим этади. Бу ажойиб жонзор ҳақидаги кутилмаган маълумотлар билан, Лиза аёлларни мақсад, интилиш ва жасоратни қўлга киритишга чорлаган.

Бу мактуб орқали сиз қўйидаги имкониятларни билиб оласиз:

- Куч ва қудратнинг лол қолдирадиган намунаси бўлиш
- Етукликка етмаганларни жон-жаҳд билан ҳимоя қилиш
- Овозсизларнинг овози бўлиш
- Ёруғлиқда яшаб, қоронгулиқда ов қилиш
- Атрофдаги ҳамма нарсани ўзгартирадиган умумий ўкиришни кўтариш

Ёввойи табиатдан олинган ажойиб ўхшашликлар ва Муқаддас Китобдан шер ҳақидаги теран матнлар билан тўла “Шерларнинг үйғониши” китоби – аёлларни бирлашиб, Ерда абадийга кучни қўлга киритишга чорлади.

### Биз – Унинг үйғонаётган шерларимиз



*Иштиёкли табиат. Файритабиийликларга мойил.*

Одамларга яқин. Кучли. Мароқли. Бу сўзлар, бутун дунёга машҳур нотиқ, оммабоп ёзувчи ва дунёнинг 216 та давлатида эфирга узатиладиган «Элчи» теледастурининг асосчиларидан бири – Лиза Биверни таърифлайди.

Лиза одамларнинг юраклари эркинлик ва ўзгариш билан тўлиши мақсадида, ўзгача таъсирли услубда Худонинг сўзлари ва шахсий ҳаётидаги тажрибалар билан бўлишган. У адолат ҳимоячиси сифатида, бошқаларни кундалик муаммолар ва қийинчиликларга жавоб бўлиш учун йўналтиради.



Бепул юқлаш ва видео томоша қилиш учун  
CloudLibrary.org саҳифасига ташриф буюринг.



Cloud Library



Бу китоб – муаллифдан тухфа.  
Сотиш ман этилади.

Кўпроқ истайсанми?  
Сканер кўнинг:

